

# ЖОН БИВЕР

“Шайтоннинг хўраги” оммабоп китобининг муаллифи

# ЯХШИЛИК ЁКИ ХУДО?

НИМА УЧУН ХУДОСИЗ ЯХШИЛИК ЕТАРЛИ ЭМАС?

Азиз дўстим.

Бизлар Худога келганимизда, У бизнинг ҳаётимизнинг ҳамма соҳасини ўзгартиради! Бизлар Исо Масиҳнинг ҳукмронлиги остида бўлиб ва ҳар куни унинг иноятида яшаб, тўкис ҳаётга эгамиз.

“Яхшилик ёки Худо?” – шунчаки оддий китоб эмас. Бу – одамларни бутун дунё бўйлаб тарқалган муқаддаслик ҳаракатига қўшилишга руҳлантириши мумкин бўлган мактубдир. Сиз бу мактуб ҳақида етакчиларга, жамоатларга, ўз оиласизга, дўстларингизга ва атрофингиздагиларга айтиб, бу ҳаракатга қўшилишингиз мумкин.

Кичкина мактабда бир нечагина одамларга таълим берган биргина одам – ҳаворий Повулнинг ўзи, Асиядга яшайдиган ҳамма одамларга бор-йўғи икки йилда етишиши учун етарли эди! Улар Худонинг Ҳузурини ўзларида олиб юрувчи одамлар бўлдилар (Ҳаворийлар 19:1-10ни ўқинг). Агар бизлар Унга ўзимизнинг умумий интилишимизда бирлашсак, Худо бизлар орқали нелар қилишга қодир?

Раббий менинг юрагимни сиз билан ва бутун дунёдаги бошқа етакчилар билан шу мактубни ўртоқлашишимга руҳлантириди. Ўзингиз билган ҳар бир одам билан шу мактубни ўртоқлашишингиз учун мен сизни у билан таъминламоқчиман. Марҳамат, уни, менинг бор муҳаббатимни ва қўллаб- қувватлашимни қабул қилинг. Бу мактуб сизга ва сиз ғамхўрлик қилаётган одамларга қандай таъсир қилганини мен сиздан эшлишни истар эдим.

Исо Масиҳдаги сизнинг биродарингиз



Жон Бивер

JohnBevere@ymail.com



**MESSENGER**  
INTERNATIONAL  
[MessengerInternational.org](http://MessengerInternational.org)



**ЯХШИЛИК**  
*ЁКИ*  
**ХУДО?**



## **“Яхшилик ёки Худо?” китоби ҳақида**

«“Яхшилик ёки Худо?” – бу Ёзув бўйлаб қудратли саёҳат бўлиб, у сизни мулоҳазага чорлайди ва яхши ҳаёт кечириш нималиги ҳақидаги тушунчага сизнинг назарингизни ўзгартиради».

— МАРК БАТТЕРСОН, “New York Times” нашриёти фикрига кўра оммабоп бўлмиш ”The Circle Maker” китобининг муаллифи.

«“Яхшилик ёки Худо?” – бу зийракликнинг ажойиб дарси бўлиб, у Раббийни ва сизнинг ҳаётингизга нисбатан Унинг мукаммал иродасини излашингизга сизни чорлайди.»

— Жойс МАЙЕР, Муқаддас Ёзув ўқитувчиси ва оммабоп китоблар муаллифи.

«Жон Бивер –хурматли ўқитувчи, етакчи ва муаллиф бўлиш билан бирга, шунингдек, у ажойиб дўст ва Худонинг Шоҳлигини қуриш бўйича ҳамкорdir. У ҳар бир одам шунчаки яхши ҳаёт кечиришини эмас, балки сизнинг имонингизни кўпайтирадиган ҳамда Исо Масих сиз учун тайёрлаб қўйган нарсаларга дадиллик билан боришга сизни чорлайдиган – Худодаги ҳаёт билан яшашни қўриш истагига тўладир. Жоннинг таълимоти ва унинг шахсий ваҳийлари сизга Худонинг иродасига янгича назар ташлаш имконини ва сизнинг келажагингиз учун энг аъло режаларни беради».

— БРАЙАН Хьюстон, “Хиллсонг” жамоатининг бош чўпони.

«Мен Худога севгилари туфайли мислсиз ишларни қилган одамларнинг тарихларини ўқиганимда, мен уларнинг орасида бўлишни исташимни англаб қоламан. “Яхшилик ёки Худо?” китоби арzon сохта нарсалардан қониқмасдан, Худода бизлар учун бор бўлган энг яхши нарсаларни астойдил қабул қиласиган ҳар бир одамнинг онгига ва юрагига нима содир бўлишини сўзлайди. Агар сизнинг қалбинингизда Худони билиш ва Унга дадиллик билан хизмат қилиш истаги ёнаётган бўлса, мен сизга бу китобни ўқиб чиқишини тавсия қиласман».

— ЖОН МАКСВЕЛЛ, оммабоп китоблар муаллифи ва нотик.

«Жон Бивернинг “Яхшилик ёки Худо?” китоби, Худо бизлар учун тайёрлаб қўйган нарсалардан камига кўнмасликка бизларни даъват қилади. Жон бизларга агар Худони изласак, Уни топиши мизни эслатиб, ажойиб ишни амалга ошириди».

— Жентезин Франклайн, “Free chaple” жамоатининг бош чўпуни ва “New York Times” нашриёти фикрига биноан оммабоп бўлган “Рўза” китобининг муаллифи.

«“Яхшилик ёки Худо?” китоби сизни қалбингизнинг тубигача ларзага келтиради. Агар сиз вақтингча ишингизни йифиштириб қўйишни истамасангиз, бу китоб сиз учун эмас. Лекин сиз абадий келажагингизни ўзгартиришни истасангиз, унда бу китобни ямлаб-ютинг. У сизнинг ҳаётингизни ўзгартиради!»

— Кристин Кейн, “Компания A21”нинг таъсисчиси ва “Тўхтатиб бўлмайдиган” оммабоп китобининг муаллифи.

«Диққатни торгадиган. Аниқ. Мухим. “Яхшилик ёки Худо?” китоби бизнинг мақсадимиз яхши бўлишгина эмаслиги ҳақидаги жуди муҳим ҳақиқатни эслатади. Бу китоб одамлар учун дунёвий ахлоққа асосланган ҳаётни, фақат Исо Масихдан келадиган бошни айлантирадиган даражадаги ҳаётга алмаштириш имкониятини биринчи ўринга қўяди».

— Луи Гиглио, Жоржия, Атлантадаги “Passion City Church” жамоати чўпуни ва “Passion” конференциялари асосчиси.

«Зулматда ёкилган гугурт каби Жон Бивер Худонинг ҳузури на-моён бўлишига йўлни ёритади, ўқувчидা факат Худо билан яқин муносабатларгина қондира оладиган қайноқ истак уйғотади».

— Нозир Т.Д.Жейкс, “T.D.J Enterprises” ташкилоти директори ва “New York Times” нашриёти фикрига кўра оммабоп китоблар муаллифи.

«Худонинг яхшиликлари бизларни ўраб туради, лекин биз буни ҳақиқатдан ҳам англай олаяпмизми? “Яхшилик ва Худо?” китобида, Жон Бивер яхши бўлиш нима эканлиги ва яхшиликнинг Худога

қандай алоқаси борлигини таҳлил қиласи. Бу муҳим китобни ўқиши жараённида, Худо сиз учун тайёрлаб қўйган энг яхши нарсаларни излашга қизиқиши, чорлов ва руҳланишни ҳамда буларни бошқалар билан ўртоқлашиш истагини хис қиласиз».

— Крейг Гречел, “LifeChurch.tv” жамоатининг бош чўпони ва “Бундан бўён” ҳамда “Муқаммал никоҳнинг беш шарти” китобларининг муаллифи.

«Жон Бивер яна Масих танасини мўъжизавий, хаётни ўзгартирадиган ҳаракатга чорлади. Ўзининг янги “Яхшилик ёки Худо?” китобида, у Худо билан муносабатларга қандай қилиб тўлиқ берилиш ва ҳаётнинг ҳамма соҳаларида энг баланд стандартга эришиш мумкинлигини кўрсатади».

— Мэтью Барнетт, Калифорния, Лос Анжелесдаги “Angelus Temple” жамоати бош чўпони ва “Орзулар Маркази”нинг таъсисчиларидан бири.

«Жон Бивер “Яхшилик ёки Худо?” китобида, бизни Худонинг эзгулиги ҳақидаги тушунчамизни қайтадан ўйлаб қўришга ва Унинг стандартлари ўрнига ўзимизнинг стандартларимизни ўрнатган соҳаларни тан олишга мажбур қиласи. Муқаддас Ёзувга асосланган чуқур донолик ва ўз заифликлари мисолида Жон ўқувчиларни яхшилик ҳақидаги дунёвий, сохта тасаввурлардан воз кечишига ҳамда ўз юракларини Самовий Отамизнинг муқаммал муқаддаслигига бўйсунишга руҳлантиради. “Яхшилик ёки Худо?” китобини, у учун Худо тайёрлаб қўйган энг яхши нарсадан бошқасига кўнмайдиган Масихнинг ҳар бир издоши ўқиб чиқиши лозим».

— Крис Хожес, “Church of the Highlands” жамоати бош чўпони ва “Тоза ҳаво” ҳамда “Тўртта чашка” китоблари муаллифи.



**ЖОН БИВЕР**

**ЯХШИЛИК  
ЁКИ  
ХУДО?**

НИМА УЧУН ХУДОСИЗ ЯХШИЛИК ЕТАРЛИ ЭМАС

Good or God? by John Bevere, Uzbek

© 2016 Messenger International

[www.MessengerInternational.org](http://www.MessengerInternational.org)

Originally published in English as Good or God?

Additional resources in Uzbek by John Bevere are available

for free download at: [www.CloudLibrary.org](http://www.CloudLibrary.org)

To contact the author: [JohnBevere@ymail.com](mailto:JohnBevere@ymail.com)

“Яхшилик ёки Худо?” Жон Бивер, ўзбек тилида

© 2016 Messenger International

[www.MessengerInternational.org](http://www.MessengerInternational.org)

Илк бора инглиз тилида «Good or God?» номи билан нашр этилган

Жон Бивернинг қўшимча манбалари қўйидаги сайтда бепул

юклаб олиш учун мавжуд: [www.CloudLibrary.org](http://www.CloudLibrary.org)

Боғланиш учун муаллифнинг электрон манзили:

[JohnBevere@ymail.com](mailto:JohnBevere@ymail.com)

Мен бу китобни ўғлимиз...  
Арден Кристофер Биверга бағишилайман.

Сен эътиборли, кучли, мулойим, доно одамсан.  
Сен азоб тортаётганларга нақадар  
сезгир эканлигингга мен лол қоламан.  
Ўғлим, мен сен билан фахрланаман ва сени  
абадий яхши кўраман.



## **МУНДАРИЖА**

Кириш .....	17
1. Яхшилик бу нима? .....	19
2. Бу қандай содир бўлди?.....	31
3. Яхшиликнинг умумий стандарти .....	45
4. Пойдевор.....	63
5. Истакка эга бўлишнинг ўзи етарлими?.....	81
6. Бизнинг ички навигаторимиз.....	97
7. Бизларни раشك қилувчи.....	115
8. Дўстлик .....	131
9. Одамлар четлаб ўтишга ҳаракат қиласиган ҳақиқат .....	151
10. Ёқилғи .....	169
11. Яхши ёки фойдали? .....	191
12. Муқаддас хаётнинг нақши?.....	205
13. Бизни ҳаракатлантирувчи кучимиз.....	221
14. Бизнинг параметрларимиз.....	241
15. Фарқлаш.....	261
16. Катта манзара .....	279
Ўқиш ва муҳокама қилиш учун саволлар.....	285



## МИННАТДОРЧИЛИК

Менинг хотинимга, болаларимга ва набираларимга: сизларнинг ҳар бирингиз – бу Худодан инъомдир, сизлар менинг ҳаётимни ғайритабиий равишда бойитдингизлар. Мен сизларни абадий севаман.

Ўз гурухимга, идора ходимларига ва Messenger International хизмати шерикларига: Мен билан Лизани қўллаб-қувватлаётганларингиз учун раҳмат. Бизлар Худодан Исо Масихнинг шарафли Хушхабари билан дунёнинг ҳалқларига етишиш йўлини бизлар билан бирга бўлишаётган сизлар каби дўстлардан содикроқ ва ҳақиқий дўстларни сўрай олмаймиз.

Брюс, Жейлинн, Винсент, Эллисон ва Лоран: ўз мухаррирлик маҳоратларинг билан мазкур китобни чархлашдаги тиришқоқ уринишларинг учун сизларга раҳмат. Мен сизлардаги Худонинг инъомларига қойилман.

Алланга: Мазкур китоб муқовасидаги зўр таассурот қолдирадиган – аниқ ва стилли дизайн учун раҳмат.

Эддисонга, Колинга, Эстерга, Томга, Мэтга, Арденга, Алланга, Жейлинга ва Довудга: мазкур китоб яратилишининг ҳар бир босқичида ўқиб чиққанингиз ва қийин масалаларда сизларнинг доно ҳамда соғлом фикрли маслаҳатларингиз учун раҳмат.

Томга, Эстерга, Аддисонга, Остинга ва Жонга: мазкур китобнинг нашр қилиниши ва маркетинги жараёнида сизларнинг ҳиссаларингиз ҳамда соғлом фикрли доноликларингиз учун раҳмат.

Роб ва Ванессага: мазкур китобнинг ҳалқлар аро тарқатишда ҳоримасдан меҳнат қилаётганларингиз учун раҳмат.

Бизнинг Отамиз, Раббимиз Исо Масих ва Муқаддас Рухга: бизларнинг гуноҳларимиздан мутлақ нажот топганимиз учун, бизни Ўз фарзанди қилгани учун ва мазкур номани Ўз севимли ҳалқига бергани учун раҳмат. Бор шараф Сизга бўлсин.



## **КИТОБ ҲАҚИДА**

“Яхшилик ёки Худо?” китобини бир жилдидан бошқа жилдига-ча бошқа китоблар каби ўқиб чиқиш мумкин. Мен мазкур китобнинг охирида, бу китобдан интерактив дарслик сифатида фойдаланишни истайдиганлар учун қўшимча материал киритдим. Бу материални индивидуал равищда ёки гуруҳда ўрганиш мумкин. У олти хафталик курс учун яратилган эди, лекин сиз уни ўз эҳтиёжингизга кўра ўзингизга мослаштириб олишингиз мумкин.

Ҳар бир ҳафта қўйидагиларни ўз ичига олади:

- Гуруҳда муҳокама қилиш учун индивидуал фикр юритиш учун саволлар.
- Худо билан шахсий вақт ўтказиш вақтида ҳар ҳафталик ибодат ва Муқаддас Ёзувни ўқиши.
- Фикр юритиш: ҳафта давомида ўйлаш учун оят.
- Қўллаш: олинган билимларни ўз кундалик ҳаётида қўллашинг оддий усули.

Ҳафта давомида ўқилиши лозим бўлган боблар муҳокама қилиш учун берилган саволлардан олдинда кўрсатилган.

Агар сиз бу китобни “Яхшилик ёки Худо?” ўкув курсининг бир кисми сифатида ўқиётган бўлсангиз, биз сизга ҳафтасига бир марта ўқув дарсини кўришни ёки эшитишни ва китобнинг охирида жойлаштирилган муҳокама учун саволларга жавоб беришингизни тавсия этамиз. Сўнгра гуруҳнинг ҳар бир аъзоси кейинги учрашув олдидан навбатдаги бобни ўқиши мумкин. Бир ҳафта давомида бир бобни ўрганиш тавсия қилинади.

**Лаззатланинг!**



# КИРИШ

Якин орада мен телефон орқали америкалик бир жуда хурматли, машхур етакчи билан сұхбатлашдым. Биз энди хайрлашаёттан әдикки, у күтилмаганда деди: “Жон. Бир дақиқа шошма. Мен сенга бир гапни айтишим керак. Сен кейинги йигирма йил ичида жуда күп китоб ёздинг ва энди яна бир китобни ёзишиңг шарт. У хар доимгидан-да мухим, жамоат учун башорат сўзи бўлади; бу сенга самолардан топширик”.

У ҳали сўзлашни тугатиб улгурмаган әдикки, мен Худонинг хузуридан өхтиромда тиз чўкиб тураг эдим. Шу қўнғироқдан сўнг бир неча хафталар давомида, менинг ичимда китоб ёзиш истаги тобора алангаланиб борди.

Мазкур китобнинг туб маъноси бир саволда мужассамдир: Агар яхшилик бўлса, яна бирор нарса керакми?

Хозирги кунларда яхшилик ва Худо сўзлари қарийб синоним бўлиб қолди. Биз ўйлаймизки, агар жамият ниманидир яхши деб хисобласа, демак, албатта, Худо буни маъқуллаши лозим. Сахийлик, бўйсунувчанлик ва адолатлилик – бу яхши. Худбинлик, манманлик ва золимлик – бу ёмон. Фарқи аниқ ва равшандек туюлади. Лекин бори шуми? Агар яхшилик бу қадар аниқ бўлса, унда нега Муқаддас Ёзууда яхшилик ва ёмонликни фарқлашимиз кераклиги ёзилган? (Ибр. 5:14га қаранг).

Ҳаворий Повул ёзган: “Бу дунё билан тенглашманглар, балки онгингизни янгилаш орқали тубдан ўзгaringлар, токи сизлар Худонинг яхши, маъқул ва комил иродаси нима эканлигини фаҳмлаб олинглар” (Рим. 12:2). Бизнинг онгимиз янгиланмагунича бизлар ҳаётимиз учун нима ҳақиқатан яхши эканини фарқлай олмаймиз. Онгимизнинг янгиланиши орқали ўзгаришсиз – бизлар Исо Масихда бизларга берилган ажойиб ва Худога тўла ҳаётдан маҳрум бўламиз.

Дунё яралишидан олдин Худо сизнинг ҳаётингиз режасини тузди. Бу режада аниқ мақсад, чексиз қувонч ва буюк қоникиш бор

ҳамда Худонинг иродаси билан бирга, у сиз учун мутлақ ва тўлиқ яхшидир. Лекин Худонинг аъло нарсаларини олишимизга тўсқинлик қиласидиган сохта яхши нарсалар ҳам бор.

Афуски, бизлардан кўпчилигимиз сохта нарсалардан қоникиб яшаймиз. Шунчаки яхши туюлган нарсаларнинг ортидан қувиб, бизлар ўйламаган ҳолда(баъзан эса ўйлаб ҳам) биз Худони рад қиласиз.

Биринчи жамоатнинг етакчилари бизни бир неча бора алдов ҳақида огоҳлантирган эдилар(алданиш бу аслида биз ҳақиқатга кўра яшамасак-да, ҳақиқатга кўра яшяпмиз деб ишонишдир). Исо Масихнинг Ўзи бизнинг давримизда ёлғон шу қадар маҳорат билан тўқилган бўлиши, ҳатто танланганлар ҳам унинг ўлжаси бўлиши ҳақида огоҳлантирган эди. Бу огоҳлантиришларга енгилтаклик билан қараб бўладими? Биз алдовга берилмаймиз ва яхшиликни ёмонликдан ички хис билан сезиб ажратса оламиз, деб ўйлаб, буларга кўл силтай оламизми?

Яхши хабар шундан иборатки, Худо бизлардан энг аъло нарсаларини яширишга ҳаракат қилмайди. У кўзимизга кум сочмайди. У ваъда бермоқда: ким изласа, у топади. Агар биз ўзимизни ҳақиқатни излашга бағишиласак, унинг акси бўлмиш ёлғон бизларни кутилмаганда қамраб ола олмайди. Гап шундаки, бизлар ҳақиқат Манбаига қараймизми ёки Худо ҳақидаги ва Унинг эзгу иродаси ҳақидаги юзаки билан чекланамизми? Мен умид қиласманки, бу китобни ўқиётисиб, Худо сиз учун тайёрлаб қўйган энг аъло нарсалардан камига рози бўлмаслик ҳақидаги қарорга янада кучлироқ мустахкамланасиз.

Ўқишингиздан олдин, келинг, бирга ибодат қиласиз.

Ота, Исо Масих номи билан сўрайман, менинг кўзларимни, қулоқларимни ва юрагимни очгин, токи менинг ҳаётимга нисбатан Сенинг иродангни кўра олай, эшига олай ва қабул қила олай. Муқаддас Рух, мен бу китобни ўқиётганимда Исо Масихнинг йўлларини менга мустақкам ва аниқ ўргатгин. Мен Сенга ўз Устозим сифатида қарайман. Менга мазкур китобнинг ҳар бир гапи орқали сўзлагин. Менинг ҳаётим абадий ўзгарсин. Омин.

# ЯХШИЛИК БУ НИМА?

Биргина Худо Яхши!

— Марк 10:18 (янги ўзб. таржима)

Борлиқдаги ҳамма нарса – Худонинг  
табиатига мувофиқ бўлганидагина  
яхшидир, Унга мувофиқ бўлмаганида  
эса – ҳамма нарса ёмондир.

— А.У.Тозер

**Я**хшилик ва ёмонлик. Бизларнинг ҳаммамиз буларнинг фарқини биламиз, шундай эмасми? Ахир бизлар бу дунёга нима яхши ва нима ёмон эканлиги ҳақидаги туғма билим билан келмаймизми?

Мен жамиятда “ҳамма одамлар ичларида яхши”, деганларини тез-тез эшитиб тураман. Бу тўғрими? Биз биламизки, одамларнинг эзгулигини ёритадиган бадиий ва хужжатли фильмлар ҳамда телекўрсатувлар бизларнинг кўнглимизга ёқади. Мен ёмонлик яхшиликнинг устидан ғалаба қозонган бирор машхур хикоя, роман ёки фильмни билмайман.

Бизларнинг ҳаммамиз яхши йигитлар мاشаққатли синовлардан ўтаётганларини кузатиб улғайганмиз. Ҳамма ёвуз одамлар уларга қарши кўтариладилар, уларга муқаррар мағлубият хавф солмокда, қўпинча босим саҳнанинг охиригача пасаймайди, аммо тўsatдан бизнинг қаҳрамонларимиз ғалабага ваadolатга ёриб чиқадилар. Бизлар шундай хотималарни кутар эдик ва уларга қарсак чалар эдик. Бизлар доимо яхшиликнинг ғалаба қилишини кутар эдик, ахир Худо яхшилик томонида, шундай эмасми?

Кейинги йилларда продюсерлар ва телеканаллар ўзгаришларни намойиш қилувчи реалити шоуларни тақдим этиб трендни олға сурдилар. Ҳаммаси жанжалга тўла оиласда мухит қандай соғломлашаётганини кўрсатадиган телешоудан бошланди. Бизлар, қашшоқ ва муҳтожларга ёрдам берәётган саховатпешаларнинг сахийлигига қойил қолиб ва таҳсин ўқиб, гўё ёпишиб қолгандек телевизорларимиз экрани олдидা ўтирар эдик. Биз шоу қатнашчиларининг ҳаётлари ўзгарганида қандай шок ҳолатига тушиб қолишларини олдиндан тасаввур қилишга ҳаракат қилар эдик ва воқеа ечими лаҳзаси келганида ҳамда баҳтсиз одамлар ўзларининг янгиланган уйларига баҳтли назар ташлаётган вақтда ҳўнграб йиғлар эдик. Сўнгра бошқа шоу бошланар эди, бу шоуда семизлик дардига гирифтор “омадсиз”ларга сезиларли даражада вазн ташлашда ёрдам берар эдилар; сўнгра бошқа шоуларда қаҳрамонларга дид билан кийиниш, сочни турмаклаш, бўянишда ёрдам берар эдилар.

Тез орада, бу трендни машхур одамлар илиб олдилар. Тан олинган артистлар ўз вокал қобилиятлари ёки рақс тушиш маҳоратларини намойиш қилишда бошқа имкониятга эга бўлмаганлар учун йўл очиб бердилар. Биз бир соатда шов-шувга, юлдузга айланиш имкониятини қўлга киритган нотаниш номзодларга қараб қарсак чалар эдик. Накадар эзгулик, нақадар сахийлик ва олижаноб ҳаракат!

Бағрикенгликини ёритадиган, айбисизларни химоя қиладиган ёки бечораларга ёрдам бериш учун ўз вақтини курбон қиладиган ҳар қандай дастур – бир лаҳзада машхур бўлиб кетар эди. Полициячилар ёки хавфли жиноятчиларни қўлга олиш учун уларнинг изидан куваётган овчилар ҳакидаги кўрсатувлар шу рўйхатга кирди. Бу кўрсатувлар ҳам тез орада кўриш сонига кўра энг оммабоп кўрсатувлардан бирига айландилар.

Шундай қилиб, бизларга лаззат бағишлийдиган нарсанинг марказида кўпинча одамдаги яхшилик турган бўлади.

Сотув ва маркетинг асослари бизларга маҳсулот муваффақиятли ва тез сотилиши учун қойилмақом кўринишга эга бўлиши, хушбўй хидли бўлиши, хушоҳанг бўлиши, мазали таъмга эга бўлиши ва пайпаслаганда ёқимли бўлиши лозимлигини ўргатади. У харидорда ижобий ҳиссиятлар ва ҳислар уйғотиши, унга баҳт тухфа қили-

ши лозим. Биз биламизки, яхши маҳсулот барибир ўз харидорини топади. Ахир ҳеч ким ёмон нарсани сотиб олишни истамайди-ку! Фақат фирибагрлар ёмон нарсани тикиштирадилар.

Бизлар: “У яхши киши” ёки “у яхши аёл” деб эшитганимизда, одатда, бу таърифни ҳакиқий баҳо деб қабул қиласиз. Ҳиссиётга берилувчан одам осонгина ҳушёрликни йўқотади ва ўзи яхши ва эзгу деб ҳисоблайдиган одамларнинг сўзларини ва ҳатти-ҳаракатларини ишончли ва тўғри деб қабул қила бошлайди. Лекин бу баҳолар ҳамма вақт ҳам аниқ берилганми?

Ахир биз яхшини ёмон ва ёмонни яхши деб атаб, алданишимиз мумкинми? Ахир бунинг фарқи ҳар бир кишига аён эмасми? Шуниси аниқки, бизлар эзгуликни ёвузлик деб ва ёвузликни эзгулик деб адашишимиз мумкин эмас. Шундайми?

Исо Масихга мурожаат қилган бой йигит ҳикоясини ёдга олинг. Бу ҳалол, хушахлоқ одам эди. У ҳеч қачон зино қилмаган ёки одам ўлдирмаган эди, ҳеч қачон алдамас, ўғирлик қилмас, тижоратда ҳеч кимни алдамас эди. У ўз ота-онасига хурмат билан муносабатда бўлар эди. У ўз жамиятининг намунавий фуқароси эди ва эҳтимол, кўплаб одамларнинг таҳсинига сазовор эди. У Исо Масих: “Эзгу Устоз” деб атаб, Унга хурмат билан мурожаат қилди.

Бир етакчи бошқасига мурожаат қилди, бир эзгу одам бошқа бирини эзгу деб атади. У илк бора кўриб турган машҳур Устози билан умумий бўлган заминни излар эди. Эҳтимол, у ўзича: “Агар мен бу Пайғамбарнинг эзгулигини эслатиб, кўнглини ўзимга қарата олсам, У менинг илтимосимга илтифот билан жавоб беради”, деб ўйлаган. Аммо Исо Масих, йигитнинг саволига жавоб беришдан олдин, ундан Ўзи сўради: “Исо эса унга деди: —Нима учун сен Мени эзгу деб атаяпсан? Биргина Худодан бошқа ҳеч ким Эзгу эмас!” (Мк. 10:18).

Исо Масихни эзгу деб атаган одамнинг сўзини Масих тўғирлаши нима керак эди? Ахир Исо Масих эзгу эмас эдими? Албатта, эзгу эди. Нима учун у бу сўзларни айтди? “Эзгу” сўзи нотўғри фикрлаш стандарти бўлиши мумкинми? Бошқача қилиб айтганда, эзгуликнинг инсоний стандарти Худонинг стандартидан фарқ қилиши мумкинми?

Агар бизлар ўша йигитнинг ўрнида бўлиб қолсак ва Исо Масихга “Эзгу Устоз” деб мурожаат қиласақ, биз қандай жавоб олган бўлар эдик? Мен ўзим учун жавоб беришим мумкин. Мен аллақачон кўп йиллардан бўён Худонинг фарзандиман, мен бир неча бора Муқаддас Ёзувни тўлиқ ўқиб чиққанман, мен соатлаб Ёзувни ўрганаман, ҳар куни ибодат қиласман ва бор вақтимни хизматга сарфлайман, лекин барибир, мен ҳам ўша бой йигит олган жавобни олган бўлар эдим. Исо Масих менга ҳам худди шундай деган бўлар эди: “Жон, нима учун сен мени эзгу деб атаяпсан?” Мен буни қаердан биламан? Исо Масих у йигитта қандай мурожаат қилган бўлса, Муқаддас Рух менга қарийб шундай мурожаат қилди.

### **Шокка туширувчи янгилик**

Тушунтириб беришимга ижозат беринг. Бир куни, 1990йилларнинг охирида, мен Швецияга конференцияга учиб борган эдим. Бу тунги рейс эди ва мен тонг сахарда Стокгольмга қўниш им лозим эди. Учиб келганимдан сўнг, мен ўз багажимни олдим, паспорт текширувидан ўтдим ва шундоққина чиқиш жойида мени кутиб олгани чиққан ғамхўр биродарни кўрдим. Бизлар аэропортдан чиқиб улгурмасимииздан, у менга, шу йилнинг янгилиги, балки ўн йилликнинг янгилиги бўлиб қолган янгиликни айтди.

У деди: ”Жон, бу тунда, сен самолётда бўлганингда, битта жуда фожеавий ҳодиса рўй берди, менимча, сен ҳали бу ҳақида билмайсан”.

“Нима бўлди?” – сўрадим мен хавотир ва шу билан бирга қизиқиш билан.

У мен Швецияга келишимдан бир неча соат олдин содир бўлган даҳшатли автоҳалокатни менга сўзлаб берди. Бу автоҳалокатнинг курбонларидан бири, эҳтимол, сайёрадаги энг таникли ва севимли киши эди. Бу аёл нима қилишидан қатъий назар, ҳаммаси янгиликлар сарлавҳаси мавзуига айланар эди. Мен хотиним Лиза билан бирга унинг хайр-саҳоват фаолиятига тасанно айтар эдик ва рўзнома ҳамда журнallарда қизиқиш билан у ҳақида ўқир эдик. Қайд қилишга журъат этиб айтаманки, менга нафақат мақолаларни ўқиши

ёқар эди, балки унинг ҳаётини ўзида акс эттирувчи суратларни кўриш ҳам ёқар эди. Қисқача қилиб айтганда, мен бу аёлнинг катта мухлиси эдим. Ҳар дафъя, янгиликларда у ҳақида репортаж пайдо бўлганида, мен ўз ишларимни ташлаб, янгиликларни диққат билан кўрар ва қулоқ солар эдим.

Бу аёлнинг вафот этгани ҳақидаги хабар мени қалбимнинг ту-бигача ларзага солди. У ҳали ёш аёл эди, унинг кичик фарзандлари бор эди, бундан ташқари, у ёркин сиёсий арбоб эди, шу билан бир вақтда, ақлли ва чиройли аёл эди. Бутун дунёдаги ўз нуфузидан фойдаланиб, у етимлар учун ва уруш можаролари қамраб олган давлатлардаги пиёдаларга қарши қўйилган миналар қурбонлари учун жуда кўп эзгу ишлар қилас эди. Менинг қалбимни забт этиш учун шунинг ўзи кифоя эди, лекин унинг мафтункорлиги шу билангина тугамас эди. У ўз мухлисларига доимо муҳаббат билан муносабатда бўлар эди, уларга ҳаққоний табассумлар ёки бошқа илиқ ва шахсий эътибор ҳатти -ҳаракатлари тақдим этар эди.

Мен шундай одам дунёни тарк этганига ишона олмадим. Наҳотки, у ўлган бўлиши мумкин? Бу қандай содир бўлиши мумкин?

Мени ётоқхонага олиб келишди. Мен ўз хонамга кириб, тезда телевизорни ёқдим. Барча каналлардан фожеа жойидан янгиликлар узатилар эди. Лекин барча каналларда швед тилида сўзлар эдилар ва мен бирор сўзни тушуна олмас эдим. Шунинг учун “CNN” ва “BBC Sky News”ни топгунимча тутгемчани боса бошлидим. Мен жомадонимни очмаган ҳолда, тўшагимнинг четида ўтирас эдим ва бу воқеа содир бўлганига ишона олмас эдим.

Янгиликларда ҳалок бўлган аёлнинг қароргоҳи олдида тўпланган минглаб қайғураётган одамларни кўрсатар эдилар. Барча ёшдаги одамлар тўпланган бўлиб, дарвоза ёнига гуллар қўйишар, уларнинг юзларидан кўз ёшлари тиркираб оқар эди. Кўплар кучоқлашар ёки тўда бўлиб йиғилиб, биргалиқда ибодат қилас эдилар. Бутун дунё шок ҳолатида эди.

Кейинги тўрт кун мобайнида, мазкур фожеани бутун дунёнинг барча нашрларининг биринчи саҳифаларида ёритдилар. Автоҳалокат ҳақида репортаж, тергов, оила аъзоларининг реакцияси ва кўмиш маросими – барча оммавий ахборот воситаларининг янги-

ликлари мавзуига айланди. Давлатларнинг бошлиқлари, дунё миқёсидағи ҳуқуматлар етакчилари, қозлаб машхур одамлар унинг дағы маросимига келдилар. Унинг дағы қилиниш маросими бутун телевидение тарихида энг күп кўрилиш рекордини кўлга киритди.

Менинг Стокгольмга келишимнинг ўша биринчи кунида, мен ўзимнинг ётоқхонадаги хонамда қайғуриб ўтирад эдим ва ўзимни қийинчлилек билан кечги хизматга тайёрланишга мажбур қиласар эдим. Менинг онгим жавоби йўқ саволларнинг ечимини топишга ҳаракат қиласар ва мен унинг ҳалокатига сабаб бўлган ўша маъносиз вазиятга қарши жаҳл билан курашар эдим. Қайғуга қарамасдан, мен бошқа турдаги фикр юзага чиқишга ҳаракат килаётганини ҳис қилдим.

Мен ундан кутулишга ҳаракат қилдим, лекин бунинг иложи йўқ эди. Ахийри, бир неча соатлик азоблардан ва рухим ҳамда ҳиссиётларим орасидаги зиддиятдан сўнг, мен тўшак чеккасига тиз чўқдим ва ибодат қилдим: “Ота, мен бу аёлнинг вафоти учун қайғураяпман. Лекин нимадир бошқа нарса аралашаётганини юрагим билан ҳис қиласапман. Нима содир бўлмоқда?”

Кейинги лаҳзада, мен ўз қалбимнинг тубида эшилдим: “Ваҳий китобининг ўн саккизинчи бобини ўқигин”. Ўша лаҳзада, у ерда нима ёзилгани хақида тушунчага ҳам эга эмас эдим; уялсан-да, тан оламан, мен илгари Муқаддас Ёзувнинг бу сўнгги китобини унчалик чукур ўргангандар эмас эдим. Мен уни очиб, ўқий бошлагач, еттинчи оятга келганимда мен ҳайратда қолдим:

“У накадар шарафланган ва дабдабали яшаган бўлса, унга шу қадар азоб ва ғам-гусса келтиринглар”. Зоро у ўз юрагида: “Малика бўлиб ўтирибман, мен бева эмасман ва ғам-гусса кўрмайман”, – демоқда. Шунинг учун унга бало, ўлим, йиги ва очлик бир кунда келади. У оловда ёндирилади, чунки уни ҳукм қилувчи Раббий Худо кучлидир. Шунда у билан дабдабали яшаган ва зино қилган ер юзидағи подшохлар унинг ёнгинининг тутунини кўриб, йиглаб юборадилар ва фарёд урадилар” (Вах. 18:74-9).

Мен бу сўзларни ўқиб чиқдим ва менинг ҳиссиётларим жунбушга келди. Бу лавҳада таърифланган аёл билан вафоти эфирни қамраб олган аёлнинг орасида аниқ ўхшашликлар бор эди. Мен

ўзимни, түёки менга бир чөлак совук сув қуиб юборганларидек хис қылдим – бу саросима, хижолат ва шок ҳолати эди. Муқаддас Ёзувдаги бу сўзларнинг шу қадар кўп эзгу ишлар қилган шундай саҳий, таникли аёлга қандай алоқаси бўлиши мумкин?

Шунга урғу бериш муҳимки, ҳаворий Юҳанно бу оятларда одамлардан бирор киши ҳақида сўзлаган эмас. Бу ерда, бизнинг гуноҳкор дунёмизга кириб келган рух акс эттирилган. Аммо у ўша аниқ вазиятга жуда ўхшар эди ва Муқаддас Рух менинг онгимни ўзгартириш учун менга Ёзувдаги шу оятларни кўрсатди. Худо сизга қачонлардир, сизнинг шахсий вазиятингизга Ёзувдаги аниқ мисол ёрдамида сўзлаганми? Бу вазиятда ҳам айнан шундай бўлган эди.

Муқаддас Рух менинг яхшилик ўлчовимни менга ошкор кўрсатди, Исо Масиҳ ҳам бой йигитга худди шундай қилган эди. Худо менга нималарни очаётганини англаб, мен ётоқхонадаги ўз хонамда У билан баланд овозда баҳслаша бошладим: “Раббий, қандай қилиб бу сўзлар унга тегишли бўлиши мумкин? У турли хил инсонпарварлик фаолияти билан шуғулланар эди, пиёдаларга қўйилган миналар курбонларига, етимларга ёрдам берар эди ва...”.

“У бутун дунёга ўзининг ҳокимиётга бўйсунмаслигини ва зинносини намойиш қилас эди, – эътиroz билдириди менга Раббий. – У Менга бўйсунмас эди”.

Ҳали ҳам эшитганимга ишонмасдан, мен баҳслashiшда давом этар эдим: “У одамларга шу қадар кўп эзгуликлар қилгани борасида нима дейсан?”

Шунда мен Худонинг Рухи менга шундай деганини эшитдим: “Ўғлим, яхшилик ва ёмонликни билиш дараҳтига Ҳавванинг диққатини, унинг ёмонлик томони эмас, балки яхшилик томони тортди”.

Менинг юрагимда жуда аниқ жаранглаган бу сўзлар мени маҳв этди. Мен эшитган сўзимнинг тасдигини топиш учун Муқаддас Ёзувдаги Ибитдо китобининг 3-бобини очдим. Ҳақиқатан ҳам мен у ерда қўйидагиларни ўқидим:

“Хотин дараҳтнинг озиққа яхши, кўзга ёқимли ва донолик бериши учун ардоқли эканини кўриб, унинг мевасидан олиб еди. Кейин эрига ҳам берди, у ҳам еди” (Ибл. 3:6).

“Яхши”, “ёкимли” ва “ардоқли” сўзларини кўриб, мен гунг бўлиб қолдим. Сўнгра Худонинг Рухи менга яна деди: “Мендан бўлмаган ва Менга бўйсунмайдиган яхшилик ҳам бор”.

Мен ўтириб, эшитган ва ўқиган нарсаларим ҳақида фикр юритар эдим. Худонинг Сўзи барча яширин бўлган нарсаларни ёритар ва менинг тўғирлар эди. Шубҳасиз, менинг яхшилик мезоним илоҳий мезондан фарқ қиласиз.

Худо менинг юрагимга сўзлашда давом этар эди. У менга жинсий бузуқликларда иштирок этмайдиган, шеърида бузук гаплар бўлган зулмат мусиқани эшитмайдиган, шайтонийлик ошкора на майиш қилинадиган рок юлдузларнинг концертларига бормайдиган, оммавий қирғинни амалга оширмайдиган, катта ўғирликлар ва бошқа ёвузликларни қилмайдиган “яхши” одамлар, айниқса, масиҳийлар нақадар алданаётганларини кўрсатди. Кўплаб одамлар яхши, тўғри ва доно туюладиган, лекин Худонинг донолигига қарши чиқадиган юриш-туриш ёки нарсаларга қизиқиб алданадилар. Муқаддас Ёзув бизларга дейди:

“Инсонга тўғри туюладиган йўл бор, аммо унинг охири ўлим томон йўлдир” (Хик. 14:12).

Келинг, мазкур оятнинг охириги қисмини муҳокама қиласиз. “Аммо унинг охири – ўлим томон йўлдир”. Кўплаб масиҳийлар бу сўзларга кераклича эътибор бермайдилар, чунки улар: “Мен на жот топганман, шифо топганман, мен самога бораяпман ва ўлим кўрмайман”, деб ўйлайдилар. Уларнинг фикрларича, бу оят факат имонсизларга тегишли. Лекин, келинг, Муқаддас Ёзув нима деяётгани ҳақида яна бир бор ўйлаб кўрамиз.

“Ўлим томон йўл” сўзларига назар ташлаймиз. Муқаддас Ёзув ҳаёт йўли ва ўлим йўли ҳақида жуда кўп марта сўзлайди. Худо Ўзининг халқига мурожаат қилмоқда(Унга тегишли бўлмаганларга эмас): “Бу халққа айтгин: Раббий шундай дейди: Мана, Мен сизларга ҳаёт йўлини ва ўлим йўлини таклиф этаяпман” (Йер. 21:8).

Йўл – биз амал қилиб яшаётган доноликни билдиради. Сиз бу Сўзни Ёзувда кўп марта кўрасиз. Матто Хушхабари мана бу оятда урғу бермоқда: “Тор дарвозадан киринглар! Чунки ҳалокатга олиб борадиган йўл энли ва дарвоза кенгдир, кўплар ана шу йўлдан бормоқдалар. Ҳаётга олиб борадиган йўл эса танг ва эшик тордир, оз одам бу йўлни топади...” (Мт. 7:13,14). Аммо Исо Масих бу ерда факат абадият ҳақида сўзламоқдами?

Худо ҳаёт дарахтини Адан бөгининг марказида ўтқазди. У Худонинг ҳаёт йўли, Унинг донолигини ифодалар эди. Боғдаги бошқа бир асосий дарахт “яхшилик ва ёмонликни билиш” дарахти деб аталар эди. Бу дарахт ўлим йўлини: Худосиз, инсоний доноликни ифодалар эди. Одам Ато ва Ҳавва унинг мевасидан татигланаридан сўнг, улар ўзларини нафақат бошқача ҳаёт асоратларига йўликтirdилар, балки бу дарахтнинг мевалари уларга зудлик билан таъсир кўрсатди. Улар мазкур йўловсиз ишни қилишларидан олдин, ҳеч нимадан чекланмаган эдилар, маҳсулдор, соғлом ва нимаики қилишни ўйлашмасин хамма нарсада муваффакиятли эдилар. Аммо улар таъқиқланган дарахт мевасидан еганлариданоқ, улар учун ҳаёт қийин бўлиб қолди. Уларнинг хаёлларига келмаган нарсалар: оғир меҳнат, касалликлар, етишмовчиликлар ва қийинчиликлар уларнинг улушларига айланди. Улар ўлим йўлига кирдилар.

Аммо Худо қайта сотиб Олувчидир. Унда аллақачон одам йўқотган нарсани тиклаш режаси бор эди. У ҳаёт йўлини тиклаш учун аҳд тузди. Унинг донолиги яна ҳақиқий баҳт, лаззат, хотиржамлик, тўқислик ва бошқа қувончларни ўзида мужассам қилган ҳаётни келтириб чиқарди:

Доноликни топган... одам баҳтлидир...ва сен истаган бирор нарса унга teng кела олмайди. Унинг ўнг қўлида узок умр, чап қўлида эса бойлик ва шуҳратдир. (Унинг оғзидан ҳақиқат чиқади, қонун ва шафқатни у ўз тилида олиб юради). Унинг йўллари – ёқимли йўллардир, унинг барча йўлаклари осойиштадир. Уни қўлга киритгандар учун у ҳаёт дарахтидир ва уни маҳкам тутганлар баҳтлидирлар (Ҳик. 3:13-18).

Ёзув кўрсатадики, агар биз ҳаётимизда Худонинг донолигини кўпласак, унда ҳаётимиз серҳосил, маҳсулдор, муваффақиятли, узоқ, кўнгил хотиржамлиги ҳамда иззатга тўла бўлади.

Дарахтдан биз нимадир оламиз. Мана шу оятга биноан, агар биз ҳаёт(донолик)йўлидан борсак, биз ҳаёт дараҳтига – бизлар яратадиган нарсаларни тановул қилаётганлар учун озиқ манбаига айланамиз. Ва аксинча, агар биз инсоний донолик билан яшасак, бизлар зарарли дараҳт бўламиз ва бизнинг ҳосилларимиз, уларни истеъмол қилаётган одамларга қийинчиликлар, стресс, беспуштлик, қасалликлар, худбинлик ва руҳий ўлимнинг бошқа ҳосилларини олиб келади.

Ҳикматлар китобига қайтайлик (14:12) ва уни яна бир бора ўқиймиз: “Инсонга тўғри туюладиган йўл бор, аммо унинг охири ўлим томон йўлдир”. Агар шу оятнинг биринчи қисмини ўқисак, биз тушунамизки, уни имонли ёки имонсиз бўлишидан қатъий назар, ҳар бир одамга нисбатан осонгина кўллаш мумкин. Одамга тўғри, яъни яхши, доно, кўп нарсалар ваъда киладиган, стратегик, кўлласа бўладиган, манфаатли ва ҳоказо туюладиган йўл бор. Лекин огохлантирув жуда аниқ айтмоқда: яхши туюладиган нарса, аслида зарарли ва натижасиз бўлиб чиқиши мумкин – ўлим йўли шундайдир.

Ибронийларга мактубининг муаллифи мазкур хушёрикка чақиравчи номани имонлиларга ёзган:

“Бу ҳакида биз яна кўп гапиришимиз мумкин эди... чунки сизлар ялқов ва эшита олмайдиган бўлиб қолдингизлар. Вақтга қараганда, сизлар ўқитувчи бўлишингиз керак эди. Лекин ҳали сизларнинг ўзларингиз Худо сўзининг илк асосларини ўргатадиган ўқитувчиларга муҳтожисизлар. Сизларга қаттиқ озиқ эмас, балки яна сут керак. Қаттиқ озиқ эса ҳис-туйғулари тажриба орқали яхши ва ёмонни фарқлашга ўргатилган етук одамларга хосдир” (Ибр. 5:11,12,14).

Аниқки, фарқлай олиш – бу ҳакикий яхшилик ва ҳакикий ёмонлик нима эканини белгилаб берувчи асосий фактордир. Бошқача қилиб айтганда, ўзимизнинг табиий фикрлашимиз, онгимиз ва

хиссиётларимиз билан бизлар ҳақиқий яхшиликни ҳар доим ҳам фарқлашга қодир эмасмиз.

Сиз сўрарсиз: “Ахир Ибронийларга мактубининг муаллифи хис-туйғуларимиз фарқлай олишлари учун уларни машқ қилдиришимиз мумкин деяётган эмасми?” У шундай деган, лекин у қанақа хис-туйғу ҳақида сўзлаган? Пайқадингизми, бу оятларнинг бошида, муаллиф, эшитишга эриниб қолган масиҳийларга ёзаётганини айтиб ўтмоқда. У қандай эшитиш ҳақида сўзламоқда? Наҳотки ўша барча яхудийларга эшитиш аппарати керак бўлган бўлса? Бу эҳтимолдан йироқдир. У юрак билан эшитиш қобилияти ҳақида сўзлаётган эди. Исо Масих доимо: “Кимнинг эшитишга қулоғи бўлса, эшитсин!” – деб таълим берар эди (Мт. 11:15). Бу таълимотни эшитгандарнинг барчалари жисмоний қулоққа эга эдилар, лекин уларнинг ҳаммалари ҳам Худонинг Сўзини эшита олиш ва улар учун нима яхшироқ эканини тушуниш учун фарқлашга қодир бўлган юракка эга эмас эдилар.

Кейинроқ, руҳий фарқлаш соҳасига бизлар янада чукурроқ шўнғиймиз, лекин шуни тушуниш муҳимки, яхшилик ва ёмонликинни юзаки даражада ҳар доим ҳам фарқлаб бўлмайди. Стокгольмдаги ўша меҳмонхонада ҳақиқат билан учрашган кунимгача, мен яхшилик ва ёмонлик кун каби равшан деб хисоблар эдим. Яна бошқа бир мисолни кўриб чиқамиз: Исо Масих гуруҳининг асосий аъзоларидан бири Петъор, Нажоткорга, Уни ҳимоя қилишини ва Исо Масих узок яшави кераклигини айтди. У Ўз Бошлиғига яхши маслаҳат бергаётгандек туюлади. Аммо Исо Масих уни кескин коёиди ва Петъор Худонинг истаклари билан ҳаракат қилмаётганини айтди (Мт. 16:21-23). Бу бизлар баъзан яхши билан ёмонни нақадар фарқлашга қодир эмаслигимизни кўрсатиш учун мен келтиришим мумкин бўлган кўплаб библиявий мисоллардан биргинасидир.

Сулаймон шундай деб ибодат қилган эди: “Сенинг халқингни ҳукм қилиш ва нима ёмон, нима яхши эканлигини фарқлай олиш учун Ўз қулингга доно юрак ато қилгин, зеро ким Сенинг бу кўп сонли халқингни бошқара олади?” (1 Шоҳ. 3:9). Бизга Худо нимани яхши ва нимани ёмон деб аташини фарқлаш машқини олган, ёритилган юрак керак. Ҳавва ҳар жиҳатдан баркамол эди. У яшайди-

ган боғда Худонинг ҳузури кучли ва қудратли эди. Лекин у яхши, ёқимли ва фойдали деб баҳолаган нарса, амалда у учун ёвуз ва зарарли бўлиб чиқди. У алданди, шунинг учун зарар кўрди.

Мана шуларнинг барчаси бизни мазкур китобни ёзиш мақсадига яқинлаштирум оқда: Ёзув орқали ва Муқаддас Рухнинг ёрдамида, нима бизлар учун ҳаётга яхшилик бўлиши ҳамда нима ахийри зарар келтиради, шулар орасидаги фарқни ёритиш. Агар Ҳавва баркамол бўлган ҳолда ва бенуқсон мухитда яшаган ҳолда алданган бўлса, номукаммал онгга эга бўлган ва мазкур бузук ҳамда ахлоқсиз дунёда яшаётган одамлар бўлмиш бизларга алданиш ва бизларни ҳалок қиласидиган нарсани яхши деб ҳисоблаш нақадар осон?

## БУ ҚАНДАЙ СОДИР БҮЛДИ?

Алданманглар, менинг қадрли биродарларим  
ва опа-сингилларим. Ҳар қандай яхши инъом  
ва ҳар қандай мукаммал түхфа юкоридан,  
бизнинг Ота Ҳудойимиздан келади...

— Ёқуб 1:16,17 (NLT, ингл. тилидан таржима)

(Масиҳий) биз яхши бўлганимиз учун  
Худо бизларни яхши кўради, деб ўйламайди,  
йўқ, Худо бизларни яхши кўргани учун  
У бизларни яхши қиласди...

— К.Л.Льюис

**Ў**ша куни мен ҳайратланиб ва ҳис-туйгулар уммонига фарқ бўлиб, Швеция меҳмонхонасидағи ўз хонамда ўтирар эдим. Машхур аёлнинг ҳалокати муносабати билан қайғуришимга нисбатан келган илоҳий жавобдан мени титроқ қамради, барибир, мен ўзимга тинчлик топа олмас эдим. Ҳижолат ҳисси қалбимни тўлдирар, миямда кўплаб саволлар айланар эди. Бу вақтда мен кўп йиллардан буён хизматда эдим, бир қанча китоблар ёзган эдим, мен барча қитъалардаги(Антарктиканан ташқари) имонлиларга таълим берар эдим ва бирданига менинг билимсизлигим ошкор бўлди: мен хақиқатан яхши бўлган нарсани билмас эдим.

Мени: “Мен яна Худонинг назарида яхши бўлмаган нима нарсаларни яхши деб ҳисоблаганман?” деган, яна бундан кам аҳамиятга эга бўлмаган: “Бу билимсизликнинг оқибатлари қанақа?” – деган савол ташвишлантираси эди.

Бу саволларга жавоб берса бошлашдан олдин, ҳамма нарса бошланган жойга – Адан боғига бориш фойдали бўлар эди. Бу мантиқий қадам эди, чунки меҳмонхонада айнан ўша жойга Худонинг Рухи менинг дикқатимни қаратди. Бошқа кўплаб имонлилар қаби мен ҳам жавобини топишга интилаётган савол: “Қандай қилиб илон Ҳаввани Худога бўйсунмасликка мажбур қила олди?” – деган савол тарк этмас эди.

Келинглар, ўйлаб кўрамиз. Ҳавва мукаммал шароитда яшар эди. Уни ҳеч ким, ҳеч қачон хафа қилмас эди: отаси ҳам, эри ҳам, қариндоши ҳам, бошлиғи ҳам, ўқитувчиси ҳам. У мукаммал дунёда яшар эди, тўлиқ таълимотга эга эди, қасалликлар ва муҳтоҷликлар нима билмас эди, боз устига, у Яратувчи билан уйғунликда яшар эди. Худонинг хузури ер атмосферасини тўлдирав эди ва Унинг Ўзи кўпинча Одам Ато ва Ҳавва билан бирга боғда сайр қиласа эди. Қандай қилиб илон бу аёлни, шунингдек, бу эркакни Худодан юз ўтиришга мажбур қила олди?

Агар биз бу сирни оча олсак, душман ҳозирги кунларда бизларга нима қилишга қодир эканлиги ҳақида фойдали маълумотларни билиб оламиз. Агар биз унинг тактикасини билиб олсак, биз унинг осон ўлжасига айланмаймиз, у бизларни осонгина алдаб, Яратувчимизга бўйсунмасликка мажбур қила олмайди.

### **Ажойиб боғ**

Бошида Худо мукаммал дунёни яратди. Дунё гўзал, бенуксон, моддий манбаларга ва кўнгилочар лаззатларга тўла эди. Худо шунчаки бир неча турдаги ҳайвонларни, дараҳтларни ва табиий ландшафтни яратган эмас. У режалаштириди ва миллиондан ортиқ тирик жонзорларни, икки юз эллик мингдан ортиқ ўсимликларни, юз минг турдан ортиқ дараҳтларни ва кўплаб турли хил қаттиқ жинсларни, тупроқни ва табиий манбаларни яратди. Ер – дурдона асар эди. Минглар йиллар ўтганидан сўнг олимлар уни ўрганишини бошлайдилар ва унинг мураккаб тузилишидан ҳайратланадилар. Улар ҳали дунёни ўргана олмадилар ва қачонлардир уни мукаммал ўрганиб олишлари амри маҳолдир.

Худо уни Ўзи суйган шахс – одам учун ўйлаб топди ва яратди. Ер сайёрасининг ҳайратга солувчи чиройига қарамасдан, бизнинг

Яратувчимиз шу билан түхтаб қолмади. У ердаги ажойиб бөгни яратган эмас, шахсан Ўзи ўтқазди, айнан ўтқазди.

Мен табиатни ва боғларни яхши күраман. Тан оламан, мен боғда ишлашни умуман ёқтиримайман, Лиза буни тасдиклайди. У юзини тириштиради ва сизга қандай истамасдан бөг билан шуғулланишимни айтты беради. Лекин мен парваришиланган боғлар, узумзорлар ва ўрмонда сайр қилишни жуда яхши күраман. Мен дараҳтларнинг ва ўсимликларнинг ҳар хиллиги, ранги, ҳиди, тупроғидан завқланаман.

Яқин орада, мен Германияда, Констанц шаҳрида, Германиядағы энг улкан күл бўлмиш Боден кўли қирғоғида воизлик қилдим. Боден кўлига сувлар музликлар эриши ва Алп тоғларидағи қорлар эриши туфайли қўйилади. Мен Лиза билан у ерда ўзимизнинг яқин дўстларимиз, чўпонлар Фреймут(машхур немисча исм) ва унинг хотини Жоаннаникода бўлдик.

Сафар чоғида бизнинг бир неча кунимиз бўш эди ва бизнинг дўстларимиз, бизлар вақтни яхши ўтказишмиз учун бир неча қизиқарли вариантлар таклиф қилишди. Биз шуни билдики, Констанца қўнгилочар машғулотларга етишмовчилик йўқ экан, аммо улар орасида мен энг кўп истайдиган нарса йўқ экан.

Констанц оролида гуллар ороли деб аталадиган жой бор. Унинг расмий номи – Майнау, лекин гуллар ороли номи унга кўпроқ тўғри келади, чунки бутун орол – бир бутун бөг. Мен уни тўлиқ айланни чиқмоқчи бўлдим, лекин бу учун бир кун керак бўлар эди.

Мен шу оролга боришни таклиф қилганимда, Лиза, Жоанна ва Фреймут мени ҳазил қиласяпти деб ўйладилар. Ахир ким ўйлаши мумкинки, спорт ва фаол дам олиш турларини яхши кўрадиган йигит катта боғда сайр қилиш каби зерикарли машғулотни танлайди? Мен оролга боришни исташимни бир неча марта такрорлаганимдан сўнг, менинг дўстларим: “Биз сен ҳазиллашайсан деб ўйладик, наҳотки, сен ҳақиқатан ҳам у ерга бормоқчисан?” – дейишиди.

“Ҳа!” –жавоб бердим мен. Бошқалар унчалик бу истак билан ёнмаётганларига қарамасдан, биз орол бўйлаб сайр қилишни режалаштиридик.

Ажойиб кун бўлди. Биз оролгача кўприқдан юриб бордик, кириш учун пул тўладик ва экскурсияни бошладик. Мен тезда бу улкан бөғ-

нинг чиройи ва турфа хиллигига қизиқиб кетдим. Яхши ҳамки, мен ёлғиз эмас эдим. Бу дурдона асар орасига тушиб қолганимиздан, менинг ҳамроҳларимнинг ҳазил ва қулгилари бирданига тўхтади.

Мазкур катта боғнинг ҳар бир квадрат метри кўз учун байрам эди. Мукаммал шаклдаги чиройли тўғараклар тўғри йўлаклар билан шундай ўраб олинган эдики, ҳар бир ўсимликни яхшилаб кўриш мумкин эди. Гуллардан хариталар, ҳайвонларнинг, болаларнинг улкан тасвирлари ясалган; дараҳтлардан, ўсимликлардан ва гуллардан ўйлар ясалган эди. Ҳар томонда ажойиб шаклдаги сув ҳавзалари ясалган эди.

Биз бу боғнинг чиройи ва ижодий қулочиidan лаззатландик. Уни тўлиқ кўриб чиқиши учун ярим кун керак эди, шунинг учун биз фақат ярмини кўриб улгурдик. Ўша куни мен кўп марта ўйладим: “Агар одамлар шундай ажойиб орол, кўз учун гўзаллик байрами, хидлаш учун хушбўй хидлар тўқислигини яратган бўлсалар, Худо яратган боғ қандай бўлган бўлса?” Адан боғи ландшафт ва боғдорчилик бўйича тажрибали мутахассис томонидан яратилган эмас эди, уни Раббий ва Яратувчимизнинг Ўзи яратган эди.

Худо ҳашаматли Адан боғини ўтқазди, Одам Атони унда жойлаштириди ва унинг олдига барча ҳайвонларни олиб келди. Одам Ато ер юзидаги 1,25 миллион ҳайвоннинг ҳар бирини қандай аташини Раббий кўрмоқчи эди. Бу одам қандай ақлга эга бўлиши лозим эди? Лекин Одам Атода нафақат барча ҳайвонларга ном танлаш, балки уларнинг барчасини эслаб қолиш қобилияти бор эди, унинг кўлида айпад ёки гугл компьютер дастурлари йўқ эди. Одам Ато гайритабиий ақлли эди.

Лекин Худо ҳайвонларни Одам Атонинг олдига, у уларни шунчаки номлаши учун олиб келган эмас эди, Одам Ато қайси ҳайвонни ўзига ҳамкор қилиб олишини У кўрмоқчи эди.

Одам барча қушларга ва барча ҳайвонларга ном берди, лекин уларнинг орасида унга тўғри келадиган ёрдамчи топилмади. Сўнгра Раббий Худо одамни чуқур уйқуга солди ва у ухлаб ётган пайтда, унинг қовурғасидан олди ва уни эт билан қоплади. У Одам Атонинг қовурғасидан аёлни ясади ва унинг олдига уни олиб келди. Шунда Одам Ато деди:

“Бу – менинг сүякларымдан сүjak ва менинг этимдан этдир. У “хотин” деб аталади, чунки эрдан олинган” (Ибт. 2:23).

Эркак учун мукаммал ёрдамчи аёл бўлди. Улар бир-бирларини тўлдириар эдилар. Уларнинг иккаловларига ҳам ер сайёраси ҳақида ғамхўрлик қилиш ва айникса, боғни парваришлар топшириғи берилган эди.

Ҳавва Одам Атодан олиб яратилишидан олдин, Худо одамга аниқ топшириқ берди. «Раббий Худо инсонни олиб, Адан боғига ишлов бериш ва уни қўриқлаш учун уни ушбу ерда жойлаштириди. Раббий Худо инсонга шундай амр берди: “Боғнинг ҳар бир дараҳтидан бемалол сявергин. Фақат яхшилик ва ёмонликни билиш дараҳтидан емагин. Чунки ундан еган куниёқ аниқ ўласан”» (Ибт. 2:15-16).

Муқаддас Ёзув ҳикоя қиласидан кейинги воқеа қачон содир бўлганини бизлар билмаймиз. Балки, бир неча ҳафта ўтгандир, балки бир йил ёки ўн йиллар ўтгандир, балки ундан-да кўпроқдир. Лекин шу кун келдики, энг айёр ҳайвон илон Ҳавва билан сухбатлашди ва Худонинг амрини шубҳа остига кўйди.

(Илон қандай сўзлай олди? Мен шахсан, гуноҳдан қулашгacha барча ҳайвонлар одам билан сухбатлаша олганлар, деб ҳисоблайман. Мана нима учун, илон у билан гаплашса бошлаганида Ҳавванинг хавотирлангани ёки қўрқанини кўрмаймиз. Ҳайвонлар сўзлашишга қодир эканликлари ҳакидаги билим, эҳтимол, авлоддан авлодга ўтиб келган, чунки эшак сўзлаганида Бальъам ҳам шокка тушмаган эди (Сонлар 22:21-35ни қаранг). У ҳеч нима бўлмагандек, ҳайрат ҳам, хавотир ҳам кўрсатмасдан ўз эшагига жавоб берди).

### **У буни қандай қилиб амалга оширди?**

Энди келинг, бизнинг тадқиқотимиз мақсадига – Адан боғидаги воқеага яна қайтамиз. Биз шайтон эгаллаб олган илон қандай қилиб Ҳаввани, у мукаммал шароитда яшаётган бир пайтда Худодан юз ўгиришга мажбур қила олди, шуну аниқлашга ҳаракат қиласиз. Келинг, у қандай ёндошганини кўриб чиқамиз.

У аёлдан сўради:

“Ростдан ҳам Худо, боғдаги ҳеч бир дараҳтдан еманглар, деб айтдими? – деди” (Ибт. 3:1).

Бу савол билан илон ўзининг биринчи стратегик қадамини қўйди. У Ҳаввани илохий доноликдан олиб кетиши лозим эди. Унинг моҳирона ўйлаб топилган саволи аёлни бирлаҳзада у меваларини ейиши мумкин бўлган кўплаб дараҳтлар ҳакида унтишга ва унинг диккатини ягона тақиқланган дараҳтга қаратишга мажбур қилди.

Худо Одам Атога ва Ҳаввага: “Боғдаги ҳар бир дараҳтнинг меваисидан ейишинг мумкин, фақат...” Худо сахий, шунинг учун У урғу берди: “Ҳар қандай дараҳтдан ейишинг мумкин”. Дунёда бизларга мевали дараҳтларнинг минглаб турлари маълум, мен ўйлайманки, уларнинг ҳар бири боғда ўсган. Илон нақадар ақлли эди? Ҳавва мана шу минглаб турдаги дараҳтларнинг ҳар бирининг меваисидан ейиши мумкин эди, лекин шайтоннинг бузук саволини эшишиб, у ягона тақиқланган мевадан кўзини уза олмади.

Даврлар ўзгармади. Худо бизларнинг ҳар биримизга ғайритабийи равишда кўп инъомлар беради, барча самовий инъомлар бизларга тегишилдири (Эф. 1:3). Уларнинг ҳар бирини санаб ўтиш учун яна битта китоб ёзиш керак бўлади! Бундан ташқари, бизларга айтилганки, Исо Масихда ҳамма нарса бизларга тегишли (1 Кор. 3:21-23). Аммо душман боғда кўллаган стратегиясини ҳамон кўллайди. Бизлар фақат “мумкин бўлмаган”ни кўришимиз учун у биздан Худонинг сахийлигини яширишга ҳаракат қиласди. Худо нима учун нималарнидир биздан тутиб қолиши мумкин? Бир неча саҳифалардан сўнг, биз бу муҳим саволни кўриб чикамиз, ҳозирча эса оддийтина жавоб берамиз – бизнинг манфаатимиз учун! Бизлар учун энг яхши нарса нима эканини У бизлардан кўра яхшироқ билади. Ҳавва Худо унга айтган ҳақиқатни эслаб, илонга жавоб беришни кечиқтирмади:

“Хотин эса илонга деди: –Боғдаги дараҳтларнинг меваисидан ея оламиз-у, Худо: “Сизлар ўлмаслигингиз учун фақат боғнинг ўртасидаги дараҳтнинг меваисидан еманглар ҳам, унга тегманглар ҳам”, – деди” (Ибл. 3:2,3).

Қизиқ, Ҳавванинг жавобида ноаниқлик бор. Худо “дараҳтга тегиши мумкин эмас”, деган эмас эди. Бу арзимас туюлса ҳам, барабири, бунда нима учун илон ўз нишони қилиб Одам Атони эмас, Ҳаввани олганининг калити бор.

Худо амр берганида, Ҳавва ҳали йўқ эди. Шунинг учун Ҳавва бу амри Одам Ато каби Худонинг оғзидан эшита олган эмас эди. Шахсан мен шундай хисоблайман: бундан олдинги кун, Одам Ато ва Ҳавва мана шу катта боғда сайр қилиб юрганлар ва яхшилик ҳамда ёмонликни билиш дараҳти олдидан ўтганлар. Одам Ато ана шу дараҳти қўрсатиб, Ҳаввага Худо айнан шу дараҳт ҳақида нимани амр қилганини айтиб берган. Шу турдаги хабарни мен етказилган билим деб атайман. Бошқа томондан, Одам Ато учун бу очилган билим эди. Фарқи нимада? Очилган билим – бу Худо бизларга ниманидир тўғридан- тўғри қўрсатишидир.

Бир куни Исо Масих шогирдларидан сўради: “Одамлар Мени, Инсон Ўғлини, Ким деб ҳисоблайдилар?” (Мт. 16:13га қаранг). Шогирдлар бирма- бир бошқалардан эшитган отларни атай бошладилар: тирилган Яхё Чўмдирувчи, Илёс, Йермияҳ ёки пайғамбарлардан бири. Булар Исо Масихнинг шогирдлари бошқалардан Твиттерда, Фейсбуқда, Инстаграмда ва блогларда олган хабарлар эди.

Исо Масих уларнинг барчаларининг етказилган билимга асосланган барча жавобларини эшитганидан сўнг, У уларга кейинги саволни берди: “Лекин сизлар Мени Ким деб ҳисоблайсизлар?” (15-оят).

Шогирдлар сўзлаш қобилиятини йўқотиб, жим бўлиб қолдилар. Агар Исо Масих уларга биринчи саволни бермаганида эди, улар бошқа одамларнинг шарҳлари таъсири остида қолган бўлар эдилар ва уларнинг жавоблари етказилган билимни ўзида акс этириган бўлар эди. Худо уларга шахсан нимани очганини аниқлаш учун Исо Масих Ўзининг икки саволи билан иккинчи қўллардаги бу билимларни олиб ташлади. Жавоб фақат бидирлаб: “Сен Барҳаёт Худонинг Ўғли – Масихсан”, – деган Петьорда бор эди (16-оят).

Тасаввур қиласман, Исо Масих жилмайди, қўллаш маъносида қўлинни Петьорнинг елкасига кўйди ва деди: “Эй, Йонаҳ ўғли Шимон, сен баҳтлисан, чунки буни сенга тана ва қон эмас, балки Осмондаги Менинг Отам очган” (17-оят). Петьор қаердадир интернетда эшитган ёки тасодифан журналда ўқиган маълумотини қайтарган эмас! У Худо томонидан унга берилган ҳақиқат билан ўртоқлашди.

Сўнгра Исо Масих мана шундай очилган билимда жамоат қурилиши ва унга эга бўлганларни дўзахнинг ҳеч қандай кучлари тўхтата олмаслигини эълон қилди. Ва аксинча, етказилган билимга эга бўлганларни дўзахнинг кучлари осонгина алдаши мумкин.

Бизлар очилган билимни турли йўллар билан оламиз: Муқаддас Ёзувни ёки руҳлантирувчи китобни ўқиш жараёнида, жим ибодат вақтида, чўпоннинг воизлиги пайтида ёки Петъор томда кўргани каби ваҳий кўраётганимизда (Ҳав. 10:9-16га қаранг) ёки Муқаддас Рух бизнинг юрагимизга очаётган Худонинг Сўзи билан учрашиш жараёнида. Бу қандай содир бўлишига таъриф бериш қийин. Баъзан юракда сокин, паст овоз эшитиш мумкин. Баъзан сиз руҳингизга тушган ваҳийга кўра, буни биласиз. Баъзан сиз Муқаддас Ёзувни ўқиётганингизда, юрагингиз тез - тез ура бошлайди ва Худонинг хузурини ҳис қиласиди. Лекин энг муҳими – бу сиз Худонинг овозини эшиттанингизни билишингиздир ва бу очилган билимни сизнинг юрагингиздан суғуриб олиб бўлмайди.

Бошқа томондан, етказилган билим, кимнингдир Худодан эшитган сўзини таъкидлаб айтишини шунчаки эшитишдан ёки ўқищдан келади. Билим аниқ бўлиши мумкин, лекин агар Муқаддас Рух уни сизнинг юрагингизга очмаса, уни бузиш жуда осондир.

Масалан, мен одамларнинг Муқаддас Ёзувни нақадар яхши билишлари билан мақтанишларини эшитаман: “Биласанми, Жон, пул – бу ҳамма ёвузликларнинг томиридир”. Бу мияси гангиг қолган одамлар “Пулпарастлик – ҳамма ёвузликларнинг томиридир”, деб ёзилган 1 Тимотий 6:10ни изоҳлаган қандайдир хизматчини ўқиганлар ёки эшитганлар.

Пул – бор - йўғи восита ва бундан бошқа ҳеч нарса эмас. Воситадан тўғри фойдаланиш мумкин, ундан нотўғри фойдаланиш мумкин. Курол –бу восита. Ўғрининг қўлида у нотўғри ишлатилади. Лекин миршабнинг қўлида у ёвуз ниятли одамни аёлни зўрлаши ёки ўлдиришидан тўхтатишига кодирдир. Бу ўша -ўша курс, ўз-ўзича у нейтрал: яхши ҳам эмас, ёмон ҳам эмас. Пул ҳам худди шундай – бу шунчаки восита, у ҳамма ёвузликнинг томири эмас. Пулга севги – мана бу барча ёвузликнинг томиридир.

Очилган билимга эмас, етказилган билимга эга бўлиб, одамлар шунаقا хато шарҳлар берадилар. Мен ўз тажрибамда шуни пайқадимки, етказилган билим унинг умуман бўлмаганидан кўра хавфлироқдир.

Ҳавва амрни таърифлаш учун ишлатган, дарахтнинг мевасига тегиши мумкин эмаслиги ҳақидаги сўз – у факат унга етказилган сўзни билганини билдиради. Худо боғда доимо бор эди. У Одам Ато ва Ҳавва билан, чамаси, ҳар кун биргага сайр қиласиди (Ибт.

3:8). Одам Ато Худо унга берган амрни хотинига етказганида ҳеч қандай ёмон нарса йўқ, лекин, шуниси эҳтимолдан холи эмаски, у мазкур амрнинг Яратувчининг Ўзининг оғзидан тўғридан-тўғри қайтарилишини эшитишига интилмаган эди.

Фақатгина Худони излайдиганлар, Уни чукурроқ билишга ва тушишишга ҳаракат қиласидиганлар Ундан билим оладилар. Қаранглар, Повул Вериядаги имонлиларга самодан хабар олиб келганида, улар нима қилдилар:

“Бу ердагилар салоникаликлардан кўра фаросатлироқ эдилар. Улар Повул айтган Худонинг сўзини бутун гайрат билан қабул килиб, улар эшитаётгандари ҳақиқатга тўғри келадими, билиш учун ҳар куни Ёзувларни синчиклаб ўрганар эдилар (Ҳав. 17:11, янги ўзб. таржима).

Верияликлар Повулни диққат билан кулоқ солдилар, сўнгра эса ўзлари Ёзувларни ўргандилар. Менга улар қандай таърифланганлари ёқади: улар фаросатлироқ одамлар эдилар. Уларнинг онглари Рухнинг овозига очик эди. Уларнинг рухлари ва онглари орасидаги канал очик, вахийларга сезгир эди.

Хозирги кўплаб имонлилардан фарқли равишда, верияликлар шунчаки интернетдаги, блоглардаги материалларни, Твиттер ва Фейсбуқдаги баҳсларни юклаб олмас эдилар. Улар шогирдлари билан Ўзининг кимлигини муҳокама қилиб, ўша замоннинг оммавий ахборот воситалари У ҳақида нима деяётгани ҳақида қизиқмаган Исо Масихга ўхшар эдилар. У бошқа нарсани билишни истар эди: “Йигитлар, Худо сизларга нимани очди?”

Балки, Исо Масих билан ўзининг саёҳатларидан бирида Петъор кимнингдир: “Исо – бу Масих бўлса керак”, – деганини эшитгандир. Ўша лаҳзада, билим унинг онги ва юрагини тўлдирган, уни Муқаддас Рухнинг ҳузури қамраган. “Мана нима! У Худонинг Ўғли. У Масих. Мана гап қаерда! Шу вақтгача мен буни тушунмас эдим, лекин энди биламан: У Масих!” Кўпинча, Худо бизнинг юрагимизга Ўз ҳақиқатини очганида, айнан шунака ҳислар бизларни қамраб олади.

Ёки балки Петъор билан бошқача бўлгандир. Вахий унинг юрагига бир куни кечқурун уйқу олдидан ёки кундузи, у бир шаҳардан бошқа шаҳарга кетаётган вақтида ёки Исо Масих гулхан ёнида

шогирдлари билан сұхбатлашаёттаниң қараб турған лаҳзада келған бўлиши мумкин. Балки, шундай лаҳзалардан бирида, Петъор ҳали англамаган вақтда, Худо унга Масихнинг келиши ҳақида ба-шоратлар бўлган Эски Аҳддаги оятлардан бирини, масалан, Ишаъё (9:6,7)ни эслатгандир.

Ёки балки, Петъорга руҳий ёришиш Исо Масих қайсиdir одамни шифолаётган вақтда келгандир. Бирданига шогирд, болалигида бир раввин Масихнинг келиши ҳақидаги Эски Аҳддаги башоратлардан ўқиганини эсга олган: “...шундай қилиб, Ишаъё пайғамбарнинг: “У касалликларимизни Ўзига олди ва оғриқларимизни кўтариб кетди”, – дегани амалга ошди” (Мт. 8:17, Иш. 53:4ни тасдиқлайди).

Исо Масихнинг аслида ким экани ваҳийиси Петъорга турли йўллар билан келган бўлиши мумкин, асосийси шуки, буни унга Худонинг Ўзи очди.

Мен ўйлайманки, буни дадил айтиш мумкин: Ҳаввада ҳаммаси бошқача эди. Унда очилган билим йўқ эди, аксинча, унга етказилган билимни у етарли деб қарор килди. Балки, Одам Ато унга Твиттерда хабар юборгандир: “Салом, азизам, сен яхшилик ва ёмонликни билиш дарахтига қандай қараганингни мен кўрдим. Унга тегма! Худо айтаяпти, агар биз унинг мевасидан есак ўламиз”.

## **Иккинчи поғона**

Энди, илон Ҳаввани ягона таъқиқланган дарахтга қарашга мажбур қилиб, унинг диққатини қаратиб бўлгач, у ўзининг бузук ниятида кейинги қадамни қўйди. Бу қадам Худо аллақачон айтган гапга тўлиқ қарама-карши эди. Аммо унинг сўзлари жуда ишончли ва жозибали жаранглар эди.

«Илон эса хотинга деди: “Йўқ, аниқ ўлмайсизлар! Чунки Худо биладики, ундан еган куниёқ кўзларингиз очилади, шунда сизлар худолар каби яхшилик ва ёмонликни биладиган бўласизлар”» (Ибт. 3:4,5).

Унинг сўзларини ўйлаб кўринг: “Зеро Худо билади”. Яъни у шама қилмоқдаки, Одам Ато ва Ҳаввадан ниманидир яширмоқдалар, бу шунчаки нимадир оддий нарса эмас, балки уларнинг ҳаёт-

ларини яхшироқ қиласынан, уларни янги даражага күтәрадынан нарса. Бу дараахтда нимадир яхши нарса бўлгани туфайли, илон унинг далиллари ақлли ва ишонарли жаранглаши учун тиришиб ўйлади. Унинг режаси иш берди.

“Хотин дараахтнинг озиқка яхши, кўзга ёқимли ва донолик бериши учун ардоқли эканини кўриб, унинг мевасидан олиб еди. Кейин эрига ҳам берди, у ҳам еди” (Ибт. 3:6).

Ҳавва дараахтнинг яхши, ёқимли ва уни донороқ қилишга қодир эканини кўрди. Буларнинг ҳаммаси унга ардоқли ва керакли туюлди.

Ҳавва ҳали дараахтта қараётганида, унинг бошидаги куйидаги фикрлар ўтар эди: “Бир дақиқа. Бу дараахтда нимадир яхши ва фойдали бор, Худо эса унга тегишини бизларга ман этди. Мен турмуш ўртогим билан аълороқ яшашимиз мумкин эди. Агар бизлардан ниманидир яширмасалар, бизлар донороқ ва баҳтлироқ бўлишимиз мумкин эди. Мен, бизнинг Яратувчимиз севувчи ва шафқатли деб ўйлаган эдим, аслида эса У бизларни алдаяпти. У бизлардан ниманидир яширмоқда”.

Ҳар лаҳзада унинг фикрлари тезлашар эди, тақиқланган мевани еб кўриш истаги кучаяр эди. Бу дараахтда нимадир яхши нарса бор, деб ўзини нақадар ишонтиrsa, унинг истаги шу қадар окланар эди.

Душман Худонинг хулқ-атворини Ҳавванинг нигоҳида бузишни нишонга олган эди. Агар бунинг уддасидан чиқса, у Ҳаввани Худодан юз ўгиришга мажбур кила олар эди. Нима учун? Чунки Худонинг хукмдорлиги Унинг хулқ-атвори билан мустаҳкамланади ва қўллаб-куватланади.

Подшоҳ Довуд ёзган эди: “Адолат ва ҳақлик Сенинг тахтингнинг асосидир. Шафқат ва ҳақиқат Сенинг юзинг олдидан юради” (Сан. 88:15). Подшоҳ сифатида, Довуд мазкур хулқ-атвор кирралари узоқ хукм суриш пойдевори эканини билар эди. Агар подшоҳ содик, адолатли ва доно бўлса, унинг подшоҳлигининг чеки бўлмайди. Агар у юзаки ва хиёнатчи бўлса, унинг подшоҳлиги абадий чўзилмайди.

Худонинг хулқ-атвори мукаммал, аммо барибир илон Ҳаввани бунинг аксига ишонтира олди. У Ҳавванинг нигоҳида мавжуд бўлмаган воқеликни чизишга ҳаракат килди. Тақиқланган дараахтни у яхши ва ёқимли қилиб чизди. Унинг сўзларига кўра, у одамни доно қилар эди, лекин ташқи кўриниш алдамчи бўлади. Айнан шунинг

учун шундай ёзилган: “Биз ўз дикқатимизни кўринарли нарсаларга эмас, балки кўринмасга қаратамиз” (2 Кор. 4:18, TEV таржимаси). Кўринмас – бу Худонинг Сўзидир. Унинг Сўзи адолатли ва аниқдир.

### **Алданманг**

Душман Худонинг хулқ-авторига назарини ўзгартириб, Ҳаввани Яратувчисидан юз ўтиришга мажбур қила олди. Кўпинча, мен умид қилганимдек ўз ибодатимга тез жавобни кўрмаганимда, жанг қизиган пайтда худди шундай фикрлар билан курашишимга тўғри келади. Шундай вазиятларга мен ўзимга Худонинг содиқ эканини эслатаман.

Қийинчиликлардан ўтаётib, мен доимо ўзимга муаммо Худода эмаслигини, У ҳеч нимани тутиб қолаётган эмаслигини, У меҳрибон ва шафқатли Ота эканини эслатаман.

Илон Ҳаввани Худо ундан нимадир яхши нарсани тутиб қолаётганига ишонишга мажбур қилди. Агар у буни мукаммал шароитда амалга ошира олган бўлса, ҳеч қачон, ҳеч ким хафа қилмаган, зўрламаган, ўз манфаати йўлида фойдаланмаган аёлни алдай олган бўлса, унда бугунги кунларда, хафаликларга, зўравонликка ва ёлғонга тўла гуноҳкор дунёда душманнинг бу вазифаси нақадар осон? Шунинг учун хаворий Ёкуб бизларни жиддий огоҳлантиради:

“Севикли биродарларим, алданманглар!” (Ёкуб 1:16).

Мен такрорлашни яхши кўраман: ёлғоннинг ягона муаммоси – бу унинг ёлғончилигидадир! Алданаётган одам у ҳак эканига, у хато қилмаслигига ва ҳақиқат у томонда эканига бор юраги билан ишонади. Аслида эса, у хато қилаётган ва йўлдан оғаётган бўлади ва ҳақиқат у томонда бўлмайди. Бу нақадар даҳшатга солади!

Ҳавва алданди ва шунинг учун гуноҳга қулади. Бизлар ҳам шу хатони такрорлашимизни Ёкуб истамайди. Келинг, шу лавҳани тўлиқ кўриб чиқамиз:

“Севикли биродарларим, алданманглар! Ҳар бир эзгу эҳсон, ҳар бир мукаммал ҳадя юқоридан, нурлар Отасидан тушади. Унда ўзгариш йўқ, ўзгарувчан соя ҳам йўқдир” (Ёкуб 1:16,17).

Ёкуб кўплаб яхши ҳадялар Худодан келади, деб айтаётган эмас. Ахир кўплаб одамлар айнан шундай ҳисоблайдилар. Йўқ, у аниқ таъкидламоқда: ҳар қандай эзгу ва мукаммал ҳадя Худодан келади.

Шундай деб ёзиш мүмкін бўлар эди: “Худонинг иродасисиз сизларда ҳеч қандай яхши нарса йўқ”. Кейинги гапни диққат билан ўқиб чиқинг: У ёки бу нарсанинг нақадар яхши кўринишининг, у сизни нақадар бахтли ёки руҳий қила олиши мумкинлигининг, қанча қувонч келтириши мумкинлиги, қанча бойлик ва муваффақият бериши мумкинлиги, у нақадар ёқимли, машхур ва қабул қилса бўладиган кўринишининг ва бошқаларнинг аҳамияти йўқ. Агар у Худонинг донолигига(ёки Худонинг Сўзига) қарши чикса, ахийри, у сизни ҳалок қилади ва сизнинг ҳаётингизга қайғу олиб келади.

Ҳавва тўғри қарор қилаётганига, унинг турмуш ўртоғининг ҳаётини яхшилайдиган яхши қарор қилаётганига унинг ишончи комил эди. Бундай бўлмади. Агар ҳозир, бир неча минг йилдан сўнг, сиз “Худодан донороқ бўлдим ва мен учун нима фойдали эканини Ундан яхшироқ биламан”, деб ўйласангиз, сиз ҳам Ҳавва каби алданаяпсиз ҳамда бир куни аччиқ қайғуни ўриб оласиз.

Мен биламан, сиз мени салбий ва тор ўйлайдиган, деб ўйлашингиз мумкин, лекин бундай эмас. Мен шунчаки сизни огохлантираяпман. Бу китоб сизнинг ҳаётингиз, хизматингиз, ишингиз, ўзаро муносабатларингиз ва ҳаётингизнинг бошқа соҳалари учун ҳақиқатан ҳам нима яхши эканлигини билиш учун маслаҳатларга тўладир. Аммо Исо Масиҳнинг тўлиқ хабарини воизлик қилиш учун мен огохлантиришим ва ўқитишими даркор. Повул қуйидагини ёзаётганида буни тасдиқлайди:

“Биз Уни воизлик қилмоқдамиз. Ҳар бир одамни Худога Исо Масиҳда баркамол тақдим қилиш учун биз ҳар бир одамни ўқитиб, барча доноликларни ўргатмоқдамиз” (Кол. 1:28).

Огохлантиришлар ва насиҳатларсиз бизни етуклика олиб келишнинг иложи йўқдир. Мен буни шундай кўраман: Ҳар дафъа, бизлар янги электрон асбоб ёки усқуна сотиб олганимизда, кўлланманинг биринчи ёки иккинчи бетида: “Диққат: кўллашдан олдин ўқиб кўринг”, деган сўзларни кўрамиз. Сўнгра ишлаб чиқарувчи томонидан бу асбоб билан нима қилиш мумкинлиги ёки кўпроқ, нима қилиш мумкин эмаслиги ҳакида бир неча огохлантиришлар санаб ўтилади. Огохлантиришлар сизга қандай қилиб ўзингизга зарар етказмаслигингиз ва сиз ишлатишни бошламоқчи бўлган асбобни бу-

зид қўймаслигингизни хабар қилиш учун берилган. Агар сиз қўллаш хақидаги огоҳлантирувни бузмасангиз, у сизга бир неча йил хизмат килади. Лекин агар ишлаб чиқарувчи ҳеч нимадан огоҳлантирмаса, сиз ногаҳон ўзингизга зарап етказишингиз ёки асбобни бузиб қўйишингиз мумкин, кейин эса корхонага улар асбобни қандай қўллаш мумкинлиги ҳақида огоҳлантирганилари учун даъва хати ёзасиз ва унинг ишчиларини шикоятлар билан қийнайсиз.

Повул айтадики, бизлар Янги Аҳднинг огоҳлантиришларига эътибор беришимиз керак. Агар биз уларни сақлаб қолсак, бизларни олдинда Яратувчимиз билан уйғунликдаги муваффакиятли йиллар кутади. Лекин уларга менсимасдан қаралса ёки улар бузилса, бизлар Одам Ато ва Ҳавва каби азоб тортгамиш. Бизлар блогларда, хатларда, электрон хабарларда ҳаёт нақадар адолатсизлиги ва қиинчилликларга, қайғуга ва синовларга тўла эканлиги ҳақида ёза бошлаймиз. Бунга қарамасдан, Худо аниқ айтмоқда:

“Насиҳатлар китобини доимо ўргангин. Кун ва тун унинг устида фикр юритгин, токи унда ёзилганларни аниқ бажаргин: ўшанда сен гуллаб-яшнайсан ва муваффакият қозонасан (Йеш. Нун ўғли 1:8, инг. тилидан таржима).

Агар бизлар Худонинг насиҳатлар Китобида ёзилганларини аниқ бажарсак, Худо муваффакият ва гуллаб- яшнайдиган ҳаётни кафолат беради. Лекин бу китобда қулай руҳлантирувчи таълимот йўқ. Унда огоҳлантиришлар бор.

Афсуски, бизларнинг кунларимизда хизматчиilar ва ўқитувчилар, кўпинча, бу муҳим огоҳлантиришларни четлаб ўтадилар. Ёзувнинг бу кисмлари салбий деб қабул қилиниши мумкин ва биз минбардан кайфиятни бузадиган хабарлар жарангашини истамаймиз, чунки улар жозибадорликдан маҳрумдирлар, улар жамоат аъзоларига ёки конференция меҳмонларига ёқмайди. Шунинг учун имонлилар орасида гунохга қулашларни шу қадар кўп кўрамиз, агар одамларни ўқитганимизда ва огоҳлантирганимизда, булар бўлмаслиги мумкин эди.

Мен ҳозир сизларни даъват қиласман: Худонинг иродасисиз ва Унинг Сўзисиз сиз учун яхши нарса йўқлиги, мутлақ ҳеч нарса йўқлиги ҳақидаги ҳақиқатга ишонинг ва уни қабул қилинг. Агар сиз бунга ишонсангиз, келинг, Худо ва яхшилик орасидаги фарқни ўрганишни давом эттирамиз.

# ЯХШИЛИКНИНГ УМУМИЙ СТАНДАРТИ

Худонинг ҳар бир сўзи покдир...

— Ҳикматлар 30:5

Ҳақиқат Сўзини мустаҳкам билими

билингина хатолардан ўзини

асраб қолиш мумкин...

— Мэтью Генри

**Б**у китобда, мен яхшилик тушунчасининг уч томони ҳақида фикр юритаман. Биринчи томони, Бизнинг Худо билан асосий муносабатларимизга тегишли, иккинчиси – бизнинг хулқ-автоворимиз ва юриш-туришимизга, учинчиси – бизнинг режаларимиз ва стратегиямизга тегишилдири. Буларнинг уччалови ҳам ўзаро чамбарчас боғлангандир, чунки биринчиси – бизнинг пойдеворимиз, иккинчиси – бизнинг ҳаётимизнинг бенуқсонлиги, учинчиси – ҳаётимизни қуришдир. Агар биринчи иккитаси кучли бўлса, бизнинг меҳнатимиз маҳсулдор ва бокий бўлади. Агар улардан бири лиқиллаб турган бўлса, бизнинг ҳаёт ишимиз тўсиқларга учрайди ва вақтингчалик бўлади.

Биз ўзимизнинг биринчи уйимизни қандай қурганимиз, гўё бу кеча бўлганидек ҳануз менинг ёдимда. Мен Лиза билан бирга қурилиш жараёнига тўлиқ шўнғиган эдик. Қурилиши бошланишиданоқ биз ҳар куни келар ва қурилишни кузатар эдик.

Пойдеворни кўйиш бизда унча қизиқиши уйғотмаган эди, шунинг учун биз унга энг кам эътибор қаратган эдик. Тахминан шу вақтлар ичida бизнинг дўстларимиз ўзларининг биринчи уйларини

курдилар, у бизникидан чиройлирок уй эди. Улар кўчиб ўтганларидан сўнг бир неча йил ўтгач, уларнинг янги уйларидағи деворларда ердан шифтгача катта ёриқлар пайдо бўлди. Бир куни кечкурун бизлар уларнида кечлик қилдик ва катта ёриқларни кўриб, нима гаплигини сўрадик. Ошкора норизолик билан улар муаммо сифатсиз пойдеворда эканини айтдилар. Уларнинг қурувчилари пойдевор стандартини бузган эдилар ва уйни таъмирлаш борасидаги ҳамма ҳаракатлар бехуда кетди. Бу муаммони ҳал қилиш учун кўп вакт ва маблағ талаб қилинар эди. Дўстларимизнинг тарихи менга яхши пойдевор кўйиш накадар муҳим эканлигини кўрсатди. Пойдевор кўйиш – уй қуриш жараёнида унчалик қизиқ иш бўлмаса-да, у энг муҳим ишдир ва у бинонинг узоқ яшашини таъминлайди.

Пойдевор кўйилганидан сўнг деворларни кўтариш бошланди. Курилишнинг бу босқичида бизнинг ҳовлига сафаримиз қизиқарлироқ бўлди. Бизлар у ерда кўпроқ қолиб кетар эдик, чунки энди уйда айланиб юриш мумкин эди. Биз хоналарнинг киёфаси кўрина бошлиши лаҳзаларини сабрсизлик билан кутар эдик, тугалланган уйнинг сурати тобора аниқ бўлиб борар эди.

Энг қизиги қурилишнинг охирги босқичида бўлди. Ўшанда биз янада кўпроқ вақтимизни ҳовлида ўтказа бошладик. Деворларни кўтарганларидан сўнг, ички пардоз, полни тўшаш, деворларни тўғирлаш ва ахиди, қандил ва чирокларни осиш жараёни қандай кеччаётганини кузатар эдик. Бу бизнинг биринчи уйимиз эди ва биз уни ўз истагимизга кўра безатишимиш ва жиҳозлашимиз мумкин эди. Бизнинг ҳар бир кунимиз Милод байрами тонги каби бошланар эди.

Бу билан нима демокчиман? Агар қурилишнинг ilk икки босқичи(пойдевор ва деворларни кўтариш) керакли даражада қилинган бўлмаса эди, тез кунларда ёки маълум вакт ўтганидан кейин, дўстларимизда бўлгани каби, бинонинг қолган қисми ҳам зарар кўрган бўлар эди.

Худди шунингдек, мазкур китобнинг охирги қисми – ҳаёт режалари ва стратегиялар ҳақидаги қисм – энг мазали бўлак бўлади. У бизлар ишда, хизматда ва ҳаётнинг бошқа соҳаларида қабул қиласидиган қарорлар билан боғлиқ.

Баъзан бизнинг қаршимизда танлов туради, улар бизга яхши туюлади, лекин кераклича бундай бўлмайди. Бу йўлларни танлага-

нимизда улар биздан максимал имкониятни ўғирлайди. Ҳақиқатни ўзгартыриб бўлмайди: “Бенуқсонликда юрганларни У эзгуликдан маҳрум қилмайди” (Сан. 83:12). У сизга эзгуликни тилайди, Унинг эзгуликлари доимо ажойибdir.

Бу мавзуга бироз кейинроқ қайтамиз, ҳозир эса, уй қурилиши каби биз пойдеворни ётқизиб, деворларни кўтаришимиз лозим.

### **“Яхши” дегани нима?**

Келинг, “яхши” дегани нима эканлигини кўриб чиқамиз. Ивритда бу сўз “тов”дир. Сўзларнинг ўрганиш тўлиқ луғати (The Complete Word Study Dictionary) қуийдаги таърифларни таклиф қиласди: “кувонч келтирувчи, қабул қиласа бўладиган, эзгу, тўғри”. “Муқаддас Ёзув сўзларининг янги халқаро қомуси” янада чуқурроқ таъриф беради:

“Бу оддий сўз энг кенг маънода яхшиликни билдиради. Бу ни-  
мадир чиройли, мафтункор, фойдали, манфаатли, кўнгил истай-  
диган, маънавий тўғри нарсадир”.

“Яхши” сўзининг бу барча таърифларини баҳо бирлаштириб туради. Нима яхши ва нима яхши эмаслигини белгилаш учун бир предметларни, сифатларни ва ҳаракатларни бошқа предметлар, сифатлар ва ҳаракатлар билан солиштириш лозим.

Дунёнинг яратилиши баёнотида, биз “тов” сўзининг библия-  
вий маъносини кўрамиз: ёзилганки, Худо Ўзининг ишига қарай-  
ди ва уни яхши деб атайди. Худо ҳам баҳо бермоқда. Аслида,  
Худо Ўзининг сурати ва ўхшашлиги билан бўлишгани учун одам  
баҳоловчи фикрларни юритиш қобилиятига эгадир. Лекин гуноҳ  
одамнинг қабул қилиш қобилиятини бузди. Шунинг учун факат  
Худо идеал баҳолашга қодирдир. Худо нафақат берувчи ва яхши-  
ликнинг мезони экани, балки биз учун нима ҳақиқатан фойдали  
ва маънавий тўғри эканини факат У билишига Эски Аҳднинг  
муаллифларининг ишончлари комил эди. Фақатгина Худо яхши-  
ликни қандай баҳолаш кераклиги билан Ўз Сўзида бизлар билан  
ўртоқлашгани шарофати билангина, бизлар, Унга умид қилади-  
ганлар, у ёки бу предмет, ёки воқеа, сифат ёки ҳаракат фойдали  
деб комил ишонч билан айтишга кодирмиз.

Асосий сўз – бу баҳолашдир. Одам Ато ва Ҳавва Худонинг маслаҳатларига асосланмаган ҳолда нима яхши ва фойдали эка-

нини баҳолашга киришдилар. Улар воқеаларни Худонинг стандартидан фарқ қиласиган ўзларининг стандартларидан келиб чиққан ҳолда баҳолашни ўзларига олдилар. Одамнинг Худо билан душманлиги илдизи ўша ердан бошланади. У ҳар хил шакл ва кўришишни олган, лекин доим бир ниятга келиб тақалади: “Менинг хаётим учун нима тўғри эканини менинг ўзим биламан ва менга маслаҳатчилар керак эмас”. Лекин Худо демоқда:

“Одамга тўғри туюладиган йўл бор, лекин унинг охири ўлимга олиб борадиган йўлдир” (Ҳик. 16:25).

Биринчи бобда, мен айнан шу сўзларни келтирдим, лекин уларни Ҳикматлар китоби ўн тўртинчи боб, ўн иккинчи оятдан олдим. Бу сўзлар бехудага қайтарилган эмас. Муқаддас Ёзувдаги ҳар қандай такрорлашлар атайин қилинган. Доим ёдда тутиш керак: бაъзи масалалар Худо учун жуда аҳамиятли (Мт. 23:23га қаранг). Биз у ёки бу сўзнинг такрорланишини қўрганимизда, уларга қўпроқ дикқат қаратиш керак бўлади. Мазкур ҳолатда бу жуда жиддий огоҳлантиришдир.

Яхшилик ва ёмонликнинг ўртасидаги чегара нақадар осон сидирилиб кетишини Худо билади. Бу боғда содир бўлган бўлса, у бугунги кунларда содир бўлишининг имконияти нақадар катта? Худо огоҳлантирадики, бизларга қабул қиласа бўладигандек туюладиган йўллар: хулқ қўриниши, фикрлаш доираси, маслак, одатлар ва ҳатто урф-одатлар бор, лекин ахийри, улар ҳаёт қурилишида инқизозли бўлиб чиқади ва вақти келиб, бизларга катта синовлар олиб келади. Бунинг натижаси бир неча ойдан, йилдан кейин ёки фақат Ҳукм кунида намоён бўлиши мумкин. Повул демоқда: “Баъзи одамларнинг гуноҳлари ошкордир ва тўғридан-тўғри маҳкумликка олиб боради, баъзиларнинг гуноҳлари эса кейинроқ маълум бўлади” (1 Тим. 5-24). Сизларни билмадим-у, лекин мени шу оятнинг иккинчи қисми титроққа солади. Бу мен Худодан қўрқиши бошлайман дегани эмас, лекин мен Ундан йироқда бўлишим мумкинлиги ҳакидаги фикрдан даҳшатга тушаман.

Ҳакиқатан ҳам Худонинг донолиги мукаммал эканига ишонаманим ва менинг хаётим учун энг яхши нарсалар Унда борлигига ишо-

наманми – мана бу энг мухимдир. Бу саволга қатый жавоб юрагида борлигига ҳар бир одам чуқур амин бўлиши лозим. Бу чуқур аминлик масалага қараб ўзгариши мумкин эмас. Ёки Худонинг донолиги барча вазиятларда мукаммал, ёки унда камчиликлар бор ва биз Ундан мустакил равищада ўз ечимларимизни ўйлаб топишимиш афзал.

Шундай килиб, биз яхшиликнинг қайси стандартига ишонишимиз керак? Ҳаёт йўлига нима олиб боради? Ҳаворий Повул бизларга дейди:

Бутун Ёзув Худодан рухланган бўлиб, таълим олишга, фош қилишга, тўғрилашга ва ҳақлика тарбиялашга фойдалидир (2 Тим. 3:16).

Келинг, Повулнинг таъкидидаги асосий сўзларни тадқиқ қиласиз:

Бутун Ёзув. Унинг қайсиdir бир қисми эмас. Фақатгина бизлар муросада бўлган ва бизларга ёқадиган оятлар эмас. Бизнинг фикрлаш доиранизга ва бизлар ишонадиган нарсаларга тўғри келадиган оятлар эмас. Бутун Ёзув. Ўз-ўзингизнинг қаршингизда ростгўй бўлинг: Сиз Худонинг донолигини баъзи соҳаларда тўғри, лекин кўп ҳолатларда у эскирган ёки аҳамиятга эга эмас, деб хисоблайсизми?

Ҳавва Худони ўзининг Яратувчиси сифатида билар эди, Унинг ҳузури мўъжизаси билан биргаликда Унинг эзгулиги улуғворлигидан у лаззатланар эди. Дараҳтларнинг Эгаси томонидан унга ўраб турган дунёнинг бойликлари, уйғунлик, хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ ва тўқис мазали овқат берилган эди. Лекин Худонинг донолиги тўғри эмас, дея ўзини ишонтирган лаҳзада у ўлим йўлига кирди. Агар мукаммал шароитда бўла туриб Ҳавва алданган бўлса, гуноҳлар ичida бўлган ҳолда бизлар ҳимояни қаердан оламиз?

Ёзув таълим олишга, фош қилишга, тўғрилашга ва ҳақлика тарбиялашга фойдалидир. Қандайдир нарсалар шунчаки яхшиликнинг кўринишини олиши мумкин, аслида эса ёмонлик бўлиши мумкин. Яхши ва тўғри туюладиган, аслида эса ҳаммаси аксинча бўлган концепциялар, таъкидлар, фикрлар, сифатлар, далиллар ва фикрлаш доиралари мавжуд. Мазқур яширин ҳавфларни ҳисобга олган ҳолда, Худо бизларга ҳаёт учун қўлланма – Муқаддас Ёзувни берди, токи бизлар билимсизлик туфайли ҳақиқатдан чекинмайлик ва ўлим йўлига кириб қолмайлик.

Биз ўзимизга савол беришимиз (ва унга астойдил жавоб беришимиз керак): мен Муқаддас Ёзувни доимий равища үқияпманми? Мен уни ўрганаяпманми? Мен ўз ҳаётимга нисбатан Худонинг донолигини излаб вақт ўтказаяпманми? Ёки мен Ҳаввага ўхшаб, Унинг Сўзини анча яхши биламан деб тахмин қиласаманми? Мен гуноҳ билан ифлосланган сайдера яшаяпман, мен васвасага соловчи билан курашаяпман, наҳотки шу билан бирга, мен Ҳаввага қарангда ҳақиқатни яхшироқ тушунаман ва хаётда тўғри йўналишини тутиб турибман?

Бутун Ёзув Худодан рухланган. Бу жумла истисно ёки яширин маънони билдирамайди. Ёки ҳаммаси, ёки ҳеч нима. Агар бутун Ёзув Худо томонидан рухланган бўлмаса, унда бизнинг қўлланмамиз ноаниқдир.

Келинг, Ёзувга оид тафсилотларни ёдга оламиз. У олтмиш олти китобдан иборат бўлиб, ўртacha 1500йил давомида турли тилларда ёзилган; унинг муаллифлари қирқ кишидан ортиқ бўлиб, улар уч китъада(Африка, Осиё ва Европа) яшашган.

Муқаддас Ёзувнинг барча муаллифларининг келиб чиқишлири, машғулотлари ва дунёқарашлари турлича бўлган. Уларнинг орасида баликчилар, чўпонлар, харбийлар, подшоҳлар, подшоҳнинг шарбатдори, шифокор, солик йигувчи, чодир тикувчи ва бошқалар бор эди. Улардан баъзилари қамоқда ўтириб, бошқа бирлари эса қасрда ёзган эдилар.

Бу барча одамлар турли мавзуларда ёзган эдилар, лекин шунга қарамасдан, бизлар барча китобларда кўраётган бирлик ҳайратлантиради ва албатта, тасодифий эмасдир. Ундан қизил ип бўлиб бир мавзу ўтади: инсоният гуноҳдан заҳарланган, шу туфайли ўз Яратувчисидан ажралган ва У билан муносабатларни тиклашга қодир эмас ва бу муаммонинг илохий жавоби – Мойланган, Раббий Исо Масихдир. Бу фикр доимий равища барча китобларга – Ибтиодан Ваҳий китобигача қўшиб ўрилган.

Гап шундаки, Муқаддас Ёзувнинг муаллифлари номаларнинг мавзусини ўйлашиб кўриш учун биргаликда йиғилмаганлар, бундай қила олмас эдилар ҳам. Бу ажойиб! Бирор одам ва бирор гурух одамлар мазкур жараённи кузатган эмас ва ўз олдиларига бундай масалани қўйган эмас. Буни Худонинг Ўзи қилди. Муқаддас Ёзув

внинг китоблари анча узоқ вақт мобайнида ёзилгани туфайли, кўплаб муаллифлар бир-бирларини шахсан билмас эдилар ва турли жойларда яшашган эди. 1500йил давомида китоблар тўпламни тўлдириб борди. (Шунчаки ўйлаб кўринг ва бир ярим минг йилни тасаввур қилишга ҳаракат қилинг. Бу жуда катта вақт оралиғи бўлиб, Британия империяси ҳукм сурганидан ортиқ даврdir. Ҳайратлантирадиган сон!)

Энди, кўплаб авлодлар келиб-кетганидан сўнг, бизнинг Муқаддас Ёзувимиз – кўплаб муаллифлар, уларнинг меҳнатлари бир бутун китобга киритилишини билмасдан ёзган китоб эканлиги мени ҳайратлантиради. Уларнинг вазифалари турли хил авлод ва маданият вакиллари бўлмиш турли одамлар бир романнинг алоҳида бобларини ёзгандек, шу билан бирга, уларнинг бирортаси воқеаларнинг тўлиқ манзарасига ва ҳатто бу романнинг асосий мавзусига эга бўлмагандек. Мазкур китобнинг ҳайратга солувчи изчиллиги унинг илохий келиб чиқишини тасдиқлади. Симфонияда бўлгани каби, Муқаддас Ёзувнинг алоҳида бўлимлари умумий гармонияга ўз нотасини қўшади, унинг дирижери эса ягона Худодир.

Факат шуни англашнинг ўзигина Ёзувнинг илохий рухлантирилганлигини қатъяян исботлайди. Келинглар, ҳамма муаллифлар аниқ ёзганларининг исботига яна бир тафсилотни қўшамиз.

Масих келишининг башоратлари Эски Аҳднинг турли китобларида юзлаб йиллар мобайнида, ҳатто Масих туғилишидан минг йил олдин ёзилган эди. Кўплаб илоҳшунос олимлар Эски Аҳдда бунга ўҳшаган башоратлар уч юздан ортиқ деган фикрдалар. Исо Масих дунёга келганидан, У Ўз Отасига айтди: “Китобнинг бошида Мен ҳақимда ёзилган: “Мана, Мен Сенинг иродангни бажариш учун келаяпман, ё, Худойим” (Ибр. 10:7). Одамларга Исо Масих деди: “...Ёзувлар... Мен ҳақимда гувоҳлик берадилар” (Юх. 5:39).

Барча башорат матнларининг Исо Масих томонидан бажарилиши Ёзувнинг илохий рухлантирилганининг лол қолдирувчи исботидир. Бу далилни рад қиласиган одамлар кўпинча буни: “Масих ҳақидаги башоратларга тўғри келадиган бошқа тарихий шахслар ҳам бор”, деб фикрларини исботлашга ҳаракат қилишади. Худди шундай, баъзи шахслар бир, икки ва ҳатто бир неча башоратларни

амалга оширишлари мумкин. Лекин уларнинг барчасини бажарган одамни топишнинг иложи йўқ.

Буни мисоллар билан кўрсатишимга ижозат беринг. Кейинги бир неча бетлар маъносига кўра кўпроқ техник ва илмий, лекин сизларни ишонтираманки, бу ахборот муҳим ва фикрлаш учун мароқли.

### **Муқаддас Ёзувнинг аниқлиги**

Ўтган асрнинг ўрталарида, Питер Стоунер исмли фан доктори, профессор, “Фан сўзлайди” номи билан китоб нашр қилдири. Мазкур ишида у Масих ҳақидаги башоратларни эҳтимолликлар назарияси нурида музокара қиласди. Унинг топилмалари борасида фан доктори X.Хэрольд Харцлер унинг “Фан сўзлайди” китоби кириш қисмida шундай ёзган:

«“Фан сўзлайди” китобининг кўллёзмасини Америка илмий асоциацияси комитети ва мазкур гурухнинг ижрочи бирлашмаси диққат билан ўрганиб чиқди ва умуман олганда, уни ишончли ва аниқ, эҳтимолликлар назариясининг бегумон негизларига асосланган, деб топди. Эҳтимолликлар назариясини профессор Стоунер аниқ ва ишонарли равишда кўллаган».

Стоунер нафақат ўз ишини тақдим қилди, балки шунингдек, унда ўн икки гурухнинг олти юз талабасининг хulosаларини ҳам келтирди. У ўзидағи маълумотларни диққат билан ўрганиб чиқди ва сўнгра олинган маълумотлар ишонарлироқ бўлиши учун уларни пухталик билан таҳrir қилди. Уларни илк баҳолаш Исо Масих ҳақидаги қуйидаги саккиз башоратни ўз ичига олар эди:

1. Масих Байтлаҳмда туғилиши керак (Микаҳ 5:2даги башорат, Матто 2:1-7, Юҳанно 7:42, Луко 2:47да амалга ошган).
2. Масиҳдан олдин вакил келади (Ишаъё 40:3 ва Малахи 3:1даги башорат, Матто 3:1-3, 11:10, Юҳанно 1:23да амалга ошган).
3. Масих Йерусалимга ёш эшакка миниб келиши лозим эди (Закарияҳ 9:9даги башорат, Луко 19:28-37, Матто 21:1-11да амалга ошган).
4. Масиҳни дўсти сотиши лозим эди (Санолар 40:10 ва 54:13-15даги башорат, Матто 10:4, 26:47-50, Юҳанно 13:21-27да амалга ошган).

5. Масих ўтгиз кумуш тангага сотиши лозим эди (Закарияҳ 11:12даги башорат, Матто 26:15, 27:3да амалга ошган).
6. Масихни сотишган пул кулол учун Раббийнинг уйига ташла-ниши керак эди (Закарияҳ 11:13даги башорат, Матто 27:5-7да амалга ошган).
7. Масих айбловчилари олдида жим туриши лозим эди (Ишаъё 53:7даги башорат, Матто 27:12, Марка 14:60,61, 15:3-5да амалга ошган).
8. Масих хонда ўғри сифатида михланиши лозим эди (Санолар 21:17, Закарияҳ 12:10 ва Ишаъё 53:5даги башорат, Луқо 23:33, Юҳанно 19:18, Матто 27:38, Марк 15:24-27да амалга ошган).

Давом эттиришдан олдин, эҳтимоллилик назариясини оддий мисолда кўрсатишига ижозат беринг. Тасаввур килинг, сизда тўққизта сариқ ва битто оқ теннис шари бор. Сиз уларни бир саватга соласиз ва яхшилаб аралаштирасиз. Сўнгра бирор одамнинг кўзларини боғлаймиз ва саватдан битта шар олишини сўраймиз. У оқ шарни чиқаришининг эҳтимоли ўнга бир бўлади. Бу оддий эҳтимоллилик.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, Питер Стоунер олдинги бетда са-наб ўтилган саккиз башорат ҳақида қуйидагича хулоса чиқарди:

Қачонлардир шу давргача яшаган ва ҳамма саккиз башоратни ба-жарган одамнинг шанси 100.000.000.000.000.000 дан 1га тенг”.

Статистика таъсирли, лекин унинг маъносини фақат матема-тик ёки олим тушунишга қодир эди. Стоунер ишонтирувчи мисол келтиради, мен буни сизларга айтиб бераман. Агар бизларда 100.000.000.000.000.000 та кумуш доллар олиш имконияти бўлса эди, биз уларни қаерга кўйишимиз мумкинлиги муаммосига дуч келган бўлар эдик. Бутун дунёда уларни сиғдира оладиган омбор ёки бино топилмайди. Улар шу қадар катта жойни эгаллаган бўлар эдик, бутун Техас штатини ердан икки футга(60см)қоплаган бўлар эди. Бу жуда кўп миқдордаги тангалардир.

Тасаввур килинг, бизлар бу барча тангаларни қўлга киритдик. Сўнгра ўзимизнинг кумуш долларимиздан бирини белгилаймиз, сўнгра уни бутун Техас майдони бўйлаб аралаштириб ташлаймиз. Энди бир одамнинг кўзларини боғлаймиз, уни вертолетга ўтқизамиз,

у билан бирга бутун штатни учиб ўтамиз ва унга қўниш учун жой танлаш имкониятини берамиз. Бизлар ерга қўнганимиздан, у қўзлари боғланган ҳолда вертолетдан чиқади ва бир тангани танлайди. Штатнинг бутун майдони юзасида, у белгиланган тангани танлаши имконияти эҳтимоли – пайғамбарлар давридан ҳозирги асртагача қачонлардир яшаган одамлар ичидан бехосдан Масих ҳақидаги башоратларнинг саккизтаси амалга ошган биргина одамни топишга тенгdir.

Стоунер шундай хулоса қилди:

“Барча саккизта башоратларнинг бир одам томонидан амалга оширилиши шуни исбот қиласиди, мутлақ бўлиши учун факатгина 100.000 триллиондан бир имконият етишмайдиган дараражадаги комил ишонч билан бу башоратларни Худо ёзишга руҳлантирган”.

Булар лол қолдирувчи фактлардир. Лекин Стоунер биринчи саккизта башорат билан тўхтаб қолмайди. У яна Исо Масиҳнинг ҳаётини башорат қиласидиган Эски Аҳддаги саккизта башоратларни олади(жами ўн олтига).

Бир одам бу ўн олтига башоратларни бажариши эҳтимоли 45-даражадаги 10дан 1га тенгdir.

Бу сон нимани билдиради? Бу бирдан кейин 45та ноль келиши ни билдиради. У шундай кўринади:

1.000.000.000.000.000.000.000.000.000.000.000.000.000.000.000.000.000.

Стоунер бу эҳтимолликни мисол билан кўрсатиб беради ва мен яна уни бошқача қилиб айтиб бераман. Агар бизлар шу микдордаги кумуш доллар олганимизда эди, уни сиғдириш учун ер кичиклик қилган бўлар эди. Уларнинг ҳаммасини қаттиқ шарга тикиш керак бўлган бўлар эди. Бу шар ёки сфера диаметрида ердан күёшгача бўлган масофадан олтмиш марта катта, яъни 5,5 миллиард миль бўлган бўлар эди!

Бу шар нақадар улканлигини тушунишингизга ёрдам беришимга ижозат беринг. Мен Худонинг Сўзини таълим бериш учун тез-тез бошқа давлатларга учаман. Шуниси ҳайратланарлики, бизлар сайёранинг бошқа томонига тўхтамасдан бор-йўғи йигирма

тўрт соатда учиб боришимиз мумкин. Ҳаворийларга замонавий дунё жуда ёккан бўлар эди. Лекин бизлар кумуш тангалардан иборат шаримизни самолётда учиб ўтишни истаганимизда эди, биз буни қила олмаган бўлар эдик, чунки бирор одам бу қадар узок яшамайди. Кумуш долларли шарнинг атрофидан тўхтовсиз учиб ўтиш учун бизга тўрт юз минг йилдан ортиқ вақт керак бўлган бўлар эди! Бизнинг эрамизнинг 1620йилида, пилигримлар Массачусетс штатидаги Плимутга қўнган кунларида бизлар само сафарига йўлга чиққанимизда эди, биз ҳозирги кунгача ана шу тангалар шари атрофида учайдган бўлар эдик.

Шуни ёдда тутиш керакки, бу мисол Техас штатини икки фут қават билан қопладиган долларлар билан мисолдан фарқ қиласди. Бу янги шар тўлиқ кумуш тангалардан иборатдир.

Тасаввур қилинг, мана шу улкан шарда биз бир тангани белгилаймиз ва уни яхшилаб силкитамиз. Сўнгра унга кўзлари боғланган одамни келтирамиз ва бир долларни таваккал қилиб олишини сўраймиз. Нима деб ўйлайсиз, у белгиланган тангани чиқарадими? Исо масих тугилишидан юз йиллаб олдин ёзилган башоратларнинг бир одамда амалга ошиши имконияти нақадар кам эканлигини энди сиз тушунгандирсиз?

Мана, яна бир мисол! Стоунер амалга ошган ўн олтита башоратда тўхтаб қолмади, у қирқ саккизтасини танлаб олди. Унинг далиллари онгимизни ларзага солади, келинг, кейинроқ у нима деб ёзишини ўқиймиз:

“Бу таъкидни инсоният тушуниши даражасидан ташқарига олиб чиқиши учун, келинг, бир одамда амалга ошиши эҳтимолияти бўйича ўхшашиб қирқ саккиз башоратни, кўпроқ консерватив сонни ишлатиб, бизлар бошида кўриб чиққанимиздек саккизта деб тасаввур қиласмиз... Ўша эҳтимолият назарияси принципи ни кўллаб, биз кўрамизки, барча қирқ саккиз башоратларнинг одамлардан бирорида амалга ошиши имконияти 157-даражадаги ўндан бирга тенг келади”.

Бу бир сони ва унинг ортидан 157та ноль бор. Бу нолларни ёзишига эҳтиёж йўқ. Стоунер яна бир бор янги мисоли билан бу сон нимани билдиришини тушунишимизга ёрдам берди. Бу дафъя кумуш доллар жуда улкан. Кичикроқ ўлчамдаги нарсага мурожаат қиласмиз.

Электрон – бу бизларга маълум бўлган обьектлардан энг ки-чигидир. Электронлар шу қадар кичикки, агар уларни 1дюйм узунлигида териб чиқилса, уларни бир дақиқада 250электронни санаш тезлиги билан санаш учун ўн тўққиз миллион йилдан ортиқ вақт керак бўлади. Бу жуда кичик сондир. Ёддан чиқарманг, бу бор-йўги бир дюймлик чизик. Бу дафъа мен сизни бир квадрат дюйм ва боз устига, бир куб дюймларни ҳисоблаш учун керак бўладиган вақт микдори ва ҳисоб-китоб натижалари билан юклашни истамайман. Бунга кўпроқ вақт кетади.

Буни онгимизда сақлаймиз ва энди сўраймиз: 157-даражадаги 10 электронлардан иборат шар нақадар улкан? Қисқача қилиб айтганда, бу одамлар космосда кўра оладиган энг узоқ нуктагача бўлган масофадан катта радиусга эга бўлган шар бўлади. У бизлардан ўн уч миллиард нур йили узоқлигидадир. (Нур йили бу – нур бир йил давомида, ўртacha секундда(соатда эмас) 300минг километр тезлигида ўтадиган масофадир). Агар бизда ўн уч миллиард радиусига эга электронлардан иборат шар бўлса, биз барибир бу электронларни 157-даражадаги 10сони билан жойлаштира олмаган бўлар эдик. Уларнинг ҳажми бундан анча ортиқ.

Кўзлари боғланган одам мана шу электронлар муҳитига кириб, улардан белгиланган биттасини олиб чиқиши эҳтимоли Эски Аҳднинг турли муаллифлари томонидан ёзилган Масих ҳакидаги қирқ саккизта башоратларнинг тарихда бир киши томонидан бажарилиши имкониятига тенгdir.

Мен давом эттириб, эҳтимолият назариясини уч юзта турли башоратларда текширишни таклиф қилишимни истайсизми? Эҳтимол, сиз: “Керак эмас, илтимос!” – дерсиз. Мен умид қиласманки, сиз шундай деб ўйлайсиз, чунки бизнинг чекланган онгимиз бунга ўхшаган сонларни қабул қила олиши учун буни айнан тасвиirlаб беришнинг иложи йўқ.

Шундай қилиб, хулоса ясаймиз. Уч юздан ортиқ башоратлар турли тилларда сўзлаган, минг йилдан ортиқ вақт давомида турли мамлакатларда яшаган турли одамлар томонидан ёзилган ва уларнинг ҳаммаси бир одамда амалга ошди! Муқаддас Ёзувнинг ҳақиқий муаллифи Худонинг Ўзи эканини қандай инкор этиш мумкин? Унинг оғзидан чиқкан бу сўзлар янада кўпроқ аҳамиятга эга бўлиши мумкинми?

Худонинг хар бир сўзи ҳакиқатdir (Ҳикм. 30:5га қаранг).

Айнан У шундай демоқда: "...Зеро Мен Ўз сўзим устидан бедор турибман, токи у тезда амалга ошсин" (Йер. 1:12). Шу сабабдан, шундай деб ёзилган: "...У... айтган барча эзгу сўзлардан бирортаси амалга ошмасдан қолмади" (1 Шох. 8:56).

Худонинг Сўзи эрталаб қўёш чиқишидан кўра ишончлироқдир. Исо масиҳ бу ҳақида шундай дейди: "Осмон ва ер ўтиб кетади, аммо Менинг сўзларим ўтиб кетмайди" (Мат. 24:35). У Худо эканини ва Унинг иродаси Ёзувда очилганини бизлар билишимиз учун бизнинг Яратувчимиз ўчиб кетмас излар қолдирган.

### Обдан яширилган

Тимотийнинг иккинчи мактубида айтилган ҳаворий Повулнинг сўзларини такрорлаймиз (3:16): "Бутун Ёзув Худодан руҳланган бўлиб, таълим олишга, фош қилишга, тўғрилашга ва ҳақлика тарбиялашга фойдалидир". Бу сўзларнинг қийин жойи йўқ, ҳаммаси кераклича оддий. Муқаддас Ёзув – бу Худонинг Сўзидир. Яхши ва эзгу нарсани баҳолаш ва белгилаш учун биз унга умумий стандарт деб ишонишмиз мумкин. Агар сиз сизнинг шахсий донолигиниз, ёки дўйстларингизнинг, экспертларингизнинг ёки жамиятингизнинг донолиги Худонинг донолигидан яхшироқ деб ўйласангиз, марҳамат, ўйлаб кўринг, чунки Ёзув шундай дейди:

"Худо осмондан "Худони тушунадиган, Уни излаётган одам бормикин", деб кўриш учун инсон ўғилларига назар ташлади. Ҳамма йўлидан оғган, бирдек ярамас бўлган. Яхшилик қилувчи йўқ, биронта ҳам йўқ" (Сан. 52:3,4).

Биз аллақачон бу бобда муҳокама қилганимиздек, Худо бизга Муқаддас Ёзувнинг ишончлилигини рад қилиб бўлмайдиган исботларни берган. Мазкур оятларда саночи, Худонинг Сўзига қарши чиқадиган донолик, ҳатто у яхши туюлса ҳам, аслида бузук ва бизнинг ҳаётимиз учун заарарли эканини таъкидлайди.

Келинг, Повул Тимотийга нима деяётганини дикқат билан ўқиб чиқамиз:

“Сен эса сенга ўргатилган ва ишониб топширилган нарсада қолгин, чунки ким сенга ўргаттанини биласан. Шу билан бирга, сен болалигингдан Мұқаддас Ёзувларни билгансан. Шу Ёзувлар сени Исо Масихдаги имон орқали нажот йўлида доно қилишга қодирдир. Бутун Ёзув Худодан рухланган бўлиб, таълим олишга, фош қилишга, тўғрилашга ва ҳақлиқда тарбиялашга фойдалидир, токи Худонинг одами баркамол бўлиб, ҳар қандай яхши иш учун тайёрланган бўлсин” (2 Тим. 3:14-17).

Бизларга ўргатилган таълимотга бизлар содик қолишимиз керак. Повул одамларнинг фикрлари, психология, социология ёки яна қандайдир дунёвий донолик ҳақида сўзлаётган эмас, у Мұқаддас Ёзув ҳақида сўзламоқда. Ҳаворий ўзининг руҳий ўғлини унга содик қолишга даъват этмоқда. У Ёзувни доимо ўз юрагида биринчи ўринда қўйиш нақадар муҳим эканини таъкидламоқда. Агар Одам Ато ва Ҳавва шундай қилганларида эди, бизлар умуман бошқа дунёда яшаган бўлар эдик.

Ўзингизга шундай сценарийни тасаввур қилинг. Сиз сафарга чиқишингиз керак ва бу сафарда улкан мина даласини кечиб ўтишингиз лозим. У ерда нафақат портловчи моддалар кўмиб қўйилган, балки билқиллама қумлоқлар, ҳалокатли тузоқлар, заҳарли ўсимликлар ва чуқурлар бор.

Йўлга чиқишидан олдин, сиз ҳар бир мина ва чуқурликнинг жойлашган жойи белгиланган, тузоқларни, билқиллама қумлоқларни ва заҳарли ўсимликларни четлаб ўтиш йўллари кўрсатилган харитани оласиз. Сиз бу харитани нима қилган бўлар эдингиз? Сиз буни қувватловчи батончиклар ва сув бутилкаси билан бирга юк халтангизга солиб қўярдингиз-у, сафар кийинчиликлари туфайли уни ўқишини унтар эдингизми? Сиз унга фақат имконият туғилганидагина мурожаат қиласа эдингизми? Сиз уни камдан-кам ўқир эдингизми? Сиз уни энг бошида тиришқоқлик билан ўрганиб, сўнгра ҳамма ахборотни эслаб қолдим, деган комил ишонч билан чуқур яшириб қўяр эдингизми? Мазкур ҳатти-ҳаракатлардан бирортаси сизнинг хулқингизни кўрсатиб бераяптими? Агар шундай бўлса, сиз бу далани жиддий яраланган ҳолда ёки тобутда тарк этишингиз муқаррар бўлар эди.

Менга очиқ ҳақиқатни таъкидлашимга ижозат беринг. Доно одам харитани олади, уни диққат билан ўқиб чиқади, унинг устидан фикр юритади, сўнгра эса уни юк халтасига, уни керак бўлганида осонгина чиқариб олиш мумкин бўлган жойга солиб қўяди. Ўзининг сафари мобайнида унга тез-тез қараб туради ва харитада белгиланганига кўра диққат билан йўналишни танлайди. Сиз ҳам шундай йўлни босиб ўтишингиз керак бўлганида, сиз ҳам шундай килган бўлар эдингизми?

Гап шундаки, бизларнинг ҳаммамиз ҳар куни шундай йўлдан ўтиб бораяпмиз, Муқаддас Ёзув эса бизнинг харитамиздир. Буни ёдда тутган ҳолда, Худо бизларга Ёзув орқали нима деяётганига кулоқ солинг. Мен бир неча муҳим оятларни айтиб ўтаман. Илтимос, буларни шунчаки вараклаб ўтмасдан, ҳар бир сўзни диққат билан ўқиб чиқинг. Бу Муқаддас Ёзув оятлари сизни сафар чоғида “Муқаддас Ёзув харитасини” қандай қўллаш кераклиги ҳақида рухлантиради ва огоҳлантиради, токи бизлар ҳалокатли мина даласи – ўзимиз яшайтган дунёдан тирик ва безарар чиқа олайлик. “Тиришқоқлик билан” ва “диққат билан” сўзларига эътибор қилинг.

Раббий Худойингизнинг барча амрларини тиришқоқлик билан бажаринглар; Икир-чикиригача унинг насиҳатларига амал қилинглар” (Қон. так. 5:32, NLT, ингл.тилидан таржима).

Ёзилганки, бизлар Худонинг баъзи амрларига эмас, балки барча амрларига риоя қилишимиз керак. Бизлар унинг насиҳатларини икир-чикиригача қабул қилишимиз ва бажаришимиз зарурдир. У бизларни жуда қаттиқ яхши кўради ва бизлар йўлда зарар кўришилизни ёки ҳалок бўлишимизни истамайди. Мана яна бир оят:

“Шундай қилиб, қулоқ сол ва буни тиришқоқлик билан бажар, токи сенга яхши бўлсин...” (Қон. так. 6:3, NLT, ингл.тилидан таржима).

Бизлар қулоқ солсак ва тиришқоқлик билан бажарсак, бизларда ҳамма нарса яхши бўлади. Худонинг Ўзи бу ваъдани бермоқда ва Ўз Сўзини бажаришига кафолат бермоқда! Айнан шу насиҳатларни бизлар Қонуннинг такрорланиши китобида топамиз (8:1, 12:28, 32

ва 28:13). Диққат билан қараб, сиз күрасизки, Худонинг амрлари ни бажариб, бизлар тўлақонли ҳаётдан лаззатланамиз, бизнинг иш маҳсулдорлигимиз кўпаяди, биз жамиятда баланд ўринларни эгал-лаймиз ва хеч қачон паства ёки орқада бўлмаймиз. Худонинг Сўзи-ни диққат билан ўқиши, Унга қулоқ солиш ва Уни бажариш нақадар муҳим эканини тушунаяпсизми?

Сиз айтарсиз: “Лекин Жон, бу насиҳатлар, одамлар қонун остида яшаганларида уларга берилган эди, Бу Эски Аҳд амрлари. Энди бизлар иноятнинг янги аҳди билан яшаймиз. Ахир Исо Масих бизларни бу ортиқча юқдан халос қилмадими?” Исо Масих бизларни қонундан озод қилди, лекин Худонинг Сўзини тиришқоқлик билан бажариш насиҳатини бизлардан олган эмас, бу эса бизлар учун ҳаётий муҳимлигича қолади. Қаранглар, Эски Аҳдда нима деб ёзилган:

«Мусо оталарга деди: “Раббий Худойингиз биродарларингиз орасидан сизларга менга ўҳшаган пайғамбарни(Исо Масихни) кўтаради, У сизларга айтадиган ҳамма сўзларни диққат билан тингланглар”» (Ҳав. 3:22, NLT, ингл. тилидан таржима).

Бу ерда Исо Масих нима деса бизлар Унинг насиҳатларидан қайсиdir қисмини эмас, ҳаммасини бажаришимиз кераклиги ҳакида айтилмоқда. Ҳаворий Ёкуб нима деяётганини ўқиб кўрайлик:

Лекин ким озодликнинг мукаммал Қонунига диққат билан қараб, унда турадиган бўлса, у киши унутувчан тингловчи эмас, балки Сўзни бажарувчиси бўлиб, ўз ҳаракатларида дуо баракали бўлади (Ёкуб 1:25, NLT, ингл. тилидан таржима).

Мана, яна бир насиҳат:

“Бизнинг ичимизда яшайдиган Муқаддас Рух ёрдами билан сенга топширилган қимматбаҳо ҳақиқатни тиришқоқлик билан сақлагин” (2 Тим. 1:14, NLT, ингл. тилидан таржима).

“Шунинг учун биз тўғри йўналишни йўқотмаслигимиз учун эшитганларимизга ўта диққат қилишимиз керак” (Ибр. 2:1).

Ҳаётда бизлар ўзимиз билмаган ҳолда тўғри йўналишдан чекина бошлаймиз, бу қандай содир бўлганини ҳатто пайқамай ҳам коламиз. Мен болалигимда кўлга қайиқда балиқ овлашга чиқка-

нимда, кўпинча, ўзимнинг тезроқ бирор нима овлаш борасидаги сабрсиз истагим туфайли лангар ташлашни унутар эдим. Мен балиқ овига қизиқиб кетар эдим, ярим соатдан кейин эса атрофга қараб, аллақачон ер кўринмаётганини пайқаб қолар эдим. Мен ўзим билмаган ҳолда қирғоқдан тобора узоклашиб борар эдим ва эхтиётсизлигим туфайли уни кўздан қочирар эдим.

Бизлар ҳақиқатга дикқат билан қарамаганимизда, ундан ҳам худди шундай узоклашамиз. Бизлар Ёзувни ўқимай қўйганимизда, У ҳакида мулоҳаза қилмаганимизда ва уни бажармаганимизда бу содир бўлади. Агар бизлар у ёки бу нарсаларга дикқат қилишига ўзимизни мажбур қиласақ, ахийри, улар бизнинг назаримиздан қочади. Бизлар йўналишимиздан осонгина четга чиқамиз, атрофимиздаги одамларнинг таъсири ва жамиятнинг овози биз учун Худонинг иродасининг ўрнини олади. Биз ўзимиздаги воқеликни бузилган баҳолаш қобилиятимиз билан шахсан бизга яхши туюлган нарсаларни қабул қила бошлаймиз.

Ўтган бобда бизлар жуда муҳим ҳақиқатни мустаҳкамладик: Худонинг иродасидан ташқарида бизлар учун ҳеч қандай яхши нарса йўқ. Сиз Худонинг иродаси Ёзувда очилган эканлиги ҳакидағи фикр ростлигига ишонасизми? Агар “ҳа” бўлса, унда пойдевор кўйиш вақти келди.



## ПОЙДЕВОР

“...ҳақ одам абадий пойдевор устидадир”

— Ҳикматлар 10:25

Агар Хушхабарда сизга маъқул бўлган  
оятларга сиз ишонсангиз ва сизга маъқул  
бўлмаганини рад қиласангиз, унда сиз  
Хушхабарга эмас, ўз-ўзингизга ишонасиз.

— Муқаддас Августин

**М**азкур китобнинг мағзи бўлмиш уч соҳани сизга эслатиб ўтмоқчиман: биринчиси пойдевор ҳақида, иккинчиси – ҳаётни мустаҳкамловчи нарса ҳақида ва учинчиси – ҳаётни қуриш ҳақида сўзлайди. Китобнинг қолган барча қисми бўйлаб, бу соҳалар бизнинг диққат марказимизда бўлади.

Худо билан тўғри муносабатларда пойдевор биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Агар сиз кўпдан буён имонли бўлсангиз, мен қолган баёнотга диққат билан қарашингизни қатъий тавсия қиласман. Сиз нафақат ўз пойдеворингизни мустаҳкамлашингиз, балки шунингдек, сиз бошқараётган одамлар ва сиз борликнинг Яратувчиши билан муносабатга таклиф қилиб таъсир кўрсатаётган одамларга ёрдам бера олишингиз учун мен кўлимдан келган ҳамма ишни қилишга ҳаракат қиласман.

Муқаддас Ёзувда айтилган:

“Ҳақ киши йўқ, биронта ҳам йўқдир. Фахмловчи ҳеч ким йўқ,  
Худони излаётган ҳеч ким йўқдир. Ҳамма йўлдан озган, уларнинг ҳаммаси ярамасдир. Яхшилик қилувчи йўқ, биронта ҳам йўқдир (Рим. 3:10-12).

Яхшилик қилувчи йўқ, биронта ҳам йўқдир. Исо Масихдан ташқари, қачонлардир дунёда яшаган бирор одам ёки қачонлардир яшайдиган бирор одам Худонинг яхшилик тушунчасига кўра доимий равишда яхшилик қilmайди. Нима учун? Чунки ҳар бир одам қул бўлиб туғилади. Ҳа, бизлар сизлар билан биргаликда қуллар бўлиб туғилганмиз. Сиз сўрарсиз:

–Мен кимнинг қулимани?

–Гуноҳнинг қули.

Повул юқоридан туғилган одамларга ёзмоқда: “...сизлар гуноҳга кул эдингизлар...” (Рим. 6:17).

Одам Ато ва Ҳавва Худога итоатсизлик қилган лаҳзаларида ўлдилар. Улар тақиқланган мевани есалар уларни қандай тақдир кутиши хақида Худо уларни огоҳлантирган эди, гарчи бу уларнинг жисмоний ўлимларидан анча йиллар олдин содир бўлган бўлса ҳам.

Шу тарзда, савол туғилади: Одам Ато ва Ҳавва мевани еган кунларида қандай ўлдилар? Ўлим уларнинг борлигининг энг муҳим қисми бўлмиш уларнинг руҳида содир бўлди. Улар ҳаёт берувчи Худодан ажратиши бошдан кечирдилар ва Унинг табиатига хос бўлмаган хусусиятларни мерос қилиб олдилар. Бунинг натижасида, уларнинг авлодлари худди шундай наслий хусусиятлар билан туғила бошлади, булар авлоддан- авлодга ўта бошлади ва ҳануз ўтмоқда. Ибтидо китобида бизлар бу воқеликнинг исботини кўрамиз: “Одам Ато 130 ёшда бўлганида, унинг худди ўзига ўхшаган, унинг руҳидек, унинг кўрининшидек ўғли туғилди” (5:3, The Message, ингл. тилидан таржима).

Ўша вақтдан буён одамлар яхшилик нима эканини аниқ билмайдилар ва яхшилик қила олмайдилар, уларнинг ахлоқ ва маънавият ички компаслари бузилган. Ўша лаҳзадан буён одам гуноҳ томонидан бошқарилиши туфайли, ерда Худонинг хузуридан ташқари ҳеч нима унга ҳақиқий яхшилик ва ёмонлик нима эканлигини кўрсата олмади. Илоҳий бошқарувсиз одам яхшиликни ёмонликдан ажратишига қодир эмас. Илонни ўзига тобеъ қилган, итоатсизликнинг отаси бўлмиш шайтон ерда янги ҳукмрон ва бош қонун таъсис қилувчи бўлди.

Худо одамга ерни мулк қилиб берган эди, У одамни ернинг устидан ҳукм суриш учун қўйган эди, лекин одамлар ўз ҳокими-

ятларини шайтонга топширдилар. Минг йилдан сўнг шайтон Исо Масихни тоғнинг чўққисига олиб чиқди, Унга бутун дунёни кўрсатди ва дадиллик билан деди: “Булар устидан барча ҳокимиятни ва буларнинг шуҳратини Сенга бераман, – деди, – чунки бу менга топширилган ва мен буни истаганимга бераман”(Лк.4:6). Унинг бундай дейишига асос бор эди, чунки ҳақиқатан ҳам Адан боғида илк одамлардан ҳокимиятни олган эди.

Худо бизга нажот бериш учун бу заминга Ўз илохий улуғворлигига кела олмас эди, чунки ер одамларга берилган эди. Улар бу ҳокимиятни бой бердилар ва факат одам уни қайтариб олиши мумкин эди. Худо ҳали Одам Ато гуноҳ қилишидан олдин тайёрлаб қўйган Ўз режаси билан келди, чунки ерда ҳаёт бошланишидан олдин у қандай танлов қилишини олдиндан билган эди. У инсон қиёфасида келишга ва одамларни кулликдан қайта сотиб олишга қарор қилди. Худо Ўзининг Ўғли Исо Масихни юборди. У аёлдан туғилди, бу Унга мутлақ одамнинг табиатини берди, лекин Муқаддас Рухдан хомила бўлди, бу Унга мутлақ Худонинг табиатини берди. Шунинг учун Исо Масих одамзод туғиладиган қуллик лаънатидан озод эди.

У ерда мукаммал ҳаёт кечирди. У ҳеч қачон гуноҳ килмади, ҳеч қачон итоатсизлик қилмади. Қачонлардир ерда яшаган барча одамлар ичида ягона, бегуноҳ одам сифатида У Ўз ҳаётини одамзоднинг озодлиги учун берди. У хочгача яшаган, хоч даврида яшаган ва ундан кейин яшаган ҳар бир эркак ва ҳар бир аёлнинг айловини хочда Ўзига олди. Бизларнинг кулликдан озодлигимиз нархи сифатида У Ўзининг шоҳона қонини тўқди.

Исо Масих ўлди ва кўмилди. У ерда, Худо қаршисида мукаммал ҳаёт кечиргани учун хочга михланганидан уч кундан кейин Худонинг Рухи Уни ўликлардан тирилтирилди. Энди У Қодир Худонинг ўнг қўлида ўтирибди. Шу Қодир Худо шундай сўзларни айтган:

“Шундай килиб, агар сен Исони Раббим деб, ўз оғзинг билан эътироф этсанг ва Худо Уни ўликлардан тирилтирганига ўз юрагинг билан ишонсанг, нажот топасан. Чунки инсон ҳақлика эришиш учун юраги билан ишонади ва нажот топиш учун оғзи билан эътироф этади” (Рим. 10:9,10).

Бизлар Исо Масихни Ўз Раббимиз деб қабул қилган лаҳзада ажойиб мўъжиза содир бўлди. Бизнинг гуноҳ ва ўлим табиатимиз бирданига парчаланиб кетди, унинг ўрнида эса Исо Масихнинг суратида яратилган янги одам туғилди. Бизнинг руҳимиз(бизнинг хақиқий борлигимиз) юқоридан туғилди, бизнинг жисмоний танамиз эмас. Жисмоний танамиз олдингидек танавий истакларга мөйил, лекин бир куни у йўқ бўлади. Бизга янги хаёт фақатгина Худонинг инояти инъоми орқали келади, у яхши хулқ ёки бизнинг эзгу ишларимизга умуман боғлиқ эмас. Нукта.

Шуни таъкидлаш муҳимки, бизлар юқорида келтириб ўтган Римликларга мактубидаги оятлар, одам Исо Масихни Нажоткор дебгина эмас, балки Раббий деб эътироф этиши лозимлигини айтмоқда. Бу ерда гарб жамоатида кўп учрайдиган фундаментал янглишиш пинҳон турибди. Раббий сўзи – юнон тилида kurios “эга, хўжайин, энг баланд ҳокимиёт” маъносини англатади.

Озодлик ва янги ҳаётга эришиш учун Исо Масихни фақат Нажоткорим деб тан олиш етарли эмас. Мен тушунаман, бу кескин жаранглайди ва бу бизлар одатда одамларни тавбага чақиришимизга ўхшамайди, аммо Ёзув айнан шуни айтмоқда.

Нажоткор сўзи Муқаддас Ёзувда 36марта учрайди, Раббий сўзи эса 7800марта. Нима деб ўйлайсиз, Худо нимага урғу бермоқда? Раббий – бу Унинг бизнинг ҳаётимизда тутган ўрни, Нажоткор эса Унинг бизлар учун қилган иши туфайли сазовор бўлган исмидир. Бизлар Унинг Раббий ва Подшоҳ ўрнини қабул қилмасак, Унинг ишига дахлдор бўла олмаймиз.

Бизлар кул бўлиб туғилдик. Гуноҳ бизнинг устимиздан эгалик килар эди. Аммо бизлар эркин ирова билан яратилганмиз, шунинг учун биз қатъий қарор қилишимиз ва эгамизни алмаштирганимиз хақида айтишимиз мумкин. Нажот бутун одамзодга берилган эди, аммо ҳар бир одам уни Худонинг шартлари асосида шахсан қабул қилиши лозим.

### **Оролдаги қамоқхона лагери**

Сизларга бу ҳақиқатни мисолда кўрсатиш учун ўйлаб топилган воқеадан фойдаланмоқчиман.

Тасаввур қилинг, сизнинг бутун оиласнгиз оролда, қамоқхона ла-  
геридаги ёвуз ҳукмдорнинг кўлида. Бу орол қачонлардир сизнинг бо-  
бонгизга узоқ давлатдаги яхши подшоҳ томонидан тухфа қилинган  
эди. Аммо сизнинг бобонгиз катта хатога йўл кўйди: у уни асраб  
қола олмади. Ёвуз ҳукмдор ва унинг қароқчи хизматкорлари келди-  
лар ва алдов йўли билан оролни кўлга киритдилар, сизнинг бобон-  
гиз ва унинг авлодларини эса қулга айлантиридилар. Ёвуз ҳукмдор  
ва унинг хизматкорлари қамоқхона лагери курдилар ва сизнинг бор  
оиласнгизни панжара ортига ўтқиздилар.

Оролда ҳаёт тарзи таъмагирлик ва бузукликка тобора ғарк бў-  
либ, аста-секин ёвуз ҳукмдорнинг ва унинг хизматкорларининг  
табиатига ўхшаб бора бошлади. Натижада, яхши подшоҳ оролни  
ҳукм қилди. Аммо бу оролни йўқ қилиб ташлашдан олдин, сизнинг  
оиласнгизга севгиси туфайли у келиб, ёвуз ҳукмдорнинг қўшини  
билан курашди ва уни енгди.

Подшоҳ қамоқхоналарнинг эшигини очди ва деди: “Барча маҳбус-  
лар озод. Агар ёвуз ҳукмдорни рад қилсанглар ва менга содиқликка  
ваъда берсанглар, сизлар қамоқхонадан чиқишлиаринг мумкин”.

Подшоҳнинг яхшилиги шарофати билан сизнинг бутун оиласн-  
гиз узоқ кутилган озодликни кўлга киритди. Аммо яхши ҳукмдор  
Унинг ортидан боришга сизни мажбур қилмайди. Ҳар бир маҳбус-  
нинг ўзи қадам қўйиши лозим. (Агар ҳар бир кишига шахсан тан-  
лаш ҳукуки бериш ўрнига, подшоҳ ўзига бўйсунишни талаб қилга-  
нида эди, бу шунчаки зулмкорликнинг бошқа шакли бўлган бўлар  
эди). Агар сиз озодликни танласангиз, сиз ўз қамоқхонагиздан  
чиқишингиз керак, яхши подшоҳнинг ортидан унинг қемасига бо-  
ришингиз керак, унинг давлатига бориб, унинг фуқароларидан би-  
рига айланишингиз ва унинг буюк подшоҳлиги қонунлари бўйича  
яшашингиз керак бўлади. Сизга имконият берилган, аммо янги  
подшоҳнинг шартларига шахсан рози бўлишингиз керак бўлади.

Яхши подшоҳ сизнинг оиласнгизнинг нажоткори хисобланади.  
Аммо унинг нажоткорлик ишидан фойдаланиш учун сизнинг ои-  
ласнгизнинг ҳар бир аъзоси ўзини Унга тўлиқ бўйсундиришга рози  
бўлиши даркор, бу эса унинг подшоҳлигининг қонунларига ўзини  
бўйсундириш демакдир. Сизлардан бирор киши подшоҳга бўйсун-

масдан унинг нажотини қабул қила олмайди ва оролни шунчаки тарк эта олмайди.

Агар сиз яхши подшоҳнинг ортидан бормасликка қарор қилсангиз, сиз шунчаки турган жойингизда қоласиз. Аммо подшоҳ кетганидан барбод қилинишга ҳукм қилинган оролни портлатишга ва йўқ қилишга тайёр жанговар кемалар яқин масофада турган бўлади. Яхши подшоҳ сиз учун жангда ғалаба қозонган бўлса ҳам ва қамоқхонанинг эшикларини очиб, сизга озодлик ҳадя қилган бўлса ҳам, яхши подшоҳнинг ҳукмронлигига бўйсунмасдан оролда қолишга қарор қилган сизнинг қариндошларингизнинг бошига ёвуз ҳукмдор ва унинг бандасини кутаётган қайғули тақдир тушади.

Мени эшитгин, азиз ўқувчи. Худо дўзахни сен учун ҳам, бошқа одамлар учун ҳам яратган эмас. У дўзахни шайтон ва унинг қулаган фаришталардан иборат қўшини учун яратган. Исо Масих ҳукм кунида ўзини Унинг ҳукмронлигига бўйсундирмаган одамларга уларни нима кутаётганини айтади:

“Шунда Унинг чап томонида турганларга ҳам сўзлайди: “Эй, лаънатланганлар! Менинг олдимдан шайтон ва унинг фаришталирига тайёrlаб қўйилган абадий оловга кетинглар” (Мт. 25:41).

Дўзах бу жуда реал жойдир. Исо Масих дўзах ҳақида Осмон Шоҳлигидан кўра кўпроқ сўзлаган эди. Дўзах ҳақида ва у ерда охири йўқ азоблашлар бўлиши ҳақида эслатишни У ҳамдардлик етишмаслигининг оқибати деб ҳисобламас эди. Бу Унинг муҳаббат Шоҳлигини рад қилган мурдаларнинг абадий уйидир.

Исо Масихнинг сўзларига кўра, бу жазолаш ва азобли қийналишлар жойи одам учун эмас, лекин афсуски, бизнинг бобокалонимиз Одам Атонинг итоатсизлиги учун бизларнинг ҳар биримиз айловчи ҳукмга эга бўлдик. Энди шайтоннинг тақдирни бизнинг тақдиримиз, агар фақатгина бизлар янги ҳукмдорни танламасак. Исо Масих бутун одамзодни Худонинг қаҳридан кутқарганига қарамасдан, кўплаб одамлар шайтон билан бирга маҳкум бўладилар, чунки ўзларининг ерлик ҳаётлари давомида унинг табиатидан воз кечмайдилар, бошқача қилиб айтганда, улар ёвуз оролни тарк этмайдилар.

Сиз сўрарсиз: “Нима учун Худо шафқат кўрсатмайди ва барча одамларга Ўзининг Шоҳлигига қандай бўлсалар шундайликларича киришларига рухсат бермайди?” Исо Масихнинг хукмронлигига бўйсунмайдиган одамлар бузуқ ва ёвуз руҳий табиатга эгадирлар. Улар ерни тарк этганларида, бу табиат улар билан абадий қолади. Агар уларга Худонинг Шоҳлигига киришга рухсат берилса, улар кўплаб айбисиз одамларга зарар етказадилар.

Айнан шунинг учун Худо Одам Атони ва Ҳаввани Адан боғидан чиқариб юборди, токи уларни ҳаёт дараҳтидан йироқлаштиурсин.

“Сўнгра Раббий Худо: ‘Мана, одам яхшилик ва ёмонликни билиб, Бизларнинг биримиздек бўлди. Энди кўлинин чўзиб, ҳаёт дараҳтининг мевасидан ҳам олмасин ва уни еб, абадий яшамасин!’” – деди. Шундай қилиб, Раббий Худо, одамни ўзи олинган ерга ишлов бериши учун Адан боғидан чиқариб юборди” (Ибт. 3:22,23).

Худонинг севгиси уларни ҳимоя қилди, токи бизлар абадий ўлиқ табиатни мерос қилиб олмайлик.

## Хукмронлик

Фарбий жамоат Исо Масихнинг Раббий сифатидаги ўрнига эмас, бизнинг нажотимиз борасидаги ишига урғу бериши туфайли, бизнинг пойдеворимизда Унинг хукмронлик ўрнига бўйсуниш етарлича эмасдир. Повул нима деганига кулоқ солинг:

“Шунинг учун сизлар Исо Масихни қандай Раббий деб қабул килган бўлсангиз, худди шундай, Масихнинг ортидан юришда давом этинглар. Унда томир ёйинглар ва ҳаётларингни Унда куринглар (Кол. 2:6,7, янги ўзб. таржима).

Повул: “Исо Масихни қандай Нажоткор деб қабул килган бўлсангиз”, деяётган эмас. Бизнинг ҳаётимиз Унга бўйсундирилиши лозим, ҳаётимиз Унинг нажот берувчи жасоратида эмас, унинг Хукмронлиги остида қурилиши лозим. Бу шуни билдирадики, биз Ўзимизнинг асосий ва ягона Подшохимиз сифатида Унга бўйсунишимиз керак ва шунда Унинг нажоти ҳосилларини кўрамиз. Амалда бу: Унинг сўзиға, донолигига, маслаҳатига, насиҳатларига, тўғирлашларига ва бош-

карувига – сабабини тушунамизми ёки йўқми, бундан қатъий назар бўйсунишимида акс этиши лозим. Бизлар бошқа нима яхши ва нима ёмонлиги ҳақидаги ўз баҳойимиз дараҳтидан озиқланмаймиз. Бизлар Унда яшаймиз, Унинг ҳаёти бизнинг ҳаётимизга айланади.

Бизлар Лиза билан никоҳдан ўтганимизга ўттиз йилдан ошди. Шу вақт мобайннида буюк шеф-повар билан ҳаётдан катта фойда олмоқдаман. Лиза ҳар қандай дидга мос овқатларни ажойиб тайёрлайди. Менинг дўстларимнинг бაъзилари хотинларига песто соусини тайёрлаш, салатлар учун зираворлар ва бошқа тансиқликлар тайёрлашни ўргатишни илтимос қилиб унга мурожаат қиласидар.

Баъзан мен Лизани ўзимнинг “кичкина шеф-поварим” деб атайдар. Оилавий ҳаётимизнинг ўттиз йилдан ортиқ даври мобайннида, мен ўн марталарча уни шундай атадим, лекин минглаб бора уни хотиним деб атаганман. Нима учун? Чунки бу менинг ҳаётимдаги унинг ўрни. “Шеф-повар” номи эса мен унинг турмуш ўртоғи деб аталиб, мен оладиган фойда ҳақида сўзлайди.

Лиза менга овқат пиширишининг ўзигина мен унга тегишли эканимни билдирамайди. Бизнинг тўйимизгача, менинг туғилган кунимда у менга ажойиб тушлик тайёрлаб берган эди. Лекин бу бизларни мустаҳкам, узоқ муносабатлар билан боғламади. Мен бошқа барча қизларни унутиб, фақат унгагина юрагимни тақдим қиласидарим ва уни ўз хотиним деб атаб, у билан тузган аҳдим бизларни никоҳ ришталари билан боғлади.

Бизнинг Масих билан муносабатимиз ҳам шунга ўхшашидир. Унинг нажотини қабул қилишимиз учун Унинг ҳукмронлигига ва шоҳлигига бўйсунишимииз керак. Унинг мукаммал бошқарувига, хулқ-авторига, севгисига ва бизлар учун нима энг яхши эканини У билишига ишончимиз комил бўлгани ҳолда, биз ўз ҳаётимизни тўлиқ Унга топширамиз. У бизнинг озодликда яашимизни жуда исташига ва бизларга нисбатан мукаммал севгига эга эканлигига қарамасдан, У подшоҳларнинг Подшоҳи ва эгаларнинг Эгасидир; бизнинг ҳаётимизда биринчи ўринда нима турганидан қатъий назар, У ҳеч қачон иккинчи ўрин билан қониқмайди.

Мен кўп бора қўрганманки, Америка ва бошқа гарбий давлатлар жамоатларида, Раббийни излаётган одамларга Исо Масихнинг

хукмронлигини тилга олмасдан нажотни таклиф қиласылар. “Сизлар қилишингиз керак бўлган иш бор-йўғи Исо Масихни Нажоткор деб эътироф этишингиз ва сиз Худонинг фарзандига айланасиз”, – дейишади хизматчилар. Ёки: “Бугун Исо Масихни ўз Нажоткорингиз деб қабул қилинг”, – дейишади. Ёки дейишади: “Келинглар, биргаликда қуидаги ибодат билан ибодат қиласиз: Исо Масих, менинг юрагимга киргин ва бугун менга нажот бергин. Мени Худонинг фарзанди қилганинг учун раҳмат. Омин”. Бу Худонинг оиласига таклифларнинг барчаси дунёвий ҳаётни қолдириш кераклиги, Раббийнинг ортидан бориш учун ўз йўлларини рад қилиш лозимлигига бирор шамасиз амалга оширилади.

Бу хабар яхшига ўхшайди, унда Янги Аҳддаги баъзи оятлар бор. Лекин ҳақиқатан ҳам Янги Аҳд бизларни шунга даъват этадими? Худонинг донолиги шундами? Ёки бизлар ҳақиқий хабарни ўзгартириб, уни одамларга қулай қилдикми? Биз ўз баҳолашимиз дараҳтидан озиқланмаяпмизми?

### Ўз-ўзидан кечиш

Келинг, Исо Масих нима деганига назар ташлаймиз. Унинг кўпчиликка қаратилган сўзлари оддий ва аниқдир:

«Сўнг Исо халқ билан Ўзининг шогирдларини чақириб, уларга деди: “Ким Менинг ортимдан бормоқчи бўлса, ўзини рад этсин ва ўз хочини олиб, Менинг ортимдан юрсин. Чунки ким жонини сақлаб қолмоқчи бўлса, уни йўқотади. Лекин ким Мен ва хушхабар учун жонини йўқотса, уни сақлаб қолади”» (Марк. 8:34,35).

Агар Раббийнинг ортидан боришни истасак, бизлар ўз-ўзимиздан кечишмиз керак. Нукта.

Бу нимани билдиради? Иккита хўжайнинг хизмат қилишнинг иложи йўқ, чунки улардан ҳар бири турли хил ҳаракатларга чорласа, улардан бири гагина содик қолишининг иложи бор. Бизнинг ҳали қайта сотиб олинмаган танамиз бир нарсанни истаганида, Худонинг Сўзи эса бошқа нарсанни айтиётганида, бизлар ҳали Масих ортидан ўзимизнинг энг катта Хукмдоримиз сифатида эргашишга қарор қилган бўлмасақ, бизлар олдингидек Исо Масихга қараб ва Уни ўз

Нажоткоримиз деб атаган ҳолда, осонгина мустақил йўлни танлашимиз мумкин. Буни эътироф этган ҳолда адашиш мумкинми?

Мумкин, шунинг учун Исо Масих деган: “Нега сизлар Мени, ё, Раббий, ё, Раббий, деб чақирасизлар-у, аммо айтганларимни қилмайсизлар?” (Луко 6:46). Бошқача қилиб айтганда, бўш, бемаъно хаёт Раббий бўлиб қолмоқда. Агар биз, “Раббий” дея, бу сўзга керакли маънони бермасак, Исо Масих демоқдаки, бизлар Уни “Улуғ Устоз” деб атаганимиз маъқулроқдир. Шунда, ҳеч бўлмагандан, бизлар Унинг таълимотидан бирор нима ола оламиз ва аслида, Унга тегишли бўлмасак ҳам, Унга тегишлиман, деб алданмаймиз.

Марк баён килган хушхабарда ва Янги Аҳддаги бошқа оятларда ёзилганидек (8:34,35), ўзидан кечиш – бу шунчаки мазкур маҳкум қилинган дунё “ороли”дан Унга эргашиб йўлларидан бири эмас. Агар биз келажак ғазабдан қутулишни истасак, бу бажарилиши зарур бўлган шартидир. Мен пайқадимки, Фарbdаги одамларга буни тушуниш жуда қийиндир. Менинг назаримда, бунинг сабаби – бизлар одамлар, шоҳликнинг принципларини демократия нуқтаи-назаридан тушунишга ҳаракат қиласиз. Демократия Америкада ва бошқа ғарбий давлатларда ҳаракат қиласи, лекин уни Худо билан муносабатларда кўйласақ, биз мағлубиятга учраймиз. У, масалан, Буюк Британия қироличаси каби номига подшоҳ эмас, балки У ҳақиқий Подшоҳдир.

Демократия – бу “халқ бошқарувидир; бу сиёсий бошқарув шакли бўлиб, олий ҳокимият халққа тегишли, тўғридан-тўғри у томонидан ёки унинг танланган вакиллари томонидан амалга оширилади”. Бизлар шундай дунёқараашга эгамиз. У бизларда, бизнинг фикрларимизда ўрнашган. Шунинг учун бизларга бирор нарса ёқмаса, “ажралмас” шахсий хукукларга ва ўз дунёқарашини намоён қилиш учун берилган сўз эркинлигига эга бўлган ҳолда, бизлар буни бекор қилишимиз ёки ўзгартиришимиз мумкин, деб ўйлаймиз.

Бошқарувнинг мазкур тури Кўшма Штатларда муваффақиятли ҳаракат қилмоқда, чунки у плюралистик жамиятда яшайдиган, бир куни ўладиган одамлар учун яратилган, лекин Худога ётдир. Бу бизнинг, ғарбий жамиятнинг нақадар ичимизни тирнамасин, баҳти-мизга, Худо диктатордир. У сахий ва саховатли, лекин сўнгги сўз

доимо Ундаидир. Агар биз Худо билан яшаш соҳасида ўзимизнинг демократик дунёқарашимиз билан фикр юритсак, юзаки муносабатлардан бошқасига эришмаймиз.

Ҳакикий подшоҳ олдидаги хаёт бошқача. Олий ҳокимият борасида Раббий ва подшоҳ сўзлари синонимdir. Агар биз ҳақиқатан Худонинг ортидан юришни истасак, биз демократия қоидаларини Унинг подшоҳлигига қўллай олмаймиз. Чунки шундай қилсак, бизлар яхшилик ва ёмонлик дараҳтидан татиган Одам Ато ва Ҳаввадан ҳеч нима билан фарқ қилмаймиз. Биз олдингидек тантанани ўзимиз бошқарётган ва бизлар учун нима яхшироқ эканини ўзимиз ҳал қилаётган бўламиз.

### Ўз хочингни олгин

Сўнгра Исо Масих бизларга хочимизни олишни буюради. Бу нимани билдиради? Бу ўз-ўзидан кечишни билдирамайди, акс ҳолда, Исо Масих нима учун буни тақрорлар эди? Бунинг жавобини бизлар Повулнинг Галатияликларга мактубида топамиз, у шундай дейди:

“Мен Масих билан бирга хочга михланганман. Шунинг учун яшаётган мен эмас, балки менинг ичимдаги Масих яшаяпти. Энди танада яшаётганимга келсак, мени севган ва мен учун Ўзини фидо қилган Худонинг Ўғлига бўлган имон билан яшаяпман” (Гал. 2:19,20).

Повул жисмонан хочга михланиш ҳакида сўзлаётган эмас, акс ҳолда, у ўлиқ бўлган бўлар эди ва бу хатни ёса олмаган бўлар эди. У бир неча йил олдин қарор қилган Раббийнинг ортидан бориши ҳақидаги ўз қарори ҳакида сўзламоқда. Повул ўз хочини олди. Бунинг маъносининг сири унинг “яшаётган мен эмас, балки менинг ичимдаги Масих яшаяпти”, деган сўзларида яшириндир. Ҳар бир Худонинг ҳакикий фарзандининг эътирофи шундай бўлиши лозим. Бизлар мустақил бўлишни ҳамда яхшилик ва ёмонликни ўзимиз баҳолашимиз дараҳтидан озиқланишни бас қилдик. Энди бизлар Унда яшаймиз, энди бизнинг бор ҳаётимиз Ундандир.

Бизларга қулликдан озодлик берган хочга бизлар боғлиқмиз, токи бизлар итоатда ва Худонинг кучида яшай олайлик.

Хоч умуман бошқача ҳаёт тарзини таклиф қиласы. Повул бошқа мактубида ёзганидек: “Шундай қилиб, биз ўлимга чўмдирилишимиз орқали У билан қўмилдик, токи Масих Отасининг шуҳрати билан ўликлардан тирилганидек, худди шундай, биз ҳам янгиланган ҳаётда юрайлик” (Рим. 6:4). Бу янгиланган ҳаёт бизларга илгари тарк эта олмаган нарсаларимизни тарк этиши қобилиятини беради. Гуноҳ бошқа бизнинг устимиздан ҳукмронлик қилмайди, аммо бизлар ўзимиз учун шундай ҳаёт тарзини танлашимиз лозим. Ўзимизни Унинг иродасига тўлиқ бўйсундиришга бизлар ўзимиз қарор киласиз.

Повул сўзлашда давом этади: “Масихники бўлганлар ўз танасини, хирсу эхтирослари билан бирга хочга михлаганлар” (Гал. 5:24). Ва яна: “Мен эса биргина Раббимиз Исо Масихнинг хоидан бошқа ҳеч нарса билан мақтанмайман. Унинг хоида бу дунё мен учун, мен эса бу дунё учун михланганман” (Гал. 6:14). Хоч бизларга гуноҳкор танадан озодликда яшаш учун ва дунёнинг кучли таъсирига берилмаслик учун куч беради.

Ёшлигимда, Исо Масих билан учрашишимдан олдин, мен ёмон ишлар қилиб қўяр эдим ва уларни қилишни бас қила олмас эдим. Мен қайта ва қайта ўз мағрурлигимни ва хирсимни намоён қилишимдан, одамларни хафа қилишимдан афсусланар эдим, лекин бундай хулқ-атвордан қанчалик озод бўлишга ҳаракат қилсан, шунчалик ҳафсалам пир бўлар эди. Мен гуноҳга ва унинг менинг устимдан ҳокимиятига ноумидларча тобе эдим. Лекин Масих билан хочга михланганим заҳоти мен озодликда яшай бошладим.

“Чунки шуни биламики, бизнинг эски ўзлигимиз У билан хочга михланган, токи энди гуноҳнинг қули бўлмаслигимиз учун гуноҳнинг танаси йўқ қилинсин. Чунки ўлган одам гуноҳдан озоддир” (Рим. 6:6,7).

Умид қиласанки, сиз бу оятни четлаб ўтмайсиз. Бу сўзларни ичининг, чунки сизнинг озодлигинизга куч бу сўзлардадир. Ҳакиқат янада ҳайратлидир. Хочга дикқат билан назар ташлаш бизларга гуноҳдан тобора кўпроқ озодлик беради ва Худога итоатда яшашимизга имкон беради. Ёзилган: “Хоч ҳақидаги хабар ҳалок бўла-

ётганлар учун телбаликдир. Бироқ биз, нажот топаётганлар учун бу хабар Худонинг қудратидир” (1 Кор. 1:18). Илгари ўз кучимиз билан қила олмаган иш – Унинг йўлларидан юришни энди қила оламиз. Энди бизлар Худога тақлид қила оламиз. Энди бизлар Исо Масихга эргаша оламиз.

Шундай қилиб, биз айтдикки, ўз-ўзимиздан кечмаган ҳолда (ўз йўлларини унугтиш ва Унинг илохий ҳокимиютини қабул қилиш) ва ўз хочини олмаган ҳолда (гуноҳдан ва дунёвий йўллардан ўзимизни асраш учун Масихнинг кучи билан тўлишиш) Исо Масихнинг ортидан боришнинг иложи йўқдир. Бизлар бизларда ва бизлар орқали ҳаракат қиласиган Унинг қудратига ишонч билан яшаймиз. Бизлар Ундан озиқланамиз. Бизларга Худонинг нажотининг нақадар шарафли ўрами берилган!

### Тантанавор огоҳлантириш

Исо Масих, У кетганидан сўнг ҳамма жойда воизлик қилиниши ва Унинг ҳукмдорлигига бўйсунишни талаб қилмасдан нажотни ваъда қиласиган хушхабарни қабул қилишлари ҳақида огоҳлантирган эди. Ҳаворийлар бу нарса Исо Масихнинг ерга қайтишига яқин кунларда, яъни бизларнинг кунларимизда содир бўлишини аниқроқ айтдилар. Бу бидъатий нома – “Исо Масихни Раббий, яъни, айнан ўз ҳаётимнинг ҳукмдори деб тан олиш шарт эмас”, деган тушунча кенг тарқалади. “Уни шундай аташнинг ўзи кифоя”, деб айтишади. Одамлар Уни Раббий деб атайдилар, лекин ўзларини рад қilmайдилар, ўз хочларини олмайдилар ва Унинг ортидан эргашмайдилар. Исо Масихнинг куйидаги сўзларини диққат билан ўқинг:

“Ё, Раббий! Ё, Раббий!” – деганларнинг ҳар бири ҳам Осмон Шоҳлигига кирмайди, аммо Осмондаги Отамнинг иродасини бажарадиган киши киради (Мат. 7:21).

Исо Масих Мухаммадни эмас, Жозеф Смитни эмас, Буддани эмас, Кришнани эмас, Конфуцийни эмас, бизнинг давримиздаги бошқа бирор сохта пайғамбарни эмас, балки айнан Унинг Ўзини Раббий деб атайдиган одамлар ҳақида сўзламоқда. Йўқ, бу одамлар

дадиллик билан ва ишонтирас даражада Исо Масихни ўз Раббийлари деб атайдилар.

Нима учун Исо Масих бу оятда Раббий сўзини икки марта ишлатган? Бизлар биламизки, Муқаддас Ёзувда у ёки бу сўз ҳамда жумла беҳудага икки бора тақрорланмайди. Муаллиф мағзига урғу беради. Аммо бундай холатларда, қайтариш шунчаки, қандайдир фикрни қайтариш учун эмас, балки ҳиссий тусни кўрсатиш учун ишлатилади: “Подшоҳ эса ўз юзини ёпиб: “Оҳ, менинг ўғлим Абсалом, оҳ Абсалом, менинг ўғлим, менинг ўғлим!” – деб баланд фарёд қилас эди” (2 Шоҳ. 19:4). Мен Довуд ҳақиқатан ҳам икки марта “менинг ўғлим”, деб айтган деб ўйламайман. Аниқроғи, бу воқеани ёзиб олган одам буни икки марта тақрорлаган, токи ўқувчи Довуд нақадар чуқур қайғурганини тушуна олсин.

Ваҳий китобида ҳам айнан шу нарса тақрорланади: “Сўнгра мен осмоннинг ўртасида учайтган ва баланд овоз билан сўзлаётган бир фариштани кўриб, унинг: “Карнай чаладиган бошқа уч нафар фариштанинг карнайи садосидан ер юзида яшаётганларнинг ҳолига вой, ҳолига вой, ҳолига вой!” – деганини эшилдим” (Ваҳ. 8:13). Бошқа таржималарда: “Фаришта баланд овоз билан кичкирар эди”, дейилади. Яна муаллиф ҳиссий тусга урғу бериш учун “ҳолига вой” сўзини тақрорлайди.

Устоз Исо одамлар Унга намоён қиладиган чуқур ҳиссиёт ҳақида сўзлайди. Улар нафақат Исо Масих Худонинг Ўғли эканлиги ҳақидаги таълимотни қабул қиладилар, балки уларнинг эътиқоди рашк ва эҳтиросга тўла бўлади. Унга қувонч билан ўгирилган бу одамлар ўз имонлари ҳақида қайнок гувоҳлик берадилар ва жамоат йигинларида йиглайдилар. Улар нафақат Масихга чуқур содиқликни хис қиладилар, балки шунингдек, Унга хизматда иштирок эта-дилар.

«Мен кўраяпман: Ҳукм кунида минглаб одамлар магрурлик билан Менинг олдимга келадилар ва дейдилар: “Устоз, бизлар Муқаддас Ёзувни воизлик қилдик, ёвуз руҳларни кувдик; Худо бизларга берган иш ҳақида атрофимиизда ҳамма сўзлар эди» (Мат. 7:22, The Message, ингл. тилидан таржима).

Мен бу ерда The Message таржимасини ишлатдим, чунки у бошқа таржималардан яхшироқ равишда, бу одамлар четдан кузатувчилар бўлмаганликларини кўрсатади. Улар бевосита жамоатлар хизматида иштирок этганлар ва уларни қўллаб-кувватлаганлар. Улар ўз имонлари ҳақида баланд овозда маълум қилганлар: “Бизлар Муқаддас Ёзувни воизлиқ қилдик”. Улар одамларнинг ҳаётини яхши томонга ўзгартириш учун меҳнат қилганлар.

Муқаддас Ёзувнинг The Message таржимасида минглаб сўзи ишлатилмоқда. Аммо қўплаб таржималарда кўп сўзи ишлатилмоқда, бу юононча *polis* сўзи бўлиб, “Кўп миқдор, сон ёки йифинди” маъносини билдиради”. Кўпинча бу сўз “хаммасидан ҳам кўпроқ” деган маънода ишлатилади. Нима бўлганда ҳам, Исо Масих бу ерда кам эмас, балки кўп сонли одамлар ҳақида сўзламоқда. Эҳтимол, гап умумий сондаги кўпчилик ҳақида кетмоқда.

Келинг, хулоса ясаймиз. Исо Масих Хушхабар таълимотига ишонадиган имонлилар ҳақида сўзламоқда. Улар Уни Раббий деб атайдилар, улар завқ-шавққа тўла, Муқаддас Ёзувни эълон қиладилар, масиҳийлик хизмати билан фаол шуғулланадилар. Улар тимсолида чин масиҳийларни таниш осон. Уларни нима ажратиб туради? Улар ҳақиқий масиҳийлардан нималари билан фарқ қилишади? Исо Масих бизларга шундай дейди:

«Мен эса уларга эълон қиласман: “Мен сизларни ҳеч қачон билганим йўқ. Менинг олдимдан кетинглар, эй, қонунбузарлик қилювчилар!”» (Мат. 7:23).

Бу жумлада асосий сўз – бу қонунбузарлик қилювчилар. Тэйернинг “Янги Аҳднинг юононча-инглизча луғати” китобида, қонунбузарлик – бу қонунни бузиш ёки билмаслик натижасида қонундан ташкарида бўлиш ҳолати, дейилади. “Библиявид сўзлар қомуси” китоби *anomia* сўзи “илоҳий ёки туғма ахлоқ негизларини ошкора бузадиган ҳаракатларни” акс эттириши мумкин деб кўшиб, бунинг маъносини кенгайтиради. Оддий сўз билан айтганда, қонунни бузадиган одам Худонинг Сўзига бўйсунмайди.

Бу эркаклар ва аёллар вақти-вақти билан қоқинмайдилар, улар доимий равишда Худонинг Сўзини рад қиладилар, уни менсимай-

дилар ва унга бўйсунмайдилар. Агар улар ҳақиқатан ҳам иноят билан нажот топган бўлсалар эди, улар нафақат гуноҳ ҳақидаги фикрдан нафратланган бўлар эдилар, балки уларни доимий равишда қоқинтираётган гуноҳдан қутулишга ҳаракат қиласар эдилар. Улар ўз таналарини унинг эҳтирослари ва ҳирслари билан бирга хочга михлаган, художўй хулқ –атворга эга бўлишга ва ўз ҳаётида ҳосил келтиришга ҳаракат қиласар бўлар эдилар.

Шуниси қизиқки, Исо Масих бир куни уларга: “Мен сизларни ҳеч қачон билганим йўқ”, дейди. Билмоқ сўзи – юончада *ginosko* “яқиндан билиш” маъносини билдиради. Бу одамлар ҳеч қачон Исо Масих билан шахсий муносабатларга эга бўлмаганлар. Улар Масихни Устоз ва Раббий деб аташларига қарамасдан, бу улар учун шунчаки Унга мурожаат қилиш шакли бўлган, чунки улар Унинг айтганини қиласар эдилар. У билан ҳақиқий муносабатларга эга бўлиш – бу Унинг Сўзига риоя қилишидир.

“Агар биз Унинг амрларига риоя қиласак, шундан Уни таниб билганимизни биламиз. Кимки мен Уни таниб билдим деб айтиса-ю, лекин Унинг амрларига риоя қилмаса, у одам ёлғончи ва унда ҳақиқат йўқдир...” (1 Юх. 2:3,4).

Ёқуб қуидагини ёзганида худди шуни назарда тутади: “Бироқ бирор киши: “Сен имонингга эгасан, мен эса ишларимга эгаман”, – деб айтиши мумкин. Хўп, ишларсиз бўлган имонингни менга кўрсат-чи, мен эса сенга имонимни ишларим орқали кўрсатаман!” (Ёқуб 2:18). Бу фикр Исо Масихнинг қуидаги сўзларига тўлиқ тўғри келади: “Одамларни ҳаракатларига қараб белгилаш мумкин” (Мат. 7:20, NLT, ингл. тилидан таржима). Исо Масих сўзлаётган ҳатти-ҳаракатлар масиҳийлик хизмати билан, хушхабар воизлиги билан ёки жамоатга қатнаш билан ҳеч қандай боғлиқликка эга эмас, чунки Осмон Шоҳлигига кирмайдиганлар ҳам буларнинг ҳаммасини қиласар.

Тим Келлер Исо Масихнинг сўзини шундай таърифлайди:

“Бу сўзлар жуда кескин жаранглайди. Бу одамлар интеллектуал илҳомлантирадиган, ҳиссий тақдирлайдиган ва ижтимоий қайта сотиб олиш инъом қиласар эгалар. Бизларнинг

барчамиз шундай имонга эга бўлишни истаймиз. Биз интеллек-туал илҳомланишни истаймиз, хиссий тўлишишни истаймиз ва ижтимоий фойдали бўлишни истаймиз, лекин Худони истамаймиз... чунки Худо ҳақиқатан бизнинг ҳаётимизда бор бўлса, биз Унга ўзимизнинг бор иродамишни бўйсундиришимиз керак; шу тарзда, бизлар Худодан ўз манфаатида фойдаланишга ҳаракат қиладиган ва Унга хизмат қилишга ҳаракат қиладиган одамлар орасидаги фарқни кўрамиз”.

Худодан ўз манфаатида фойдаланиш – бу Худони ўз фойдаси учунгина излашдир, гарчи бу фақатгина Осмон Шоҳлигига чипта бўлса ҳам. Худога хизмат қилиш – бу фақатгина Унга бўлган севги туфайли ҳаракатда бўлишдир. Агар биз Уни севсак, Унинг амрлари га риоя қиласиз.

Бугунги кунларда, кўплаб одамлар Исо Масихни Раббим деб атайдиган, Унинг таълимотига ишонадиган, хиссий қувватга тўла бўлган ва масиҳийлик ҳаётида фаол иштирок этаётган одамни Худонинг фарзанди деб аташади. Бунга қарамасдан, Исо Масихнинг сўзларидан бизлар аниқ кўраяпмизки, бу хислатлар ҳақиқий имонли суратидаги асосий чизгилар эмас. Шубҳасиз, ҳақиқий имонлида бу хислатларни топасиз, уларга эга бўлмаган ҳолда одам имонли бўла олмайди. Аммо уларга эга бўлиш – Худонинг ҳақиқий фарзанди бўлиш дегани эмас. Энг асосийси – ўзидан кечиш, ўз хочини олиш ва Унинг ортидан эргашишдир. Энг муҳими – Самовий Отамизнинг сўзларига итоатли бўлишдир.

Мазкур мавзу Исо Масихнинг машҳур Тоғдаги воизлигига якун ясади, унинг хотимасида Исо Масих эсанкиратиб кўядиган сўзларни айтади ва шу билан нуқта қўяди:

“Шундай қилиб, кимки Менинг бу сўзларимни эшитиб, уларни бажарса, уни ўз уйини тош устида курган фаросатли одамга ўхшатаман. Ёмғир ёғиб, селлар тошиб, шамоллар эсиб, шу уйга ёпирилди, лекин у қуламади, чунки тош устида ўрнатилган эди. Кимки Менинг бу сўзларимни эшитиб, уларни бажармаса, у уйини қум устига курган фаросатсиз одамга ўхшайди. Ёмғир ёғиб, селлар тошиб, шамоллар эсиб, шу уйни босиб қўйди ва у қулади. Унинг қулаши эса буюк бўлди” (Мат. 7:24-27).

Бу масал – Осмон Шоҳлигига киришлари рад қилинадиган кўп-лаб одамларга Унинг огоҳлантириши, У улар ҳақида бошқалар билан “шундай қилиб” сўзи билан боғлаб сўзламоқда.

Агар мазкур масалда сўзланган иккала гурух одамларини кўриб чиқсан, уларнинг орасида унча катта бўлмаган фарқни кўрамиз. Улари ҳам, булари ҳам Унинг сўзларини эшитадилар, лекин биринчи гурух “уларни бажаради”, иккинчи гурух эса “бажармайди”. Иккала уй ҳам бир қурилиш материалидан – бир таълимотдан ясалган. Бир уй Исо Масихнинг ҳукмдорлигида қурилган эди. Иккинчиси эса, одамнинг яхшилик ва ёмонликни баҳолашида, Одам Ато ва Ҳавва мурожаат қилган ўша фалсафа “дараҳти”да қурилган эди.

Шуниси қайгулики, Адан боғида содир бўлган гуноҳдан қулаш хозирги кунларда ҳам қайта ва қайта тақрорланмоқда. У бошқача кўринишга эга, лекин илдизи ўшадир. Яна ҳаммаси қўйидагига тақалмоқда: Наҳотки бизлар тўғри яшаш қандайлигини яхшироқ биламиз ёки Худо буни бизлардан яхшироқ билишига ишонамизми?

# ИСТАККА ЭГА БҮЛИШНИНГ ЎЗИ ЕТАРЛИМИ?

Энди эса, бошида эга бўлганингиздек тайёрлик ва истакка эга бўлиб, бу ишни тугатинглар...

— 2 Коринфликларга 8:11 (Кенг. тар.)

Руҳий англашнинг олтин қоидаси – ақл эмас, балки итоатдир.

— Освальд Чемберс

**Т**асаввур қилинг: ёш йигит бир қиз билан учрашади. У мафтункор, чаққон, интизомли, овқатни мазали пиширади, болаларга яхши муносабатда бўлади ва энг муҳими, унинг хулқи ажойиб. Йигит севиб қолди ва бутун умрини айнан шу қиз билан ўтказмоқчи. Бир ажойиб лаҳзада, йигит бу кунга пухта тайёрланган бўлади, у қизнинг қаршисида тиз чўкади, жажжи кутичани очади, унинг ичida бриллиант кўзли узук яркираётган бўлади ва қиздан унга турмушга чиқишини сўрайди.

Унинг қалбини шуурга тўлдириб, қизнинг чехраси табассумдан ёришади, қиз қувончдан қичқириб юборади, унинг кўзларидан кўз ёшлари томчилайди ва бироз ўзига келгач, у эҳтирос билан хайқиради: “Ҳа! Ҳа! Ҳа! Ақлдан озиш мумкин! Ҳатто ишона олмаяпман. Бу менинг ҳаётимда энг баҳтли кун! Мен сени шунчалик қаттиқ яхши кўраман! Ҳа, мен сенга турмушга чиқаман!”

Баҳтдан ўзларини йўқотиб, улар бир-бирларининг қучоқларига ташланадилар, қиз унинг кўзларига тикилади ва эҳтирос билан ваъда беради: “Бизлар жуда баҳтли бўламиз. Мен энг яхши хотин бўламан,

үйни саранжом-саришта сақлайман, бекаму күст уй бекаси бўламан, сизга ва болаларимизга овқат тайёрлайман, соғлом ҳаёт тарзи юритаман, замонавий кийинаман ва сенга доимо муҳаббат инъом этаман”.

Йигит ўйлади: “Мана буни баҳт деса бўлади! Нақадар хузур-халоват! Менимча, мен заминдаги энг баҳтли йигит бўлсан керак”.

Сўнгра қиз яна бир гап айтадики, бу гап йигитни хушёрликка чорлади: “Албатта, менга ёқадиган бошқа йигитлар ҳам бор ва вақти-вақти билан мен, балки улар билан учрашиб тураман”.

Йигит ҳайратланиб ҳайқиради: “Бунақаси кетмайди!”

“Нима учун азизим?”

Йигит саросимада. Кувончли воқеа бузилди. Завқ-шавқ гойиб бўлди. Унинг бошида қуйидаги фикрлар айланади: “У ҳазиллашаптими? Лекин бу нарсалар ҳақида қандай қилиб ҳазиллашиш мумкин, яна мен унга турмушга чиқишини таклиф қилганимдан сўнг?”

Мангаликдек туюлган ноқулай сукутдан сўнг, қиз келишув таклиф қилиб баҳтли лаҳзани қайтармоқчи бўлади: “Яхши, бошқа хушторлар учун йилида фақат бир кун бўлсин. Мен йилида 364кун сенга ўзимни буткул бағишлайман ва фақат бир кун ўзимни уларга бағишлайман”.

Йигит қулокларига ишонмайди. Чамаси, у уни мазах қилаётгани йўқ, у тўлиқ жиддий сўзлаяпти. Йигит яна жавоб беради: “Йўқ, бу-нақаси ҳам кетмайди”.

Қиз ўйга ботади, лекин йигитни жуда қаттиқ севиши учун унга янада манфаатли келишувни таклиф қиласди: “Яхши, йилида тўрт соатга нима дейсиз? Бор-йўғи йилида тўрт соатни мен бошқа эркаклар билан ўтказаман”.

“Йўқ!” –биринчи мартадагидан кўра янада қатъият билан жавоб беради йигит.

Қиз чекинмайди: “Йилида йигирма дақиқа бўлса-чи? Менга бир мартагина бошқа йигит билан тўшакда бўлишга рухсат беринг!”

“Йўқ!”

Йўли берк кўчадан чиқиш умидида у йигитга ўтина бошлайди: “Азизим, мен сизни жуда қаттиқ яхши кўраман, мен сизни деб ақлимни йўқотганман. Мен сизни бошқа барча йигитлардан кўра кўпроқ яхши кўраман. Лекин менинг шундай эҳтиёжим бор. Мен бир эркакка тегишли бўла олмайман. Мен астойдил сизга содик бўлишни истайман ва бошқа эркаклар билан жинсий муносабатда

бўлишим мумкин эмаслигини биламан, лекин келинг, ҳаётга реал қараймиз. Дунёда яхши йигитлар шу қадар кўп ва менга уларнинг эътиборлари ёқади. Нима учун улардан воз кечишим керак? Нима учун сиз билан ва озроқкина улар билан бўлиш мумкин эмас?”

Йигитнинг шу қадар қайфияти бузилганки, энди у унга ҳатто жавоб берса олмайди, фақатгина бошини силкитади. Бир қанча ноқулайлаҳзалар ўтади, қиз юмшоқлик билан унга дейди: “Мен сизнинг қаршингизда ростргўй бўлишим керак: менимча, сиз кўп нарсани талаб қиласяпсиз. Мен ҳаётдан тўлиқ лаззатланишни истайман”.

Йигитга шу гапнинг ўзи кифоя ва у дейди: “Бунинг иложи йўқ. Бизлар оила қурмаймиз ва бизлар бошқа учрашиб юрмаймиз”.

Уларнинг ҳар бири ўз томонига бурилиб кетади.

Келинг, шу вазият ҳакида ўйлаб қўрамиз. Ёш йигит ажойиб хулқ-атворли зўр қизни топди. У қундалик ҳаётда тенгсиз, у йигитни севади, йигитга хизмат қилишга тайёр ва ўзида бўлган энг яхши нарсаларни йигитга беришга тайёр. Йигит қўлини ва қалбини таклиф қилишини завқ-шавқ билан қабул қиласди. Ҳаммаси ажойиб кетмоқда. У фақатгина қизнинг йилида йигирма дақиқа бошқа йигит билан вақт ўтказишига рози бўлиши керак! Нима учун шу йўлни танламайди?

Жавоб аниқ – қиз унга ўзининг бор ҳаётини ва юрагини беришга тайёр эмас. Қиз нима тўғри эканлигини билади ва тўғри ҳаракат қилишни истайди, лекин гап шундаки, у бошқа эркакларга жуда ҳам боғланиси қолган.

Бирорта нормал йигит бундай қизга уйланишга рози бўлмайди. Шундай экан, нима учун бизлар Исо Масих ўзини айнан шундай тутадиган келин ортидан келади, деб ўйлаймиз? Келинг, Унинг сўзларини яна бир бора ўқиймиз:

“Сўнг Исо халқ билан Ўзининг шогирдларини чакириб, уларга деди: “Ким Менинг ортимдан бормоқчи бўлса, ўзини рад этсин ва ўз хочини олиб, Менинг ортимдан юрсин. Чунки ким жонини сақлаб қолмоқчи бўлса, уни йўқотади. Лекин ким Мен ва хушхабар учун жонини йўқотса, уни сақлаб қолади” (Марк 8:34,35).

Эътибор беринг, фақатгина жонини сақлаб қолиш истаги бизни ҳамма нарсадан маҳрум қиласди. Исо Масих: “Ким жонини сақлаб қолмоқчи бўлса, уни сақлаб қолади”, деган эмас. Икки севишганлар ҳикоясида, келин ўзини күёвга бағишлишни фақатгина истага-

ни, амалда эса бундай құлмоқчи бўлмагани каби, фақаттина ўз ҳаётини сақлаб қолиш истагининг ўзи етарли эмас.

Дунёдаги энг ажойиб Шахс билан аҳд муносабатларига киришиш учун Ўзимизни Унга тўлиқ бағищлашимиз лозим, яъни Унга ҳар нарсада бўйсуниш керак. Шуниси қизиқки, Муқаддас Ёзув Худо билан муносабатларни эр ва хотин муносабатларига таққослайди. Повул ёзади:

Шунинг учун одам ўз ота-онасини қолдириб, ўз хотинига ёпишади ва иккаласи бир тана бўлади. Бу буюк сирдир, мен эса буни Масихга ва жамоатга нисбатан айтаяпман. Шундай қилиб, ҳар бирингиз ўз хотинини ўзини севгандек севсин; хотин эса ўз эридан қўрқсин (Эф. 5:31-33).

Повул бу насиҳатни эр-хотинлик муносабатлари учун берди, шунга қарамасдан, бу бизларнинг Масих билан муносабатларимизга ҳам тегишли эканини аниқ кўрсатди. Бирор эркак ўзини унга тўлиқ бағищлашни истайдиган, лекин бундай құлмайдиган аёлга уйланмайди. Сиз Исо Масих бошқача деб ўйлайсизми? Ёкуб шундай ёзади:

“Эй, бевафолар ва Худога хиёнат қилаётганлар! Дунё билан дўстлик – Худога қарши душманлик эканини наҳотки билмасангизлар? Ким бу дунё билан дўст бўлишни истаса, Худога душман бўлиб қолади” (Ёкуб 4:4, янги таржима).

Бу жойга икки марта ургу бериб, у бунга кучли эътибор қаратмоқда. Бу икир-чикир эмас, бу Худо билан ҳақиқий муносабатларнинг мухим қисмидир.

Хиёнаткор – бу бир одам билан аҳд тузиб, бошқа одам билан муносабатда бўлиб ўз аҳдини бузувчи одамdir. Бундай одам икки киши томонидан тузилган битимга ўзини бағищламаган бўлади.

Раббий Исо Масих билан аҳд тузиб, бизлар ўзимиздан кечиб ва бизларни ўраб турган дунё тизимидан чиқиб Унинг ортидан бориш мажбуриятини оламиз. Бизлардан Унга итоат қилишга озмас, кўпмас, тўлиқ ўзини бағищлаш талаб қилинади. Бу шуни билдирадики, биз Унинг истагини қабул қиласиз, ўзимизнинг истагимиздан кўра Унинг истагини бажаришни кўпроқ истаймиз. Ўз ҳаётимиз ўрнига Унинг ҳаётини қабул қиласиз. Эркак ва аёл орасидаги никоҳ айнан шундай тузилади.

## Мен ўзим истаганимдек яшашни истайман

Кўплаб одамлар нажотнинг имтиёзларини қувонч билан қабул килган бўлар эдилар, агар фақатгина шу билан бирга, олдинги ҳаётларини сақлаб қола олсалар эди. Эътиборни қаратиш жоизки, кўплаб одамлар Худонинг ортидан бориш учун кўп нарсалардан кечиши кераклигини фаҳмлайдилар ва бу нархни тўлашга тайёр эмаслар. Улар Худо каршисида ва ўз олдиларида ростгўйдирлар.

Қачонлардир менинг бир қўшним бор эди(уни Кевин деб атайман), у шундай одамлар сонидан эди. У спортчи эди, рестлинг умумжоҳон федерацияси юлдузи эди. У ва унинг оиласи бизлар билан бир кўчада, бизлардан уч хонадон нарида яшар эди. Улар бизнинг районимизга кўчиб келганларида, унинг хотини уни бизлардан узоқроқ бўлиш ҳақида огоҳлантирибди. “Булар Исо Масихнинг фанатлари”, – дебди у.

Икки ой ўтганидан сўнг, даҳшат хужуми хуружи вақтида кўз ёшлари оқкан холда шу аёл Лизанинг кучогида бўлиб қолди. Бу воқеа менинг хотиним учун эшикни озрок очди ва қўшни аёлга хушхабарни айтиш имконини берди. Рестлернинг хотини нажотга келди. Шундан сўнг, яқин муддат ичida уларнинг икки ўғиллари ўз ҳаётларини Масихга бағишлидилар.

Бизлар оилавий суҳбатлашишни давом эттиридик ва Кевин билан яхши дўст бўлиб қолдик. Бизлар кўп вақтни бирга ўтказар эдик, тез-тез учрашиб турар эдик, ўғилларимиз билан бирга баскетбол, кўча хоккейи, голф ўйнар эдик.

Бир куни кечкурун, Худо менга Кевиннинг ҳаётида содир бўлиши лозим бўлган бир неча воқеаларни кўрсатди. Кечки вақт, соат 10лар эди, лекин мен кейинга қолдирмасдан у билан суҳбатлашишим лозимлигини хис килдим. Кевин эшикни очди ва мен унга яқин тўккиз ой мобайнида уни қандай учта воқеа кутаётганини айтиб бердим.

Албатта, ҳаммаси айнан шундай бўлди. Мен: “Шубҳасиз, энди Кевин ўз ҳаётини Исо Масихга бағишлади”, деб ўйладим. Лекин унинг ҳаётида олдингидек ҳеч қандай ўзгаришлар йўқ эди.

Бир неча ойлардан сўнг, Худо унинг ҳаётида содир бўладиган яна бир воқеани менга кўрсатди. Мен яна у билан бу ҳақида суҳбатлашдим. Бу дафъа мен тўғридан-тўғри айтдим: “Кевин, Худо се-

нинг ҳаётингда бўлиши лозим бўлган уч воқеа ҳақида сўзлади, сен кўраяпсан, У сенга мурожаат қилмоқда. Нима учун ўз ҳаётингни Исо Масихга топширишни истамайсан?”

Кевиннинг бўйи 6фут, 4дюйм, вазни 240фунт эди, унинг танасида бор-йўғи 4фоиз ёғ бор эди. Ўзининг ташки қиёфаси билан у ҳар қандай одамни даҳшатга солиши мумкин эди. У менга бошдан оёқ назар ташлаб, деди: “Чунки мен бу учун нарх тўлаш керак эканлигини биламан. Мен Исо Масихга ҳаётимни топширишим кераклигини ва Унга бўйсунишим кераклигини биламан, лекин мен ўз ҳаёт тарзимдан кечишга тайёр эмасман”.

Сўнгра у қўшиб қўйди: “Жон, бизнинг ташкилотимизда бир жуда машхур спортчи бор. У юкоридан туғилган масиҳий эканлигини айтади, сен интервью берган теледастурда у Худо ҳақида воизлик қиласди. Шу билан бирга, мен унинг гиёҳванд моддалар искеъмол қилишини ва тартибсиз жинсий муносабатларда бўлишини биламан. Менга айтгин, у мендан нимаси билан фарқ қиласди? Мен у каби иккюзламачи бўлишни истамайман. Мен никоб кийиб, ўзимни бошқа одам қилиб кўрсатишга уринишдан кўра, ҳаётдан унинг бор кўрки ва ажойиботларида лаззатланаман”.

Унинг ҳикояси кам учрайдиган ҳолат бўлмаса ҳам, дўстимнинг сўзлари мени жуда хафа қилди. Дунёда жамоатга қатнайдиган, Исо Масихни ўз Раббийси деб атайдиган, ўзларини Худонинг фарзанди деб тасдиқладиган, лекин ҳаётларини Унинг ҳукмронлигига бағишламаган жуда кўп одамлар бор. Улар најот топганларми?

Жамоатларда Худонинг фарзандига айланмаган ҳолда янги имонлилар туғиладиларми? Исо Масих ўтмишдаги етакчиларга айтган: “... сизлар, ҳеч бўлмаса, бир кишини динингизга ўғириш учун денгиз ва қуруқликни кезяпсизлар. уни динингизга ўтирганингизда эса, уни ўзингиздан икки баробар ёмонроқ жаҳаннам ўғлига айлантиряпсизлар” (Мат. 23:15, NLT таржимаси, ингл. тилидан таржима). Мен, фарбий жамоат етакчилари жаҳаннам ўғиллари, деяётган эмасман. Лекин мен сўраяпман: Бизлар қандай имонга келганларни кўтараяпмиз?

Агар бизлар Худони излаётган одамларга, ўз ҳаётларини У учун тарқ этишлари лозимлигини айтмасак, унда бизнинг янги имонга келган шогирдларимизнинг ҳаётларида ҳамма нарса тар-

тибда эканига ишончлари комил бўлади, ҳеч нарсани ўзгартириш керак эмас, уларда шундай ҳам абадий ҳаёт ваъдаси бор, деб ўйлашади. Янги имонли таниш “гуноҳкорнинг ибодати”ни қайтарганидан унинг вижданни шу лаҳзада покланади. Назарий равишда, энди уни ҳеч нарса Худодан ажратмайди. Бундай янги имонлилар, имонлилар жамоатига тегишли бўлишишади ва у билан яқин муносабатда бўладилар. Аниқки, улар яхшиликка интилишади, ижтимоий ноҳақлик қурбонлари, камбағаллар ва қашшоқлар ҳаётларида иштирок эта бошлайдилар, ҳатто кўнгиллилар лойиҳаларида иштирок этадилар. Бундан ташқари, улар руҳлантирувчи таълимот ва самолар ҳақида ваъдани эшитадилар; бу кўпчилик кўлга киритишни истайдиган диққатни тортувчи пакетга айланади.

Лекин ҳақиқатан ҳам бу янги имонлилар нажот топганларми ёки улар янгилишдами ва шунинг учун бор ҳақиқатни эштишига қодир эмасмилар? Бундай таълим бериш бизларга, Исо Масих Матто хушхабари 7-бобда: “Мен сизларни ҳеч қачон билганим йўқ. Менинг олдимдан кетинглар, эй, қонунбузарлик қилувчилар!” деган каби янглишаётган шогирдларни бериши мумкинми?

### **БИЗНИНГ ВОИЗЛИГИМИЗ Исо Масихнинг воизлигига ўхшашми?**

Исо Масих гуноҳкорлар билан шундай муносабатда бўладими? Келинглар, ёш, бой йигитнинг ҳикоясига қайтамиз, у ҳақида кўпинча, у ёш ва бой етакчи бўлган деб айтадилар.

Бир неча йил олдин, мен Кўшма Штатлардаги улкан жамоатларда етакчи килиб кўйилган икки юз нафар чўпон йигилган конференцияда воизлик қилган эдим. Мен уларга айтдим: “Келинглар тасаввур киламиз, ёш, нуфузли бой йигит Исо Масихнинг олдига келмоқда. У “Роллс-ройс” лимузинидан чиқади, у “Армани” фирмасининг замонавий костюмини кийган, кўлида “Ролекс” соатининг циферблати ярқираб турибди. Вазминлик ва бироз кибор билан у: “Эзгу Устоз, мен нажот топишим учун нима қилишим керак?” –дейди.

“Нима деб ўйлайсизлар, бу ўртacha шундай кўриниши мумкин эдими?” – сўрадим мен чўпонлардан. Афсуски, улардан кўпчилиги розилик маъносида қўлларини кўтардилар.

“Аммо Ёзув содир бўлган воқеани умуман бошқача тасвирлаяпти”, – дедим мен ва у ерда ёзилганини ўқиб бердим:

“У йўлга чиқаётганида, бир кимса югуриб келиб, Унинг қаршисида тиз чўқди ва Ундан: —Эзгу Устоз! Мен абадий ҳаётни мерос килиб олишим учун нима қилмогим лозим? — деб сўради” (Мк. 10:17).

Кўплаб одамларнинг кўз ўнгидаги, бу одам Исо Масихнинг олдинга югуриб келди, Унинг қаршисида тиз чўқди ва Ундан нажот тошипи учун нима қилиши лозимлигини айтишини ўтинди. Унда киборлиликдан зарра ҳам йўқ эди.

Мен бу саҳнани қандай қилиб яхши тасвирлаб беришни ўйлаб топдим. Мен аудиториядаги етакчилардан биридан, катта саҳнанинг қарама-қарши томонига бориб туришини сўрадим, сўнгра эса, унинг олдига иложи борича тез югуриб бордим. Унга ярим метр қолганида, мен тиз чўқдим, унинг костюмини чанглаб олдим ва овозимда ўтинч билан баланд қичқирдим: “Мен нажот топишим учун нима қилишим керак? Абадий ҳаётни мерос қилиб олиш учун нима қилишим керак?”

Ҳозирги кунгача, шахсий ҳаётимда ҳам, хизматимда ҳам мен бирор кишини: бойни ҳам, камбағални ҳам кўрган эмасманки, менинг олдимга югуриб келса, сўнгра тиз чўкса ва қичқирса: “Мен юқоридан туғилишим учун нима қилишим керак?” Шубҳасиз, бу ёш йигит самимий ва эҳтиросга тўла эди!

“Исо эса унга деди: —Нима учун сен Мени эзгу деб атаяпсан? Биргина Худодан бошқа ҳеч ким Эзгу эмас!” (Мк. 10:18).

Мен аллақачон айтиб ўтганимдек, бу йигит Исо Масихга хурмат кўрсатиб ва Уни “Эзгу Устоз” деб атаб, ёқимли жавоб олишга умид қилган эди. Исо Масих бу тилёғлама сўз Уни кўр қилишига йўл қўймади. Нажотни бу одам нуктаи-назаридағи яхшилик ва ёмонликни баҳосига “тушириш” мумкин эмас.

Бошқа томондан, у жуда ростгўй эди. У Исо Масихни Раббий ва Подшоҳ деб атамади. У уни шундай атаса, Исо Масих унга нима қилишини айтса, айнан ўшани қилиши кераклигини у билар эди. Ҳозирги кунларда кўпларнинг хулқ-атвори шунақами? Одамлар Исо Масихни Раббий деб аташлари мумкин, Муқаддас Ёзувга эъ-

тикодларини эътироф этишлари мумкин, лекин шу билан бирга, Раббий Ёзув орқали уларга айттаётган сўзларнинг ҳаммасига аниқ эргашиш ўрнига, ўз ҳаётини яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги ўз билими таъсири орқали баҳолаши мумкин. Улар жилмаядилар ва Муқаддас Ёзув таълимотига жавобан “Омин” дейдилар, лекин бу уларнинг мақсадларига тўғри келмаса, гўёки бу уларнинг ҳаётларига тўғри келмаганидек, ундан юракларини ёпиб оладилар. Улар эшитадилар, лекин Рух айттаётган сўзларни ўзларида қўлламайдилар. Кўпинча уларга у ёки бу ояtlар ахволлари улардан “ёмонроқ” бўлган бошқа одамларга тўғри келадигандек туюлади.

Абадий ҳаётни зўр иштиёқ билан истаган одам ҳақида Исо Ма-сих нима деганига қулоқ туting:

“Амрларни биласан: зино қилма, ўлдирма, ўғирлик қилма, сохта гувоҳлик берма, ўзганикни тортиб олма, отангни ва онангни хурмат қилгин. У эса Үнга жавобан: —Устоз! Мен буларнинг барчасига ёшлигимдан риоя килдим, — деди” (Мк. 10:19,20).

Исо Масих ўн амрдан охирги олти амрни айтди, уларнинг ҳар бири одамлар орасидаги муносабатларга тааллуқли эди. Бой йигит уларни умри бўйи бажариб келишини дадиллик билан айтди. Мен унга астойдил ишонаман. Шу стандартларга мувофиқ равища, биз кўрамизки, у яхши, ҳалол ва виждонли одам эди. У ўзининг хулқ-авторининг ана шу яхши жиҳатларига умид қилар эди, булар Худонинг илтифотини қозонишига ёрдам беради, деб ўйлар эди.

Аммо Исо Масих Худо ва одамнинг орасидаги муносабатлар қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги биринчи тўрт амрни атайнин ташлаб ўтди. Улардан биринчисида, Қодир Худо қархисида бошқа худо ва бутларга эга бўлишимиз мумкин эмаслиги айтилади. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг ҳаётимизда, ҳеч нима Уни севишишимизга, Үнга тасанно айтишимизга, ўзимизни бағишлашимизга ва ўзимизни Үнга бўйсундиришимизга тўскинлик қилмаслиги керак. Бу ёш йигит бу амрларни бажармас эди, ўша лаҳзада у буни бажаришни истамас эди. Исо Масих үнга, кейинчалик тўғри йўлда туришига ёрдам берадиган ва уни яхши тугаллашига ёрдам берадиган ниманидир унинг ҳаётидан кўрсатмоқчи бўлган эди.

“Исо унга қараб, уни севиб қолди ва унга: —Сенга бир нарса етишмаяпти: бор, нимагаки эга бўлсанг, ҳаммасини сотгин ва қашшоқларга тарқатгин, шунда самода хазинага эга бўласан. Сўнгра келиб, хочингни олгин ва Менинг ортимдан эргаш, — деди” (Мк. 10:21).

Эътибор беринг, Бу ерда “Исо Масих уни севиб қолди”, деб ёзилган! Лекин бу ёш бой йигитга севгисини У қандай намоён қилди? У бу изловчини огохлантириди. Исо Масих билар эди, шубҳасиз, шундай кун келадики, пуллар бу одамни Исо Масихнинг хукмронлигидан ва Унга итоатдан чалғитади. Исо Масих бу йигит ўз йўлини нафақат яхши бошлиши, балки бор йўлини охиригача ўтишини истаган эди.

Пуллар унга тўсқинлик эди. Бошқалар учун эса тўсқинлик йигит ёки киз, спорт, савдо, тижорат, фалсафа, таълимот, овқатга ёки жинсий муносабатларга боғланиб қолганлик бўлиши мумкин. Ҳар қандай нарса қоқиниш тоши бўлиши мумкин, бу бизлар Исо Масихга берганимиздан кўра кўпроқ эътиборимизни ва қучимизни берадиган бирор нарса бўлиши мумкин.

Ахир Исо Масих бу йигитта Ўз севгисини Ўзининг номасига унинг бошқа севгисини ҳам қўшиб намоён қилдими? У йигитни хафа қилмаслик учун ҳақиқатни осонлаштиридими? Нима учун У қаҷонлардир келажақда шундай вақт келиб, бу одамнинг ўзи пулга севгисини қолдиради, деган умидда тавба қилиш ибодати билан ибодат қилишни шунчаки сўрамади? Ахир У ҳар ҳолда, нажотга қизиқишини намоён қилган ажойиб номзод эди. Исо Масих қилиши керак бўлган бор нарса, шунчаки тўр ташлаш эди ва У машҳур, бой одамга ҳамда ғайрат билан хизмат қиласидиган Масихийга эришган бўлар эди.

Лекин Исо Масих бу йигитни астойдил севиб қолди. У мазкур ажойиб, кучли одамни йўқотиш хавфи остида унга ҳақиқатни, жуда кучли сўзни айтди. Исо Масих унинг кўзларига қаради ва унга нима етишмаётганини тўғридан-тўғри айтди: эҳтирос эмас, балки қандай нарҳ тўлаш керак бўлишидан қатъий назар подшоҳларнинг Подшоҳига кулоқ солиш учун юрак ва онг тайёrlиги.

Мен ўйлайманки, бу одам Исо Масихни фақатгина Нажоткор сифатида қабул қилган ва Унга итоат қилиш шарт эмас, деб хисоблаган. Агар Исо Масихнинг маслаҳати унга яхши туолганида эди,

у бу маслаҳатга амал қилған бўлар эди. Лекин унга Исо Масихнинг маслаҳати яхши туюлмагани учун у кетди.

Сиз Худони иштиёқ билан излаётгандан бирор-бир изловчига унга нима етишмаётганини ва уни абадий ҳаётдан нима тутиб турганини тўғридан-тўғри айта оласизми? Агар сиз бу одамни ҳакиқатан яхши кўрсангиз, у сизни рад қилишидан кўрқмасдан у билан ростгўй бўлишингиз керак.

Кўплаб масихийлар ва хизматчилар, тингловчилар уларни рад қилишларидан кўркиб, одамларга тилёғламалик қиласидар. Улар қабул қилинишга ташнадирлар. Тан олиб айтсам, илгари мен ҳам шундай эдим. Мен ҳаммага ёқар эдим, чунки одамлар нимани эшишишни исташса, мен шуни айттар эдим. Мен баҳслар ва рад қилинишни ёмон кўрар эдим, менга ҳамма қониқкан бўлиши ёқар эди. Сўнгра Худо менга тебранувчанлигимни ва худбинона ниятларими кўрсатди. У менга ҳаётим нимага қаратилганини кўрсатди. Гап мен сухбатлашаётган одамларда эмас, балки менда эди.

Ҳакиқатни енгиллаштириб, одамларни ёлғонга ишонишга мажбур қилгандан кўра ҳакиқатни сўзлаган яхшироқдир. Уларни бутлар билан яшаш мумкин деган эътиқод билан қолдиришдан ва сўнгра бир куни, жуда кеч бўлган пайтда Устознинг: “Кетинглар, Мен сизларни ҳеч қачон билган эмасман, сизлар алданган эдингизлар”, – деган сўзини эшитиб, шокка тушиб қолишлидан кўра ҳозир ҳакиқатни эшиггириш яхшироқдир.

Энди қаранг, Худони иштиёқ билан изловчи йигит Исо Масихнинг сўзларига қандай жавоб беради:

“У эса бу гапдан хафа бўлиб, қайгу билан йироқлашди, чунки у кўп мулкка эга эди. Атрофга қараб, Исо Ўз шогирдларига: “Бойликка эга бўлганларнинг Худонинг Шоҳлигига киришлари нақадар қийин”, – деди” (Мк. 10:22,23).

**Бу киши чукур қайғуриб кетди!**

“Исо Масих, нега бундай килдинг? Бу киши жўшиб Сенинг олдингга югуриб келди, лекин Сенинг сўзларингни эшитиб, хафа бўлиб кетди! Ахир Сени излаётган одамларга ижобий хабар етказишинг кераклигини Сен билмайсанми? Сенинг сўзларинг ва жумлаларинг одамларга кўтаринкилик бериши керак, уларга қайғу эмас,

балки яхши кайфият бағишлиши керак. Чүпон Исо, агар Сен Худони иштиёқ билан излаётган барча эркаклар ва аёлларга, айниқса, бойларга ҳамда нуфузли одамларга шундай жавоб беришни давом эттирсанг, Сенинг жамоатингга кам одам қолади. У йигитнинг ортидан бор ва сўзларингни мулоийим қилгин, қачонлардир у, албатта, бор ҳақиқатни тўлиқлигича қабул қиласди!”

Балки, Исо Масих бугунги қунларда ғарбдаги жамоатлардаги маслаҳат кенгаши аъзолари ва етакчилар гуруҳидан шунақа сўзлар эшитаётгандир! Исо Масиҳни кенгашга чақириб, Ундан истеъфога чиқишини сўрар эдилар.

Қандай қилиб У, кўлининг бир ҳаракати билан чекка қўл қўйишга, жамоатнинг бир йиллик ташкилий ишлари харажатларини бир йил олдин тўлаб қўйишга қодир бўлган хомийлик имкониятига эга одамни хафа қилишга журъат этди? У жамоат биносининг бир неча миллионлик қарзини тўлаши мумкин эди. Пастор Исо катта, маҳсулдор хизмат қуришнинг динамикасини тушунмайди. Балки, У одамларга қандай қилиб ижобий таъсир қилишни унугтандир ҳам. У Ўзининг сўзларини юмшоқроқ қилиши керак ва илҳомлантирувчи воизлик айтиши керак – шундай гапирсинки, одамларга кўтаринкилик баҳш этсин ва уларнинг ўз назарларида ўз баҳоларини кўтарсин.

Бу ғарбдаги жамоатлар билан содир бўлган ҳолатга ўхшайдими? Бизлар одамни имонга келтириш ва уни Масиҳнинг издоши қилиш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилиб, тузокқа тушдик. Бизлар жамоатларимиз ўсиши учун жамоат аъзолари сонини ошириш усулларини қўллаймиз, Твиттер орқали издошларни жалб қиласмиз, Фейсбуқ тармоғида саждакорлар гурухини кенгайтирамиз, одамларни блогларимиз саҳифасига тортамиз. Бу Худога бизнинг донолигимиз Унинг донолигидан устун дейищдан бошқа сўз эмас. Бизлар яна яхшиликни Худодан устун қўймоқдамиз.

Одамларни Масиҳга таклиф қилиш кераклиги тўғри, лекин буни ҳақиқат асосида қилиш лозим. Бизлар англашимиз лозимки, Худо бизларни Худонинг нажотга олиб борувчи йўлидан мустақил яшашни истайдиганлар учун уни енгиллаштириб, Янги Аҳднинг номасини кенгайтиришга даъват қилган эмас. Нажот бизларнинг яхшилик ва ёмонликни баҳолашни англаш дараҳтимизда яширин эмас. У ҳаёт

дараҳтида – Унинг Сўзи шундай дейди. Худди турмушга чиқишига рози бўлган қиз бошқа барча эркаклар билан ҳар қандай муносабатларни бас қилгани каби, бошқа барча севимли нарсаларни ва бутларни тарқ этиш лозим. Бизлар Исо Масихни шунчаки Нажоткор эмас, балки Раббий деб қабул қилишимиз лозим. Бу – хаёт дараҳтидир.

Энди Исо Масих у бой йигит кетганидан сўнг нима қилганига қараймиз:

«Атрофга қараб, Исо Ўз шогирдлариға: “Бойликка эга бўлганларнинг Худонинг Шоҳлигига киришлари нақадар кийин”, – деди. Шогирдлари Унинг сўзларидан даҳшатта тушдилар. Аммо Исо уларга яна деди: “Болалар! Бойликка умид қиласиганларнинг Худонинг Шоҳлигига киришлари нақадар кийин”» (Мк. 10:23,24).

Бир қуни мен шу ҳикоя устида фикр юритар эдим ва Муқаддас Рух дикқатимни унинг ҳар бир муҳим жиҳатига қаратди. Мен бу жамиятда хурматли бой йигитни Исо Масихнинг олдидан чукур қайғу билан, боши солинган ҳолда ва юз қиёфаси бузилган ҳолда секин кетаётганини тасаввур қилдим. Мен бирдан англадимки, Устоз унинг ортидан югуриб бормади, уни елкасидан қучоқламади ва бундай демади: “Бир дақиқа тўхтаб тур, дўстим. Мен сенга ҳикматлар китобида ёзилган Сулаймоннинг донолигини (19:17) эслатаман: “Қашшоққа мурувват қиласиган одам Раббийга қарз беради ва У уни эзгу иши учун тақдирлайди”. Мен сенга нимагаки эга бўлсанг, ҳаммасини сотгин ва қашшоқларга тарқатгин, дедим. Лекин ёдингда тут, Ҳикматларда айтилганидек, сен қашшоқларга берган ҳамма нарса учун Раббий сенга қайтаради. Нафақат қайтаради, сен Унга берганингдан юз баробар кўп беради!”

Бу бой йигит, чамаси, яхши тижоратчи эди. Шунинг учун, агар Исо Масих бу йигитга эришиш учун унга шундай сўзлар билан мурожаат қилганида эди, бу одам балки қизиқиб: “Наҳотки?” – деган бўлар эди.

Шунда Исо Масих бундай жавоб берар эди: “Ҳа! Энди сен кўраяпсанми, Мен сенинг мулкинг кўпайиши, моддий хосил учун нақадар ғамхўрлик қиласипман? Сен нафақат шаҳарда, балки бутун давлатда энг бой киши бўласан”. Бундай сўзларни эшитиб, бу одам, аниқки, Исо Масихнинг ортидан боришига рози бўлган бўлар эди.

Муқаддас Ёзувда ҳақиқатан ҳам агар бизларда бўлган нарсаларни беришни бошласак, худди дехқонга эккан уруғи бир неча баробар кўп бўлиб қайтиб келганидек, берган нарсаларимиз ўзимизга қайтиб кела бошлаши айтилган. Бу ҳақиқат ёш йигит кетганиданоқ тасдиқланди, чунки Петъор ярим норозилик, ярим савол билан бидирлади:

“Сўнг Петъор Унга сўзлашни бошлаб: –Мана, биз ҳамма нарсани тарқ этиб, Сенинг ортингдан эргашдик, – деди. Исо жавоб бериб: –Сизларга ростини айтаман, – деди, – Бирор киши йўқки, у уй-жой, ака-ука, опа-сингил, ота-она, хотин-бала ёки ер-мулкини Мен учун ва Хушхабар учун ташлаб кетгач, ҳозир, шу замонда, қувғинлар аро юз марта кўпроқ уй-жой, ака-ука, опа-сингил, ота-она, бола ёки ер-мулк олмаса, келажак асрда эса абадий ҳаётга эришмаса (Мк. 10:28-30).

Шу лаҳзада, Исо Масих уларга, Унинг ортидан эргашиб, ҳамма нарсани тарқ этган одамларга қаради ва деди: “Сизлар ниманики тарқ этган бўлсаларингиз, ҳозир, шу ҳаётларингизда юз марта кўпроқ(кувғинлар аро уйлар ва ерларни) ва келажак асрда –абадий ҳаётни оласизлар”.

Нима учун Исо Масих бу сўзларни ёки Сулаймоннинг Ҳикматлар китобидаги сўзларини абадий ҳаётни мерос қилиб олишни жуда ҳам истаган бой йигитга айтмади? Нима учун У, шундай туюладики, бу маълумотни ушлаб қолмоқда? Жавоби оддий: Исо Масих ҳеч қачон дуо-баракатларни, мукофотларни, қаримталарни ва Шоҳликнинг манфаатларини одамларни жалб қилиш учун ишлатмас эди. У Петъорни, Ёкубни, Юҳаннони ва бошқаларни даъват қилганида, у уларга шунчаки: “Менинг ортимдан эргашинглар”, –деди. У: “Менинг ортимдан эргашинглар ва Мен сизларга дуо-баракатлар, хотиржамлик, муваффақият, яхшироқ ҳаёт ва бошқа нарсаларни бераман”, –деган эмас. У: “Менинг ортимдан эргашинглар ва Мен сизлар учун нима қила олишимни кўрасизлар”, –деган эмас. У: “Менинг ортимдан Менинг Ўзим учун эргашинглар, Мен Исо Масих, сизларнинг Яратувчингиз, Устозингиз ва борликнинг Подшоҳиман”, –деди.

Агар Петъор, Ёкуб, Юҳанно ва Андрей пул учун Исо Масихнинг ортидан эргашган бўлсалар эди, улар ҳеч қачон ўз тижоратларини тарқ этмаган бўлар эдилар. Улар тижоратларини тарқ этган кун,

уларнинг балиқчилик ишларида энг омадли кун эди. Исо Масихнинг шарофати билан улар қирғоққа икки қайиқ тўла балиқ олиб чиқишиди! Улар “юз марта кўп” ваъдаси ҳақида билмас эдилар. Улар буни илк бора эшитаётган эдилар. Лекин улар Исо Масихда хаёт сўзлари борлигини аниқ билар эдилар, шунинг учун ҳамма нарсани тарқ этдилар. Пул улар учун ҳал құлувчи вазифани бажармас эди.

Исо Масихнинг ортидан эргашиш учун Худо одамдан мукам-малликни талаб қилмайди. У Унга бўйсунишга тайёрликни ва истакни сўрайди! Балки бу ёш бошлиқ Петъордан қобилиятлироқ бўлгандир. Аммо Петъор, Раббий ундан нимани сўраса, қилишга тайёр эди. Исо Масих олдингидек, ҳамма нарсани тарқ этиб, Унинг ортидан эргашишга даъват қилиб, бизлардан шуни кутади.

### **Менинг режим ва Унинг режаси**

Мен 1979йилда Исо Масихни Ўзимнинг Раббим деб қабул қилганимда, Худо тезда менга хизматим ҳақида сўзлай бошлади. Мен Пердью университетида механик инженерия факультетида ўқир эдим ва аълочилар рўйхатида эдим, университет номидан тен-нис турнирларида иштирок этар эдим ва Гарвардда МВА дастури бўйича ўқиши давом эттиромокчи эдим. Мен ажойиб қизга уйла-нишни ва кейинчалик корпоратив савдо ёки менежмент соҳасида ишлашни режалаштирган эдим. Мен умуман хизмат билан шуғул-ланишни истамас эдим. Мен билган барча хизматчилик менга, гўё ҳаётларида бошқа иш билан шуғуллана олмайдиган одамлар бўлиб туюлар эдилар. Улар дим уйларда яшашар, уларнинг болалари эса ғалати одамлар бўлиб улгаяр эдилар. Мен ахолиси 3000киши бўлган шаҳарчада улғайган эдим, шунинг учун масиҳийлик хизмати ҳақида жуда чекланган тасаввурга эга эдим. Ўшанда мен ҳали яхши хизматчилик билан ҳали танишмаган эдим, кейинчалик эса бундайлар жуда кўп эканлигини билиб олдим.

Аммо бир куни жамоатда, хизмат йигини пайтида Муқаддас Рух менга тушди ва деди: “Жон, Мен сени Менга хизмат қилишга даъват этдим. Сен бу масалада нима қиласан?”

Мен ўйладим: “Менинг барча қариндошларим мендан юз ўтирадилар, чунки улар католик эътиқодида. Бошқа барча хизматчи-

лар каби мен ёмон тарзда яшай бошлайман ва қашшоқ бўламан”. Лекин Худога итоат қилиш мен учун муҳимроқ эди, шунинг учун мен бошимни эгуб, ибодат қилдим: “Ҳа, Раббий. Мен Сенга итоат қиласман ва бу мендан ниманики талаб қилмасин, мен воизлик қиласман! Сен қаерни кўрсатсанг, мен бораман ва нимани буюрсанг, мен ҳаммасини айтаман”.

Вокеликда, шу қарордан сўнг, мен тасаввур қилган ҳеч нарса содир бўлмади, лекин ўша лаҳзада ҳаммаси қандай содир бўлишини Худо менга кўрсатмади. У шунчаки, мен ҳамма нарсани ташлаб Унинг ортидан эргашишга тайёрмиман, йўқми, билмоқчи эди.

Агар Петъор, Повул ва бошқа шогирдларнинг Ҳаворийлар китобидаги ва мактублардаги хизматларини ўрганиб чиқсан, кўрасизки, уларнинг номалари Исо Масих ёш бой йигитга воизлик қилган сўз билан аниқ тўғри келади! Бугунги кунларда, бизлар йўлдан чиқиб кетдик, Американинг руҳий кулашининг илдиз сабаби мана шундадир. Мана, нима учун кўплаб одамлар ўзларини Масихга тегишли, деб ҳисобладидилар, аслида эса бундай эмас. Бизлар Исо Масихни Раббий деб тан олишимиз керак, шунда соглом пойдеворга эга бўламиз. Бизлар олдингидек бошқа дараҳтдан озиқланмоқдамиз. Ҳаётда бизларга яхши туюлган нарса бизлардан аъло нарсани ўғирламоқда.

Худо бизлар учун тайёрлаб қўйган кўплаб улуғ баракатларни бизлар қўлдан чиқарајпмиз, чунки ҳақиқий библиявий номани бизлар бозор номасига алмаштиридик. Келинглар, росттўй бўламиз, агар мана шу бой йигит бизларнинг кўплаб замонавий жамоатларимиздан учраган бирига келганида эди, у “нажот топган” бўлар эди, тез кунларда жамоатнинг хурматли аъзосига айланган бўлар эди, эҳтимол уни жамоат маслаҳат кенгашига аъзо бўлишга таклиф қилган бўлар эдилар.

Кўпинча, жамоат Раббийга бўйсунишдан холи, нажотнинг яхши номасини таклиф этади. Одамларни алдамаслик учун, бир куни: “Менинг олдимдан кетинглар”, деган сўзни эшитиши мумкин бўлган кўплаб одамлар учун, жамоат кучи учун, ҳақиқатан Худонинг дуо-баракатларида юриш учун, келинглар, ўзимизнинг ноаник, “яхши” хушхабар воизликларимизни қолдирайлик ва ҳаёт дараҳтига – библиявий нажот воизлигига қайтайлик.

# БИЗНИНГ ИЧКИ НАВИГАТОРИМИЗ

Раббий мени бажаришим учун жалб қилаётган  
мақсадни назаримдан қочирмайман...

— Филиппиикларга 3:14  
(The Message, инг. тилидан таржима)

Худони севиш – бу буюк романтика;  
Уни излаш – буюк саргузашт;  
Уни топиш – одамнинг буюк ютуғидир.  
— Мұқаддас Августин

**Б**изнинг пойдеворимиз – бу Исо Масихнинг хукмронлигидир. Ҳаётимизнинг барча соҳалари мазкур мустаҳкам билимда курилиши лозим, шунда улар узоқ туради. Акс ҳолда, ахийри улар барбод бўлади ва йўқ бўлади.

Уй курилишининг кейинги босқичи – бу каркасни кўтаришдир, у тўлиқ пойдеворда қўйилади. Курилиш жараёнининг бу босқичи барча қисмларни бирлаштиради. Пол, деворлар, шифт, хоналар орасидағи тўсиклар, электр ўтказгичлар, ички пардоз, ойналар, қувурлар ва уйнинг барча қолган қисмлари ҳамда ундаги предметларни, агар мустаҳкам каркас бўлмаса ўрнатиш ва мустаҳкамлашнинг иложи йўқ.

Қаттиқ пойдевор ва мустаҳкам каркасга эга бўлиб, ишончли ва мустаҳкам уй – ҳаётни қуриш мумкин.

## Сизнинг ички навигаторингиз

Сизларга муваффакиятли имонлилик ҳаётининг иккинчи соҳасини тақдим этиш учун бизлар курилиш мисолидан бошқа қиёсга ўтамиз.

Келинг, қуидаги саволдан бошлаймиз: Сизнинг охирги мақсатнингиз қанақа? Бошқача қилиб айтганда, сизнинг қайси истагиниз башқа барча истакларингизни босиб кетади? Сиз ростини айта оласизми? Агар айта олсангиз, сиз боришини истамайдиган жойга бориб қолмайсиз.

Бунга қуидаги тарзда назар ташлайлик. Агар смартфоннинг навигаторига охирги манзил – аэропорт деб берсак, лекин бунга қарамасдан савдо марказига боришини истасак, навигатор: “Сиз етиб келдингиз”, деб эълон қилганида, хайдовчини жуда хафа қилиб, кийимлар тўла дўконлар ўрнига унинг олдида аэропортнинг терминали ва авиалинияларни кўрсаткич экранлари яркираб туради.

Кўзларига ишонмасдан у аччиқлана бошлайди: “Нима бўлди? Мен қандай қилиб бу ерга келиб колдим?” Ҳаммаси оддий. Навигатор уни қайси охирги манзил белгиланган бўлса, ўша жойга олиб келди.

Ҳаворий Повул ҳам ўз навигаторига шундай охирги манзилни берди: “Мен бир мақсад сари, яъни, Исо Масихдаги Худонинг олий унвонининг соврини сари интиляпман” (Флп. 3:14). У нимага қараб бораётганини ва унинг навигаторида қайси охирги манзил белгиланганлигини билар эди. Ҳатто қаршиликларга, йўлидаги тўсикларга ва катта баҳтсизликларга қарамасдан, у олға интилар эди ва башқа охирги манзилларга ўтирилиб кетмас эди.

Сизнинг навигаторингизда қайси охирги манзил белгиланган? Кўп дўстларга эга бўлишми? Машҳур бўлишми? Сизга ёқадиган ҳаёт тарзидан лаззатланишми? Ўз фаолият соҳангизда энг яхши мутахассис бўлишми? Соғлом ва баҳтли бўлишми?

Сиз айтарсиз: “Мен буларнинг ҳаммасига эга бўлишни истар эдим”. Бизлардан кўпчилигимиз бу нарсаларни истайди, лекин қайси истак башқа ҳаммасини босиб кетади? Уни ўзингиз учун белгилаб олганингиз яхши, чунки ўша сизнинг охирги манзилингиз бўлади. Қайсиdir босқичда турли мақсадларга битта йўл олиб бораверади, лекин сизнинг ҳаётингизда албатта шундай лаҳза келадики, барча йўллар айрилиб кетади ва сиз биттасини танлашингиз керак бўлади.

Шундай қилиб, сизнинг охирги манзилингиз нима? Агар сизнинг асосий мақсадингиз – яхши, виждонли, ахлоқли, соғлом ва моддий таъминланган одам бўлиш бўлса, унда сиз бой йигитнинг

ўрнида бўлиб қолиш хавфига эгасиз, у шу ҳамма фазилатларга эга эди, аммо унга энг муҳими етишмас эди.

Агар сизнинг охирги манзилингиз – кўп дўстларга эга бўлиш бўлса, унда сиз Мусонинг акаси Аҳароннинг ўрнида бўлиб қолишингиз мумкин. У тоғнинг этагида, кўплаб ишлар ичида, ўз жамоатига ёрдам бериб, ҳатто дикқат марказида бўлиб, аста-секин Худонинг юрагидан узоқлашган эди. Сиз ясадиган олтин бука сизнинг дўстларингиз ва танишларингизга ёқиши мумкин, лекин афсуски, сиз пайқаб коласизки, у сизни ҳам, уларни ҳам энг яхисидан олиб кетади.

Агар сиз машхур нотик, санъаткор, етакчи бўлишни истасангиз ёки Твиттер ёки Фейсбуқда иложи борича кўпроқ ўқувчилар орттиришга интилсангиз, сиз буларнинг ҳаммасига масиҳийлик мухитида эришишингиз мумкин. Лекин ахийри, сиз Озиянинг ўрнида бўлиб қолишингиз мумкин, у Истроилда энг машхур киши эди, лекин ёлғизлиқда ўлди (2 Йилн. 26-бобга қаранг).

Балки сизнинг ички навигаторингиз ишончлироқ ва аникроидир. Балки сиз қашшоқ ва мұхтожларга сахийлик билан қурбонликлар қиласиз. Бугунги күнларда бу мақсад кўпларнинг дикқатини жалб қылмоқда, бу шундай бўлиши керак ҳам. “Messenger International” хизмати қашшоқларга, мұхтожларга ва ижтимоий адолатсизлик қурбонларига қандай ёрдам кўрсатаётганини айтиб берганимизда, одамлар жонланиб кулоқ соладилар. Шунга қарамасдан, Повул Коринф жамоатига, у қашшоқларга нимагаки эга бўлса ҳаммасини бериши мумкинлиги ва барибир фойдага эга бўлмаслиги мумкинлиги ҳақида ёзган (1 Кор. 13:3га қаранг).

Балки сиз ўз жамоатингизга энг сахий берувчи бўлишни истарсиз – бу фаҳрли мақсаддир. Аммо Йерусалим жамоатидаги Анания ва Сапфира ҳамманинг назарида яхши одамлар эдилар. Бир ажойиб кунда улар қимматбаҳо ер даласи сотувидан катта қурбонлик келтирдилар. Улар ҳаммага ўзларининг Худонинг уйига багишлиланган эканликларини кўрсатмоқчи эдилар. Улар қарсакларни кутган эдилар, аммо бунинг ўрнига ҳукмга эришдилар (Ҳаворийлар 5га қаранг). Уларнинг охири фожеавий бўлди.

Шундай вақтлар бўлган эдики, мен ҳам ўзимни яхши ва художўй одам деб ҳисоблар эдим. Бир ярим йил давомида, ҳар куни эрталаб соат бешда тураб эдим ва соат еттигача ибодат қиласиз. Бу икки

соатнинг кўп вақтида Худога шундай илтимос билан мурожаат қилилар эдим: “Раббий, кўплаб одамларни нажотга олиб келиш учун, Худонинг Сўзини қудрат билан воизлик қилиш, халқларни Сенинг Шоҳлигингга олиб келиш, беморларни шифолаш ва маҳкумларни озод қилиш учун мени ишлатгин”. Кундан кунга мен бу нарсаларни Худодан тобора қатъият ва иштиёқ билан сўрар эдим.

Ойлар ўтди ва бир куни Худо менинг юрагимга сўзлади: “Ўғлим, сенинг ибодатларинг нишонни четлаб ўтмоқда”.

Мен қотиб қолдим. Менинг ибодатларимдан бошқа қанақа ибодатлар яхшироқ, муносиброқ ва Яратувчига маъқулроқ бўлиши мумкин? Раббий менга айтган сўзни тўғри тушундимми, деб мен ўйланим қолдим. Қандай қилиб, бу ажойиб руҳий масалалар нишонни четлаб ўтиши мумкин?

Шу лаҳзада, Худонинг Рухи менга сўзлади: “Яхудо ҳамма нарсани ташлаб, Менинг ортимдан эргашди. У ўн икки нафар танланганларнинг бири эди. У Худонинг Шоҳлигини воизлик қилар эди. У беморларни шифолар эди, қашшоклар ҳақида ғамхўрлик қилар эди ва одамларни озод қиласр эди. Лекин ҳозир Яхудо дўзахда”.

Мен шоқдан ва даҳшатдан титраб кетдим. Мен тушундим, мен нималар ҳақида ибодат қилаётган бўлсам, Яхудо ҳаммасига эришди, аммо у абадий йўқотилган эди. Агар у ўзининг навигаторини диққатлироқ ўрганган бўлса эди, балки, унинг охири бу қадар фожеавий бўлмас эди.

Мен тушундим, мен билимсизлигим туфайли Яхудо билан бир тоифада бўлиб қолишими мумкин ва астойдил сўрадим: “Менинг асосий мақсадим нима бўлиши керак?”

### **Бошқа бой йигит**

Бу дафъа, Худо менга бошқа бир бой йигитни кўрсатди. Исо Масиҳнинг олдига югуриб келган йигитни эмас, Миср бутун дунёда энг қудратли давлат бўлган даврда шу ерда шахзода бўлиб катта бўлган йигитни кўрсатди. Унинг исми Мусо эди.

Мусонинг ҳаётини тасаввур қилиб кўринг. У пулга, овқатга, кийимга, моддий нарсаларга, таълимотга эҳтиёж нима эканини

билимасдан улгайди. У жамиятда баланд ўрин эгаллаган эди ва ҳамма нарсанинг энг яхшисига эга эди. Мусода бўлмаган бирор нарса билан мақтана оладиган одам дунёда йўқ эди. Мусо энг ажойиб дизайнерлик кийимини киyr эди, пулдан чекланмаган ҳолда харид қилиш учун истаган вақтида дўконларга бориши мумкин эди ва балки ўша замонда бўлган барча “ўйинчоклар” и бўлгандир. Унинг от-араваси ҳозирги кунлардаги “мазератти”, “ламборжини” ёки “феррари” ҳамда “харлей-дэвидсон”нинг барча моделларига тўғри келар эди. Агар у ҳайдовчи билан айланиб келишни истаса, шу лаҳзада, бу амалга оширилар эди.

Мусо унитаз ва ванинни ювиши, майсазорни киркиши, машинани ювиши, хонани тартибга келтириши, коса-товоқларни ювиши, кийим-бошни ювиши ёки хонадонда қандайдир ишларни қилишига тўғри келмас эди, чунки бу барча ишларни қилиш учун унинг хизматкорлари бор эди.

Қасрда подшоҳнинг ошпазлари ва пазандалари ҳар хил таомларни унинг истагига кўра пиширас эдилар. У ернинг энг зўр хосилларидан лаззатлана олар эди.

Унинг иши тоза хузур-ҳаловат эди. Истасанг қўмондон бўлгин, истасанг биноларнинг лойиҳасини чизгин ёки дабдабали базмлар уюштиргин. Агар у истаса, у кундузи мусобакалар ва турнирлардан лаззатланиши, оқшом эса юқори дидли кўнгилхушликлардан лаззатланиши мумкин эди. У ўз кунини унга қандай маъқул бўлса, шундай режалаштириши мумкин эди.

У бу заминдаги энг исталган куёв эди. У унинг назарига тушган ҳар қандай қиз билан учрашиб, унга уйланиши мумкин эди ва ҳатто бошқа давлатдан бўлган аёлларни келтиришларини талаб қилиши мумкин эди. Агар Мусо истаса, у ҳарам ташкиллаштириши ва бир қанча хотин ва чўрилар олиши мумкин эди. Агар у саҳийлик қилмоқчи бўлса, қимматбаҳо совғалар олиши мумкин эди. У ўз дўстларини химоя қилиш учун маҳсус гурухни, милицияни ёки ҳарбий кўшинни чақириши мумкин эди. У қашшоқларга ёрдам бериш ёки уларга эътибор бермаслик имкониятига эга эди. У шахардаги кўнгилхушлик саноатига таъсир қилиши, ўзига энг яхши раскомларни ва санъаткорларни талаб қилиши мумкин эди.

Подшохнинг таҳтидан ташқари ҳеч нимада у рад жавобини олмас эди. Кўплаб одамларга унинг ҳаёти орзу қилинган хомхаёл бўлиб кўриниши мумкин эди, лекин бунга қарамасдан, у булардан қониқишини хис қилас эди. Ибронийларга мактубда ёзилган:

“Имон билан Мусо вояга етганида, Мисрда подшохнинг хонадони имтиёzlаридан воз кечди. Бўш ва мақсадсиз ҳаётдан кўра Худонинг халқи билан қийин ҳаётни афзал кўрди” (Ибр. 11:24,25, The Message, инг. тилидан таржима).

Мусо бой ва қудратли Мисрда олиши мумкин бўлган ҳамма нарсани тарк этишга қарор қилди. Нима учун у рад қилди? Ахир у фиръавнинг қасрида яшаб қолиб, Худога хизматдан қониқиши топиши мумкин эмасми? Йўқ. Мусонинг ички навигатори шуни амр берар эди, унинг ҳақиқий истагини у турган жойда амалга оширишнинг иложи йўқ эди, чунки Ибронийларга мактубнинг муаллифи қуидагиларни ёзган:

“У Мисрнинг хазинасига эга бўлишдан кўра, Масих ҳақи азоб тортиш афзал деб ўйлади, чунки у нигоҳини келажак буюк мукофотга қаратган эди” (Ибр. 11:26, NLT, инг.тил.таржима).

Буюк мукофот нима? Мен аудиторияга бу савонни берганимда, кўпинчча “ваъда қилинган ер”, деган жавобни эшитаман. Агар шундай бўлса, бизлар ўзимиздан сўрашимиз керак: Нима сут ва асал оқадиган ерда бор эдики, Миср ерида етишмаса? Ўша даврда Миср табиий манбалар ва қишлоқ хўжалиги билан машхур эди. Ваъда қилинган ер бирор нимаси билан яхшироқ эдими? Мусо янги ерда Мисрдаги қасрдан чиройлироқ ва каттароқ уй қура олармиди? Ўйлайманки, дадиллик билан “йўқ”, деб жавоб бериш мумкин.

Бу ҳолда, Мусо қандай мукофотни излаган эди? Подшоҳ қасрида бўлганида, у буни ҳали аниқ билмас эди, лекин у билар эдики, нимадир улуғроқ нарса бор. У ўз йўли билан борди ва кейинроқ излаган нарсасини топди.

Бунга бошқа томондан қарайлик. Сиз илиқ ҳавони, чўмилиш ҳавзаларини яхши кўрасиз ва қор ҳамда совукни ёмон кўрасиз. Ҳозир қишининг ўртаси ва сиз Вермонтдасиз. У ерда ҳарорат минус йигирма градус, сиз эса кўнглингизга ёқадиган иклимга ташнасиз. Сиз ма-

шинага ўтирасиз ва Interstate 95 йўлидан жанубга, иссиқлик томонга йўл оласиз. Сиз қаерга бораётганингизни аниқ билмайсиз, фақат биласизки, у ерда совуқ ва қорли ҳаводан яхшироқ ҳаво бўлади. Сафар пайтида, ёқилғи қуиши шахобчасида Флоридадаги Палм-Бичнинг сурати солинган реклама қофози қўлингизга тушади. Сиз табассум билан ўзингизга: “Мана, менга нима керак!” – дейсиз. Сиз шу лахзада рекламада кўрсатилган манзилни навигаторга киритасиз. Энди сиз орзуйингиздаги сув ҳавзаси томон йўл оласиз.

Мусо билан ҳам шунга ўхшаган ҳолат юз берди. У каттароқ нарса борлигини билиб қасрни тарк этди, лекин ўз мукофотини қирқ йилдан сўнг, сахро юрагидаги бута ёнида, у Худо билан учрашган ва Унинг хузурини ҳис қилган жойда топди. Бу содир бўлганидан, Мусонинг ички навигатори аниқ ўрнатилди. Худонинг хузури унинг мукофоти бўлди, исботини эса у кейинроқ, исроилликларни Мисрдан олиб чиққанидан сўнг кўрди.

### **Худонинг таклифини рад қилиш**

Мусонинг ҳаётида қийин ва руҳий зарбаларга тўла давр бошлиди. У Исроил ҳалқи билан бирга кезиб ўтган ҳосилсиз сахро, йўқотишлар ва мاشақкатларга тўла эди; гарчи бу ёрдам кўпинча кечикаётгандек туюлса ҳам, булардан кўпинча уларни фақатгина Худонинг аралашуви қуткарап эди. Буларга қўшимча равища, ҳалқнинг қўллаб - қувватлаши даражаси доимо паст эди. Ана шу нотинч кунлардан бирида Худо Мусога деди:

«Раббий Мусога деди: “Сен ҳам, сен Мисрдан олиб чиқкан ҳалқ ҳам бу жойдан кетиб, Мен Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубга: “Сизларнинг наслингизга бераман”, – деб қасам ичган ерга боринглар. Сенинг олдингдан фариштани юбориб, канъонликларни, аморийларни, хиттийларни, перизийларни, хивийларни ва ябусийларни ҳайдаб юбораман. У сизларни сут ва асал оқиб ётган ерга олиб киради. Зоро Менинг Ўзим сизларнинг орангизда бормайман”» (Чик. 33:1-3).

Тасаввур қилинг, ўша кунларда Мусо ва бутун Исроил ҳалқи қандай вазиятда қолдилар. Атрофда гўзал водийлар ҳам, жилға-

лар ҳам, ўрмонлар ҳам, мевали дарахтлар ҳам, тоза сув ҳавзалари ҳам, ҳосилдор ер ҳам, чорва учун яшил яйловлар ҳам йўқ эди. Улар охирги марта бозорда бўлган, кийим, нарсалар ва озиқ-овқатлар со-тиб олган вақтларидан анча вақт ўтган эди. Ҳар куни уларни бир хил овқат кутар эди: ҳафтасида олти марта ерда пайдо бўладиган ғалати нон ва вақти-вақти билан гўштга беданалар. Озгина уларнинг вазиятларини ҳис қилиш учун, бир неча ой факат бир хил нон еб, бошқа ҳеч нима еманг. Шунда сиз уларни тушунасиз.

Ҳаёт қийин. Мисрдаги қуллик даҳшатли эди, лекин сахро аро кезиш ҳеч нимаси билан яхшироқ туюлмас эди. Аммо одамлар ўз ерлари, ваъда килинган ер – Канъон ҳақидаги умидни дилда асрар эдилар. Худо бир неча йил давомида уларга бу ер бой ва сермаҳсул ер эканини, у ерда уларни тўкин-сочинчилик кутаётганини айтган эди. Ўша вақтда улар Миср шаҳарларидағи қурилишларда оғир меҳнатдан ташқари ҳеч нимани билмас эдилар, меҳнат эвазига эса арзимас саркитлар олар эдилар. Яқинда уларда шахсий, чиройли уйларини, қишлоқларини, шаҳарларини қуриш имконияти пайдо бўлади. Бу уларнинг тарихларидағи маҳсус, янги маданият бўлади; у муносиб меросни олиб келади ва улар уни ўз болаларига ҳамда болаларининг болаларига ўтказадилар.

Ахийри, Худо уларнинг етакчилари Мусога уларни ваъда қилинган ерга олиб чиқиши вазифасини берди. У уларга қудратли фаришта ҳамроҳлик қилиши ва уларни ҳимоя қилишини айтди. Мана шу фаришта-жангчи барча душманларни қувиб юборади. Лекин кичиккина билдириш – Раббийнинг Ўзи улар билан бирга бормайди.

Тасаввур килинг, бундай сўзларни эшитиш қанака бўлди? Сиз ва сизнинг оталарингиз асрлар давомида кутганини энди Худонинг Ўзи сизга таклиф қилмоқда. Тўрт юз ўттиз йил уларнинг ўз уйлари йўқ эди, улар тирик қолиши учун курашар эдилар, муҳтожликларга чидар эдилар, энди эса Худо уларга шундай таклиф айтмоқда. Албатта, Мусо уни қабул қиласди, токқа югуриб боради ва бутун йигинга яхши хабарни эълон қиласди. Одамлар ахийри унинг тимсолида буюк етакчини тан олишади ва унинг рейтинги бирдан кўтарилади. Ҳамма хурсанд бўлади ва узок кутилган ваъда томон йўл бошлайдилар.

“Үртача” яхшилик асосий мақсад бўлганида эди, воқеалар айнан шундай сценарий бўйича кетган бўлар эди. Аммо, Мусо Худонинг таклифига қандай жавоб берганини ўқиб кўрамиз:

“...агар Сенинг Ўзинг бизлар билан бирга бормасанг, унда бизларни ҳам бу ердан олиб чиқма” (Чик. 33:15).

Келинг, эслаб кўрамиз, бу ердан – бу қаердан? Мухтожлик, баҳтизлик, эзилиш, қийинчиликлар, синовлар бўлган жой – сахродан.

Мусонинг жавоби оддий одамни ташвишлантирган бўлар эди. Мусонинг ақли озибди, деб ўйлашга мажбур қилган бўлар эди. Аслида Мусо деди: “Агар Сенинг хузуринг билан Сенинг баракангдан бирини танлаш керак бўлса, мен Сенинг хузурингни танлайман; ҳатто у етишмовчилик ва қийинчиликлар аро бўлса ҳам, у менга яхши муҳитдаги Сенинг баракангдан афзалдир”.

Мусо соғлом фикрлашни тўхтатган эдими? Сахронинг қуёши унинг ақлинини кўр қилиб қўйдими? Йўқ. Унинг ички навигатори энг яхши нарсага йўналтирилган эди. Ҳатто Худо яхши нарсани таклиф қилган бўлса ҳам, соғлом фикр ва ноқулай вазиятлар рози бўлишга ундан бўлса ҳам, ички навигатори уни аъло қарорга бошқарди.

Мусонинг кўнгилдаги мақсади, унинг мукофоти – Худони яқиндан билиш эди. Агар унинг хузурида вақт ўтказмасанг, қандай қилиб бирорни билиб бўлади? Бирорнинг йўқлигига у ҳақида билиш мумкин, аммо унинг хузурида вақт ўтказибгина, унинг ўзини яқиндан билиш мумкин. Мусонинг энг буюк мукофоти айнан шу эди. У учун бундан қимматроқ нарса йўқ эди, ҳеч нарса, ҳатто Худонинг Ўзининг яхши таклифи ҳам ўзига бундан кучлироқ тортмас эди. Бу Худога нақадар ёқишини тасаввур қила оласизми?

Сиз сўрашингиз мумкин: “Нима учун Худонинг таклифини рад қилганлари Худога маъқул бўлиши лозим?” Ўз ҳаётимдан бир мисол билан жавоб бераман.

Биз Лиза билан сафарда эдик ва бир неча бўш кунларни бирга ўтказишга қарор қилдик. Яқин ўртада ажойиб голф даласи бор эди. Мен голф ўйнашни яхши кўраман, асосан, сифатли далаларда. Дўстларим шу ерда улар билан бирга бир партия ўйнашимни таклиф қилишиди, аммо Лиза билан бирга бўлиш учун жуда кам куним қолган эди.

Менинг тўзал хотиним соддадиллик билан: “Жон, боринг, ўйнанг”, – деди. Мен унга: “Йўқ, азизам, мен яхшиси сен билан бўламан”, – дедим.

Бизлар ажойиб кунларни бирга ўтказдик. Лизанинг мен қилган қарор туфайли қувончининг чеки йўқ эди, чунки у мен нақадар голф ўйнашни ҳамда дўстларим билан сухбатлашишини яхши кўришимни билади. Лиза менга таклиф киритди, у астойдил сўзлади, агар мен унинг таклифига кўнганимда эди, у фикрини ўзgartирмас эди ва мени қароримдан қайтаришга ҳаракат қилмас эди. Аммо қалбининг тубида, пинҳона, мен у билан бирга вақт ўтказишни ағзал кўришимга у умид қиласр эди.

Мусонинг реакциясида ҳам бизлар худди шу принципни кўрмокдамиз. Худо Мусога вариант таклиф қилди, лекин бу варианти у қабул қилишини Худо истамас эди. Худо фариштани юборар эди, фаришта Мусо ва бор ҳалкни ваъда қилинган ерга хавфсизликда келтириб кўяр эди. Лекин улар бу йўлни Худонинг хузурисиз босиб ўтишларига тўғри келар эди. Мен ўйлайманки, Худо Мусога бу вариантни сидқидилдан таклиф қилди, лекин Унинг пинҳона истаги бор эди: бу – Мусонинг саҳрордан тезроқ чиқиб олиш ва бой ҳамда ажойиб ерда енгил ҳаётдан Худонинг Ўзини устун қўйиши эди.

Худонинг таклифини рад қилиб, Мусо шу билан қуидагиларни айтди: биринчидан, Худонинг хузурида ўтказган вақти у учун Худонинг хузуридан йироқдаги Унинг баракаларидан лаззатланишдан қимматроқ эканини; иккинчидан, Мусо Худонинг бенуқсон тўғрилигига ишонишини. Улар ваъда қилинган ерга кириш учун бироз кутишларига тўғри келган бўлса ҳам, Худо эртами, кечми Истроилни у ерга олиб киришини Мусо билар эди. Худо Ўз сўзида туришини у билар эди. Агар Мусо ўша шароитда ўз навигаторини тўғри йўналтирганида эди, у балки бошқача қарор қилган бўлар эди.

### Навигаторни дастурлаш

Бошқа барча истроилликларнинг истаклари бошқача бўлган бир вақтда, Мусони бошидан ўз ички навигаторини шундай йўналтиришига нима ундади? Бизлар унинг ilk қарорларига ва бутун хулқ-авторига қарасак, бу саволга жавоб топамиз.

Мен кўпинча аудиторияга шундай савол бераман: “Мусо Исройлини Мисрдан олиб чиқаётганида қайси йўналишга қараб юрган эди?”

Хар дафъя, залдагиларнинг кўпчилиги: “Ваъда қилинган ерга”, – деб жавоб беради.

Бу шундайми? Мусо қайта ва қайта фиръавнинг олдига келганида, унга Худонинг кўйидаги сўзларини айтган эди: “...Менинг халқим сахрова Менга сажда қилиши учун уни қўйиб юборгин” (Чик. 7:16, шунингдек қаранг: Чик. 5:1; 8:1,20; 9:1,13; 10:3). Исройл қаерга бораёттанини фиръавнга айтиётиб, Мусо етти марта Худога сажда қилишни сахро билан боғлаган эди. Бирор марта у ваъда қилинган ерни тилга олган эмас эди.

Худога Синай тоғида сажда қилишлари учун Мусо халқни Худо билан учрашувга олиб келиши керак эди. Олдин халқни ваъда Берувчининг олдига олиб келмасдан, уларни Мисрдан бирданига ваъда қилинган ерга олиб бориш нима керак? Бу ҳолда, ваъда Худодан муҳим бўлиб қолган бўлар эди ва навигаторни нотўғри йўналишга йўналтирган бўлар эди.

Афсуски, ҳозирги кунларда ваъдаларни ҳамма нарсадан устун кўядиган хизматчилар ва ўқитувчилар бор. Менинг ёдимда, 1980 ва 1990йилларда бизлар Масих ким эканидан кўра кўпроқ У бизлар учун нималар қилиши ҳақидаги воизликларни кўпроқ эшитар эдик. Бу турдаги таълимотлар ўз ички навигаторларини Худонинг хузурига эмас, балки Худонинг баракаларига йўналтирувчи шогирдларни дунёга келтирас эди. Бу хисоб-китоб билан турмушга чиқаётган аёл кабидир. Балки у ўз қаллигини севар, лекин унинг нияти нотўғридир.

Исройл ва Мусонинг орасида ҳайратлантирали фарқ бор. Яхудийларнинг ҳаёти Мисрда, мулойим қилиб айтганда, асал эмас эди. Улар харобазорларда яшар эдилар, айниган овқатни ер эдилар, эски кийим кияр эдилар. Бутун умрлари давомида улар бегона одамларнинг мулкида меҳнат қилас эдилар. Уларнинг орқаларида хўжайнлари урган қамиш изининг чандиклари кўриниб турар эди, уларнинг ўғилларини фиръавннинг аскарлари ўлдирад эдилар.

Исройл халқи қулликдан мўъжизавий равишида кутулди, лекин бироз вакт сахрова бўлиб нолий бошлади ва орқага, Мисрга қайтишни истади. Одамлар дер эдилар: “...Бизлар Мисрга қайтгани-

миз яхши эмасми?” (Сон. 14:3), “...мисрликларга қул бўлганимиз яхши...” (Чиқ. 14:12).

Энди мен юқорида таърифлаб берган Мусонинг Мисрдаги ҳашаматли хаёт тарзини, кулагай ҳаётини тасаввур қилинг. У ҳам ўша жойдан чиқиб кетди ва у ҳам саҳронинг қийин шароитига тушиб қолди, лекин бирор марта шикоят қилмади ва ортга қайтиш ҳақида бирор оғиз сўзламади! Нима учун? Жавоби оддий. Мусо ёнаётган бута ёнида Худонинг хузури билан учрашди. У Худонинг Сўзини тўғридан-тўғри Яратувчининг оғзидан эшитиш баҳтига сазовор бўлди. Истроилнинг ҳам шундай имконияти бор эди, лекин улар ундан фойдаланишмади. Сизга тушунтиришимга ижозат беринг.

### **“Сизларни Ўзимга олиб келдим”**

Халқ Мисрдан чиққаниданоқ, Мусо халкни Синай тоғига, у Худо билан ёнаётган бута ёнида учрашган жойга олиб келди. Улар у жойга келгандарида, Худо Мусога одамларга шундай дейишими айтди:

“Мен мисрликларни нима қилганимни ва гўёки бургут ўз болаларини қанотлари устида кўтариб юрганидай Мен сизларни Ўз хузуримга олиб келганимни кўрдингизлар” (Чиқ. 19:4).

Унинг сўzlарига қаранг: “Сизларни Ўз хузуримга олиб келдим”. Бу таъкид устидан фикр юритинг. Бу сўzlарнинг асл маъносини англаганингда, одамни титроқ босади. Худо, борлиқнинг Яратувчиysi Истроилни Миср қуллигидан нима учун олиб чиққанининг асл мақсадини аниқ кўрсатмоқда: уларнинг ҳаммасини Ўзига олиб келиш учун! У улар билан шахсий ва яқин муносабатларни излар эди.

Шуни ёдда тутиш муҳимки, Худо муносабатлар Худосидир, У Ота юрагига эга ва доимо шундай бўлиб қолади. Ота ёки она янги түғилган чақалоқ билан муносабатлар қуришга ташна бўлганлари каби У Ўз болаларини билишга ташнадир.

Худо Мусога бутанинг олдида зоҳир бўлди. У Мусога Унинг хузурида бўлиш имтиёзини берди. Шунинг ўзигина Мусонинг иштаҳасини шу қадар қўзғаб юбордики, у энди Мисрға, ҳатто илгари ўзи яшаган ўша дабдабали ҳаётга қайтиб боришни истамас эди. Бу учрашув унга муҳим таъсир қилди ва унинг ички навигаторини мустаҳкам йўналтириди.

Мусо истар эдики, Исроил ҳам у бўлган жойда бўлсин, лекин янада ҳайратга қолдирарли нарса шу эдики, Худонинг Ўзи ҳам буни истар эди. У аллақачон Мусо билан бута ёнида учрашгани учун, Мусо Худони одамлар билан ва одамларни Худо билан таништириши мумкин эди.

Тасаввур қилинг, уч нафар одам бор: Йордан, Абигея ва Сусана. Йордан Абигея ва Сусаннани танийди, улар эса бир-бирларини танимайдилар, демак Йордан уларни таништириб қўйиши мумкин. Мусо Худо билан учрашди ва У билан бирга вақт ўтказди. Мусо, шунингдек, Исроил билан ҳам бирга вақт ўтказди. Шунинг учун айнан у Худонинг одамлар билан учрашувини ташкиллаштириши мумкин. Худо Мусога кириш қисми қанақа бўлиши лозимлигини айтди:

“...Сизлар эса руҳонийлар шоҳлиги ва муқаддас ҳалқ бўласизлар. Исроил ўғилларига сен етказадиган сўзлар шуладир” (Чиқ. 19:6).

Улар Худо учун маҳсус одамлар эдилар, Худо уларнинг барчаларини руҳонийлар – Худонинг олдига ўз номларидан ёки бошқа одамларнинг номларидан келадиган одамлар бўлишларини истар эди. Аслида, У уларга яқин дўстликни таклиф қиласар эди. Қанақа имтиёз! Сўнгра Худо деди:

“Халқнинг олдига боргин. Шу икки кун ичидаги одамлар Муқаддас Худо билан учрашишга тайёрлансанлар. Кийимларини ювсинглар, токи учинчи кунда тайёр бўлсинлар, чунки учинчи кун Раббий Синай тогига тушиб келади ва бор ҳалқка Ўз хузурини намоён қиласади” (Чиқ.19:10,11, The Message, инг. тилидан таржима).

Худо ҳақиқатан ҳам учинчи кунда тоқقا тушиб келди, лекин одамлар ўз жавоблари билан Уни ранжитдилар. Унга яқинлашишнинг ўрнига, улар Ундан узоклашдилар. Улар Мусога фарёд қилдилар: “Бизга ўзинг гапиргин, биз эштайлик. Лекин Худо бизга гапирмасин, токи ўлиб кетмайлик” (Чиқ. 20:19).

Исройлликлар Худонинг хузурига дош бера олмас эдилар, чунки уларнинг юракларида ҳануз Миср бор эди. Улар ҳануз Худонинг истагидан кўра ўзлариникини кўпроқ яхши кўрар эдилар. Уларда Худони яқиндан билиш истаги устун эмас эди. Худонинг намоён

бўлган хузури уларнинг ички навигаторлари қаерга йўналганини кўрсатди ва улар уни ўзгартиришни истамадилар.

Худо нима қилишни сўраётганига яна бир бор назар ташланг, бунга ўз кийимларини ювиш ҳақидаги илтимосни ҳам қўшинг. Бу нима учун? Ахир Худо шахсий гигиена тарафдорими? Бу саволга жавоб топиш учун, бизлар Эски Аҳдда кўпинча ташки ҳатти-ҳаракатлар руҳий ҳолатни акс эттириши керак бўлганини эслашимиз лозим. Мисрнинг кири ҳали уларнинг кийимларидан ювилмаган эди. Худонинг муқаддас хузурига киришдан олдин уни тозалаш керак эди.

Миср гунохга ботган дунёнинг тизимининг тимсолидир. Дунёнинг одамлари ўз таналарига лаззат келтириш, кўзларини қувонтириш, мансаб, ном ва шуҳрат учун яшайдилар, буларнинг ҳаммаси турмуш тарзидан мағрурланишdir (1 Юх. 2:16га қаранг). Худони чукур билиш улар учун устунлик эмас. Уларни қўпроқ: “Мен бундан нимага эга бўламан?” –деган савол ташвишлантиради.

### **Худо “тилла изловчилар” ни излаётган эмас**

Кўпинча, мен сафар чоғида бой кишиларни жуда гўзал, ўзидан ўн беш, йигирма, йигирма беш ёш ёшроқ бўлган аёллар билан кўраман. Кўпинча, бу жуфтлиқда эркак киши унчалик мос эмас ва уни аёлнинг отаси деб ўйлаш мумкин. Нима учун у бу аёл билан яшаяпти ёки нима учун у бу аёлга уйланди?

Бу жуфтлиқдаги иккала томон ҳам бир-бирини қаттиқ севиши кам учрайди. Гап бошқа нарсада: бундай қизларни “тилла изловчилар” деб аташ мумкин. Бу ёнида бўлган эркакнинг ўзига эмас, балки эркак таъминлай оладиган ҳаёт тарзига қизиқадиган қизнинг шевадаги лақабидир. Қиз унинг бойлиги ва нуфузига эшик очишни истайди. Лекин эркак ҳам яхшигина: чунки унинг асосий қизиқиши қизнинг ўзи эмас, балки ўзининг худбинона эҳтиёжларини қондиришdir. У ҳаммада ҳали ёш ва кучга тўла шахс сифатида таассурот қолдирмоқчи ва албатта, яхши жинсий муносабатлардан лаззатланмоқчи.

Бошқача қилиб айтганда, ўзига яқин кишига сидқидилдан ғамхўрлик қилиш ўрнига ҳар бири ўз худбинлигидан жуфти унга нима бера олишини изламоқда. Маълум даражада уларнинг ҳар

бири бошқа бири нима қилаётганини билади, лекин ўз хирсини қондиришни давом эттириш ва ўз мағурурлигини суғориш учун бунга чидайди. Узоқ муносабатлар уларни руҳлантирмайди, уларни худбинона лаззатлар ўзига тортади.

Яқинда мен рафиқам билан уй учун жиҳозлар ва мосламалар дўконига бордик. Дўконда биз ва сотувчидан ташқари яна бир жуфтлик: ёши ўтган эркак ва ёш аёл бор эди. Бошида мен уларни ота ва қиз деб ўйладим, лекин уларнинг сотувчи билан сұхбатларини эшитиб, бундай эмаслигини тушундим. Улар жуфтлик эдилар ва яқинда сотиб олган уйларига нимадир сотиб олаётган эдилар.

Бизлар дўконда улар билан бир вактда йигирма дақиқалар вақт ўтказдик, бу уларни кузатиш учун етарлича вақт эди. Мен уларнинг нақадар асаби таранг ва юзаки сұхбатлашишларига эътибор бердим. Уларда умумий нарсалар жуда камлиги, уларнинг қизиқишлиари мутлақ турлича эканлиги сезиларли эди. Уларнинг ҳаётларидан муҳабbat ва қувонч йўқлиги маълум эди. Қиз унинг кўзларига қарамасликка ҳаракат қиласар, унинг юз қиёфаси қайгули эди. Унинг кўйлаги танасига ёпишиб турар, юзи қалин пардоз қилинган эди. Эркак гўёки ёш ва бу нарсаларни яхши тушунадиган одамдек ўзини файратли кўрсатишга ҳаракат қиласар эди. Сотувчи билан сұхбатлашаётib, пул у учун муаммо эмаслигига кучли ургу берар эди.

Бу жуфтликка қараб, мен Лиза билан муносабатларимиз нақадар ўзига хос эканлигини яна бир бора англадим. Мен у ҳакида жуда кучли ғамхўрлик қиласман ва у ҳақиқатан гўзал бўлса-да, унинг ташки қиёфаси учун эмас. Лиза ҳам чин қалбдан мен ҳакимда ғамхўрлик қиласди. Бизлар энг қалин дўстлармиз ва бирга вақт ўтказишни яхши кўрамиз. Бизлар дўконда учратган жуфтликка менинг раҳмим келди, чунки уларнинг муносабатларида муҳабbat яққол етишмас эди. Мен уларни ҳукм қилиш учун буни ёзаётган эмасман; мен умид қиласманки, улар ўзаро муҳабbatларида ўсадилар ва бир-бирларининг хузурларидан лаззатлана бошлайдилар. Лекин одатда бундай бўлмайди, чунки улар нотўғри пойdevорни танлаганлар.

Исроилликлар Мисрдан кир муносабатларни олиб келган эдилар, Худо эса улар билан юзаки даражадаги муносабатларда қолишини истамаган эди. У бизлар билан ҳақиқий муносабатларга эга

бўлишни истайди, Унга “тилла изловчилар” керак эмас. Истроилликларнинг юракларида ҳали қўйка бўлиб ётган дунёвий ниятлар астойдил муносабатларга олиб келишга қодир эмас, чунки улар худбинонадир. Истроил фақат шу кирдан ўзини тозалабгина, Худони чукур билиши мумкин эди.

Аммо истроилликлар Худо билан астойдил муносабатларни эҳтирос билан излаган Мусо каби ўз истакларидан қутула олмадилар. Истроилликлар Худодан факатгина ўзларига манфаат истар эдилар. Ҳаммаси оддий эди.

### Бугунги кунларда қандай?

Бизлар Янги Аҳд даврида яшамоқдамиз, бугунги кунларда бি-рор нарса ўзгардими? Юрагида дунёнинг кирига эга бўлган ҳолда, одам олдингидек Худо билан астойдил муносабатларни сақлаб қола оладими? Исо Масихнинг инояти дунёнинг киридан тозаланиш эҳтиёжини ювив юборадими? Муқаддас Ёзувда бу эҳтиёжга урғу берадиган бир неча оятлар бор, шу билан бирга буни пинҳон тутадиган оятлар кўп учрайди.

“...Худо айтганидек: Мен уларнинг ичига кираман ва уларнинг орасида юраман. Мен уларнинг Худоси бўламан ва улар Менинг ҳалқим бўладилар. “Шунинг учун имонсизлар орасидан чиқинглар ва ажралинглар, –дейди Раббий, – ва нопок нарсаларга тегманглар, шунда Мен сизларни қабул қиласман”. “Мен сизларнинг Оталаринг бўламан ва сизлар Менинг ўғилларим ва қизларим бўласизлар”, –дейди Қодир Раббий. Шундай қилиб, севиклилар, агар бизлар шундай вайдаларга эга бўлсан, келинглар, бизнинг руҳимизни ва танамизни булғаётган ҳамма нарсадан ўзимизни поклаймиз, Худонинг кўркувида ўз муқаддасланишимизни амалга оширамиз” (2 Кор. 6:16-7:1, NLT, инг. тилидан таржима).

Бу кам сўзларда очилмаган нарсалар шу қадар кўп. Биринчидан, “Худо айтганидек”, сўзига эътибор беринг. Қачон Худо бу сўзни айтди ва қайси матнда? Повул Худонинг тоғда, Унинг ҳузурида Мусога қаратса айтган сўзларини тилга олмоқда:

“Мен Истроил ўғиллари орасида истиқомат қиласман ва уларнинг Худоси бўламан. Шунда Мен Истроил ўғиллари орасида истиқомат килиш учун уларни Миср юртидан олиб чиқсан Раббий уларнинг Худоси эканлигимни улар билиб оладилар...” (Чик. 29:45,46).

Худо Чиқиш китобининг 19-бобида айтган сўзини, Ўзининг астойдил муносабатлар ҳақидаги истагини тақорорлади. У бунга ташна эди, лекин Истроил буни унутар эди. Фақат Мусо, Довуд, До-ниэл, Ишаъё ва бир неча шулар каби алоҳида одамлар Худо билан шахсий муносабатларга эга эдилар, чунки улар худбинона лаззатларнинг дунёвий ниятларидан қутулишга қарор қилдилар. Энди Повул ана шу сўзлар билан бизларга, Исо Масихнинг қони билан ювилгандарга ва Худонинг инояти билан нажот топганларга мурожаат қилмоқда.

Яна бизларга шундай дейилганини эшилмоқдамиз: “Уларнинг ичига кираман ва уларнинг орасида юраман. Мен уларнинг Худоси бўламан ва улар Менинг халқим бўладилар... Нопок нарсаларга тегманглар ва Мен сизларни қабул қиласман”. Бу сўзлар Худо Истроилга айтган сўзлардан умуман фарқ қилмайди, лекин ҳозир У янги халққа – бизларга мурожаат қилмоқда. Унинг бизларга яқин бўлиш истаги ўзгарган эмас, лекин агар бизнинг кийимимизда дунёнинг кири бўлса, у амалга ошмайди. У бизларни яқин муносабатларга қабул қиласи, лекин бунинг шарти бор. У яна бизларга “тилла изловчилар” туридаги муносабатлардан жирканишини қўрсатмоқда.

Худо бизларнинг пинхон ўйларимизни билади. У бизларга нафакат танамиздаги, балки юракдаги ва руҳдаги ҳар қандай кирдан покланишни буюради. Бизнинг кийимимизда Мисрнинг кири(биз ўз лаззатимиз учун яшаяпмизми?) борми ёки Мусо каби Худонинг истакларини ўзимизницидан устун қўямизми, У билади. Шунинг учун Мусо Истроилга Худо билан учрашишдан олдин кийимларини тозалашлари кераклигини айтгани каби, бизлар Худо билан яқин муносабатларни бошлашимиздан олдин ҳаворий Повул бизларга айтмоқда: “Келинглар, бизларнинг танамиз ва руҳимизни булғаётган ҳамма нарсадан ўзимизни поклаймиз, Худодан қўрқиши билан ўз покланишимизни ниҳояга етказамиз”. Ўзимизни дунёнинг кири

ва нопокликлардан тозалаб, биз ўз ички навигаторимизни шундай йўналтирамизки, у бизларни йўлдан чекинишга қўймайди, вижданимизни сотишимизга ва аъло нарсадан яхшисини устун қўйишга йўл қўймайди.

Бизларни Худо билан яқин муносабатларга олиб борувчи ички навигаторнинг энг манфаатли йўналтирилишини сақлаб қолиш учун “муқаддаслик” сўзи чамаси асосий сўз ҳисобланади. Кейинги бобларда бизлар бу ажойиб воқеликни очамиз.

## БИЗЛАРНИ РАШК ҚИЛУВЧИ

Сизлар Мени кимга ўхшатасизлар ва ким билан  
солиширасизлар? – дейди Муқаддас Худо. Кўзларингизни  
самоларга кўтариングлар ва қаранглар: юлдузларни ким  
яратган?... У уларнинг ҳаммасини исмлари билан атайди.  
Унинг құдратининг буюклиги ва қувватининг кучи туфайли  
ҳеч ким йўқолмайди.

— Ишаъё 40:25,26 (NLT, инг.тилидан таржима).

Эй имонли, Раббий сенинг севгингга жуда рашклидир. Ахир  
У сени танламадими?

Агар сен Ундан бошқа бирор кишини ўзингга танласанг,  
У бунга қарашга чидай олмайди.

— Чарльз Спержен.

**X**еч нарса Худонинг хузурида бўлишдан кўпроқ фойда ва қониқиши ҳиссини келтирмайди. Ўйлаб кўринг: ахир бу машхур спортчининг, атоқли олимнинг, машхур рассомнинг, шоубизнес юлдузи ёки кучли оламшумул етакчининг хузурида бўлиш эмас, балки барча кўринар ва кўринмас нарсаларнинг Яратув-чисининг хузурида бўлишидир. Айнан У борлиқни шу қадар катта бўлишини ўйлаган ва яратганки, инсоний онг унинг ўлчамини англашга қодир эмасдир, шу билан бирга, уни шу қадар аниқ қилиб яратганки, барча моддий мавжудотлардаги ва моддалардаги курилиш ғиштчалари ролини тузилишига кўра мураккаб атомлар ўйнайдилар. Улар шу қадар кичикки, агар улардан узунлиги бир дюйм бўлган кесма тузилса, унда миллиардлаб атомлар бор бўлиб чиқади. Мен олдинги бобда бу ҳақида айтиб ўтдим. Кўплаб чукур

тадқиқотлардан сўнг олимлар ҳануз уларнинг табиатини охиригача тушуна олмайдилар.

Худосиз бирор фойдали донолик ҳам, билим ёки англаш ҳам йўқдир. Худо бирор янги нарсани ўрганиши керак эмас, чунки У ҳақиқатан ҳамма нарсани, ҳатто охирида нима бўлишини билади ва У буни энг бошидан билади. Қурдатли фаришталар доимо Унинг ёнидалар, улар юзларини ёпдилар ва Худонинг ким эканлиги ҳақидаги доимий вахийдан эҳтиромда ҳайқирадилар. Ўтган авлодларнинг энинг доно эркаклари ва аёллари Унинг хузуридан лаззатланишни ўзларига кўрсатилган хурмат деб билгандари ҳайратланарли эмас. Янада ҳайратланарлиси шундаки, биз Унинг хузурини истаганимиздан, У бизнинг хузуримизни кўпроқ истайди. Ҳаворий Ёкуб дейди:

“Наҳотки сизлар Ёзувда: “Бизнинг ичимиизда яшаётган Рух рашк қадар севади”, – дейилгани бекор деб ўйласангиз?” (Ёкуб 4:5).

Рашк қадар севиш – ниманидир эҳтирос билан исташ демакдир. Энг ажойиб Шахс мен билан сұхбатлашишни эҳтирос билан исташини ўйлаганимда, мен, Довуд каби айтишим мумкин: “Ё, Худо! Сенинг фикрларинг мен учун нақадар қимматбаҳодир, уларнинг сони нақадар кўпдир. Уларни санаб чиқадиган бўлсам, улар кумдан ҳам кўпроқдир...” (Сан. 138:17,18).

Довуд Худонинг бизлар, ҳамма одамлар биргаликда эмас, балки алоҳида ҳар бир шахс ҳақидаги фикрлари ҳақида сўзлаган эди. Унинг бизлар ҳакимиздаги фикрлари Ер сайёрасидаги кумларнинг сонидан кўпроқдир! Барча соҳиллардаги, сахролардаги, голф далаларидағи ва болалар ўйнайдиган майдончалардаги ҳамма кумни шунчаки тасаввур қилинг. Мана шу кумнинг улкан микдори – фикрларнинг улкан сонидир.

Сизларга яна бир мисол келтираман. Мен хотинимни жуда қаттиқ севаман. Бизлар ўттиз йилдан ортиқ вақтдан буён эр-хотинимиз. Менинг ү ҳақида кўплаб, сон-саноқсиз даражада ўй-фикрларим бор. Лекин уларнинг ҳар бирини охириги шу ўттиз йил ичida санаганимда эди, қумга таққослаганда ҳатто пойафзал кутисини тўлдиришга ҳам етмаган бўлар эди(олимларнинг ҳисоблашига кўра, соҳилнинг бир куб футида 1,8 миллиард қум бор экан).

Келинг, янада чукурроқ ўйлаб кўрамиз. Сиз қачонлардир ҳамма нарсани бўрттириб сўзлайдиган одамни учратганмисиз? Масалан, балиқчи. У: “Мен мана бунақа балиқни тутдим”, –дейди ва қулочини кенг ёзib унинг катталигини кўрсатади. Аслида, сизнинг ўзингиз у балиқни кўрсангиз, унинг анча кичикроқ эканини аниқ билиб оласиз.

Ёки масалан, ўз нуқтаи назарини исботлаш учун статистик маълумотларни ҳаводан оладиган киши. У дадиллик билан таъкидлайди: “Тўқсон тўққиз фоиз эркаклар мелодраммаларни ёқтирумайдилар”. У ҳеч қачон расмий ижтимоий сўроқномалар натижаси билан қизиқкан эмас, статистика маълумотларини текширган эмас, лекин кинонинг мазкур жанрига ўз нафратини оқлаш учун бўрттириб гапирмоқда. Ёки “Мен сен учун ибодат қиласяпман”, дейдиган одам. Тўғрисини айтганда, у балки бир марта, шунда ҳам истамасдан ибодат қилгандир. Мен ўйлайманки, ҳар бир одам вақти - вақти билан бўрттириб гапиради, лекин келинг, ростгўй бўламиз: бўрттириб гапириш бу – ёлғон гапиришдир. Ажойиб ҳақиқат шундан иборатки, Худо ёлғон сўзлай олмайди! (Сонлар 23:19га ва Титус 1:2га қаранг). Агар Худо алдаганида эди, У “ёлғоннинг отаси” шайтонга бўйсуниши керак бўлар эди, лекин бу ҳеч қачон содир бўлмайди.

Агар Худо Унинг сиз ҳақингиздаги ўй-фикрлари бутун сайёрадаги кумларнинг сонидан ортиқ деб таъкидласа, бунга ишониш мумкин.

У сиз ҳақингизда нақадар кўп ўйлашини тушунаяпсизми? Ўзингизнинг ўйлов ҳаётингизни тасаввур қилинг. Сиз ёнида бўлишини истамайдиган одам ҳақида кўп ўйлайсизми? У ҳам худди шундай! Бизларда яшайдиган Худонинг Рухи ташна – бизнинг хузуримизни эҳтирос билан истайди. Бошқача қилиб айтганда, Худо сизни қадрли дўст сифатида яқиндан билишни истайди.

## Худонинг рашки

Келинглар, Ёқубнинг сўзларини кўриб чиқамиз: “Наҳотки сизлар Ёзувда: “Бизнинг ичимиизда яшаётган Рух рашк қадар севади”, – дейилгани бекор деб ўйласангиз?” Бу ердаги асосий сўзлар – бу “рашк қадар”дир. Бу нимани англатишини кўрсатишинга ижозат беринг. Агар мен оиладан ташқарида жинсий муносабатларга эга бўлсан, менинг хотиним мен билан яқинликни излар эдими, сирлари, режа-

лари ва истаклари билан ўртоқлашар эдими? Йўқ! Мазкур оятнинг умумий мазмунига назар ташлайлик, олдинги жумлада шундай дейилган:

“Зинокорлар ва фохишалар! Дунё билан дўстлик – Худога душманлик эканлигини билмайсизларми?! Шундай қилиб, ким дунё билан дўст бўлишни хохласа, у Худога душман бўлади” (Ёкуб 4:4).

Бошқача қилиб айтганда: Агар сиз дунё билан дўстликни қидирсангиз, сиз зинокор ва фохишасиз.

Ёкуб ўз хатини масиҳийларга ёзган, чунки унда ўн беш марта у “менинг биродарларим”, деган. Шубҳасизки, унинг мактуби Худо билан муносабатларга эга бўлган, Исо Масиҳни ўз ҳаётларига қабул қилган одамларга тегишилдири. Гап шундаки, дунё билан ўйнашиб, бизлар Худога қарши зино қиласиз.

Бошқа аёл билан муносабатлар ҳақидаги мисолимни давом эттириб, мен шуни айтиб ўтишим лозимки, шундай бўлганида эди, Лиза нафақат ўз ҳислари ва сирлари билан ўртоқлашишни истамаган бўлар эди, балки у жаҳлланар эди ва рашк қила бошлаган бўлар эди ва бу мутлақ тўғридир. Мен ўзимни унга ва фақатгина унга бағищлаганман. Хиёнат қилганимда мен ўз ваъдамни бузган бўлар эдим ва уни алдаган бўлар эдим.

Ёкуб Рухнинг рашки ҳақидаги ўз сўзларини шундай гап билан бошлайди: “Наҳотки сизлар Ёзувда...” У фақат ўзи ҳозир тилга олаётган оятни эмас, балки Муқаддас Ёзувдаги бошқа кўплаб оятларни назарда тутмоқда. Худо Ўзи ҳақида кўп бора дейди:

“...Мен, сенинг Раббий Худойинг – рашкли Худоман...” (Чик. 20:5).

“...Унинг исми – рашкчи, У рашкчи Худодир” (Чик. 34:14).

“Зеро Раббий Худойингиз ямлаб ютадиган олов, рашкли Худодир” (Қон. так. 4:24).

Ёзувда Худонинг рашки ҳақида кўп бора ёзилган, бу барча оятлар бизларга Худо билан муносабатларимиз ҳақида сўзлайди.

Давом эттиришдан олдин, аниқлик киритишимга ижозат беринг: Худо бизлардан рашк қиласи, деяётган эмас, Худо бизларни

рашк қиласи. Бунда катта фарқ бор. У бизларга муваффакият тилайди, бизларнинг ҳамма ишимиз соз бўлишини истайди, У бизларнинг тўкис ҳаётга эга бўлишимизни истайди, Унинг бизларнинг ҳаётимиздаги иродаси – бизларнинг маҳсулдор бўлишимиздир (Йешуа Нун ўғли 1:8, Ҳикматлар 4:8, Матто 23:29 ва Юҳанно 15:8га қаранг). Унинг рашки сизга яқин бўлиш истаги билан боғлиқдир. У бизларни бошқа маъшуклар билан, асосийси, дунё билан бўлишишни истамайди. Ёкуб шунчаки имонлиларга Худо хиёнатга қандай қарашини эслатмоқда. Агар биз Худога қарши зино қилсан Унинг ғазаби рашқда ёнади. Бу майда нарса эмас.

Лекин ғазаб – бу аҳд муносабатларига хиёнат қилиш натижасида келиб чиқадиган ягона ҳиссиёт эмас. Кўпинча, мен алданган эр ёки хотинларнинг ўз иchlарида шок ҳолатини, ҳафсаласи пирликни, йўқотилганликни, кулфатни ва қайгуни ҳис қилганларини айтгандарини эшитганман. Улар ҳаётларини баҳш қилган одам уларни рад қилди ва сотиб кетди. Оғриқ ва тушкунлик уларни қалбларининг тубигача шикастлайди. Мен ташлаб кетилган аёлнинг буткул умидсизлик билан: “Мен фарзандлар туғиб берган ва ҳаётимнинг энг гўзал йилларини инъом қилган эркак қандай қилиб мени ташлаб кета олди?” –деганини эшитганман.

Худо нимани ҳис қилишини тасаввур қила оласизми? Бизлар унга содик бўлмаганимизда Унинг қалбини қандай ҳислар тўлдиришини тасаввур қила оласизми? Повул ёзади: “Мен сизларни Худонинг рашки билан рашк қилмоқдаман, чунки мен сизларни покиза қизни ягона эрга никохлагандай, Масихга тақдим этдим” (2 Кор. 11:2).

Повул, Худонинг номидан сўзлаб, бизлар Худонинг ўрнига кимнидир ёки ниманидир бошқани қўйганимизда Худо нималарни ҳис қилишини ифодалаб бермоқда. Йермияҳ ҳам худди шундай қилган: “Қачон мен азобларимдан юпанаман? Менинг юрагим ичимда эзилиб кетди” (Йер. 8:18). Бизлар ёдимиизда тутишимиз керак, бизлар Унинг суратида яратилганмиз, шунинг учун Худо нимани ҳис қиласа, бизлар шуни ҳис қиласиз!

Худо рашк қиласи, чунки У биз учун жонини берди. Бизларга У билан абадий муносабатлар бериш учун У ҳамма нарсани қурбон қилди. Биз Унга хиёнат қилганимизда, Унинг юраги ва қалби чукур қайғуга ботади ва ғазабланади. У нима дейишига кулоқ солинг:

“...Менинг халқимнинг Мени унутган кунлари эса сон-санок-сиздир. Нақадар маҳорат билан ўзингга севги излайсан! Ҳатто бузук аёллар ҳам сендан кўп нарсаларни ўргана олади!... Лекин буларнинг ҳаммасига қарамасдан сен: “Мен бегуноҳман...”, – дейсан” (Йер. 2:32,33,35, янги ўзб. таржима).

Кўпинча бизлар англамаймиз, Худога қарши зино қилганимизда ўзимизнинг хиёнатимиз оғирлигини тушунмаймиз. Ҳақиқат бизларнинг кўзимизни очиши мумкин. Бизларнинг юракларимиз Унинг шикаста юрагига ва қайгураттган қалбига ҳиссиздир. Худо сўрайди: “Улар қилган жирканчликларидан уяладиларми? Йўқ, асло! Улар уялмайдилар ҳам, қизармайдилар ҳам...” (Йер. 6:15). Йермияҳ ва бошқа пайғамбарлар Исройлнинг хиёнаткорлиги ҳакида сўзлаганларидек, Повул ва Ёқуб Янги Аҳдда шундай қиласяптилар.

Ёқубнинг муҳим таъкидини таҳлил қилишда давом этиб, “дўст” ва “дўстлик” маъносини англатадиган юононча сўзлар *philos* ва *philianī* кўриб чиқамиз. *Philos* сўзининг маъноси севувчи, дўст-севар ва бирлаштиришдир; *philia* “дўст” ёки “дўстлашиш”ни билдиради. “Эски ва Янги Аҳднинг сўзларининг маъновий луфати”ни тузувчи У.Э.Вайн, *philia* сўзига таъриф бериб шундай ёзади: “бу севиши ва севилишини билдиради”. Бу ҳакида Исо Масихнинг қуидаги сўзлари нурида ўйлаб кўринг:

“Агар сизлар дунёга тегишли бўлганингизда эди, дунё ўзиникини севган бўлар эди. Сизлар дунёга тегишли бўлмаганингиз учун, аммо Мен сизларни дунёдан танлаганим учун, дунё сизлардан нафратланади” (Юх. 15:19, янги ўзб. таржима).

Сиз гарчи илгари дунёга тегишли бўлган бўлсангиз ҳам, энди тегишли эмассиз. Энди сиз Худога тегишилсиз. Сизнинг танангизда қачонлардир яшаган одам сиз ўзингизни Исо Масихга бағишлаган лаҳзада ўлди. Мутлақ янги ижод пайдо бўлди. Сиз Худо билан аҳд муносабатларида бўлган киши сифатида юқоридан туғилдингиз.

Исо Масих айтганки, одамнинг Худога тегишиллигининг илк белгиси – бу дунёнинг нафратланishiшидир. Ўзингизга астойдил савол беринг: “Мендан дунё нафратланадими?” Дунё сизга таниш бўлган масиҳийлардан нафратланадими? Агар ҳа бўлса, унда бу ҳолатда қан-

дай яшаш, ишлаш ва фойда келтириш мумкин? Дунёга қандай қилиб эришиш мумкин? Ахир дунё бизларни севганида эди, бизлар кўпроқ таъсир кўрсатган бўлган бўлмасмилик? Мазкур қийин саволларга жавоб топиш керак, кейинги бобларда биз буни амалга оширамиз.

Ҳаворий Юҳанно Исо Масихнинг сўзларининг бошқа томонини очиб бермоқда. У бизларга дадиллик билан демоқда: “Дунёни ҳамда дунёдаги нарсаларни севманглар. Кимки дунёни севса, унда Отанинг севгиси йўқдир” (1 Юх. 2:15).

Исо Масих, Ёкуб ва Юҳанно – буларнинг барчалари Худо билан муносабатлар орқали Унга боғланган, лекин дунёни яхши кўрадиган ва аксинча бўлган одам ҳақида сўзлаб, кучли ифодаларни кўлладилар. Улар дейдиларки, дунёга бўлган севги ва дўстлик, шунингдек, бизларга нисбатан дунёнинг севгиси зинокорликка, нафратга, душманликка ва бизларда Худонинг севгиси йўқлигига тенгдир. Дунё билан дўстликнинг хавфлилиги ҳақидаги бу жиддий сўзларни изоҳлашни давом эттиришдан олдин бизлар дунё дегани нима эканини аниқлашимиз керак.

Дунё сўзида юонча– kosmos сўзи ишлатилган. У “Замонавий дунё, Масихнинг Шоҳлигига қарама -қарши бўлган нарсаларнинг мавжуд тартиби, шунинг учун у ўзида доимо тез оқиб кетадиган, бефойда ва...нотўғри истакларга эгадир”. Келинглар, бу сўзларнинг ҳар бирини таҳлил қиласиз.

Тез оқадиган сўзи тез оқиши сўзидан ясалган ва “узоқ умр кўрмайдиган, бекарор, доимий эмас”, деган маъноларни билдиради. Агар биз жамиятга вакт ўтиши жараёнида назар ташлаганимизда эди, биз унинг доимо ўзгариб туришини кўрган бўлар эдик. Ўзгаришлар кўпинча фойдали, улар тараққиёт, ривожланиш, ўсиш борлигини билдиради. Аммо ахлоқ ва одобдаги ўзгаришлар бизларни кўпинча Худонинг қаршисида ҳақиқатан яхши бўлган нарсалардан тобора йироқлаштиради.

Бизнинг жамиятимизда кеча ахлоқсизлик, қабул қиласа бўлмайдиган ва бегона деб ҳисобланган нарсалар, бугунги кунларда ахлоқ нуқтаи-назаридан қабул қиласа бўладиган ҳамда омма томонидан қабул қилинган ҳисобланмоқда. Келинглар, таърифлаш учун мисол келтирамиз. 13 ёшгача бўлган болалар фақат ота-оналари билан

кира оладиган оддий кинони оламиз. Кинотеатрларнинг чиптахоналарида сўнгги кинога киришни истовчи одамлардан иборат катта навбат қатори тўпланади. Лекин, аникроғи, блокбастерда шафқатсиз зўрлик ва бузуқлик сахналари кўп бўлади. Жинсий муносабат сахналари, гомосексуалларнинг жинсий муносабати сахналари кўплаб киноларда мавжуддир. Актерлар экранда номуносиб хулқ-атворни намойиш қиласидилар, ўғирликларни, қотилликларни, жодугарликни кўрсатадилар. Яна, сюжетга кўра фақатгина салбий рол ижрочиларигина бундай номуносиб хулқни намойиш қилмайдилар, бу кўпинча, бу асарнинг қаҳрамонлари ва уларнинг ёрдамчиларига хосдир. Кўпинча диалогларда бутун бошли сўкинишлар янграйди, уларнинг орасида Худонинг исми ҳам эшитилиб туради.

Кўплаб киноларда бизлар буни шунчаки қабул қиласиз, балки кутамиз ҳам. Лекин айнан шу киноларни 1950йилларда кўрсатганларида эди, томошибинлар даҳшатга тушган бўлар эдилар! Америкаликлар бу қадар кўп сўкинишлар, яланғоч сахналар ва кичкирувчи ахлоқсизликдан нафратланган бўлар эдилар. Одамлар жамоат миқёсида норозилик билдирган бўлар эдилар: “Нима учун бу кинода икки нафар оила қурмаган, лекин бирга яшаётган одам тасвиirlанган, боз устига, улар тўшакда кўрсатилган ва бу қабул қиласа бўладиган ҳисобланади?! Нима учун буни нормал ҳаёт тарзи қилиб кўрсатмоқдалар? Нақадар шармандалик! Бу ярамаслик!” Томошибинлар бундай кинога бойкот эълон қилган бўлар эдилар.

Шундай қилиб, нима содир бўлди? Наҳотки Худо нормал, қабул қиласа бўладиган ва яхши хулқ-атворнинг янги стандартини эълон қилган бўлса? Наҳотки ҳамма нарса мумкинлигининг чегаралари сурилган бўлса? Бизлар ақллироқ бўлдикми? Ёки эллигинчи йилларда эски дунёқарашли эдик, энди эса ривожланиш келдими?

Агар реал статистикага қарасак, биз кўрамизки, кинолардаги кескин ўзгаришлар шунчаки жамиятдаги ахлоқ стандартларининг ўзгарганини ўзида акс эттиради. Яқинда олиб борилган тадқиқот шуни кўрсатдики, эркаклар билан никохсиз яшаётган аёлларнинг сони 1982йилдаги билан солишитирганда уч баробар ошган. US News & World Report нашриёти маълумотига кўра хабар қилинадики, 2006йилдан 2010йилгача вақт мобайнида ўн беш ёшдан

қирк ёшгача бўлган аёлларнинг қарийб ярми(48фоизи) никохгача эркаклар билан яшашган, бу 2002йилдагидан 11фоиз кўп бўлиб, 1995йилдагидан 41фоизга сакраган. Бизнинг ўзгараётган маданиятимиз ҳақида статистик маълумотларни кўрсатишни давом эттиришим мумкин, лекин китобнинг мазмуни бу ҳақида эмас.

Одамнинг ҳаётининг қадри йўқ, деган фикрни дунё мажбуран қабул қилдиришга ҳаракат киласди. Ҳақиқатан, жамиятда қиммат баҳо ўзгаришлар ва ривожланиш бор. Илм-фандаги, технологиядаги, алоқа соҳасидаги, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги кўлга киритилган ютуқлар одамзоднинг маҳсулдорлик қобилиятини ошириб, унга фойда келтирмоқда. Бу Худонинг биринчи амри: “Серпушт бўлинглар ва қўпайинглар”га тўғри келади (Ибт. 1:22).

Ахлоқдаги ўзгаришлар қандайдир қадриятга эгами? Ёки уларнинг асосида очкўзлик, ҳирс ва мартабапарастлик ётадими? Бизлар болаларнинг тарбиясини ўзаро никоҳда бўлган икки нафар эркак ёки икки нафар аёлга ишониб топширганимиздан болалар нима наф олдилар? Ахир бола учун бундай ғамхўрлик шакли мулојим она ва мард ота бўлган оиласдан яхшироқми, ёки бу ўзгаришлар нотўғри истакларни(bизнинг kosmos сўзини таърифлашимиздаги сўнгти қирра) қондириш учун қилинган эдими?

Эркак ва аёл никоҳсиз яшаб ва ўзларини оиласга бағиашлашини истамасдан боланинг ҳимоясини таъминлайдиларми ёки бундай иттифоқ ота-оналарнинг худбинона истакларини ҳамда уларнинг бағиашланмаганликларини қондириш учун рухсат берилган эдими? Молни ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи ҳақиқатни бузиб кўрсатса ва сотиш даражасини кўтариш учун ноҳақ усусларни қўлласа, у мижозни бойитадими ёки ўзининг очкўзлигини қондирадими? Қонун томонидан рухсат берилган марихуанани қабул қилиш мия хужайралари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатадими? Наҳотки олимларнинг чоп этилаётган ҳисботлари гиёхванд моддалар қабул қилиш натижасида мия хужайраларининг доимий равишда ҳалок бўлиши ҳақида хабар бермаётган бўлса? Наҳотки мазкур ҳамма қабул қилган нотўғри истакларлардан бирортаси бизларни Яратувчига яқинлаштира олса?

Муқаддас Ёзув бизларга айтадики, дунёнинг урф-одатлари бизнинг авлодимиз одамлари орқали маҳорат билан ҳаракат қилувчи қонунбузарлик рухлари томонидан тайинланган (Эф. 2:2га қаранг).

Бошқача қилиб айтганда, kosmos – бу қоронғилашган онглар томонидан яратилған маданиятдир. Ҳаворий Юҳанно қүйидагини айтиб бизларни ҳар қандай шубхадан маҳрум қиласы: “Биламизки, биз Худоданмиз, бутун дунё эса ёвузык остидадир” (1 Юх. 5:19). Дунё Худонинг юраги ва Унинг ҳокимиятидан тобора ва тобора узоклашиб бормоқда. Бу узоклашиш кўринарли даражада яққол ёвузык ёки Худонинг Сўзига қаршилик шаклида эмас, дунёда содир бўлаётган ўзгаришлар кўпроқ ривожланиш ва умумбашар эзгулик никоби остида бормоқда. Лекин афсуски, ҳақиқат шундан иборатки, Яратувчининг юрагидан олиб кетиб, дунё ўз фуқароларини ямлаб ютаяпти.

“Библиявий сўзларнинг янги халқаро комусида” янада чуқурроқ таъриф берилмоқда: “Дунёвий ўйлаш тарзи – баъзи одамларнинг жаҳлини чиқарадиган машғулотлар билан шуғулланмаслиқдир. Бу – ўз маданияти дунёқарashi, қадриятлари ва муносабатларини Худонинг Сўзи ҳукмига чиқармасдан, ўйламаган тарзда қабул килишдир”. Бошқача қилиб айтганда, дунёвий ўйлаш тарзига эга бўлганимизда, бизлар нимани яхши деб ва нимани ёмон деб хисоблаш учун стандарт белгилаш манбаига айланамиз. Жамиятда намуна ўрнатадиган дунёқарашлар, қадриятлар ва муносабатлар – кўзлар хирсидан, мансабпарастлиқдан, обрў, машҳурликка чанқоқлик ҳамда танага эрк беришдан илдиз олади.

“Дунёни ҳамда дунё таклиф қилаётган нарсаларни севманглар. Агар сизлар дунёни севсангизлар, унда сизда Отанинг севгиси йўқдир. Чунки дунё фақатина жисмоний лаззатлар истагини, кўзларимиз кўраётган нарсаларни исташни ҳамда ўз муваффақиятларимиз ва ютукларимиздан мағрурланишни таклиф қиласы. Бу Отадан эмас, балки шу дунёдандир” (1 Юх. 2:15,16, NLT, инг. тилидан таржима).

“Дунё фақат...таклиф қиласы” сўзига диққат қилинг. Дунёнинг таъсирини қандай билиб олиш ёки Ёқубнинг фикри бўйича, сизларни ютиб юборишни излаётган зинокорларни билиб олиш шу сўзларда кисқача аён қилинган.

Илтимос, Масихнинг азиз издоши, мени эшит: дунё сени ютиб юбориш имконини изламоқда. Дунёнинг муносабатларга таклифи кўпинча асир қилувчи сўзлар, мантик, тилёғламалик, имкониятлар,

куч, нуфуз ва доимо шахсий манфаат ва/ёки лаззатни таклиф қи-лиш ҳамроҳлигига бўлади. Бу илон Ҳаввани йўлдан урган тилёғла-малиқдан ҳеч нимаси билан фарқ қилмайди. У аниқ ўзига ёкиб қолган эркакни кўз тагига олган зинокор аёл қабидир. У уни ўз тўрига ўрайди, эркакни бу аёл унга кераклигига ишонишга мажбур қиласи. Бу тўр ҳеч нимани хаёлига келтиргмаган қурбонни қамраб олади ва аёл ундан истаган нарсасини олади.

Дунёнинг тўри ўз истагини амалга ошириш ва имонлиларни Ху-донинг хузуридан, Унинг ҳаётидан ва баракаларидан йироққа олиб кетиши учун маккорлик билан қурбонларини – масиҳий бўлмиш одамларни асир олади. Ҳикматлар китобининг муаллифи дунёнинг тўшаги – бу ўлимнинг гори эканини, унинг йўллари эса дўзахга олиб боришини дадиллик билан таъкидлайди. У огоҳлантирадики, “у ўзининг асир қилувчи кучи билан кўплаб эркакларни ва аёлларни яралади ёки ўлдирди” (Ҳик. 7:21-27га каранг).

### **Нима дунё эмас?**

Дунёни таърифлашда урғу ниятларга эмас, кўпроқ шаклга бе-рилади. Легализм, яъни қонунчилик жамиятига тушиб қолган ёки унда улгайган самимий имонлиларнинг фикрларини эшитганимда, менинг юрагим жуда қайғуради. Қонунчилик ҳакида кўп гапири-шади, бу сўзни кўпинча нотўғри ишлатишади, шунинг учун да-вом эттиришимдан олдин унга таъриф беришим керак бўлади. Қонунчилик сўзининг луғатий таърифи – “қонун ёки кўрсатмага қатъий содиклик, айниқса, руҳга содикликнинг ўрнига кўрсатмага содиклик. Маълум қонунларга бўйсунишдан келиб чиқкан ҳолда хулқ-авторни ҳукм қилиш”.

Бизлардан кўпчилигимиз масиҳийликнинг ўлиқ шакли муҳи-тида пайдо бўладиган даҳшатли воқеаларни эшитамиз. Чўпонлар минбардан қатъий амал қилиш зарур бўлган қоида ва нормаларни баланд овозда айтиб, Муқаддас Ёзувни силкитадилар. Улар аёл-ларни, агар аёллар шим кийишса, замонавий кийим кийишса, қим-матбаҳо тақинчоқлар тақиши, пардоз қилишса, пирсинг қилишса, замонавий ва калта соч турмаклар қилишса, соchlарини бўяшса – дунёвий юриш-туришда айблайдилар. Сафсатабозларнинг бу воиз-

ликларида эркаклар ҳам ўзларига тегишилисини олишади: уларнинг барча замонавий мулклари пирсинг ва соч узунлиги билан бирга синчиклаб текширилади.

Бу билан воизлар тўхтаб қолмайдилар. Агар имонлини гуноҳкорлар даврасида кўриб қолсалар айблаш ўзини куттирмайди. Кинотеатрларга ёки қандайдир кўнгилочар тадбирларга борадиганлар танқид остига олинадилар. Уларнинг қабул қилинган одамлар доирасига кирмайдиган ошналари томонга хўмрайиб назар ташлайдилар. Гуноҳкорларга ижодий йўл билан эришиш йўлидаги ҳар қандай харакат имондан қайтиш деб хисобланади. Тақиқланган нарсалар ичида: рақс, ижтимоий тадбирларга бориш, дунёвий мусиқанинг барча тури, телевизор кўриш, жамоатда рангли чироқларни ва тутунни ишлатиш ва бу – агар масиҳий “Исо Масихнинг ортидан боришни истаса ва дунёдан озод қолишни истаса” унга бериладиган қоидаларнинг тўлиқ рўйхати эмас.

Мен қонунчиларнинг фақатгина бир неча мақсадларини атадим, аммо қонунчиликнинг кўпроқ яширин, лекин камроқ хавфли бўлмаган шакллари бор. Буларни кўпинча нажотга эришиш, руҳий ўсиш учун тўлиқлигича ёки қисман одамлар тўғри келишлари керак бўлган стандарт сифатида қабул қилишга мажбур қилишади ёки одамни ташқи белгиларига кўра ҳукм қилишади. Мисоллар қаторига бир неча соат ибодат қилиш, рўза тутиш, Муқаддас Ёзувдаги маълум лавҳаларни ўқиши ва бошқалар киради. Албатта, буларнинг ҳаммаси фойдали машғулотлар, лекин буларни қандайдир руҳий устунликка эришиш учун қилиш керак эмас.

Баъзан шундай бўладики, бизлар кечиримни қабул қила олмаймиз, шунинг учун қилган ишимиздан оқланиш учун ўзимизни у ёки бу йўл билан жазолаш васвасасига бўйин эгамиз. Шу алфозда, бизлар Исо Масихнинг қонини унутамиз ва ўз ишларимизга ишона бошлаймиз.

Легализм, яъни қонунчилик бизлар жамоатда тиришқоқлик билан хизмат қиласётганимиз учун Худога яқинлашиш эшиги кўпроқ очиқ деган тушунчада намоён бўлиши мумкин. Ёки бизга катта гуноҳларни қилмаганимиз учун Худо бизларнинг ибодатларимизни тезроқ эшитадигандек туюлиши мумкин. Ўзимиз англамаган

холда, бизлар ўзимизнинг руҳий идишимизни яхши хулқ ва ишлар билан тўлдиришимиз мумкин. Қонунчилик “Худога хизмат” билан жамоат бошқармаси хизматларида, кўнгиллилар хизматида ёки қашшоқлар учун ғамхўрлик хизматида доимо машғул бўлиш кераклиги доимий босими туфайли одамга дам олиш ёки ҳаётдан лаззатланиш имконини бермайди. Севги ҳаракатлантирувчи куч бўлишдан тўхтайди, унинг ўрнини Худонинг илтифотига арзиш учун килинадиган ҳаракатлар олади.

Қонунчиликнинг бу турининг классик намунаси –бу ўз ҳаётини солиқчининг ҳаёти билан солиштириб(бизнинг замонамизда мафия аъзоси), шаҳарда машҳур гуноҳкорни хукм қилган фарзийдир. Фарзий ҳовлиқиб ўзининг яхши хулқи учун Худога миннатдорчилик билдирав эди: у гуноҳ қилмас эди, мафия аъзолари қилганларидек одамларни алдамас эди, у зино қилмас эди, доимий равишда рўза тутар эди ва ибодат қилас эди, синагогага сахийлик билан қурбонлик келтирав эди. Фалати тасодиф билан шу лаҳзада, мазкур руҳий етакчи ўзининг юриш-туриши билан мақтанар эди ва мафиянинг бошлигининг камчиликларини санаб ўтар эди; гуноҳкор эса синагоганинг ҳовлисида Худодан шафқат сўраб турар эди. Исо Масих “мукаммал” етакчининг эмас, иккинчисининг оқланиб кетганини айтди.

Шунаقا турдаги қонунчилик бу дунёning руҳида мустаҳкам илдиз отган, чунки у, у ёки бу одамлар томонидан яратилган қоидалар ҳамроҳлигидаги нуфузга, мағрурликка ва ўз-ўзини кондиришга дикқатини қаратади. Шундай қилиб, одам Худога тобе бўлмай қолади ва дикқатини ўзига қаратади. Бундай қонунчилик Худонинг хузурига ҳамроҳ бўладиган қувончни ўғирлайди.

Менинг бир тадбиркор дўстим, одамларга жуда катта таъсирга эга. У қонунчиликда ўсан, лекин ундан озод бўлган. Бир куни у менга: “Жон, мен ҳамма қувончли ва қувноқ нарсалар дунёдан ва масиҳий учун йўл қўйиб бўлмайдиган нарса деб ҳисоблар эдим”, –деди. У қатнайдиган жамоатнинг чўпони ва етакчилари ўз дикқатларини ташки одамга қаратар эдилар, юракда яширин нарсаларга эса эътибор бермас эдилар. Унинг жамоати шаҳарда одамларга таъсир қилиш кучига эга эмас эди. Афусски, бу жамоатнинг етакчилари Повулнинг қўйидаги сўзларини тушунмадилар: “Чунки

Худонинг Шоҳлиги ейиш ва ичиш эмас, балки Муқаддас Рухдаги қувонч, ҳақлик ва тинчликдир” (Рим. 14:17).

Рухда бўлиб, бизлар улкан, барқарор қувончни ҳис қиласиз. Қувонч гуноҳларидан ҳалок бўлаётган одамлар учун мафтункордир, чунки у дунёда йўқ. Исо Масих барча самимий, ҳатто жамиятнинг энг ўтакетган гуноҳкорлари учун жозибали эди. Қонунчилик таълимоти орқали нажотни кўлга киритишга ёки Масихда ўсишга ҳаракат қиласиган ҳар қандай одам ҳакикий қувончга эга эмасдир. Бундай одам жуда кичкина дунёда яшайди, чунки ундан бошқача яшайдиган ва ўйладиган одамларнинг барчаси билан сұхбатдан ўзини тортади.

Мазкур тадбиркор қатнайдиган жамоатнинг етакчилари Повулнинг Колосаликларга мактубидаги сўзлари устидан фикр юритсалар яхши бўлар эди:

“Шундай қилиб, агар бу дунёning қонунлари учун Масих билан бирга ўлган бўлсангизлар, у ҳолда, нима учун сизлар худди бу дунёning одамлари каби “ушлама”, “ема” ва “тегма” деган қоидаларга бўйсуниб яшаяпсизлар? Бу қоидаларнинг ҳаммаси ишлатилиб йўқ бўладиган нарсалар ҳақидаги инсонларнинг қоида ва тушунчаларидир. Балки бу қоидалар кўринишидан донолиkdir, аслида эса, ўзбошимча диндорлик, ўзидан кечиш ва ўз баданига нисбатан қаттиқкўллик ғоясини мажбурлаб сингдиради. Аслида эса улар хирслар ва ёвуз ўйлар устидан ғалаба қозонишга умуман ёрдам бермайди” (2:20-23).

Қизиқ, Повул диндорликнинг, ўзидан кечишнинг ва ўз баданига нисбатан қаттиқкўлликнинг қонунчилик қоидаларини бу дунёning кучига киритади. Бу жинсий бузуқлик, қотиллар, ўғирликлар, ичкиликбозлик ва бошқалар гуноҳ эмас, дегани эмас. Бу – дунёning қонунларига кўра яшашнинг бошқа шаклидир. Қонунчилик билан боғлиқ одамлар, улар: “Дунёдан ўзингизни тийинг”, – деб, жон – жаҳдлари билан воизлик қилаётган дунё уларни қулликда тутиб турган айнан ўша тизим эканини англамайдилар.

Повулнинг сўзлари жумбогининг ечими “ёвуз фикрлар устидан ғалаба”дадир. Қонунчилик одамнинг юрагини покламайди, юрак – бу дунёning кучлари шикастлашни истайдиган нишондир. Айнан

шунинг учун ёзилган: “Асраладиган ҳамма нарсадан кўра кўпроқ юрагингни асра, чунки ҳаёт булоқлари ундандир” (Ҳик. 4:23).

Исо Масих демоқда: “Яхши одам юракнинг яхши хазинасидан яхшилик чиқаради...” (Мт. 12:35). Асосийси, бизлар ичимизда нимани сақтаймиз, нима биз учун қадрият ҳисобланади, ана шундандир. Ўз юрагингизни покланг ва шунда ҳаётдаги ҳамма ташқи нарсалар Ҳудо яхши деб ҳисоблайдиган нарсалар билан буткул уйғунликда ўз ўрнига тушади.

Хулоса қиласиз: дунё ташқи эмас, балки ички одамга ҳужум қиласиди. У одамнинг истакларига, ниятларига ва юрагининг ҳамда онгининг йўналтирувчи кучигача кириб боради. Айнан шу жанг майдони ҳисобланади, ўргимчак тўри айнан шу ерда тўқилади. Айнан шу ерда дунё билан дўстлик ва зино бошланади ва бу одамни тобора ютиб юборади. Бу жамоатга кам қатнайдиган одам билан ҳам, бирор йифинни қолдирмайдиган ва хизмат билан фаол шуғуллана-диган одам билан ҳам содир бўлиши мумкин.

Энди дунё нима эканлиги ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлиб, келинг, дўстлик масаласига ўтамиш. Дунё билан дўстлик нимани англатишини қандай тушуниш мумкин? Қандай килиб у билан зино қилиш мумкин? Бу ҳақида бизлар кейинги бобда фикр юритамиш.



# ДҮСТЛИК

...Бизнинг Худо билан дүстлигимиз  
 Унинг Ўғлининг ўлими орқали қайта тикланди.  
 — Риммиларга 5:10 (NLT, инг. тилидан таржима)

Юрагингиз нимага ёпишса,  
 Ўша сизнинг Худойингиздир.  
 — Мартин Лютер

**X**амманинг дўсти бор, ҳамма дўстлари бўлишидан қувонади. Болалигимда менинг икки яқин дўстим бор эди: Дэнни ва Глен. Ҳамма бўш вақтимни мен улар билан ўтказар эдим. Бизлар спорт билан шугуулланар эдик, велосипед учар эдик, ниманидир ўрганаар эдик, турли хил ўйинлар ўйлаб топар эдик, шаҳарга бораар эдик ёки шунчаки ўтириб, сухбатлашар эдик. Бизлар ўзимиз учун муҳим бўлган мавзуларда: дўстлар, қизлар, ўқиш, мактабдаги тадбирлар, спорт, келажақдаги режалар ва бошқа кўплаб нарсалар хақида сухбатлашар эдик. Бизнинг муносабатимиз соғлом ва мустаҳкам дўстлик муносабати эди. Бизлар бир-биримизни яхшироқ, кучлироқ, донороқ бўлишга, ўз ички имкониятимизни тўлиқ ишга солишга руҳлантирас эдик. Бизлар бир-биримизни химоя қиласа ва кўллаб-куватлар эдик, қийин вазиятларда бир-биримизга ёрдам берар эдик. Бошқача қилиб айтганда, ҳамма ишлардан кўра менга дўстларим билан вақт ўтказиш ёқар эди.

Сизда-чи? Ўз болалигингиздаги дўстларингизни ёдга олинг. Дўстликнинг асосий кўрсаткичларини айтишга ҳаракат қилинг. Менинг ишончим комил, агар мен улар орасида биргалиқда вақт ўтказиш, муносабатлар, бир-бирини тушуниш, умумий қизиқиши-

лар бўлади, десам сиз рози бўласиз. Севги, ишонч, хурмат, ҳазил ва ўзаро майл ҳам жуда муҳим. Албатта, ҳар бир муайян вазиятда бошқа кўплаб кўрсаткичларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Аммо бизларнинг ҳар биримиз учун биргаликда вақт ўтказиш ёкиши ҳамма нарсадан муҳимдир.

Ёзув дўстлик ҳақида ижобий сўзлайди. Менинг севимли оятларимдан бири: “Хушбўй мой ва хушбўйликлар ҳиссий лаззат берганидек, ширин дўстлик қалбни янгилайди” (Ҳик. 27:9, The Message, инг. тилидан таржима). Бизлар ёлғизлиқда яшаш учун яратилган эмас эдик, улфатчилик одамни жонлантиради. Худонинг илк ижодида айнан шу нарса етишмас эди. У деди: “Одамнинг ёлғиз бўлиши яхши эмас...” (Ибт. 2:18га қаранг). Бизлар унинг суратида дўстлашиб ва дўстликдан лаззатланиш истаги билан яратилганимиз.

Лекин қарама-қарши томони ҳам бор. Исо Масих, Ёкуб ва Юҳанно дўстликнинг маълум турини салбий оҳангларда таърифламоқдалар. Ҳаворийнинг сўзларини яна бир бора ўқинг: “Зинокорлар ва фоҳишалар! Дунё билан дўстлик – Худога душманлик эканлигини билмайсизларми?! Шундай қилиб, ким дунё билан дўст бўлишни хоҳласа, у Худога душман бўлади” (Ёкуб. 4:4). Бу шунчаки салбий оҳанг эмас, Ёкуб тўғри, очик ва дадил сўзламоқда! Қандай белгилар дунё билан дўстликнинг белгилари эканлигини кўриб чиқамиз.

### **Классик муносабат**

Олдинги бобда биз билдикки, *philia* сўзи “дўст бўлиш” ёки “дўстлашиб”, шунингдек, “севиш ва севилиш”ни билдиради. “Библиявий сўзлар қомуси”да дейилади: “Юон дунёсида дўстлик тушунчаси яхши ривожланган эди. *Philia...* “танишлик”нинг кенг маъносида, шунингдек, чуқур маънодаги шахсий ва яқин муносабаталарни, ҳақиқий боғланганликни билдириш учун ишлатилар эди”. Аслида, Ёкуб ишлататётган сўз дўстлик тушунчасининг кенг кўламида ишлатилади. Ҳаммамиз биламизки, муносабатларнинг турли даражалари мавжуд, Ёкуб айтаётган дўстлик ҳамма кўламни камраб олади. Сўнгра бу тушунчанинг бор спектри тўғридан-тўғри хиёнат билан боғлиқ.

Худога қарши зинокорлик оиласынг хиёнати оддий саҳнасидан кам фарқ қиласы, шунинг учун одатий мұхаббат саргузашты босқичларини күриб чиқамиз. Күпинча, эркак танишувларининг биринчи кунидан жазмани билан түшакда бўлиб қолмайди, ҳаммаси атайин ёки бехосдан амалга ошириладиган кўнгил олишлардан бошланади.

Бошида бу икки кишининг шунчаки учрашувлари, бунда улар бир-бирлари билан танишадилар. Бу ижтимоий тармоқлар орқали ёки юзма - юз бўлиши мумкин. Танишиш жараёнида учқун ёнади. Кўпинча эркакнинг қизиқиши турмуш ўртоғи билан яқинлик эхтиёжи қондирилмаганилиги учун қамчиланади. Жуда кам ҳолатларда оиласига хиёнат яқинроқ жисмоний ва ҳиссий муносабат қуриш истаги туфайли амалга ошади. Илк учрашувлар беайб туюлади, лекин ҳар дафъя билан бир-бирларига қизиқиш кучаяди. Сўнгра телефон рақамлари ва электрон манзиллар билан алишиш содир бўлади.

Эркак ва аёл смс-хабарлар, электрон хатлар, телефон қўнгироқлари билан алишишни давом эттиришлари жараёнида ёки улар тасодифан бир-бирлари билан “тўқнаш келган”ларида майл ошаверади. Бу уларнинг муносабатлари даражасини чуқурлаштиради. Улар бир-бирларига ташна бўладилар, лекин улардан бирортаси буни тан олишга тайёр эмас. Тилга чиқарилмаган майл муносабатлар ривожланишидан завқланиш ҳамроҳлигига кечади. Улар аллақачон рухсат берилган дўстлик бўсағасидан ҳатлаб ўтдилар.

Сўнгра улар бир пиёла чой ёки тушлик баҳона учрашиб, хилват жой танлаб, яна бир олға қадам кўядилар. Одатда шу даврда уларнинг бир-бирларига ҳиссиятлари ошкор бўлади.

Энди эркак доимо у ҳақида ўйлайди ва у билан бирга бўлишни иштиёқ билан истайди. Хотини ҳам, дўстлари ҳам билиб қолмаслиги учун улар қандай қилиб пинҳона учрашишлари мумкинлиги ҳақида орзу киласы ва режалаштиради. Унинг юраги хотинидан совуган, у бошқа аёл ҳақидаги фикрларга тўла. Ҳатто хотинининг ёнида бўлиб, у фикрларида ва хаёлларида бошқа аёлнинг ёнида. Эртами, кечми, улар бир тўшакда бўлиб қоладилар.

Ҳаммаси қандай бошланди? Уларнинг танишувлари босқичидаги номаъқул фикрлар ва сухбатлардан. Қайси лаҳзада уларнинг

муносабатлари зинога айланди? Улар шахсий алокা воситалари рақами билан алишишганларида ми ёки хилватда учрашганларида ми? Ёки у илк бора уни тутганидами? Илк ўпичданми? Ёки улар ечиниб, түшакка ётганларида бу содир бўлдими?

Аслида, бу юқорида айтиб ўтилганларнинг ҳаммасидан олдин содир бўлди. Матто хушхабаридаги қуйидаги оятда Исо Масих буни шундай ёритади: “Наҳотки сизлар тўшакка ётмаганим учунгина муқаддаслигимни сақлаб қолдим, деб ўйласанглар? Сизларнинг юракларингиз ҳирсдан танадан кўра тезроқ булғаниши мумкин”(5:28, The Message, инг. тилидан таржима). Юрак – бу бизлар яшайдиган жой, ташки ҳаракатлар шунчаки унинг ортидан боради. Зино эркак аёлга нисбатан майл ҳис қилган вақтда, қаердадир уларнинг танишув даврида бошланган эди.

### Дунё билан дўстлик

Худди шунингдек, дунё ҳам бизларни “илк муҳаббат”дан олиб кетади. Ҳаммаси қизиқиши уйғотишдан бошланади. Қизиқиши сабаби ҳазил, лаззат, қулагилик, завқланиш, ишқий саргузашт, муваффақият ёки бошқа бирор мафтункор ҳолат бўлиши мумкин. Танишиш мен кўрсатиб ўтган биринчи мисолдагидек – оммавий ахборот воситалари орқали ёки юзма – юз бошланиши мумкин. Кўпинча бу бизнинг Худо билан шахсий муносабатларимиздан қониқмаслигимиз учун содир бўлади. Бизлар У билан дўстликдан завқланиш ҳиссини йўқотамиз. У билан сухбатлашиш вақтингиз қуруқ ва зерикарли бўлиб боради. Бизнинг дўстликка эҳтиёжимиз бизни бошқа томонга торгади.

Бизлар ҳар дафъа дунёга вақтимизни сарфлаганимизда, дунёнинг ўзига тортиши ошади. Тез вақт ичиди бизнинг фикрларимиз ва хиссиётларимиз асир тушиб қолади. Агар Повулнинг иккита турли жамоатларга айтган сўзларига дикқат билан қарасак, бизлар уларда бизни дунё билан зино қилишдан ҳимоя қилишга қодир огоҳлантиришни топамиз, агар бизлар унга эътиборсизлик қилмасак:

“Шундай қилиб, агар сизлар Масих билан бирга тирилган бўлсангизлар, унда юқоридағи нарсаларни, яъни Масих Худонинг

ўнг томонида ўтирган жойдаги нарсаларни изланглар. Ер юзи-даги нарсалар эмас, балки юқоридаги нарсалар ҳақида фикр юритинглар” (Кол. 3:1,2).

Сиз унинг сўзларини диққат билан ўкиб чиқдингизми? Агар бундай бўлмаса, яна бир бора ўкинг ва курсив билан ажратилган сўзларга алоҳида диққат қаратинг: изланглар ва фикр юритинглар. Биз нимани изласак, бизнинг онгимиз шу ҳақида фикр юритади. Давом эттиришдан олдин, келинг, Повулнинг Римликларга айтган сўзини кўриб чиқамиз. Яна фикр юритиш сўзига эътибор берамиз.

“Чунки тана изми бўйича яшовчилар танавий нарсалар ҳақида, Рух изми бўйича яшовчилар эса руҳий нарсалар ҳақида фикр юритадилар. Тана изми бўйича фикр юритиш – ўлимдир, Рух изми бўйича фикр юритиш эса – ҳаёт ва тинчликдир. Тана изми бўйича фикр юритиш Худога душманликдир...” (Рим. 8:5-7).

Душманлик сўзига эътибор қилинг. Ёқуб мактубининг юононча матнида(4:4) айнан шу сўз қўлланади: echthra. Стронг луғатида у куйидаги тарзда белгиланади: “душманлик... қаршилик учун сабаб”. Повул яна бу дунё билан боғланган имонлиларга мурожаат қилмоқда.

Менинг Лизага бўлган муҳаббатимгина мени хиёнат қилишдан тутиб турмайди, яна унинг ғазабини ўзимда ҳис қилишни истамаслик ҳамдир. Агар зино қилганимда эди, мен унинг душманлиги нишонига айланар эдим. Мен жуда яхши кўрган шахс менга душман, золим ва ҳафсаласи пир бўлган одам бўлишини истамайман. Аммо Повул ва Ёқубнинг айтиётгандари билан такқослаганда, бу душманлик аҳамиятсиздир, чунки бирорта масихий, соғлом онгли ҳолида ўзида Худонинг душманлигини ҳис қилишни истамаган бўлар эди. (Ёдда тутинг, Ёқуб ва Повул имонлиларга мурожаат қилмоқдалар).

Йонаҳ улкан китнинг қорнида бўлиб қолиб, Худонинг душманлигини ўзида ҳис қилди. Самсон уни ҳис қилди ва қўзларини йўқотиб, қулликка тушди. Илий Худонинг ғазабини ҳис қилди ва унинг ўғиллари ердан олинган куннинг ўзида оламдан ўтди. Шоул, Бальом, Йоав, Александр кумушчи ва бошқа кўплаб мисоллар ҳам бор. Худони хафа қилиш – бу ёмон иш.

Агар кўпроқ мисолларни кўришни истасангиз, унда Исо Масихнинг Вахий китобида жамоатларга мурожаатига қаранг. Булар юкоридан туғилган имонлиларга эга реал жамоатлар эдилар. Раббий билан муносабатлар соҳасида вижданини ютган жамоатта У унинг чирогини – унинг нурини силжитишини айтиб таҳдид килди (Вах. 2:5га қаранг). Бошқасини Худо у билан қурашиши ҳақида огоҳлантириди (Вах. 2:16га қаранг). Учинчисига касаллик тўшаги ва буюк қайғу билан таҳдид килди (Вах. 2:22га қаранг). Тўртингчисига У ўғри каби келишини айтди (Вах. 3:3га қаранг). Бешинчиси ҳақида уни оғзидан чиқариб ташлашини айтди (Вах. 3:16га қаранг). Хулоса битта: ҳеч ким Худонинг ғазабини ўзида хис қилишини истамайди!

Римликларга мактубда (8:5) “ўз фикрларингни йўналтиринглар” дейилади(инглиз тилидагида). Бу ердаги асосий сўз – йўналтириш. Бу сўз устида фикр юритайлик. Тасаввур қилинг, кўчада қишлоғи, сизнинг уйингиздаги термостат 21градусгача иситишга йўналтирилган. Кўчада ҳарорат минус 20градус. Кимдир шошиб уйдан чиқди ва ортидан эшикни маҳкам ёпмади. У уйдан узоқлашади ва бир неча дақиқадан сўнг кучли шамол кириш эшигини кенг очади. Сиз уйнинг бошқа ярмиdasиз ва уйдаги ҳарорат бирдан тушиб кетганини тезда сезиб қоласиз. Сиз сабабини излай бошлайсиз ва кенг очиқ кириш эшигини кўрасиз, у орқали уйга қор ҳавоси ёпирилиб кираётган бўлади. Сиз шу лаҳзада эшикни ёпасиз, лекин ҳарорат уйда аллақачон 15градусга тушди. Кейин нима бўлади? Ҳарорат тушганидан, термостат иситиш тизимиға уйнинг ҳарорати белгиланган дараҷагача қайта тикланмагунича иситишни кучайтириш ҳақида сигнал юборади. Бу учун ҳатто сизнинг иштирокингиз ҳам керак бўлмайди, ҳароратнинг ўзи 21градус белгисигача кўтарилади.

Ўз хотинига хиёнат қилган эркак мисолига қайтамиз. Бир неча йил олдин, у унинг кўнглини олишга ҳаракат қилаётганида, унинг майли ва истаклари унга йўналган эди. У унинг ёнида бўлишни, у билан яқиндан танишишни, кейинчалик унга турмушга чиқиши учун кўлини сўрашни орзу қилган эди. У эрталаб турганида, ишга бораётганида, тирбандликда туриб қолганида ва айниқса, оқшом ухлашга ётаётганида қиз унинг фикрларида эди. Бошқача қилиб айтганда, агар нимадир аниқ нарса ҳақида ўйлаш зарурияти бўлмаса, унинг онги йўналтирилган шахсга: унга қайтаради.

Унинг дўстлари доимий равища уни сухбатдан чалғиганида тутиб олар эдилар. Улар: “Биродар, сен қаердасан?” – дер эдилар.

У хижолат бўлиб одатда: “Кечиринглар, йигитлар, менинг ташвишим кўп”, – деб жавоб берар эди. У аслида қиз ҳақида ўйлаётганини дўстларига тан олгиси келмас эди, чунки бу уларнинг калака қилишларига олиб келади, деб қўрқар эди. Унинг фикрлари унга йўналтирилган эди.

Аммо кейин, унаштирувдан сўнг, тўйдан сўнг, бир неча фарзандлар туғилганидан сўнг у бошқа аёл билан муҳаббат муносабатида бўлиб қолди. Айнан шундай сюжетнинг ривожланиши содир бўлди. Янги қиз доимий равища унинг онгидаги эди. У бирор нарсага дикқатини жамлашига тўғри келмаганида, унинг фикрлари доимий равища мана шу нотўғри йўналишга қайтар эди. Ҳатто ўзининг хотинининг ёнида бўла туриб, у янги муҳаббатига майл ҳис қилар эди. У билан учрашувни излар эди, чунки унинг онги у ҳақидаги фикрларга йўналди. Уйдаги термостат унда белгиланган ҳароратни автоматик равища тиклагани каби, онг ҳам нимага йўналтирилган бўлса ўшанга қайтади.

Бунинг имонлиларга нима даҳли бор? Бизлар нажот топганимизда, бизни муҳаббат тўлдиради. Бизлар ўйғонганимизда, нонушта қилаётганимизда, машинада кетаётганимизда, ишда, тушлик вақтида, ишдан сўнг, ўзимиз қолганимизда ва айниқса, ухлашга ётаётганимизда Исо Масих ҳақида ўйлаймиз. Биз Муқаддас Рӯҳ билан сухбатлашишга ташна бўламиз. Бизлар навбатдаги йиғинни завқ-шавқ билан кутамиз, одамларга Исо Масих ҳақида сўзлаб берамиз ва бошқа масиҳийлар билан Худонинг йўллари ҳақида сухбатлашамиз. Бошқача қилиб айтганда, У бизнинг фикрларимизни қамраб олади, бизнинг майлимиз Унга йўналтирилган.

Вакт ўтмоқда. Қачонлардир бизлар хизмат йиғинини кутар эдик, Худонинг хузурини ҳис қилар эдик, Унга сажда қилар эдик ва Унинг Сўзини эшитар эдик. Энди эса бизлар хизмат йиғинларда шунчаки жисмоний бормиз, онгимиизда эса бошқа воқеликка учиб кетамиз. Фикримиз осонлик билан севимли спорт гурухимизга, дўкондаги буюмларни арzon сотиш кунига, келаётган тадбирлар, ишдаги бўлажак шартномага, бизлар таклиф этилган байрамга ва

бошқа ишларга осон ўтиб кетади. Нима бўлди? Бизнинг фикримиз чалғийдими ёки онг йўналтирилган фикрларга, бизлар эҳтирос билан излайдиган нарсаларга қайтмоқдами? Бизлар ўзимиз англамаган ҳолда бошқа севимлиларни танлаб қўймадикми?

### Менинг ҳикоям

Мен сизлар билан ўз ҳикоям билан ўртоқлашмоқчиман. Мен Пердью университетида иккинчи курсда ўқиётганимда, бизнинг талабалар шаҳарчамиз масиҳий талабалари тўгарагидан менинг олдимга икки нафар йигит келишди ва менга тўрт илоҳий қонунни айтиб беришди. Менинг кўзларим очилди ва мен ҳаётимни Исо Масихга топширдим. Шу лаҳзада мен Худога иштиёқ билан ёндим. У мен учун мутлақ воқе бўлиб қолди, мен Исо Масиҳни қаттиқ севиб қолдим ва менга инъом қилинган озодлик учун Ундан бекиёс миннатдор эдим. Мен У ҳақида мени тинглаганларнинг барчасига, ҳатто тингламаганларга ҳам айтиб берар эдим. Биродарлар мени қора рўйхатга тикишга харакат қилишар эди(мени тўгарак аъзолигидан чиқариш), чунки хамма ўтиришларда мен фақат Исо Масиҳ ҳақида сўзлар эдим.

Бизнинг биродарлар тўгарагимиздаги барча биродарлар, улар “опа-сингиллар” деб атайдиган бир неча қизларни билар эдилар. Улардан икки нафари биологик опа-сингиллар эдилар, улар тўгарак аъзоси бўлмиш олтмиш нафар йигитларнинг қарийб ярми билан тўшкада ётган эдилар. Агар биродарлардан бирортаси жинсий муносабатни истаб қолса, бу қизлар доимо улар учун очиқлигини улар билар эдилар.

Улардан бирини бизлар Масиҳга олиб келдик ва ўша куннинг ўзида у опасини Масиҳга олиб келди. Бизлар уларнинг бузук ҳаёт тарзлари ҳақида уларга ҳеч нима демадик, уларнинг ўzlари бирданига биродарлар билан жинсий алоқа қилишдан тўхтадилар ва илгари ўzlари бирга ётган йигитларга гувоҳлик бера бошладилар. Биродарлар жуда ғазабландилар. Мен етакчилардан бири эдим, чунки ўшандаги талабалар шаҳарчасида, тўгарак биносида Муқаддас Ёзув дарсларини олиб борар эдим.

Ахийри, менинг хонамга вице-президент келиб деди: “Жон, бизлар сени тўгарак аъзолигидан чиқармоқчимиз”. Сўнгра у шундай

сүзларни айтди: “Нима учун сен тұғаракнинг бошқа масиҳийлари каби бўла олмайсан?” У якшанба кунлари жамоатга қатнаган, лекин шу билан бирга, қизлар билан ётиб юрган, ўттиришларда ичадиган ва бизнинг биродарлигимизда нормал хисобланган бошқа кўплаб бузук ишлар билан шуғулланиб юрган йигитлар ҳакида сўзлар эди.

Бу кучли босим остида бўлиш вақти эди, лекин ҳатто тўғаракда иккинчи бошлиқ бўлган одам мени аъзоликдан чиқаришни ваъда берган бўлса ҳам, у ҳеч нима қила олмади. Улар менга қарши етарлича овоз тўплай олмадилар. Бизлар кўп йигитларни Масихга олиб келган эдик ва уларнинг ҳаммаси мени қўллаб-куватлади.

Исо Масих билан учрашганимдан ва Уни севиб қолганимдан бир неча ойлардан кейин, футбол мавсуми бошланди. Мен аллақачон учинчи курсда ўқир эдим ва олдинги йиллардаги каби менда ўйинларга чипталар бор эди. Ўтган икки йил мобайнида, мен бирорта ҳам ўйинни қолдирмаган эдим, лекин энди мен Исо Масихга қаттиқ берилганим учун матчлар вақтини Муқаддас Ёзувни ўрганиш билан ўтказар эдим. Талабалар шаҳарчасида жимлик хукм сурар эди, чунки ҳамма ўйинга кетар эди. Бу ибодат ва Худо билан суҳбат учун ажойиб вақт эди. Ҳеч ким менга: “Сен футболга боришинг мумкин эмас”, –деган эмас ва мен ҳам футбол кўриши ёки ўйнаш гуноҳ деб ўйлаган эмасман. Кейинги йили мен кўплаб ўйинларга бордим. Лекин ўшанда, учинчи курсда мен уларни қолдирган эдим, чунки Худо билан бўлгим келган эди. Мен Уни чуқур билишни жуда истар эдим. Менинг онгим самовий нарсаларга йўналган эди.

Мен инженер –механик дипломи билан университетни тугататтганимда, тўғаракдаги кўплаб биродарлар ва бошқа талабалар Раббийни билиб олишди, шу қатори, менинг бўлажак умр йўлдош им Лиза ҳам. Ўша вақтларда у талабалар шаҳарчасидаги энг бузук қизлардан бири ҳисобланар эди. Менинг Исо Масихга бўлган эҳтиросли севгим юкумли эди, одамлар мени ёки севар эдилар, ёки мендан нафратланар эдилар. Ўртачasi бўлиши мумкин эмас: агар сиз Жон Биверни учраттганингизда эди, сиз тез кунларда унинг юраги ва онги нимага йўналтирилганини билиб олар эдингиз, мендан эҳтирос окар эди. Мен қандайдир спорт гурухининг қайноқ ишқибози ёки қизни бебошларча севиб қолган йигит каби эдим.

Олийгохни тугаттанимдан сүнг, мен Техас штатидаги Далласга күчип ўтдим. Ярим йилдан сүнг, Лиза ҳам у ерга күчип ўтди ва тез орада бизлар оила қурдик. Мен “Роквел Интернешнл” компаниясида муҳандис бўлиб ишлар эдим. Мен яна менинг Исо Масихга иштиёқим ёқмайдиган йигитларни учратар эдим. Улар мени чегарадан ўтаетган хисоблар эдилар ва нима учун уларнинг қўпол ҳазилларига кулмаётганимни, номаъкул сухбатларга ва ишдан кейинги қувноқ ўтиришларда иштирок этмаслигимни тушунмас эдилар. Лекин ишчилар муҳитида менинг дунёқарашим ва хулк-авторимга масиҳий-талабалар жамоатидагидан кўра бағрикенглик билан муносабатда бўлар эдилар.

Йигирма икки ойдан сўнг мени жамоатимиз штатига ишга киришга таклиф қилишди. Бу Американинг энг катта ва таниқли жамоатларидан бири эди, у халқаро нуфузга эга эди. Жамоатда ўртacha тўрут юз нафар хизматчилар бўлиб, улар турли хизматлар билан машғул эдилар. Мени у ерга ишга таклиф қилганларида, бу менга қарийб иложи йўқ туюлди. Мен ўйлардимки, жамоатнинг хизматчилари гурухида бўлиш – бу менинг абадий ҳаётни қўлга киритганимдан кейин энг аъло воқеадир! Мен энди масиҳийлар билан ишлашни бошлаганимда қувғинлар тугайди, деб умид қиласар эдим. Талабалар ташкилотида ва “Роксвелл Интернешнл”да бўлгани каби бошқа шиддатли баҳс олиб боришим керак бўлмайди, деб ўйлар эдим.

Ўша вақтларда, “Даллас ковбойлари” гурухи миллий футбол лигасида энг зўр гурух эди. Мен уларнинг унчалик ишқибози эмас эдим, чунки Мичиганда ўсган эдим, лекин ҳар душанба мен ҳамманинг “Ковбой”лар ҳакида гапираётганини эшитар эдим. Ҳамкорларим бир чашка кофе учун йигилар эдилар ва эҳтирос билан олдинги куннинг ўйинини, бошқа ажойиб ўйинларни, фалабалар ва мағлубиятларни муҳокама қиласар эдилар.

Қизиқувчанлик туфайли мен “Ковбойлар”ни телевизордан кўра бошладим. Бошида мен ўйиннинг чорак қисмини ёки ярмини кўрар эдим. Менга “Ковбойлар”ни кузатиш ёқар эди, чунки улар ҳақиқатан зўр ўйнашар эди. Яна бир устунлик болалар билан ўйинни жамоат официда иқтидор билан муҳокама қилиш имконияти эди.

Ҳаммаси беайб ва безарар бошланди. Аммо маълум вақт ўтганидан сўнг, менинг “Ковбойлар”га қизиқишиш ортди ва мен ўйин-

ни түлиқ күра бошладим. Мен пайқадимки, телевизор билан катта иштиёқ билан сұхбатлаша бошладим, үйинчиларни рухлантира бошладим, баъзан эса уларга қичқирап эдим. Шунгача бордики, мен бирорта үйинни ва үйиннинг бирор дақиқасини қолдирмас эдим. Ҳатто үйин бўлмаган мавсумда, бизлар ҳамкасларимиз билан бу мавзуни муҳокама қилишни давом эттирап эдик, “Ковбойлар” кела-си йили ўзларини қандай кўрсатишларини сўзлар эдик. Мен қўпинча спортчилар гурухи ҳақида ўйлар эдим, ҳатто уларнинг үйинларини жамоатдаги йигитлар билан муҳокама қилмаётган вақтимда ҳам. Мен ашаддий ишқибозга айланган эдим!

Кейинги мавсум бошланишидан олдин, мен үйинни ўйлаб олдиндан завқланар эдим. Ҳар якшанба куни хизмат йигинидан сўнг мен тўғри уйга бориб, кийимларимни алмаштирасдан телевизор қаршисида ўтирап эдим. Баъзан мен ҳатто эгнимда ноқулай кийим бўлса ҳам(костюм ва бўйинбог) ҳамда чўмилиш хонасига боришим керак бўлса ҳам телевизор қаршисида ёпишиб қолгандек ўтирап эдим. Мен бирор үйинни ўтказиб юборишни истамас эдим.

Танаффус вақтида мен кийимларимни алмаштириш учун хонага шошилар эдим. Агар Лизага менинг ёрдамим керак бўлса, «Унут, азизам, сахнада “Ковбойлар”», дер эдим. Бизлар танаффус вақтида ёки үйиндан кейин овқатланар эдик, ҳеч қачон матч вақтида овқатланмас эдик.

Энди мен уларнинг барча рейтингларини билар эдим. Мен дикқат билан уларни кузатар эдим ва доимо “Ковбойлар” қандай қилиб яна-да яхшироқ үйнашлари мумкинлигини ўйлар эдим. Ишхонада мен бизнинг үйин ҳақидаги барча муҳокамаларимизда етакчи эдим. Мен үйин кунида гурухнинг чиқиши билан мақтанар эдим, энди сұхбатлар фақат душанба куни эмас, бутун хафта давомида олиб борилар эди. Бизнинг жамоатимизда баъзи одамларда мавсумий абонемент бўлар эди ва мен үйинга таклиф чиптасини олиб қувончдан сакрар эдим. Вокеаларни бироз олдинга ўтказамиз, бир йилдан сўнг, кейинги фаслда нима бўлганига назар ташлаймиз. Бундан бироз вақт олдин, менга оддий, аҳамиятсиз туюлган ибодат билан ибодат қилдим. Лекин мен бу ибодат менинг ҳаётимни нақадар кучли ўзгартиришини ҳатто ўйлаб кўрмаган эдим. Ибодат шунаقا эди: “Раббий, мен

Сендан менинг ҳаётимни ўзгартиришингни сўрайман. Мен мұқаддас, Сен учун ажратилған бўлишни истайман, шунинг учун агар менинг юрагимда Сенга номаъкул бирор нарса бўлса, буни очгин ва олиб ташлагин”. Бу ибодат нақадар муҳим бўлиши ва у нимани очиши ҳақида мен ҳатто тушунчага ҳам эга эмас эдим.

Футбол мавсуми ниҳоясига етаётган эди, “плей-офф” ўйинлари яқинлашаётган эди. Жуда муҳим ўйин куни келди. “Ковбойлар” “Филадельфиянинг бургутлари” билан ўйнар эдилар. Фолиб “плей-офф” сериясига ўтади, мағлуб эса ўйиндан чиқади. Мен телевизорга ёпишиб қолдим, мен ҳатто диванда ўтирган эмас эдим, мен полда тик туар эдим. Ўша ўйин вақтида, ўз жойида ўтиришнинг иложи йўқ эди. Ва мана, сўнгги чорак финал – ўйин охиригача фақат саккиз дақиқа қолди. “Ковбойлар” тўрт очкога ортга қолаётган эди, уларнинг юлдузли квотербеклари (хужум қилиш гурухи етакчиси. –Мухаррирнинг изохи) гурухни ўйин майдончасида бошқариб бораётган эди. Мен ўйинчилар омадсиз ҳаракат қилгандарида умидсизлик билан қичқириб, уларнинг ҳаракатлари ажойиб бўлганида баланд овозда ҳайқириб қадамларим билан полни ўлчар эдим. Зўрикиш жуда кучли эди.

Бирданига ҳеч қандай огохлантиришсиз Муқаддас Рұх мендан ибодат қилишимни сўради. Мени жиловлаб бўлмайдиган майл қамраб олди: “Ибодат қил, ибодат қил, ибодат қил!” Бу хис юк каби тушиб келди, у кучли ва вазнли, юрак тубидан эди. Бу вақтда мен аллақачон Муқаддас Рұх бизларни ибодатга бошлашни истаса, бизларни қамраб олишини билар эдим.

Лиза ёнимда йўқ эди, шунинг учун мен баланд овозда дедим: “Раббий, ўйин охиригача атиги саккиз дақиқа қолди. У тугаганидан сўнг мен ибодат қиласман”. Ибодатга майл ортар эди, у мени тарк этмас эди.

Бир неча дақиқа ўтди. Олдингидек вазиятдан чиқиши йўлини излаб, мен ҳайқирдим: “Раббий, мен ўйин тугаганидан сўнг беш соат ибодат қиласман. Бор-йўғи олти дақиқа қолди!”

Гуруҳ коптокни майдончадан суриб борар эди. Улар гол уришларини ва мазкур муҳим ўйинда ютишларини мен билар эдим. Лекин ибодатга майл мени тарк этмас эди. Аксинча, у кучаяр эди.

Мен мушкул ахволда эдим. Мен ўйиндан чалғиши истамас эдим, шунинг учун баланд овозда дедим: “Раббий, мен кечгача ибодат қиласман, агар истасанг, ҳатто туни билан ибодат қиласман!”

Мен ўйинни охиригача кўрдим. “Ковбойлар” ғалаба қозондилар ва стадион қувонч ҳайқириқларидан ёрилди. Мен оммавий шод-хуррамликка қўшилдим. Аммо Худога берилган ваъданни бажариш керак эди. Мен тезда телевизорни ўчирдим. Ўз ишхонамга кўтарилидим, эшикни ёпдим ва ибодат қилиш учун гиламга чўқдим. Лекин ибодатга майл йўқолди. Ибодат юки бошқа йўқ эди, ҳатто заррача шама ҳам йўқ эди. Ҳеч нарса.

Мен уни қайтишига ҳаракат қилдим. Мен ибодат қилишга ҳаракат қилдим, лекин менинг сўзларим беҳудадек эди. Мен нима содир бўлганини тезда тушундим. Мен “Даллас ковбойлар”ининг ўйинини Худонинг илтимосидан устун қўйдим. Шунда мен юзим билан гиламга қуладим ва тавба қилдим: “Раббий, агар мендан: “Сенинг ҳаётингда нима муҳимроқ: Худоми ёки “Даллас ковбойлари”ми деб сўрасалар, мен шубҳаланмасдан: “Албатта, Худо!”—деб жавоб берган бўлар эдим. Ҳозир эса менга нима муҳим эканлигини Сенга кўрсатдим. Мен Сенга керак эдим, лекин мен Сенинг ўрнингга ўйинни танладим. Илтимос, мени кечиргин!”

Шу лаҳзада, мен юрагимда Худонинг жавобини эшилдим: “Ўғлим, Менга сенинг беш соатлик ибодат курбонлигинг керак эмас. Менга итоатинг керак”.

### Бўлинган садоқат

Мени қайгу тўлдирди – мен учун Ўз жонини қурбон қилган Шахсга мен хиёнат қилдим. Мен бошқа ҳаёт манбаига эга бўлмаган одамларнинг юраги, жони ва фикрларини озиқлантирадиган ерлик нарсани устун қўйдим. Аниқки, мен футбол гурухига жуда боғланиб қолган эдим.

Юқорида айтиб ўтилган сўзлар нурида Ёкубнинг сўзларига яна диққат билан назар ташланг:

“Зинокорлар ва фоҳишалар! Дунё билан дўстлик – Худога душманлик эканлигини билмайсизларми?! Шундай қилиб, ким

дунё билан дўст бўлишни хоҳласа, у Худога душман бўлади. Ёки сизлар Ёзув бехудага Худо бизнинг ичимизга солган рух рашк қадар севади, деб айтади деб ўйлайсизми? Худога яқинлашинглар ва У сизларга яқинлашади. Гуноҳкорлар, қўлларингни ювинглар, сизлар хам, иккюзламачилар, юракларингизни покланглар” (Ёкуб 4:4, 5, 8, янги ўзб.таржима).

Менинг садоқатим бўлинди. У сўзлар билан эмас, балки қарорлар билан белгиланади. Мен содиқман, деб айтадиган кўплаб эркаклар ва аёллар бор, лекин уларнинг ҳатти-ҳаракатлари аксини кўрсатиб туради. Худонинг Сўзи шунинг учун айтган эмасми: “Кўплар ўзларини содиқ деб атайдилар, лекин ишонса бўладиган одамни қаердан топса бўлади?” (Хик. 20:6, янги ўзб. таржима).

Ўша лаҳзада мен мутлақ комил ишонч билан: “Исо Масиҳ менинг ҳаётимда ҳамма нарсадан муҳим, У қолган ҳамма нарсадан муҳим!” дейишим мумкин эди. Лекин ўз танловим билан мен бошқача муносабатни кўрсатдим. Ҳатти-ҳаракатлар сўзлардан баландроқ сўзлайди!

Хикматлар китобидаги бу сўзларни ҳаворий Юҳанно шундай тушунтиради: “...фақат сўзимиз ёки тилимиз билан эмас, балки амалда ва ҳақиқатда севайлик” (1 Юх. 3:18). Ҳақиқат шундан иборатки, “Даллас ковбойлари” менинг биринчи севгим ўрнини олди. Мен ичимда бўлган Муқаддас Рухнинг рашигини қўзғатдим. Мен бу огоҳлантиришни Ёзувда ўқиган бўлсан ҳам, мен сўзларга кўр бўлиб чиқдим. Худо менга шафқат қилди ва менга хатойимни кўрсатди.

Юҳанно шунингдек ёзмоқда:

“Азиз болалар, юракларингизда Худонинг ўрнини олиши мумкин бўлган ҳамма нарсадан ўзларингизни асранглар” (1 Юх. 5:21, NLT, инг. тилидан таржима).

Энди бу ерда бизларни Ёкуб огоҳлантираётган эмас, балки Исо Масиҳнинг севимли шогирди Юҳанно огоҳлантироқда. Шуни қайд килиш лозимки, бу унинг узун мактубидаги сўнгги сўзлардир. Ўша қунларда ҳаворийлар кўнғироқ қила олмас эдилар, телефон орқали ёки Фейсбуқ тармоғида хабар юбора олмас эдилар. Хатлар эгасигача бир неча кун юрар эди. Хатларни кам ёзишар эди ва улар-

ни етказиш учун кўп харакат қилиш керак бўлар эди. Шунинг учун Муқаддас Рух илҳоми остида ёзилган хатда, энг муҳим ахборотни охирида қолдиришларини тахмин қилиш осондир.

Ёкуб ва Юҳанно каби Повул ҳам имонлилар Исо Масихнинг ўрнини дунё әгаллашига йўл қўймасликлари кераклиги ҳақида огоҳлантириб ёзади.

“Бугун Раббий билан зиёфат қилиб, эртага ёвуз руҳлар билан чақчаклашиб ўтира олмайсизлар. Бундан ташқари, Раббий бунга чидаб турмайди. У бизларни истайди: ёки тўлиқлигимизча, ёки умуман йўқ. Наҳотки сизлар бундан камроқ бағишлиниш билан қутулиб қоламиз деб ўйлайсизлар? Бир томондан, шундай дейиши мумкин: “Ҳаммаси ҳам ярайверади. Худонинг ажойиб сахийлиги ва инояти туфайли, бизлар қабул қилишга ярайдими, ёки йўқми тушуниш учун ҳамма нарсани текшириб, аниқлаб ўтиришимиз шарт эмас”. Маъно шундаки, бир амаллаб яшаш керак эмас, балки яхши яшаш керак...” (1 Кор. 10:21-24, The Message, инг. тилидан таржима).

Мен бу оятлардан завқланаман. Улар бизнинг замонимизда шу қадар муҳим. “Янги жонли таржима”даги Повулнинг сўзлари ҳам менга жуда ёқади: “Наҳотки бизлар Раббийнинг рашкини қўзғатишга журъат қиласиз? Ахир бизлар Ундан кучлимизми? Сизлар: “Менга ҳамма нарса руҳсат этилган”, –дайисизлар, лекин “сизларга ҳамма нарса ҳам фойдали эмас” (NLT, 22,23-оятлар, инг. тилидан таржима). Бизлар яна Худонинг бизга нисбатан рашки ҳақида ўқимоқдамиз.

### **Бошқа ҳеч қанақа футболми?**

Энди савол туғилиши мумкин: Мен умуман спорт кўрсатувларини кўришим мумкин эмасми? Мен умуман дунёвий нарсалардан фойдаланишим мумкин эмасми? Агар мумкин бўлмаса, ерда қандай яшаш ва ишлаш мумкин?

Сизга қуидаги тарзда жавоб беришимга ижозат беринг. Уйланган киши сифатида, мен хотинимдан ташқари барча аёлларни ўзимнинг суҳбатлашиш доирардан чиқариб юборишим керакми? Жавоб –йўқ. Мен доимо бошқа аёллар билан суҳбатда бўламан. Мен самолётда улар билан ёнма-ён ўтираман, ҳозирнинг ўзида учиш жарабени-

да компьютерда мазкур китобни тераётган вақтимда менинг ёнимда аёл киши ўтирибди. Мен аёллар билан ишлайман. Мен қўплаб бошқа ижтимоий жойларда улар билан учрашаман ва сұхбатлашаман.

Уйланган киши сифатида, мен улар билан дўстона муносабатда бўлишга ҳаракат қиласман. Бунинг қисман сабаби, ҳозирги кунларда уларнинг кўплари эркаклар томонидан ўзларига нисбатан ёмон муносабат қурбони бўлғанларидир. Кўпинча аёлларга, эркак кишининг хирсини қондириш учун яратилган тана сифатида қарашади, кўпинча, уларни тенг кўришмайди. Бу менинг аччиғимни чиқаради, чунки мен биламан: Худо эркакларни ва аёлларни Ўз суратида яратган. У эркакларга ҳам, аёлларга ҳам инъомлар берган, У Ўзи билан аҳд муносабатида бўлган эркакларга ҳам, аёлларга ҳам бирдек Масих онги берган. У юз-хотирчи эмас. У эркакни аёлдан устун қўймайди, нима учун бизлар бундай муносабатга ҳатто жамоатларда йўл қўйдик?

Лекин мен ўз юрагимни ва хисларимни бошқа аёллар билан романтик ва мумкин бўлмаган муносабатлар учун очмаслик учун эҳтиётман. Мен Лиза билан аҳд тузганман. Мен унга уйланганимда, мен романтик қилиб айтганда, ер сайёрасидаги барча аёллар билан хайрлашганман. Шундай қилиб, менда бошқа аёллар билан тўғри муносабат қуриш йўли бор.

Келинг, буни дунё билан дўстлик билан солиштирамиз. Гарчи бутун ўйин давомида унга қизиқишимни сақлаб туриш менга қийин бўлса ҳам, мен илгаригидек футбол қўришим мумкин. Менинг онгим “Ковбойлар”га йўналтирилган вақтда бўлганидек ишқибозлик менда аллақачон йўқ. Менинг асосий майлим бизнинг Раббимизнинг истагини бажаришдир. Оилага муҳаббат ва ғамхўрлик қилиш, иш, одамларга ёрдам, хизмат ҳамда Худонинг донолиги ва маслаҳатини кўлга киритиш – мана, менинг бор дикқатим ва майлим нимага тегиши.

Менинг ҳаётимда менинг дикқатим бўлинган ва эътиборимни бошқа нарсалар олган вақт бўлғанми? Ҳа! Лекин мен Муқаддас Руҳдан уларни кўрсатишини сўраганим туфайли, У менга доим ёрдам берар эди. Голф, овқат, кинолар ва ҳатто хизмат – мана, мен муҳимроқ нарсаларга яна дикқатимни қартишим учун вақтини қисқартишимга тўғри келган нарсалар.

Голф менинг ҳаётимда жуда күп ўринни эгаллай бошлаганида, Муқаддас Рух менга голф дастасини бошқа чўпонга беришимни айтди. Нима учун Муқаддас Рух мендан буни сўради? Чунки голф у чўпоннинг ҳаётида ортиқча нарса эмас эди, менинг ҳаётимда эса ортиқча эди.

Голф ўйнашда бир ярим йил танаффус қилганимдан сўнг, Раббий бир голф ўйинчисининг қалбига нархи бир неча минг доллар туродиган голф анжомларини менга олиб беришни солди. Мен хижолат бўлдим. Бу профессионал голфчи, ибодат кишиси: “Жон, мен шундай қилишим кераклигини биламан”, –деди.

Бир неча ойдан сўнг, ҳозирги кунларда дунёдаги энг катта жамоат ҳисобланадиган ва Жанубий Кореяда жойлашган жамоатни барпо этишда ёрдам берган бир чўпон, Худо унинг юрагига ўзининг голф дастаси тўпламини менга совға қилишни согланини айтди. Ўша лаҳзада мен янада кўпроқ хижолат бўлдим. Мен Раббийдан: “Бу голф дасталарини нима қиласай”, –деб сўрадим.

Мен юрагимда: “Бор, голф ўйнагин”, –деган жавобни эшигдим.

“Лекин Сен мендан бир ярим йил олдин барча голф дасталаримни беришимни сўраган эдинг”.

Худо менга: “Ўшандаголф сен учун ортиқча эди, энди эса у дам ва лаззат бўлади”.

Ўша пайтдан бошлаб мен голф ўйнайман. Худо бу ўйинни ажойиб тарзда, менга дам ва кучимни қайта тиклаш учун ишлатмоқда, шунингдек, бу ўғилларим билан, жамоатларнинг етакчилари билан ва хизматдаги шериклар билан яхши вақт ўтказиш имкониятидир. Шу китоб ёзилишидан уч йил олдин Messenger International хизмати миссионерлик лойиҳаларига дўстлар ва шериклар билан голф ўйнаш ўйинлари ва Messenger кубоги учун голф бўйича мусобақа орқали уч миллион доллардан ортиқ пул олди. Агар мен голфни ўз ҳаётимдан тўлиқ олиб ташлаган бўлсам эди, бу содир бўлмас эди. Раббий итоатни талаб қилганида, бизлар қўрқмаслигимиз керак. Аслида, агар У сўрайдиган нарса сизнинг иштиёқингиз билан тўғри келса, Худога итоат қилиш жуда осон, акс ҳолда, у оғир меҳнатга айланади.

## Худо учун қайғы

Нима Худонинг Руҳининг рашкини қўзғатишини Ёқуб аниқ айтмоқда – дунё билан дўстлик. Мен бу дўстликнинг бир жиҳатини кўрсатдим, лекин бошқалари ҳам бор. Кейинги бобда муаммонинг илдизи хақида сұхбатлашамиз, аммо ҳозир, агар бизнинг майлимиз бошқа томонга тортаётган бўлса нима қилиш лозимлиги хақида сұхбатлашамиз. Келинг, Ёқубнинг дунё билан ҳалокатли муносабатларга сирпаниб кетган имонлиларга берган маслаҳатини таҳлил қиласиз:

“Гуноҳкорлар, қўлларингни ювинглар, сизлар ҳам, иккюзламачилар, юрагингизни тозаланглар, зеро сизларнинг садоқатингиз Худо ва дунё орасида бўлинди. Сизлар қилган иш учун қўзларингиздан ёшлар оксин. Қайғуринглар ва эзилинглар” (Ёқуб 4:8,9, NLT, инг. тилидан таржима).

Мен ибодат ўрнида “Ковбойлар”ни танлаб нима қилганимни Худо менга очгани заҳоти, мен қайғу ва чукур дардни ҳис қилдим. Мен ўзимнинг хиёнаткорона “муносабатларим” билан менга ҳётини қурбон қилган Шахсни хафа қилганимни тушундим.

Яқин орада, мен қачонлардир хотинига хиёнат қилган, лекин кейин пушаймон еб, у билан муносабатини тиклаган бир эркак билан сұхбатлашдим. У менга олти ой давомида қандай гуноҳ килиб юрганини айтиб берди. Ўз ҳикоясини сўзлаб бераётib, у аччиқ кўз ёш тўқар эди. Бу кучли эркак, қачонлардир у коллеж гурухида футбол ўйнар эди, ҳозир у муваффакиятли тижоратчи ва аниқки, йиғлоки одамлардан эмас. Мен мазкур хўнграётган мардона эркакка қараб ҳайратланар эдим. У гўёки Худо ва хотини уни кечиришни истамаганларини ҳис қилаётганидан йиғлаётган эмас эди. Аслида, унинг никоҳи ҳамма вақтдагидан кўра кучлироқ эди. У жуда севимли кишисига қаттиқ озор бергани учун йиғлар эди. У хотинини нақадар яралагани учун кайғурап эди. Унинг ҳиссиёти чукурлигини ва хотини хақида ғамхўрлик қилишини кўриш жуда ёқимли эди.

Бу эркакнинг юриш-туриши ҳақиқатни акс эттиради. Ҳақиқий имонли, дунё билан ноқонуний муносабатларга киришса, ўзини ана шундай тутиши лозим. Ёкуб ёзганидек: “Қайғуринглар ва эзилинглар”.

Бу одам хотинини ҳеч нимада айбламас эди, у астойдил қайғурап эди. Унинг ҳаққоний бўйсуниши тароват инъом қиласар эди. Мен зино қилган одамлар билан сұхбатлашаётганимда, уларнинг ҳар бири ҳар хил жавоб беришади. Ўз “эътирофларида” ёки “тұвохликларида” улар аста-секин уларнинг турмуш ўртоқлари уларга етарлича вақт ажратмаслигини, уларнинг зино қилишларида, кисман унинг ҳам айби борлигини айта бошлидилар.

Мұқаддас Ёзув Худо учун қайғу ва дунё қайғуси ҳақида айтади (2 Кор. 7:10га қаранг). Подшоҳ Довуд Худо учун қайғуни намойиш құлмоқда: у ўз зинокорлиги ва қотиллиги билан ўзи яхши күрган Шахсни хафа килгани учун чуқур қайғурап эди. У: “Фақат Сенға қарши гуноҳ қилдим ва Сенинг нигоҳингда ёвузлик қилдим...” – деб қичқирап эди(Сан.50:6, янги ўзб.таржима). У Худони чорлар эди ва хизматкорлари нима деб ўйлаши ҳақида ташвиш қилмасдан бир неча кунлаб қайғурап эди. У ўз обрўйини сақлашга ҳаракат қилмас эди, унинг қалби парчаланган эди. Сўнгра Худо уни тиклади.

Подшоҳ Шоул бошқача эди. У ҳам Худонинг Сўзига итоат қилишнинг ўрнига, ўз юраги учун дунёning озигини – мағрурлик ва манфаатни устун қўйганида Худонинг юрагини хафа қилди. У ҳам қилган иши учун пушаймон бўлди, лекин унинг қайғуси шу билан мураккаблашган эдики, у тутиб олинган, уни ҳурмат қиладиган одамлар олдида ошкора шарманда қилинган эди. Унинг ҳаракати унинг подшоҳлигига қандайдир таъсир қилишини у тушунар эди. Шоулнинг қайғуси дунёвий қайғу эди. У Довуд ёки олдин футболист бўлган одам каби покланмади. Шоул ўз-ўзини алдар эди. Унинг қайғуси узок давом этмади, тез орада, унинг асл ниятлари – мағрурлик ва шахсий манфаат намоён бўлди. Унинг фикрлаши кейин ҳам ўзгармади.

Ҳаворий Повул дейди: “Чунки Худо учун қайғуриш нажотга олиб борадиган шубҳасиз тавбани келтириб чиқаради...” (2 Кор. 7:10). Бу Худо учун қайғуриш бўлиб, унинг илдизи бизнинг Худога

бўлган муҳаббатимиздадир. Агар бизлар Худонинг Ўзидан кўра, У бизлар учун қила оладиган ишларни севсақ, бизнинг хулқ-авторимиз Шоулнивидан умуман қолишмайди.

Кейинги икки бобда биз, дунё билан дўстлигимиз бизнинг муносабатларимизга қандай таъсир қилишини кўриб чиқамиз. Худони яхшиликка алишиш – бизларнинг ҳар биримизга ва умуман барча жамоатларга накадар қимматга тушишини бизлар кўриб чиқамиз. Лекин саҳифани вараклашдан олдин, ибодатга бироз вақт ажратинг, ўз ҳаётингиздаги дунё билан кераксиз муносабатларни кўришга ёрдам беришини Худодан сўранг.

*Ота, Исо Масиҳ номи билан, мен Сендан мени имтиҳон қилишингни ва текширишингни, менинг йўлларимга ва ниятларимга назар ташлашингни сўрайман. Агар менинг ҳаётимда бирор нарса менинг Сенга боғланганлигимнинг ва муҳаббатимнинг ўрнини олаётган бўлса, буни Муқаддас Рухинг билан очгин. Мен ҳеч нимани ёпиқ ҳолида қолдирмайман. Менга чиндан Сенинг севиклигинг бўлишимга ва Раббий Исо Масиҳнинг ортидан борши ҳамда Унга хизмат қилиши учун ўзидан кечишгача борадиган одам бўлиб қолишимга ёрдам бергин. Мен Исо Масиҳ номи билан сўрайман. Омин.*

# ОДАМЛАР ЧЕТЛАБ ЎТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИГАН ҲАҚИҚАТ

Муқаддас яшаш устидан меҳнат қилинглар,  
Чунки кимки муқаддас бўлмаса,  
у Раббийни кўра олмайди.  
— Ибронийларга 12:14 ( NLT, инг. тилидан таржима).

Муқаддаслик зерикарли деб ўйладиган  
одамлар нақадар кам билишади.  
Нимадир ҳақиқий нарсани учратганингда...  
унга қарши туришнинг иложи йўқ.  
— К.С. Льюис

**М**уқаддаслик. Бу сўзни талаффуз этинг ва у одамларни нақадар хижолатга солишини ва улар нақадар тез гап мавзусини ўзгартиришни исташларини кузатинг. Кўплаб одамлар муқаддасликни ғамгин деб тасаввур қилишади, чунки бу “зўр” эмас, чунки бу ҳаётга халақит бериши мумкин. Кўпинча, уни ўз ишлари орқали нажотни сотиб олишга ҳаракатга ўхшатишади ёки қонунчиликнинг бир қисми деб хисоблашади. Агар муқаддаслик ҳақида сухбатлашишни бошлашса, бунга жавобан кўпинча: “Мен эркинман ва Худонинг инояти билан яшайпман. Мени қонун остига қўйишга ҳаракат қилманг”, – дейишларини эшлиш мумкин.

Аммо Яngи Аҳддаги муқаддаслик қонун ишлари ёки қонунчилик билан ҳатто узоқ ҳам боғлиқликда эмас. Аслида, бу ажойиб ва кўнгилтортар ҳаёт тарзидир. Шубҳасиз, бизнинг замонамида муқаддаслик нима эканлигини кўпчилик тушунмайди.

## Балки шу ҳақида сұхбатлашармиз?

Ёзувда: “...муқаддасликнинг пайида бўлинглар, чунки муқаддасликсиз ҳеч ким Раббийни кўра олмайди”, – деб аниқ ёзилган бўлса, нима учун Худонинг фарзандлари муқаддаслик ҳақида сұхбатни четлаб ўтишлари лозим? Буйруқ майлини хис қиласизми? Муқаддасликка эга эмасмисан, демак Худони кўрмайсан! Менинг бор дикқатим шунда, сизники-чи?

Қўшма Штатлар президенти билан мисол келтираман. Мен ўз давлатимнинг фуқароси бўлганим, президент эса унинг миллий етакчиси бўлгани туфайли менинг у билан “муносабатлар”им бор. Мен унинг бошликлиги остидаман ва унинг қарорларининг натижаларини ўзимда хис қиласман, худди шунингдек, қолган 320миллион американлик ҳам ўзида хис қиласми. Лекин менинг президент билан шундай муносабатларим бўлишидан қатъий назар, мен ҳали бирор марта у киши билан шахсан учрашиш шарафига сазовор бўлган эмасман. Эллик йилдан ортиқ американлик ҳаётимда мен ҳеч қачон бирорта президентни шахсан кўрган эмасман.

Аммо уларни мунтазам кўрадиган бошқа американликлар бор. Булар – уларнинг дўстлари ва яқин ҳамкорлари. Нима бўлганда ҳам, оқ уйдаги одамни улар мендан кўра яхшироқ билишади.

Худди шу тарзда, Исо Масихнинг ҳукмонлиги остида бўлган миллионлаб масиҳийлар бор. Уларнинг эътирофларига кўра У уларнинг подшоҳи. У уларни химоя қиласди, таъминлади, яхши кўради ва уларнинг илтимосларига жавоб беради. Лекин савол бошқа томонда – улар уни кўрадиларми? Бошқача қилиб айтганда, улар уни хузурида бўладиларми? Муқаддас Ёзувнинг айтишига кўра, бизлар уни кўришимиз лозим. Ибронийларга мактубда ёзилган: “Бизлар Исо Масихни кўришимиз... мумкин(2:9, АМР, инг. тилидан кенг.таржима). Мана, Повул бу имтиёз ҳақида нима демокда:

“Бизларнинг ҳаммамиз очиқ юз билан ойнада кўраётгандек Раббийнинг шухратининг порлашини кўрмоқдамиз ва тобора Унга ўхшаб ўзгармоқдамиз” (2 Кор. 3:18, замонавий таржима).

“Раббийнинг шарафи” – бу кўпинча одамлар нотўғри тушунадиган жумладир, ҳозирги кунларда бизлар уни жуда кам ишлатамиз.

Бизлар: “Раббийнинг улуғворлиги” дейишимиз аниқроқ. Бизнинг тилимиз билан Повул шундай деб ёзган бўлар эди: “Бизларнинг ҳаммамиз очиқ юз билан Раббийнинг улуғворлигини кўрмоқдамиз”.

Исо Масих ҳам Уни кўрадиган ва Унинг хузурида бўладиган одамларни ажратиб кўрсатади. Раббийнинг кечлигига У шундай сўзларни айтди: “Яна бир оз вақтдан кейин дунё Мени бошқа кўрмайди, лекин сизлар Мени кўрасизлар, чунки Мен яшайман ва сизлар ҳам яшайсизлар” (Юх. 14:19).

Унинг сўзларида бизлар иккита аниқ далилни кўрмоқдамиз. Биринчидан, масиҳийликнинг жуда воқе томони шундаки, бизлар Исо Масихни кўришимиз мумкин. Иккинчидан, бизлар Унга шундай синчиклаб назар ташлашимиз мумкинки, дунё бундай қила олмайди.

Худони кўриш нима учун муҳим? Биринчидан, президент мисолидагидек, агар бизлар Уни кўрмасак, Уни таний олмаймиз; бизлар фақат У ҳакида билиб олишимиз мумкин.

Иккинчи сабаб ҳам худди шундай муҳим. Худони кўрмасдан туриб, бизлар ўзгара олмаймиз ва Унинг суратига ўхшаш бўла олмаймиз. Ўша оятда Повул, Худони кўрадиган одамлар “...Раббийнинг Рухи орқали шуҳратдан шуҳратга, худди ўша тасвирга ўзгарадилар”, демоқда (2 Кор. 3:18). Ўзгариш имонлининг ҳаётида муҳимдир.

Сиз қачонлардир Исо Масихни биламан, деб таъкидлайдиган, лекин гўё ҳеч қачон Унга дуч келмагандек яшайдиган одамни кўрганмисиз? Нима учун бу содир бўлади? Чунки бу одам ўзгариш жараёнидан ўтмайди, Масихнинг суратига ўзгармайди. Повул бизларнинг замонимиз қийин бўлишини башорат килган эди. Кизик, у ёзган эдики, бу қийин замонлар унинг вақтида бўлганидек қувғинлар натижаси бўлмайди, лекин Масихни эътироф этадиган, аммо Унинг Сўзига риоя қилмайдиган одамлар туфайли бўлади. Улар ўзларини Худо билан муносабатга эга бўлмаган одамлар каби тутадилар. Улар олдингидек ўзларини ва пулларини яхши кўрадилар, ота-оналарига қулоқ солмайдилар, сухбатда кўпол бўладилар, кечиришни рад қиласидилар, шуҳрат ва обрўни излайдилар, ўз дўстларига хиёнат қиласидилар, лаззатни Худодан кўра кўпроқ яхши кўрадилар ва ҳок. Повул аниқ айтди: “Улар художўйликнинг туслига эга бўлиб, аммо унинг куч-кудратидан воз

кечгандар...” (2 Тим. 3:5). Улар рад қилаётган күч – бу иноятнинг бизларни ўзгартириш қобилияти бўлиб, бу ҳақиқий масиҳийликнинг асосий воқелигидир. Муқаддас Ёзувнинг кенгайтирилган таржи-масида: “Уларнинг хулқ-атворлари уларнинг эътирофлари ҳақиқий-лигини рад қиласди”, – дейилади(инг. тилидан таржима).

Бу имонлилар алданмоқдалар, айнан шулар ҳақида Ёзув: “Улар доимо ўқиб юрадилар, лекин ҳеч қачон ҳақиқатни билишга эриша олмайдилар”, – дейди (2 Тим. 3:7). Мен аллақачон айтганим каби, ёлғонда битта муаммо бор: у ёлғончи! Бизлар астойдил Худо билан муносабатларимда ҳаммаси ўз жойида, деб ўйлашимиз мумкин, лекин аслида ҳаммаси бошқача бўлиб чиқиши мумкин. Кўплаб шунақа “имонлилар” жамоатларга, конференцияларга, ҳамду-сано кечаларига, Ёзув мактаблари ва турли гурухларга қатнайдилар. Улар ўрганишни яхши қўрадилар, лекин уларнинг хулқ-атворлари ва юриш-туришлари барибир ўзгармайди.

## Хулоса

Хулоса қўйидагича: факат муқаддас яшаётганларгина Худони кўришлари мумкин, Унинг ҳузурига киришлари мумкин. Исо Масих жуда аниқ қилиб айтди: “Яна бир оз вактдан кейин дунё Мени бошқа кўрмайди, лекин сизлар Мени кўрасизлар, чунки Мен яшайман ва сизлар ҳам яшайсизлар. Ким Менинг амрларимга эга бўлиб уларга риоя қилса, ўша одам Мени севади. Мени севганни эса... Мен ҳам уни севаман ва унга Ўзимни намоён қиласман” (Юх. 14:19,21).

“Намоён қилиш” сўзи – кўз ва онг учун равшан ва рўё қилиш, аниқ кўрсатишни билдиради. “Тўлиқ луғат”га (The Comlete Word Study Dictionary) кўра, юононча emphanizo сўзи “Аниқ қилиш, кўз олдида намоён қилиш, кўрсатиш”ни билдиради. “Ўзини яқиндан билишга ва тушунишга рухсат берган” Одамга нисбатан қўлланганда, унинг маъноси янада кўпроқ очилади.

Исо Масих Ўзини факат Унинг амрларига риоя қиласиган одамларга очишини айтган. Айнан Уни кўрадиганлар Унинг ҳузурига кирадилар ва шу тарзда, Уни яқиндан билиб оладилар. Бу имтиёз барча имонлиларга берилган эмас, лекин фақатгина Унинг Сўзига

итоат қилишга интиладиганларга, муқаддасликни излайдиганларга ваъда берилган.

1980йилларда дунёдаги энг катта жамоатнинг катта чўпонини кутиб олишимни мендан сўрадилар. У кишининг исмлари доктор Дэвид Йонгти Чо бўлиб, у киши Сеул, Жанубий Кореядан. Ўша вақтда, у кишининг жамоатлари аъзоларининг сони 750минг киши эди. Мен шунингдек, у кишини меҳмонхонадан хизмат йифинига олиб боришим керак эди. Мен бор-йўғи бир неча йил олдин ма-сихий бўлган эдим ва бу хизмат мен учун катта имтиёз эди.

Доктор Чо учеб келдилар, у киши ўз жамоатларидан чамаси ўн беш нафар тадбиркорни ўзлари билан бирга олиб келган эдилар. Улардан каттаси йифин кунида менинг олдимга келиб: “Жаноб Бивер, бугун доктор Чони хизмат йифинига сиз олиб борасиз, шундайми?” – деб сўради.

“Ха, шундай”, – дедим мен.

Тантанавор қиёфа билан у менга деди: “Жаноб Бивер, мен сизга муҳим нарсани айтишим лозим. Биринчидан, докто Чо билан жамоатга бориш жараённида сухбатлашманг. У киши хизматдан олдин сухбатлашишни ёмон кўрадилар”... Бу ягона топшириқ эмас эди, лекин асосийларидан бири эди.

Ўша кечга мен меҳмонларнинг ортидан меҳмонхонага бордим ва уларни ўша ерда машинада кутиб турдим. Улар чиққанларидан сўнг, доктор Чога ҳамроҳ бўлганлар у киши учун машина эшигини очишиди, доктор Чо олдиндаги йўловчилар учун курсига, менинг олдимда ўтирилар ва Худонинг хузури машинани тўлдирди. Бу ғаройиб эди. Худонинг улуғворлиги ва севгиси шу қадар воқе ва аниқ эди.

Мен машинани ҳайдаб боришим жараённида, гарчи мен йиғлашни унча яхши кўрмасам ҳам кўз ёшлар менинг юзимдан оқиб борар эди. Йўлнинг ярмида бизлар светофор олдида тўхтадик ва мен бошқа ўзимни тутиб тура олмадим. Мендан қиласлигимни сўрашган ишни мен қилдим. Мен ўз йўловчимга эҳтиром билан: “Доктор Чо, бу машинада Худо бор”, – дедим.

У киши менга қарадилар ва дедилар: “Ха, биламан”.

У кишининг ташрифлари вақтида, мен кўп вақтни бу одам билан ўтказдим. Бизлар бирга голф ўйнадик. Мен у кишини турли

учрапувларга олиб бордим, у киши билан овқатландим, у кишини аэропортта олиб бордим. Ҳар бир вазиятда, одамларнинг орасидами, ёки йўқми, доктор Чо муносабатларда ва ҳатти-ҳаракатларида художўй, хушмуомала, самимий ва камтарин эдилар. Мен у киши Раббий билан кунида қанча вақтни бирга ўтказишлари ҳақида ўйлар эдим. У кишининг ҳаётларида Худонинг хузури нима учун бу қадар кучли эканлиги аниқ эди. У киши ҳақиқатан Исо Масихнинг сўзларига итоат килар эдилар.

Мен кўпинча, Раббийнинг хузурини шу тарзда хизмат йиғинларида, ибодат вақтида, Худонинг Сўзини ўқиши ёки бошқа одатий ишларни қилаётган вақтимда хис қилганман. Нима учун Мусо бу ажойиб хузур учун ҳамма нарсани тарк этганини мен тушунаман. Менинг ҳаётимда Унинг хузури йироқ бўлган мавсумлар бўлади: баъзан бу мен Унинг Сўзига амал қилмаганимнинг оқибати, баъзан эса бу синов даври. Сўнгтиси бўлиши шарт эканини мен тушунаман, лекин биринчисининг олдини олиш мумкин.

Унинг намоён бўлиши фақатгина “кўриш”ни билдирамайди, биз шу билан бирга, Унинг хузури Ўзи билан олиб юрадиган ҳамма нарсани қўлга киритамиз. Намоён бўлиш – бу ниманидир кўринмас дунёдан кўринарли дунёга, эштилмасдан эштиларлига, но маълумдан маълумга кўчириб ўтказишдир. Бу Худо бизга Ўзини онгимиз ва ҳиссиётимиз билан англашимизга имкон беришидир. У бизга Уни ва Унинг йўлларини яхши тушуниш, билиш ва Унга сингиб киришни беради. Ибронийларга мактубининг муаллифи бундай имтиёзни қўлга киритган одамларни “...самовий инъомни татиб кўрган ва Муқаддас Рухга дахлдор бўлганлар”, –деб таърифлаган эди(6:4). Худонинг намоён бўлган хузури Унинг ҳар бир фарзандига тегишли бўлса ҳам, фақат Унинг сўзларига итоат киладиганлар(ҳақиқий муқаддасликда юрганлар) бундай имтиёзни қўлга киритадилар.

Повул юқорида Худонинг Мусога эштиларли сўзларини тилга олмоқда. Бу таъкид – ўзгармас ҳақиқатдир, у нафақат Эски Аҳддан, балки Янги Аҳддан ҳам ўтади. У аллақачон Худога тегишли одамларга йўналтирилган:

“Шунинг учун уларнинг орасидан чиқинглар ва улардан ажралинглар, – дейди Раббий, – нопокка қўл тегизманглар, шунда Мен сизларни қабул киламан” (2 Кор. 6:17).

Бу тушунарли. Худо бизларни йўз хузурига қабул қила олиши учун маълум шартни бажариш лозим, бу ўз-ўзидан содир бўлмайди. У билан йўзи билан учрашувни тақдим қилишидан олдин, биз Унинг илтимосини бажаришимиз лозим. Повулнинг сўзлари Исо Масихнинг сўзлари билан аниқ тўғри келмоқда. Мана бу оят The Message таржимасида қандай жаранглайди:

“Шундай қилиб, бузукликни ва виждонини ютишни бас қилинг, яхши нарсалар учун буларни тарқ этинг, – дейди Худо. – Сизларни булғайдиганлар билан боғланманглар. Мен сизларнинг ҳар бирингизни йўзим учун истайман”(инг. тилидан таржима).

Сўнгра Повул бизларга Худонинг ваъдасига аниқ жавоб бермоқда:

“Келинглар, ўзимизни танамиз ҳамда руҳимизни булғайдиган ҳамма нарсадан поклаймиз, ўз муқаддаслашишимизни Худонинг қаршисида эҳтиром билан якунлаймиз” (2 Кор. 7:1, янги ўзб. таржима).

Бизлар яна қўрамизки, ҳақиқий муқаддасликка интилишнинг мақсади – бу Худонинг намоён бўлган хузурида қабул қилиниш шарафига муюссар бўлишdir.

### **Мұхитми ёки ҳузурми?**

Янги Аҳддаги ҳаворийлар, Исо Масих ва Отамизнинг сўзларини кўриб чиқиб, бизлар сўрашимиз лозим: Нима учун Янги Аҳднинг масиҳийлигининг бу муҳим томони кўпроқ мухокама қилинмайди, таълим берилмайди ва эълон қилинмайди? Бизларга ҳақиқий муқаддасликсиз нажотни қолдириш учун душман ақлли режа тузгандир, бу эса бизларни Худони кўришдан тутиб туради ва шу йўл билан бизни ўзгариш имкониятидан маҳрум қиласди. Душманнинг бу маккорона стратегияси фақат шахсий даражада эмас, балки умумий даражада ҳам ҳаракат қилмоқда. Худога хизмат йиғинларимизда Худонинг хузурини мұхитга алмаштиrmадикми?

Сўнгти йигирма йил ичидаги жамоатнинг улкан ютуқларидан бири – бу ҳамду-сано йигинларида ажойиб муҳитни яратишдир. Бир неча йиллар олдин, қандайдир оддий жамоатнинг йигинига тушиб қолиб, сиз оддий бино, оддийгина таъмир ва узоқ зерикарли хизматни кўрар эдингиз. Мусиқаси ҳеч нимага ярамас эди, воизликлар умумий ва долзарбмас, бизнинг кийимимиз, мулойим килиб айтганда, эски русумли эди. Бизлар ҳар қанақа мусиқага рухсат берар эдик ва барча воизликлар “Исо Масиҳ номи билан” айтилгани учун улар накадар муҳим ҳисобланса, шу қадар узоқ давом этиши мумкин эди. Ҳайратланарли жойи йўқ, шунинг учун жамиятда бизларни кам-кўстли одамлар деб ҳисоблашар эди. Оз учрайдиган истиснодан ташқари, йигирма йиллар олдин ҳолат асосан шундай эди.

Доно етакчилар шарофати билан бизлар бу дунёкарашни ўзгартирдик. Энди бизлар ажойиб мусиқани, ҳақиқатан руҳлантирилган ва бизнинг замонамизга мос мусиқани чалаяпмиз. Жамоатлар учун қулай, энг янги аудиотизим ва ёритиш тизими билан жиҳозланган бинолар қураяпмиз. Воизликлар қисқа ва долзарб, бизлар болалар ва ўсмиirlар учун чиройли хоналар яратдик, уларга у ерда қизиқарли ва улар хурсанд. Кўплаб жамоатларнинг биносида ҳозир қаҳвахона, пухта ўйланган холллар мавжуд, одамлар у ерда сұхбатлашишлари мумкин, шунингдек, кўп яхши китобларга эга китоб магазинлари ҳам бор. Бизлар гуноҳкорларни ўзини тортишга мажбур қилмайдиган йигинлар ўтказамиз. Бошқача қилиб айтганда, биз ўз йигинларимизда яхши муҳит яратдик ва мен ишонаман, бизларнинг бу барча янгиликларимиз ва уларнинг юқори сифати Худога маъқул.

Аммо бизлар охирги мақсад ҳақида ўйладикми? Муҳит ҳақиқатан ҳам аҳамиятга эга бўлган нарсага – Худонинг хузурига олиб кириш учун муҳимдир. Муҳитни одам яратади. Голливуд, Лас-Вегас, Дисней, Бродвей ва бошқа кўнгилочар саноат марказлари усташарча ҳиссиётни қўзгатишади. Бизлар уларнинг қолипига сифамизми? Йигинга қатнаётган одамларнинг ҳиссиётларини қитиқлаб қўйганимиз етарлими? Бизнинг хизмат йигинларимизни Худонинг ҳақиқий хузури тўлдирайтими ёки бошқалар бошқа жойларда яхши амалга ошираётган нарсани бизлар шунчаки масиҳийлик муҳитида қилаяпмизми?

Воқелик шундан иборат: бизлар ўзгаришимиз учун бизларга Худонинг ҳузури керак!

Балки айнан шунинг учун кўплаб одамлар масиҳийликдан завқланишар, ҳамду-санони яхши кўришар ва ўрганишда давом этишар, лекин ўзгармайдилар? Агар шундай бўлса, натижаси бизларга қимматтга тушади. Одамлар шу ҳолларича қолиб, Масиҳнинг тимсолига ўзгармайдилар. Бир неча йил олдин, бизлар ёмон мухитга бардош берар эдик, лекин менинг ёдимда, бизларнинг хизмат йиғинларимиз кўпинча Худонинг ажойиб ҳузури билан тўлар эди. Бу қандай содир бўлганини мен ҳамма вақт ҳам сўзлар билан ифода этиб бера олмайман, лекин бу менга кучли таъсир килар эди.

Натижа сифатида савол пайдо бўлади: Нима учун ҳам мухитга, ҳам ҳузурга эга бўлишнинг иложи йўқ? Бизлар танлашимиз керак эмас! Лекин Худонинг ҳузуруни ҳис қилиш учун муқаддасликка интилиш мухим.

Бошқа томондан, душманинг муқаддасликдан маҳрум масиҳийликни яратиш режаси шунга олиб келдики, Исо Масиҳнинг хушхабари ҳали нажотни қабул қилмаган кўплаб одамлар учун жонсиз диндек туюлади. Шунинг учун уларга Масиҳнинг ортидан юриш – кўримсиздек туюлади, воқеликда эса бу энг ажойиб ҳаётдир!

### **Муқаддаслик нима?**

Ҳакиқий муқаддаслик нима? Юончада бу *hagios*. Тэйернинг “Янги Аҳднинг юонча-инглизча луғати” китобида шундай таъриф берилади: “Худо учун ажратилган, фақатгина Унга тегишли бўлган”. Мана шу маъноси нурида Худонинг Сўзларини яна бир бора тилга олишга ижозат беринг: “Сизларни булғайдиганлар билан боғланманглар. Мен сизларни тўлиқ Ўзимга истайман” (2 Кор. 6:17, The Message, инг. тилидан таржима).

Бизлар Лиза билан оила қурганимизда, у фақатгина менини бўлди ва мен фақат уники бўлдим. У ўзини менга бағишилади, ўзини мен билан ҳаёт кечиришга бағишилади, мен эса ўзимни у билан ҳаёт кечиришга бағишиладим. Лиза билан учрашгунимча ва у билан оила қургунимча, мен унинг истаклари ва интилишларини хисобга олмас эдим. Мен уни шунчаки билмас эдим. Лиза тўқ мебелни

ёқтирмайди, профессионал спортни ва кинонинг бაъзи жанрларини томоша қилишни ёқтирмайди, жаз ва оркестрни эшишини ёқтирмайди, “Минг ороллар” соусини ва моғор босган пишлоқни емайди, яна қўплаб бошқа нарсаларни ёқтирмайди.

Мен шу рўйхатдаги қарийб ҳамма нарсани яхши кўрап, қилар, эшитар ва ер эдим! Аммо бизнинг тўйимиздан сўнг, мен бу барча боғланишларимни тарқ этдим, чунки булар унга ёқимсиз эканлигини билар эдим. Бизлар бирга лаззатланишимиз мумкин бўлган бошқа кўп нарсалар бор эди.

Боз устига, мен бошқа аёллар билан ўринсиз алоқалардан ўзими ни тияр эдим. Бизнинг тўйимизгача, менинг хотин-қизлар жинси-дан жуда кўп дўстларим бор эди, мен қизлар билан қўнгилхушлик қилишнинг, бирга вақт ўтказишнинг ва ҳатто қизлар билан учрашувга чиқишининг ҳеч қандай ёмон жойи йўқ, деб ҳисоблар эдим. Лекин мен Лизага: “Ҳа”, деган кунда, менинг бошқа аёллар билан муносабатим абадий ўзгарди.

Хотимада айтаманки, мен Лизани жуда севиб қолдим, менга фақат ўзим учун эмас, балки унинг истаклари учун яшаш жуда ёқиб қолди.

Мен пайқайманки, баъзи эрқаклар хотинларининг истакларига кам эътибор қаратишади, улар худбинлар каби яшашади. Расмий булар оила қурган жуфтлар, лекин воқеликда, бундай иттифоқдаги эр-как ва аёллар ички яқинликни ҳис қилмайдилар. Бизлар никоҳга, аҳд муносабатларига киришाटганимизда, бизлар қолган бор ҳаётимиз давомида ўз турмуш ўртоғимизга хизмат қилиш мажбурияти остида ўз имзойимизни кўямиз. Яхши никоҳда худбинликка жой камдир.

Исо Масиҳ билан аҳд муносабатларига киришишимиздан олдин бизлар дунёдан эдик ва дунёни севар эдик. Бизлар ўз танамизни қондириш ва кўзларимиз ҳирси учун яшар эдик. Бизлар мартаба, обрў ва бизнинг мағрурлигимиз ҳамда ўзимизни севишишимизга хизмат қиласидиган ҳамма нарса учун яшар эдик.

Энди бизлар Исо Масиҳ билан учрашиб, У билан муносабатга киришганимиздан сўнг, биз ўзимизга тўғри савол беришишимиз керак: биз ўзимиз учун яшаяпмизми ёки У учунми? Расман бизлар Исо Масиҳ билан муносабатларда бўлишишимиз мумкин, лекин

Унинг яқинлигини ҳис қилмаслигимиз мумкин(бизларга Унинг на-моён бўлган ҳузури етишмаслиги мумкин), худди ўз хотини билан худбиндек яшаётган киши каби.

Повул ёзади: “Унинг янги ҳаётини қабул қилганлар, энди ўзла-ри учун яшамайдилар, балки Масих учун яшайдилар” (2 Кор. 5:15, NLT, инг. тилидан таржима). Фақат шундайгина У билан ҳақиқий муносабатларда(ёки никоҳда) бўлиш мумкин.

Агар Ёқуб дунё билан зино қилиш деб атаган хулқ-атворга қа-расак, худбин ҳаёт тарзига қайтадиган имонлиларга у кескин муро-жаат қилади:

“Лекин сизнинг юрагингиз худбинликка...тўла бўлса, ҳақиқатни яшириш учун мақтанчоқлик қилманлар ва ёлғон гапирманлар. Бу самодан тушадиган донолик эмас, балки ерлик, худбинона, шайтондан келадиган донолиқдир. Одамларни худбинлик бош-қарадиган жойда, тартибсизлик ва ҳар қандай ёвузлик мавжуддир... Нима учун сизлар баҳслашасизлар ва бир-бирларингиз билан жанжаллашасизлар? Сизлар ичингизда бошқарувчилик учун ку-рашаётган худбинона истаклар билан тўлалигингиз туфайли эмасми? Сизлар эга бўлмаган нарсангизни истайсиз ва иста-ганингизга эришиш учун ҳамма ишни қиласизлар... Лекин барибир истаган нарсангизга эриша олмайсиз ва уруш ҳамда жанжаллар билан эриша олмайсиз. Бу учун ибодат қилиш керак. Лекин ҳатто ибодат қилаётганингизда, жавоб ола олмайсизлар, чунки худбинона илҳомланиш билан ибодат қиласиз. Сизлар Худога содик бўлмаган халқсиз(зинокорлар ва фохишалар)! Ахир сизлар билмайсизларми, агар дунёни севсангизлар, сизлар Худонинг душманисизлар. Агар сизлар дунёning дўсти бўлишга карор қиласангизлар, сизлар ўзингизни Худога душман қиласизлар” (Ёкуб. 3:14-16, 4:1-4, CEV, инг. тилидан таржима).

Эътибор беринг, худбинона сўзи бу оятларда тез-тез ишлатилмоқда. Хулқ-атворнинг икки тури: бериш ва олиш бўлгани учун Ёқуб буни ишлатмоқда. Учинчиси берилмаган. Олиш – бу ўзиникини излаш, ду-нёвийларча яшаш, Худога содик бўлмаслик. Ҳаёт тарзлари айнан шу-нақа бўлган имонлилар фохишалар ва зинокорлар деб аталадилар. Бу сценарийда Исо Масихнинг амрлари мухим нарса, яъни аъло устунлик ҳисобланмайди; аксинча, ўз истаклар устунлик ҳисобланади.

Худбинлик одамни гунохга бошлайди. Одам ўзига бирор нарсанни ўзлаштириш учун ўғирлик қиласы, ўзини пана қилиш учун ёки бирор фойда олиш учун ёлғон гапиради. Одам хотини ёки болаларини ўйлаб эмас, балки ўз хирсини ўйлаб зино қиласы. Одам ўзини ўйлаб қотиллик қиласы. Одам ҳокимиятта бүйсунмайди, чунки мен яхшироқ биламан, деб ўйлады ва ўзи учун айлосини тилайди. Одам ўзининг ишончсизлигини ва мағрурлигини қондириб, машхурлик ва шұхратни излайди. Мен футбол матчини күраётганимда ва ибодат килиш учун телевизорни ўчиришни ҳамда Худонинг сўзига итоат қилишни рад килганимда мен ўзим учун шундай килдим.

### **Янги табиат**

Дунёнинг одамлари бундай юриш-туришга боғланганлар, чунки уларни танавий(худбинона) иштаха ва истаклар бошқаради. Имонли буларга құллиқдан озоддир (Рим. 6:11-14га қаранг). Ўғил бизларни ҳақиқатан озод қилді!

Эски Ахдда Худонинг халқига гунох қиласын амри берилған эди, лекин улар бунга ўз гунохкор табиатлари(худбинлик) туфайли риоя қила олмас әдилар. Эски Ахд қатыян ислот қиласы, ўз кучига ишонадиган одамнинг ҳаёти Худонинг назаридан яхши бўла олмайди. Одамлар ўзларининг танавий иштаҳаларига ва Худонинг истагига қарши чиқадиган истакларига боғлиқдирлар.

Бизлар, янги ижодлар янги табиаттага эгамиз. Бизлар ичимизда тирикмиз, Исо Масихнинг тимсолида яратилғанмиз, ҳақиқий яхши ҳаёт билан яшаш учун ички қобилиятта эгамиз. Повул нима дейишига эътибор қилинг:

“Шунинг учун, буни айтиб, мен Раббийда сизларга буюраман: бундан буён ўз онгининг беҳудалигига яшаётган бошқа мажусийлардек яшаманглар. Чунки уларнинг фаҳмлари қоронгилашиб, ўз жоҳиллиги ва юракларининг қаттиқлиги туфайли Худонинг ҳаётидан ажralиб қолғанлар. Улар ҳиссиятсизликка тушиб, очкўзлик билан бор нопокликни қилишлари учун ўзларини бузукликка топширганлар” (Эф. 4:17-19).

Имонсиз одам ўз танаси иштаҳаларининг қули бўлишга маҳкумдир. Унинг рухи ўлик – ҳаётсиз. Унинг ичида Худонинг

қаршисида яхши виждон билан яшаш қобилияти йўқ. Нима учун масиҳийлар имонсиз одамларнинг хулқ-атворларидан ҳайратла-надилар, буни тушуниш менга қийин. Улар тушунмайдиларки, юқоридан туғилмаган одам фақатгина унинг табиатига, унинг гу-ноҳларига нормал бўлган ишни қиласди. У худбин одам. Агар унинг метин иродаси бўлса, у яхши одам тузида бўлиши ва ҳатто худ-бин эмасдек туюлиши мумкин. Лекин адашманглар: у ўзининг гу-ноҳкор табиатига боғланган.

Повул ҳақиқий имонлининг белгиларини санаб ўтишда давом этади:

“Чунки сизлар У ҳақида эшитдингизлар ва Унинг Ўзида ўрга-тилдингизларки, – чунки ҳақиқат Исодадир, – алдовчи хирслар-да чириётган эски кишинингизнинг илгариги турмуш тарзини олиб ташлаб, онгингизнинг руҳи билан янгиланиб, Худога биноан ҳақиқий муқаддасликда ва ҳақлиқда яратилган янги киши-га бурканинглар” (Эф. 4:21-24).

Нажотга келмаган одамдан фарқли равишда, имонли янги ички табиатни олган. Бизларга унга бўйсуниш ва муқаддас яшаш амри берилган. Масиҳийда танлов бор, имонсизда эса йўқ. Масиҳий янги ижоднинг кучли ички табиатига ёки йўл бериши ёки танавий истакларга бўйсунишни давом эттириши мумкин. Қарорни ўзимиз қабул қиласми.

### **Ҳолат ва хулқ-атвор**

Мазкур чорраҳада аниқлик киритиш мухим. Муқаддасликнинг иккита мухим жиҳати бор ва Янги Аҳд уларнинг иккалови ҳақида ҳам сўзлайди.

Биринчи жиҳати, бизнинг Масиҳдаги ҳолатимизни билдиради. Повул ёзади: “Ўзининг хузурида муқаддас ва бенуқсон бўлишимиз учун Худо дунё яратилишидан аввал бизни Масиҳда севги билан танлади...” (Эф. 1:4). Бу муқаддаслик фақатгина Исо Масиҳ бизлар учун нима қилгани ҳақида ва бизларнинг Масиҳдаги ҳолатимиз ҳақида гу-воҳлик беради. Бизлар ҳеч қачон бу ҳолатни ўз хулқ-атворимиз билан ишлаб кўлга кирита олмас эдик – бу Унинг бизларга совғасидир.

Лиза менинг хотиним бўлганида, у эрлилик ҳолатини ишлаб қўлга киритган эмас, у бу ҳолатни эгаллади, чунки мен унга ўз юрагимни бердим. Бизнинг аҳдимизда у ҳам мен учун айнан шундай қилди. Нукта.

Муқаддасликнинг иккинчи жиҳати – бу хулқ-атвор бўлиб, у ҳолатдан сўнг келади. Лиза менинг хотиним бўлгани туфайли, унинг хулқ-атворида менга садоқат акс этар эди. У энди бошқа эркакларга ноз-карашма қилмас ва улар билан муносабатни изламас эди. Унинг ҳатти-ҳаракатлари хотиннинг эрига нисбатан тўғри муносабатларига тўғри келар эди. Ва, албатта, мен, эр сифатида худди шундай ҳаракат қиласман.

Бу китобда мен бизнинг Худо билан муносабатларимизнинг айнан шу жиҳатини таърифламоқдаман. Петьор дейди:

“Сизлар Худонинг итоаткор фарзандлари каби яшашингиз лозим. Ўз истакларингизни қондириш учун ўзингизнинг эски яшаш тарзингизга қайтманлар. Ўшанда сизлар бирор яхши нарсани билмас эдингизлар. Лекин энди, сизларни танлаган Худо муқаддас бўлгани каби сизлар барча ишларингизда муқаддас бўлишингиз лозим. Зеро Ёзув демоқда: “Муқаддас бўлинглар, чунки мен муқаддасман”. Ва ёдда тутинглар, сизлар ибодат қиладиган Самовий Ота эркатойларга эга эмас. У сизларни ишларингизга қараб ҳукм қиласми ёки тақдирлайди. Шунинг учун ҳали сизлар “бу заминда мусофиirlар” экансиз, сизлар Унинг каршисида эҳтиром билан яшашингиз керак” (1 Пет. 1:14-17, инг. тилидан таржима).

Повул гуноҳкорларга эмас, балки Худонинг болаларига мурожаат қилаётгани аниқ. Ёзилганки, Худо бизларни ишларимизга кўра ҳукм қиласми ёки тақдирлайди, яъни бизнинг Масихдаги ҳолатимизга қараб эмас, балки ҳатти-ҳаракатларимизга қараб ҳукм қиласми. Исо Масихнинг қони бизларнинг гуноҳларимизни кечиради, лекин Худонинг болалари устидан уларнинг ишларига кўра амалга ошириладиган маълум суд мавжуд. Повул буни Коринфликларга иккинчи мактубда тасдиқлайди (5:9-11). Ўз танловига кўра итоат-сизлика яшаш – бу арзимас нарса эмас. Агар бизлар ҳақиқатан Худога тегишли бўлсак, бизларда гуноҳкор ҳаёт билан Унинг қалбини хафа қилмаслик истаги ёниши керак.

Ёкуб ва Повул каби Петъор ҳам “бизнинг эски ҳаёт тарзимиз худбинона истакларимиз томонидан бошқарилади”, дейди ва бизни қилаётган ҳамма ишларимизда муқаддас бўлишга чорлайди. Мен бу фикрни қайтаришни истар эдим: у Масихдаги ҳолатимиз ҳақида эмас, балки ҳулқ-атвор ва ҳаёт тарзи ҳақида сўзламоқда. Бошқа таржимада, шу лавҳада дейилладики, бизлар “ўзимизнинг барча ҳулқ-атворимизда ва ҳаёт тарзимизда муқаддас бўлишимиз лозим” (15-оят, инг. тилидан кенг. таржима). Петъорнинг сўzlари унда қандай маъно яширин эканига зарра шубҳа қолдирмайди. Повул билан келишган ҳолда у шунчаки эълон қиласди: агар бизлар иноят билан нажот топган бўлсак, бизлар янги табиат ато қилган кучга – дунё каби эмас, балки муқаддас яшаш кучига эгамиз.

Ибронийларга мактубининг муаллифи бизларни қандай муқаддас яшашга даъват этганини ёдга олинг (12:14). Яқин орада, мен шу оят бўйича Чарльз Сперженning воизлигини кўриб қолдим ва у менинг диққатимни ўзига михлади. Кейинги лавҳада нима учун бундай бўлганини тушуниб оласиз.

“Баъзи антиномистлар Муқаддас Рух бизларга бераётган даъват(муқаддасликка интилиш)ни бекор килиш учун зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар. “Бу – Исо Масихнинг бизларга берган муқаддаслиги”, дейишмоқда улар. Ахир улар бундай ёркин бузиб сўзлаб ёлғон сўзлаётгандарини билмайдиларми?.. Бизлар муқаддасликнинг ортидан боришимиз керак, бу: “Худо бизларни нопокликка эмас, балки муқаддасликка даъват қилди”, дейилганидек, нопокликнинг қарама – қаршиси, амалий муқаддаслик бўлиши лозим. Бу бошқа турдаги муқаддаслик. Аслида... бу тирик муқаддаслик, Муқаддас Ёзув бизларни айнан шунга даъват этади. Бу Худонинг иродасига тўгри келиш ва Худонинг амрига итоатлиликдир”.

Мана гап қаерда! Кўриниб турибдики, жамоат муқаддасликни сиқиб чиқаришга ҳаракат қилишлари билан илк бора тўқнаш келаётган эмас, чунки Спержен 1800йилларда бу ҳақида ёзган. Аммо бизлар Ёзув ҳақиқатини ўз асосимиз деб кўйсак, биз кўрамизки, муқаддаслик бизларнинг Исо Масихдаги борлиғимизга ҳам, шунингдек, Унинг номидан қандай яшаш кераклигига ҳам тааллуклидир.

Шуниси муҳимки, бизнинг Масихдаги ҳолатимиз ҳам, хулқ-авторимиз ҳам бизнинг хизматларимизга, муваффакиятларимизга ёки қобилияtlаримизга боғлиқ эмас. Ҳолат ҳам, хулқ-автор ҳам – бизларга бепул берилган инъомнинг натижасидир. Шунга қарамасдан, энди янгича яшаш, яхши хулқ-авторни намоён қилиш учун бизлар ўзимизнинг янги табиатимиз билан ҳамкорлик қилишимиз, унга ўрин беришимиз лозим.

### Муқаддасликнинг яна бир таърифи

Энди бизлар муқаддаслик Худога тегишлиликдан кўпроқ нарсани билдиришини, у ахлоқ жиҳатидан Худога маъқул хулқ-авторни билдиришини кўриб чиққанимиздан сўнг, бизлар унинг навбатдаги таърифига ўтишимиз мумкин. Юононча “*hagios*” сўзи шунингдек “тоза, туноҳсиз, ҳақ” хулқ-авторни билдиради. Бу сўзининг маъноси баъзи одамларни чўчитади, гарчи чўчитиши лозим бўлмаса ҳам. Мен болаликдаги бир воқеа ёрдамида нимани назарда тутаётганимни тушунтиришга ҳаракат қиласан.

Бизнинг оиламизда мен олти бола ичида биргина ўғил эдим. Шунинг учун ҳовлидаги ҳамма ишлар менинг зиммамда эди: машинани ювиш, майсаларни қирқиш, баргларни териш, корни кураб ташлаш ва ҳок. Бизлар дўстларимиз билан спортни жуда яхши кўрганимиз учун, одатда, бизлар уйдаги ишларни тезда тугатишга ҳаракат қиласан.

Баҳор эди, узоқ қишдан сўнг яна майса ўсиб чиқди. Мактабдан сўнг, одатда, бизлар дўстларимиз билан копток ўйнар эдик. Мен бироз майсани қирқиш вақтини ўтказиб юбордим ва улар ўсиб кетди. Оқшом чоғи дадам мени эртага олдин майсаларни қирқишим, шундан кейингина ўйнашга чиқишим мумкинлиги, мен бу ишни у ишдан келгунича қилиб қўйишим кераклиги хақида огоҳлантирди.

Мактабдан сўнг мен уйга шошилдим, кийимимни алмаштиридим ва бутун баҳор фасли давомида илк бора майса қирқувчи машинани олиб чиқдим. Мен шошилишим кераклигини билар эдим, чунки тез орада дўстларим ўйнагани чиқиши керак эди. Мен ўт олдириш педалини бир неча бора босдим, лекин мотор ишламади.

Мен карбюраторга ёқилғи берилишини кучайтириш учун икки марта дроссел қопқоғи тутмасини босдим. Сүнг педални босдим, афсус, натижасиз эди.

Мен: “Балки карбюратор намиқиб қолгандир, уни бироз қуритиш керак”, деб ўйладим.

Мен маълум вақт кутиб турдим, сўнгра мойни текширдим, ҳаммаси тўғирланган ва ишга тайёр эканини текшириш учун ҳамма переключателларни текширдим. Ҳаммаси аъло кўринар эди, факат гина бир неча дақиқа кутиб туриш керак. Мен худди шундай қилдим ва майса қирқичини яна бир бор ёқишга ҳаракат қилдим, лекин мотор олдингидек ишламас эди.

Бу дафъа, менинг кайфиятим жуда бузилди, шунинг учун ўт олдириш чироқласини, у кир бўлмаганмикин, деб текширдим. Чироқчанинг кўриниши аъло эди. “Гап нимада?” – деб ўйладим мен. Ҳар бир дақиқа билан менинг хафалигим кучайиб борар эди. Агар майса қирқич машина ишлаб кетмаса, мен майсаларни кирқа олмайман, мен дадамни хафа қиласман ва дўстларим билан ўйнай олмайман.

“Мен нима қилишим мумкин? – деб ўйлар эдим мен, – агар майса қирқични устахонага олиб борсам, улар уни таъмирлаганлари-ча кеч бўлиб қолади ва мен ўйиндан қолиб кетаман. Балки бирор кишидан майса қирқич олиб турсамми, лекин бу кўп вақтни олади”. Шундай қилиб, бу яхши фикр эмас эди.

Мен мана шу темир бўлагидан аччиқланар эдим. “У мени куннинг кувончидан маҳрум қилмоқда”, деб ўйлар эдим. Майса қирқич бузилган эди, мен буни билар эдим. Мен иложсиз ахволда қолган эдим. Мен майсани ҳам қирқа олмадим, дўстларим билан ҳам учраша олмадим.

Бизлар билан бирга ўйнамоқчи бўлган оғайниларимдан бири келиб: “Жон, тайёрмисан?” –деди.

Мен жавоб бердим: “Йўқ. Дадам фақат майсани қирқанимдан сўнг ўйнагани чиқишига рухсат берган, майса қирқич эса ишламаяпти. Уни тўғирлашга, бирордан олиб туришга ёки қўл билан қирқишига менинг вақтим йўқ. Шунинг учун бугун ўйнай олмайман”.

Менинг дўстим мендан ақллироқ эди. У: “Бер, қараб кўрай”, – деди.

“Албатта, қарагин”, – дедим мен умидсизлик билан.

У биринчи қилған иш – ёқилғи бакини очди. У ичига қараб, кулиб юборди: “Жон, мана сенинг муаммонг – бензин йўқ”.

Мен хижолат бўлдим, лекин шу билан бир вақтда қувондим.

“Эй, каллаварам, – ўйладим мен, – буни биринчи ўринда текшириш керак эди”. Мен тезда бакни тўлдирдим ва майса қирқич шу лахзада ишлаб қетди. Мен тезда майсани қирқдим ва бизлар ўйнагани кетдик.

Бунинг муқаддасликка қандай даҳли бор? “Муқаддаслик” сўзининг таърифида тоза, гуноҳсиз ва ҳақ сўзларини ўқиб, бизларнинг кайфиятимиз бузилади, “Бунинг иложи йўқ”, деб ўйлаймиз, чунки бизлар ўз кучимиз билан шундай яшашимиз керак, деб тасаввур қилишга ҳаракат қилимиз. Бу битта ўроқ билан ҳамма майсаларни қирқишига ҳаракат қилишдек ва буни ўйингача қилиб улгuriш дегандек гап – бунинг мутлақ иложи йўқ! Сиз ҳали кичикроқ майдончани уддалагунингизгача кўчага қоронғи тушади.

Лекин бизда янги табиат бор, буни майса қирқич машина сотиб олиш билан қиёсласа бўлади. Барibir агар бакда бензин бўлмаса, майса қирқич бўлмаганидаги каби муваффақиятсизликка маҳкуммиз. Уни ўрнидан қўзғалишга мажбур қилиш учун бензин керак.

Кейинги бобда, бизнинг янги табиатимизга қандай ёқилғи кераклиги ҳақида, нима бизларга Худонинг қаршисида тоза юришимизга қобилият бериши ҳақида сухбатлашамиз.

## ЁҚИЛҒИ

Энди, биродарлар, Македониядаги жамоатларга  
 берилган Худонинг инояти ҳақида сизларга  
 билдириб қўймоқчимиз... Улар кучлари борича,  
 ҳатто кучларидан ҳам ортиқ ихтиёрий берувчилар  
 эканликларига мен гувоҳман...  
 — 2 Коринфликларга 8:1,3.

...Мукаммалликка даъват – бу иложи йўқ  
 ишни қилиш буйруғи эмас. Худо бизларни бу амрга  
 итоаткор бўлишга қодир янги ижод қила олади.  
 — К.С.Льюис.

**М**уқаддасликка интилиш – бу охирги мақсад эмас, бу Исо Масихнинг хузурига киришдир. Устоз бизларга аниқ айтди: “Ким Менинг амрларимни сақласа ва уларни бажарса, ўша (ҳақиқатан) Мени севади... ва Мен ҳам уни севаман ҳамда Ўзимни унга очаман(намойиш қиласман, кўрсатаман), (Мен Ўзимни унга яққол кўрсатаман ва ўзимни унга воқе қиласман)” (Юх. 14:21, инг. тилидан кент. таржима). Бизлар Устознинг сўзларини сақлаганимизда ва риоя қилганимизда Уни яқиндан билиб оламиз.

Ибронийларга мактубининг муаллифи буни тасдиқлайди: “...муқаддасликнинг пайида бўлинглар, чунки муқаддасликсиз ҳеч ким Раббийни кўра олмайди” (Ибр. 12:14). Ҳаммаси оддий: муқаддаслик йўқми, Исо Масихни кўра олмайсан, Унинг хузурига кира олмайсан!

Муқаддаслик тўлиқ Унга тегишли бўлиш, У учун ажратилган бўлиш демакдир. Бундан ташқари, бу “тоза, гуноҳсиз, ҳақ” бўлиш демакдир. Иккала таърифлар ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Унга те-

гишли бўлиш, У учун яшаш, Унга ўз юриш-туриши билан мъқул бўлишга ҳаракат қилиш демакдир. Колосаликларга мактубда ёзилганки, бизлар Раббимизга муносиб яшаб(ва ҳаракат қилиб), ҳамма нарсада Уни рози қилишимиз лозим (1:10). Ахийри, У “муқаддас ва бенуқсон ҳолатдаги, доғсиз, нуқсонсиз ёки шунга ўхшаш бирор нарсасиз, шухратли жамоат” ортидан қайтиб келади (Эф. 5:27).

Ургу бериш лозимки, бу Масих олиб кетгани келадиган одамларнинг ягона таърифидир. Фақат ўйлаб кўринг, Ёзув Унинг келинини кучли, замонавий, яхши ташкиллаштирилган, етакчилар бошқарувидаги, яхши алоқаларга эга бўлган, сажда қиласидиган ва қувончга тўлага тенглаштирмаяпти. Буларнинг ҳаммаси яхши чизгилар, лекин энг муҳими, У Ўз келинини муқаддас ва бенуқсон кўришни истайди.

Яна бир қизиқ далил шундан иборатки, муқаддаслик – бу Худо Ўзини таърифлайдиган асосий чизгидир. Пайғамбар Ишаъё ва ҳavorий Юҳанно Худонинг таҳтини қандай кўрганларини таърифланлар. Уларнинг иккаловлари ҳам Худони асрлар давомида курлатли фаришталар қуршаб туришини ва: “Муқаддас, муқаддас, муқаддас” деб ҳайкиришларини пайқашган (Иш. 6:3 ва Вах. 4:8га қаранг). Улар: “садик”, “севувчи”, “яхши” ёки “саҳий” деб ҳайкираётган эмас, гарчи У бу ажойиб фазилатларнинг барчасига эга бўлса ҳам, лекин муқаддаслик ҳаммасидан устун туради.

## Икки вариант

Поклик, бенуқсонлик ва ҳақлика эга бўлиш даъвати эски савонни кўтаради: “Бизлар қандай қилиб бундай яшашимиз мумкин?” Бизлар ҳаракат қилдиқ, лекин ўз кучимиз билан ҳеч нимага эриша олмадик. Бизлар виждонимизга ўйиб ёзилган Худонинг қонунига итоаткор бўлишни истар эдик (Рим. 2:14,15га қаранг), лекин яна муваффақиятсизликка учрар эдик.

Лекин сўнгра иноят келди. Бизлар уни яхши хулқимиз билан кўлга кирита олмадик ва олдингидек, ҳозир ҳам кўлга кирита олмаймиз. Бизлар унга арзимаганмиз ва олдингидек, арзимаймиз ҳам. Худонинг инъоми бизларни тўлиқ кечиради ва бизлар гуноҳ

қилганимизда ҳаракат қилишда давом этади. Бизлар ўз гуноҳлари-миздан озод қилингандык!

Бизлар бу ажойиб янгиликни билишимиздан қаттый назар, бизлар барибир Унинг насиҳатларига риоя қила олмаслигимиз учун хафа бўламиз. Нима учун бу бизлар учун жанг? Бизлар юқоридан туғилгандык, янги табиатга эгамиз, нима учун бизлар қайта ва қайта қулаймиз?

Бу даврда бизга чиқиши йўлини кўрсатадиган танлов бор, деб ўйлаймиз. Бизлар муқаддаслик фақат бизнинг Масиҳдаги ҳолатимизга тегишли деб ўргатишимишиз ва Муқаддас Ёзувдаги бизларни хулқда муқаддасликка даъват қиласлаган оятларни айбловга дучор бўлмаслик учун ташлаб кетишимиш мумкин. Бизлар ўзимизнинг ўзгаришимишиз етишмаслигини “бизлар шунчаки одамлармиз ва доимо хато қиласмиш”, деб оқлаймиз. Бизлар ўтмишдаги, ҳозирги ва келажакдаги гуноҳларимизни қопладиган фақатгина иноятнинг қисқартирилган таълимотига диққатимизни қаратгандык. Агар бизлар фақат шу қисмини ўргатсак ва шунга ишонсақ, бизлар виждонимизнинг овоздини бўғиб, ёлғон хавфсизлик ҳиссига келиб қоламиш. Лекин бизлар диққат билан юрагимизга қулоқ солсақ, бизлар унинг: “Нимадир каттароқ нарса бўлиши керак!” – деб қичқираётганини эшитамиш.

Афсуски, бизлардан кўпчилигимиз шу танловга борадилар, на-тижада Янги Аҳднинг бизларни художўй ҳаёт кечиришга даъват килаётган катта қисмига эътиборсизлик қиласидар. Мен Муқаддас Ёзувдаги мазкур мавзуга оид оятлар билан бир неча варақларни тўлдиришм мумкин эди, лекин менга бир лавҳадан бошлашимга ижозат беринг.

“Болаларим! Мен сизларга гуноҳ қилмасликларинг учун ёза-япман... Агар Унинг амрларига риоя қилсақ, Уни биламиш деб, ишончимиз комил бўлиши мумкин. Агар кимдир: “Мен Уни би-ламан”, – деса, лекин Унинг амрларига риоя қилмаса, ўёлғончи ва унда ҳақиқат йўқдир. Лекин одам Унинг сўзига итоаткор бўлса, унда Худонинг севгиси ҳақиқатан унда камолга етди; мана шу биз Унда эканлигимизни кўрсатади. Ким Худо билан бирликда яшаяпман, деса у Исо Масиҳ яшагани каби яшashi ло-зим” (1 Юх. 2:1, 3-6, янги ўзб. таржима).

Юханно: “Агар гуноҳ қилиб қўйган бўлсаларингиз ташвишланманглар, чунки ҳаммамиз ҳам одаммиз”, – деб ёзган эмас. Йўқ, у гуноҳ қилмаслигимиз кераклигини ёзмоқда. Бу бизнинг нишонимизга айланиши керак. Агар бизлар бу нишонга туша олмасак, Исо Масихнинг қони бизларни поклади. Бизларнинг мақсадимиз Исо Масих каби яшашдир. Муқаддас Ёзувга қўра, бу бажариш мумкин бўлган мақсаддир. Шунинг учун бизларни тепаётган гуноҳни менсимасдан, уни “инсоний табиат” деб тушунтириб, бизлар беҳудага Исо Масихнинг сўзларини ва Муқаддас Ёзувдаги кўплаб оятларни рад қилиб яшшимиз мумкин эмас.

Бизларга нимадир етишмаётган бўлиши мумкинми? Худо бизларнинг жумбоғимизни олдиндан кўрмаган ва Ўзининг бу муаммони ечиш режасини тайёрламаган бўлиши мумкинми? Албатта, олдиндан қўра олган! Бу ҳақида кам гапиришади, лекин Унинг режаси бутун Янги Аҳдда аъло даражада кўриниб турибди. Бизларнинг кўпчилигимиз билмайдиган иноят – бизнинг янги табиатимизга куч берадиган ёқилғидир. Бошқача қилиб айтганда, иноят бизларга художўй яшшимизга куч беради.

### **Иноятнинг номаълум ҳақиқати**

2009 йилда бутун Америка бўйлаб минглаб масиҳийлардан фикр тўплangan эди. Фикр тўплашга иштирок этганлар турли жамоатдан бўлган юқоридан туғилган, библиявий имонлилар эдилар. Бошқа саволлар қатори уларга: “Худонинг иноятига уч ёки кўпроқ таъриф ёки тавсиф беринг”, деган савонни бердилар. Кўплаб жавоблар қуидагилар эди: нажот, бепул инъом ва гуноҳларнинг кечирилиши.

Бу жуда яхши, Америкалик имонлилар фақатгина иноят орқали нажот топишларини биладилар. Нажот сув пуркаш орқали, жамоатга тегишлилик орқали, дин қонунларига риоя қилиш орқали, яхши ишлари ёмон ишларидан ошиб кетиши орқали берилмайди. Американинг хушхабарчилик жамоатларининг кўпчилигига Худонинг инояни ҳақидаги пойdevor ҳақиқат яхши ўргатилган, чунки бу ҳақида жамоатларда кўп воизлик қилинади ва мен ўйлайманки, бу Худони кувонтиради.

Шунга қарамасдан, фожеа шундан иборатки, фикри сўралган бир неча минг масиҳийлардан 2фоизигина иноят – Худонинг кучи билан тақдирланиш эканини айтишди. Аммо Худо Ўз иноятини айнан шундай белгилайди ва таърифлайди. У дейди:

“Менинг иноятим – сенга керакли бўлган ҳамма нарса, ахир Менинг кучим заифликда энг зўр амалга ошади” (2 Кор. 12:9, TEV ва NLT, инг. тилидан таржима).

Худо Ўз иноятини – бизларни Ўз кучи билан тақдирлаш деб атайди. “Заифлик” сўзи “қобилиятсизлик” демакдир. Худо дейди: “Менинг иноятим – Менинг кучим билан тақдирлашдир, бу сенинг қобилиятинг доирасидан ташқарида бўлган вазиятларда харакатга келади”.

Ҳаворий Петъор ҳам Худонинг иноятига худди шундай таъриф беради. У шундай ёзади: “...иноят ва тинчлик кўпайсин. Унинг илоҳий куч-кудратидан(иноятидан)... бизнинг ҳаётимиз ва диёнатимиз учун зарур бўлган ҳамма нарса бизга ато қилинди” (2 Пет. 1:2,3). Бу ерда иноят ҳақида яна “Унинг илоҳий кучи” сифатида сўзланмоқда. Петъор демоқдаки, диёнатли, муқаддас ҳаёт учун зарур бўлган ҳар бир манба ва қобилият бизларга иноят кучи томонидан берилгандир.

Лекин сўроқнома, Америкада фақат 2фоиз масиҳийлар бу ҳақида билади, деб кўрсатган бўлса, демак муаммо жиддий. Сизларга тушунтиришга ижозат беринг. Худодан бирор нарса олиш учун бизлар ишонишимиз керак. Мана нима учун Янги Аҳд матнлари “имон сўзи” деб аталади (Рим. 10:8). Оддийроқ қилиб айтганда, бизлар ишонмасак, бизлар олмаймиз.

Битта асосий мисол келтираман. Исо Масих бутун дунёнинг гуноҳлари учун ўлди. Лекин фақат Унга ишонгандаргина нажот топадилар. Бундан катта муаммо юзага келади: бизлар билмаган нарсамизга ишона олмаймиз. Агар 98фоиз масиҳийлар Худонинг инояти – бу У бизларга тақдим қиласидиган Унинг кучи эканини билмасалар, демак 98фоиз масиҳийлар ўз кучлари билан муқаддас яшашга харакат қўлмоқдалар, бу эса ҳафсаласи пирлик ва мағлубиятга олиб келади. Уларнинг янги табиати кучга тўлган эмас, бошқача қилиб айтганда, уларнинг бакида бензин йўқ!

Келинг, юонон тилига мурожаат қиласмиз. Янги Аҳдда иноят сўзига кўпинча *charis* сўзи ишлатилади. Бу сўз, Стронг луғати бўйича (Strong's Exhaustive Concordance) “инъом, илтифот, шафқат ва озодлик”ни билдиради.

Агар бу бошида бўлган таърифни олсак ва уни Римликларга, Галатияликларга, Эфесликларга мактубларида танланган ояtlар билан бирлаштиrsак, сиз аниқ кўплаб америкаликлар биладиган иноятнинг таърифини кўрсатасиз. Аммо Стронг луғатида бу таърифнинг давоми бор: “юракка илоҳий таъсири ва унинг ҳаётда акс этиши”. Биз кўрамизки, бу ерда юракда содир бўлаётган нарсаларнинг ташки акси ҳақида сўз бормоқда, бошқача қилиб айтганда, иноятнинг кучи ҳақида сўз бормоқда.

Ҳаворийлар китобида Барнабо Антиохия жамоатига келишини ва у ерда “Худонинг инояти”ни кўришини кўрсатадиган лавҳа мавжуд (Ҳав. 11:23га қаранг). У иноят ҳақида эшигтан эмас, аммо унинг ўзини кўрди. Одамларнинг ташки хулқи уларнинг юракларида иноят ҳаракат қилаётганини кўрсатиб турар эди.

Мана нима учун ҳаворий Ёқуб бундай дейди: “...Хўп, ишлариз бўлган имонингни(иноят) менга кўрсат-чи, мен эса сенга имоними-ни(иноят) ишларим орқали кўрсатаман!” (Ёқуб 2:18). Мен “иноят” сўзини “имон” сўзининг олдига қавс ичиди қўйдим, чунки ишониб(Худонинг Сўзига ишониб), бизлар Худонинг иноятини қўлга киритамиз. “...имон билан... иноятни қўлга киритиш имконига эга бўлдик” (Рим. 5:2). Имониз(ишончи комилликсиз) куч йўқдир (иноят). Ёқуб урғу бермоқда: “Менга кучнинг исботини кўрсат”. Бизлар имон орқали иноятни қўлга киритишимиизнинг кўрсаткичи мана шудир.

Иноят – бу инъом. Энди келинг, билим доирамизни кенгайтирамиз. Нажот – бу иноятнинг инъоми. Кечирим – бу иноятнинг инъоми. Шифоланиш – иноятнинг инъоми. Таъминот – бу иноятнинг инъоми. Худонинг табиати – бу ҳам иноятнинг инъоми. Куч – бу иноятнинг инъоми. Буларнинг барчаси бизнинг ҳаётимизда Худонинг илтифотининг намоён бўлишидир, уларнинг ҳар бири текиндир.

Кучга келсак, иноят бизларга бизларнинг инсоний кучимиздан юқори бўлган ниманидир қилиш қобилиятини беради. Бизлар ўзи-

мизни дўзахдан озод қилиш қобилиятига эга эмас эдик, иноят буни амалга оширди. Бизлар озодликда яшшимиз лозим эмас, аммо иноят бизга уни инъом қилди. Бизлар ўз табиатимизни ўзгартира олмас эдик, иноят буни бизнинг ўрнимизда амалга оширди. Бизларнинг муқаддас яшаш учун ўзимизнинг кучимиз йўқ, аммо иноят бунга рухсат берди. Шунинг учун биз уни ажойиб десак, ҳайрон қоларли жойи йўқ.

### Ўйлашга мажбур қиласиган савол

Яқинда ибодат вақтида Раббий мендан сўради: “Ўғлим, Мен иноятни Ўз китобимда, Янги Аҳдда қандай тушунтираман?”

Мен, ўндан ортиқ китоблар муаллифи учун бу савол катта аҳамиятта эга. Сизларга тушунтириб беришимга ижозат беринг. Ҳар дафъа, ўз китобимда кўплаб одамларга нотаниш бўлган янги сўзни ишлатганимда, мен унинг асосий маъносини кўрсатиб ўтаман. Кейин бошқа, иккинчи даражали маъноларини кўрсатаман. Шунинг учун агар тажрибали муаллифнинг китобида янги сўз пайдо бўлса, бу сўз асосий аҳамиятга эга деб тахмин қиласман.

Худонинг саволига мен: “Билмайман”, – деб жавоб бердим.

Шу лаҳзада, иккиланмасдан мен Симфония китобини олдим ва Янги Аҳдда иноятнинг маъноси тушунтирилган саҳифаларни топдим. Мана, мен нимани топдим: “Унинг тўлиқлигидан бизларнинг хаммамиз иноят устига иноят олдик” (Юх. 1:16).

Дикқат қилинг, “иноят устига иноят”. Менинг Грецияда, Афинада яшайдиган дўстим бор. У ўша ерда туғилган, унинг она тили юонон тили, боз устига, у яна қадимги юонон тилини ўрганганд. Менда юонон тилига оид саволлар туғилганида, биринчи навбатда мен унга мурожаат қиласман. У менга, ҳаворий бу оятда Худо томонидан берилган “иноятнинг жуда ҳам бой тўқислиги” ҳакида хабар беришини айтди. Бошқача қилиб айтганда, ҳаворий Юҳанно, бизлардаги иноят фаолиятининг оқими, тўқислиги бизларга Исо Масихнинг тўлиқлигини беришига урғу берган! Сиз эшитдингизми? Исо Масихнинг Ўзининг тўлиқлиги! Бу менга кўп нарсалар, айниқса, табиат, қобилият ва куч ҳакида сўзлайди.

Келинг, бу таъкиднинг салмоғига бир жуфт мисоллар билан урғу берамиз. Тахмин қилайлик, мен баскетбол ўйнаётган юқори синф ўқувчисига мурожаат қиласман. У асосий гурухга кирмайди, қарийб бутун ўйин давомида, ўйин тугашига икки дақиқа қолгунича, унинг гурухи аллақачон ёки йигирми очкога ютқазаётган, ёки ютаётган вақтигача у скамейкада ўтиради.

Мен уни четга тортиб: “Илм-фаннинг замонавий қашфиётлари ёрдамида, бизлар Леброн Жеймснинг тўлиқлигини сенга жойлаштиrimиз мумкин”, – дейман(Американинг энг зўр баскетболчиларидан бири).

Нима деб ўйлайсиз, у: “Албатта! Шундай қилинг! Мен бу учун нима қилишим керак?” – деб жавоб берган бўлар эдими?

Бизлар буни қилганимизданоқ нима содир бўлган бўлар эди, ўйлаб топинг. Ўсмир нафақат ўзининг мактаб гурухида юлдуз бўлган бўлар эди, яна ўз гурухига давлат чемпионатида голиб келишига ёрдам берган бўлар эди, университетда тўлиқ стипендияни олган бўлар эди, кейинчалик эса баскетбол миллий гурухида асосий янги ўйинчи бўлган бўлар эди.

Ёки тасаввур қилайлик, мен иши ёмон кетаётган тижоратчига мурожаат қиласман ва дейман: “Замонавий, илмий усууллар ёрдамида бизлар Доналд Трампнинг, Стив Жобнинг ва Бил Гейтснинг ҳаммасининг тўлиқ қобилиятини қўшиб сизнинг ичингизга жойлаштиришими мумкин”.

Нима деб ўйлайсиз, у нима деб жавоб берган бўлар эди? “Албатта, шундай қилинглар!” – деб, тижоратчи қувонч билан қичқирган бўлар эди. Бу одамларнинг тўлиқ қобилияtlарини олиб, у нима қилган бўлар эди? У илгари ҳатто тасаввур қилмаган ўз пулларини қайси соҳага қўйиши лозимлиги варианtlари ҳақида ўйлай бошланган бўлар эди ва жуда бой одам бўлган бўлар эди.

Иноят эса бизларга Леброн Жеймснинг, Стив Жобнинг, Доналд Трапмнинг, Билл Гейтснинг, Алберт Эйнштейннинг, Иоганн Себастян Бахнинг, Рожер Федерернинг ёки тарихдаги бошқа эркакларнинг ёки аёлларнинг тўлиқлигини бермайди. У бизларга Исо Масихнинг Ўзининг тўлиқлигини беради! Сиз бу салмоқни тушунасизми?

Балки сиз ҳайратланарсиз, лекин Янги Ахдда Худо иноятни бепул инъом, нажот ёки гуноҳларнинг кечирилиши деб таништирилади! Сизларга тушунтиришимга ижозат беринг. Бу ҳайратга солувчи шафқатлар учун мен абадий миннатдорман, лекин улар ҳақида Янги Ахдда кейинроқ айтилади. Олдин Худо иноятни Исо Масихнинг тўлиқлиги билан тақдирлаш, деб очади, бошқача қилиб айтганда, гап Унинг табиати ва кучига эга бўлиш ҳақида бормокда! Мана нима учун Юҳанно дадиллик билан таъкидламоқда: “Бу дунёда Исо Масих қандай харакат килган бўлса, бизлар ҳам шундай харакат қиласиз”(1-Юх.4:17, янги ўзб. таржима).

Сиз қачондир хизматчининг: “Бизлар худди бошқалар каби гуноҳкорлармиз, факат кечирилганмиз” ёки: “Бизлар ҳеч нимага арзимайдиган чувалчанглармиз”, “Бизлар гуноҳкор табиатли, гуноҳга боғланган одамлармиз”, – деганини эшитганимисиз? Муқаддас Ёзувни ўқидиган одам қандай қилиб бундай сўзларни айтиши мумкин? Хатто дунё ҳам бундан яхшироқ таълим беради.

Сизлар қачондир шер олмахонни тукқанини кўрганмисиз? Инглиз тоза қонли оти чувалчанг тукқанини кўрганмисиз? Ёзув эса “бизлар Унинг суюгидан суяк, этидан эт” дейди(Эф.5:30га қаранг). “Севгандарим, биз энди Худонинг фарзандларимиз...”, – деб ёзилган(1-Юх.3:2). Кейин, бизлар самога келганимиздан кейин эмас, балки ҳозир бизлар Худонинг ўғиллари ва қизларимиз. Қандай қилиб Худо арзимас чувалчангни дунёга келтириши мумкин? Бизлар Худодан туғилганмиз, бизнинг ичимизда Унинг уруғи, Унинг илохий табиати мавжуд. У қанақа бўлса, бизлар ҳам бу дунёда шунақамиз! Кейинги ҳаётимизда эмас, ҳозир, шу заминда шунақамиз!

Петьорнинг сўзларига яна бир бора назар ташлаймиз:

“...иноят... кўпайсин. Унинг илохий куч-қудратидан(иноятидан)... бизнинг ҳаётимиз ва диёнатимиз учун зарур бўлган ҳамма нарса бизга ато қилинди” (2 Пет. 1:2,3).

Кучга келганда, иноят инъоми – бу факат нажот вақтида амалга ошадиган бир марталик харакат эмас. Бу – бизларга доимо керак бўлган нарсадир, бизларга иноятнинг кўпайиши керак. Шунинг учун ёзилган: “Шундай экан,...ўз вақтида ёрдам олишга иноят топишими

учун иноят тахтига жасорат билан яқынлашайлик” (Ибр. 4:16). Бизларнинг бакларимиз учун зарур бўлган ёқилғи мана шудир!

Энди, Ёкуб имонлиларни худбинона, зинокорларча ҳаёт тарзида фош қилганидан сўнг уларга нима дейишига қулоқ солинг:

“Зинокорлар ва фоҳишалар! Дунё билан дўстлик сизларни Худонинг душмани қилишини ахир сизлар билмайсизларми?... Лекин У янада кўпроқ иноят беради, токи бизлар бу ёвуз истакларга қарши турайлик... шунинг учун Худонинг қаршисида бўйсуннинглар” (Ёкуб 4:4, 6, NLT, инг. тилидан таржима).

Бу сўзларни дикқат билан ўқиб чиқинг: Худбинона истакларга “карши туриш учун У янада кўпроқ иноят беради”. Муқаддас Ёзувнинг кенгайтирилган таржимаси: “У бизларга кўпроқ ва янада кўпроқ иноят беради”, – дейди(инг. тилидан таржима). Бу бепул куч бизларни илгари бизларда бўлмаган қобилият, муқаддас ҳаёт билан яшаш қобилияти билан таъминлайди.

Бу – Худонинг Сўзига ишониб ўзини бўйсундирадиганларга, борлиғига Унинг илоҳий табиати кучини симирадиганларга тарқаладиган иноятдир. Мағрурлар ўз қобилиятларига таянадилар, бўйсунувчанлар Худонинг кучига боғлиқдирлар. Довуднинг катта акаси Элиоб, Худонинг кучига боғлиқ бўлмаган ва баҳайбат Голиётни ўз кучида учратган мағрур одам эди(1-Шоҳ,16,17га қаранг). Довуд Голиётга қарши жанг қилишга Худонинг кучи билан чиққан бўйсунувчан одам эди. Бу иккала вазиятнинг натижаси қандай бўлганини бизлар биламиз.

Исо Масих Ўз намунаси билан Худонинг иноятига боғлиқлигини кўрсатди. Гетсимания боғида У кучли жанг ичра эди. Отаси сўраган нарсани Унинг танаси четлаб ўтишни истар эди, лекин ҳали шогирдлари ухлаб ётган пайтда У Ўзини ибодатда бўйсунтирди. У ўзини севишишга қарши энг буюк жангда ғалаба қозониш учун ёрдам(ёқилғи) сўради. Бу эҳтиёж даври эди ва У куч берадиган иноятни олиш учун Отага дадиллик билан мурожаат қилди ва ўша жангда ғалаба қозонди. Шогирдлар бундай қила олмадилар, гарчи Исо Масих уларни огоҳлантирган бўлса ҳам: “...руҳ тетик, тана эса заифдир” (Мт. 26:41).

Менинг коптот ўйинигача майсани қирқишим керак бўлганлиги ҳақидаги ҳикоямда, майсақирқиҷни ҳам, бензинни ҳам сотиб

олмадим, уларга арзимас ҳам эдим. Уни ҳам, буни ҳам менга отам берди. Майсақирққични бизнинг янги табиатимизга ўхшатса бўлади, уни бир бора оламиз. Майсақирққичим бўлгани шарофати билан мен майсаларни кирқа олдим. Бензинни иноятнинг кучи билан таққосласа бўлади. У бир марталик инъом эмас, у менга доим, мен майсани қирқишим керак бўлганида керак.

Бизлар нажот топганимизда иноят бизларга Унинг табиатини берди, лекин бизлар Исо Масих каби яшай олишимиз учун бизнинг табиатимизга куч ато қилишга қодир бўлган кўп ва яна кўп иноят керак.

### **Қандай ҳаракат қилиш керак ва қандай қилиш керак эмас**

Келинглар, Повулнинг Эфесликларга мактубидаги сўзларни яна бир бора ўқиймиз. Бизнинг музокарамиздан сўнг улар янада кўпроқ маънога эга бўлади.

“Раббийнинг ҳокимиияти билан мен айтаман: фикрлари бўш бўлган мажусийлар каби яшашни бас қилинглар. Ҳар қанақа сез-гирликни йўқотиб, улар очкўзлик билан ҳар қандай нопоклика ботиб, бузукликка бериладилар... Худонинг суратида яратилган, ҳақиқатан ҳақ ва муқаддас янги табиатингизни кийинглар” (Эф. 4:17,19,24, NLT, инг. тилидан таржима).

Гуноҳкорлар ва имонлиларнинг орасида, нафакат имонимиз соҳасида, балки шунингдек, ҳаёт тарзида ҳам аниқ фарқ бўлиши лозим, чунки бизнинг янги табиатимиз бор, фақат уни кийиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, бизлар иноятнинг кучига ишониб ва унга итоат қилиб, ўзимизни бўйсундиришимиз керак. Келинг, бир мисолни кўриб чиқамиз. Отам менга майсақирққични берди, лекин мен унга бензин қўйиб, уни ўт олдириб, ишлата бошлагунимча ундан ҳеч қанақа фойда йўқ эди. Янги табиатни кийиниши дегани мана шуни билдиради. Ундан фойдаланиш керак!

Повул бунинг маъносини бизларга амалда тушунтиришда давом этади:

“Ҳар бирингиз ёлғонни қолдириб, ўз якинингизга ҳақиқатни сўзланглар, чунки бизларнинг ҳаммамиз бир тананинг аъзоларимиз. “Ғазабингизда гуноҳ қилманглар”, сизларнинг ғаза-

бингиз күёш ботгунича ўтиб кетсин; ҳаётингизда иблисга ўрин берманглар. Илгари ким ўғирлик қилган бўлса, энди ўғирлик қилмасин; аксинча, меҳнат қилиб, яшаш учун ўз қўли билан пул топсин ва мухтожлар билан бўлишсин. Оғзингиздан ҳеч қандай ярамас сўз чикмасин, балки барпо қилишга фойдали бўлган ва эшитувчиларга иноят бағишлайдиган яхши сўзлар чиқсин (Эф. 4:25-29, янги ўзб. таржима).

Мен баъзиларнинг: “Эски Аҳд буни қилгин, буни қилмагин, деган насиҳатларга тўла, Янги Аҳдда эса фақат иноят”, – деганларини эшитаман. Конференцияларда ва жамоатларда ҳозир: “Худонинг инояти бизларни амрлардан озод қилди”, – деб ўқитмоқдалар ва кўплаб одамлар бунга қаттиқ ишона бошладилар. Лекин Исо Масих фақатгина Унинг амрларига кулоқ соладиган ва риоя қиладиган одамларгина Унинг хузури намоён бўлишини кўришини айтган. Бу устозлар одамларга озодлик бераяпман, деб ўйлайдилар, аслида эса улар одамларни Худонинг хузурига олиб келадиган нарсадан олиб кетмоқдалар. Бу юракни парчалайди.

Исо Масих бизларга амрлар бермоқда, бунга қарши баҳслаша олмаймиз. У бизларга деди: “Шундай экан, боринглар ва барча халқлардан шогирд орттиринглар. Мен сизларга буюрган барча нарсаларга риоя қилишини ўргатинглар” (Мт. 28:19,29). У: “Мен сизларга таклиф қилган нарсаларни...”, – деган эмас.

Бизнинг вақтимизда кўп одамларга Унинг суверенлик ҳақида сўзлайдиган сўзлари ёқади, лекин бу одамлар Унинг художўй яшашни буюрадиган сўзларига енгилтаклиқ билан қарашади. Худо ҳақиқатан суверен, лекин бизлар одам эга бўлган танлов хукуқини англамасак, Унинг художўй ҳаёт ҳақидаги амрларини таклиф деб қабул қилиш хавфига эгамиз.

## Амрлар

Ҳаворийлар бизларга Исо Масиҳнинг амрларини етказдилар. Юҳаннонинг сўзларини эслайлик: “Агар биз Унинг амрларига риоя қилсан, шундан уни таниб билганимизни биламиз” (1 Юх. 2:3). Кейин у дейди: “Худони севиши – Унинг амрларига риоя қилиш демакдир. Унинг амрлари эса оғир эмас” (1 Юх. 5:3).

Повул ёзади: “Чунки биз Раббий Исодан сизларга қандай амрларни берганимизни биласизлар” (1 Сал. 4:2). Кейинроқ у айтмоқда: “Худо сизларнинг муқаддас бўлишингизни истайди” (1 Сал. 4:3, янги ўзб.таржима). Муқаддас яшаш учун бизлар Исо Масихнинг амрларига риоя қилишимиз керак.

Петьор бизларга мутлақ аниқ амрни бермоқда – бу муқаддас яшаш. У фожеавий воқеликни, охирги кунларда одамлар имондан қайтишини кўрсатмоқда. У ёзмоқдаки, “уларга муқаддас яшаш хақида берилган амрни улар рад қиласидилар” (2 Пет. 2:21, NLT, инг. тилидан таржима). Янги Аҳдда нафакат амрлар, балки “муқаддас яшаш” хақида аниқ буйруқлар берилган.

Агар бизлар ҳаворий Повулнинг Эфесликларга мактубидаги (4:25-29) сўзларини диққат билан қарасак, бизлар муқаддас ҳаёт хақидаги тўғридан-тўғри буйруқларни кўрамиз:

Ёлғон сўзламанглар.

Ғазабда гуноҳ қилманглар.

Ўғирлик қилманглар.

Ёмон ва ҳақорат қилувчи сўзларни айтманглар.

Янги Аҳдда таъқиқлар йўқ деб, ростдан айта оламизми?

Юқоридаги кўрсатмалар аниқ тақиқ бўлиб жарангламоқда. Сиз бундай ҳисобламайсизми?

Болалигимда отам менга: “Ўғлим, олдин иккала томонга қарамасдан, йўлга коптокнинг ортидан югуриб чиқма”, –дер эди. Бу отамнинг тақиқи эди, лекин бу мени койиш ёки жазолаш учун эмас эди. У мени асраш учун, мен машина остига кириб кетмаслигим учун ва узоқ яшашим учун менга шундай буйруқ берган эди.

Бизлар узоқ, тўлақонли ва маҳсулдор яшай олишимиз учун Худо бизларга нималарни қилмаслигимиз кераклигини айтмоқда. Лекин боз устига, бизларда илохий табиат ва ёқилги – амрларни бажариш учун иноят бор.

### Ёлғон гапиришни бас қилинг

Келинг, юқорида санаб ўтилган тақиқларнинг ҳар бирини кўриб чиқамиз.

Ўз хизматим мобайнида мен масиҳийлар орасидаги ёлғоннинг қайгули ва аччиқ натижаларини эшитмоқдаман ва қўрмоқдаман.

Яқин орада, мен ўн беш нафар тадбиркорни Мачу Пикчуга инкилар йўлакчаси бўйлаб 4кунлик сафарга олиб бордим. Бизлар хизматдан ва енгил бўлмаган меҳнатдан ва булардан кўпроқ нарсалардан дам олиб, ажойиб манзаралардан лаззатланиб, зўр вакт ўтказдик.

Сафарда, мен тадбиркорларнинг хар бири билан бир неча соат вақтни бирга ўтказиб, уларнинг ўз молларини сотиш ёки шартнома тузиш учун алдаган тадбиркор-масиҳийлар билан ишлашлари тажрибасидан тез-тез қайтарилиб турадиган воқеаларни эшидим. Имон бўйича биродарлар билан ишдаги қуруқ ваъдалар ва бажарилмаган мажбуриятлар мустасно бўлишдан кўра, кўпроқ одатий ҳол эди. Менга масиҳийлар паст сифатли материалларни ишлатишларини, қонунларни бузишларини, мажбуриятларини бажармасликларини, сифати паст хизмат таклиф қилишларини, кафолат муддатига риоя қилмасликларини айтиб бердилар.

Бу эркаклардан бири, менга курилишлар билан шуғулланадиган бир ўрточининг ҳикоясини айтиб берди. Уларнинг иккаловла-ри бир қишлоқда уйлар куришган. Бу “биродар” бегона далаларда, шу жумладан, мен билан бирга сафарда бўлган одамнинг даласида чуқурлар қазиб, курилиш чиқиндиларини шу ерга олиб келиб тўккан. Сўнгра у ҳеч нима кўринмаслиги учун одатда, изларни йўқотган, чунки курилиш чиқиндиларининг стандарт утилизацияси учун ҳақини тўлашни истамаган. Ўша сафарда, бундан-да таъсирили ҳикоялар ҳам эшидим, лекин шуниси менинг хотирамда қаттиқ муҳрланиб қолди, чунки ўша “биродар” райондаги хушхабар жамоатларининг бирида ҳамду –сано гуруҳи етакчиси эди.

Нафакат бозор бизнеси соҳасида, балки хокимиятда, таълим олиш соҳасида, тиббиётда, хизматда, шунингдек, оиласларда ва дўстлар даврасида ҳам алдашади. Бизлар юзимиз билан ерга қулашдан кўркиб, ўз обрў-иззатимизни яхши сақлашга, ўзимизни истаган мансабимизга кўтаришга ёки исталган хотимага яқинлаштиришга ҳаракат қилиб яшаймиз. Ёлғон мафтункор: Худога ишониш керак бўлган нарсаларни олиш жараёнини у тезлаштириши мумкин.

Аслида одамлар учун ибодат қилмасак-да, нақадар кўп марта бизлар одамларга, улар ҳақида ибодат қилаётганимизни айтамиз? Бизлар болаларимизга нималарнидир ваъда берамиз, лекин ваъдамизни бажармаймиз. Бизлар учрашувларни бекор қиласиз ва

одамга ҳатто сўз берганимиздан сўнг нимадир қилишни рад қила-  
миз. Бизлар ўзимизнида туриш учун бўрттириб гапирамиз. Бу-  
ларнинг ҳаммаси бошқаларга зарап келтирувчи ёлғондир.

Сизга муҳим нарсани кўрсатишингма ижозат беринг: Исо Ма-  
сихнинг амрларини бажаришнинг устунлиги – Унинг ҳузурининг  
ваъда қилишидир. Саночи бу ҳақиқатни қўйидаги савол билан тас-  
диклади: “Ё, Раббий! Ким Сенинг чодирингда тура олади?...” (Сан.  
14:1). Сўнгра у жавоб беради: “ҳатто ўзининг зарарига бўлса ҳам  
ким қасамида турса” (4-оят, янги ўзб.таржима). Муқаддас Ёзувда,  
The Message инглизча таржимасида: “Ҳатто ўз зарарингга бўлса  
ҳам, ўз сўзингда тургин”, – дейилади.

Агар Повулнинг Эфесликларга, алдамасликларини буюриб қил-  
ган мурожаати бизларга етарли бўлмаса, келинглар, Ёқубнинг сўз-  
ларига мурожаат қиласми: “Ҳақиқатни мақтанчоқлик ва ёлғон билан  
қопламанглар” (3:14, NLT, инг. тилидан таржима). Шунга ўхшаган  
амрни Повул Колосаликларга ҳам берган: “Бир-бирингизга ёлғон га-  
пирманглар” (3:9). Шунчаки тасаввур қилинг! Повул, ўша бизларга  
иноят ҳақида буюк ваҳийлар бериш учун Худо ишлатган одам, биз-  
ларга ниманидир қилмаслик амрини ҳам берди. Агар Янги Аҳдаги  
Повул ҳамда бошқа ҳаворийларнинг шу мавзуда айтган кўплаб сўз-  
ларига урғу берсак, бизлар уларни иноятга қарши борища айблаши-  
миз мумкин эди, гарчи аслида бундай бўлмаса ҳам.

Агар бор сухбатимиз бизларни қоплаб турган иноят атрофи-  
да айланса ва имонлиларга у қандай кучга эга эканлиги айтилма-  
са, мен агар шубҳасиз шундай жамоатга келамизки, шахсий фой-  
далари ва истаклари учун ҳар қандай хулқ-атвор оқланади, десам  
хато қилмаган бўламан. Агар иноят бизларга муқаддасликсиз ҳам  
берилаверади, деган бир томонлама таълимот ўргатилса, иноят-  
ни олишнинг иложи борми? Ахир Ёзув бизларга виждонимизнинг  
овозини рад қилишни ўргатадими?

### **Ғазаб сизни бошқаришига йўл қўйманг**

Рўйхатдаги кейинги пункт: ўз ғазабингизда гуноҳ қилманг. Мен  
серғазаб турмуш ўртоғи билан яшашга мажбур эркак ва аёлларнинг  
юзларини тасаввур қиламан. Ўзларини имонли деб атайдиган бу

одамлар газабланганларида, уйни қандай даҳшат қоплаши ҳакидағи ҳикояларни эшитганиман.

Ота-оналарнинг ғазабидан азоб тортаётган, калтакларга ва қўпол муносабатга маҳкум болалар ҳақида нима деймиз? Мол-мулкнинг шикастланиши ва тана жароҳатлари ғазаб ўти натижасига айланади. Қурбонлар бундай одамнинг навбатдаги ҳиссий портлаши қаршисида қўрқувда яшашади. Ғазаб оиласидаги мухитни бузади, у осойишта соҳил бўлмай қолади. Якшанба куни жамоатда оила ўзини ҳаммаси жойида бўлгандек кўрсатиши мумкин, лекин бу шунчаки ташки қиёфа. Афсуски, бизлар бу амрга ёки эътиборсизлик билан қараймиз, ёки уни мутлақ рад этамиз.

Бу оят ғазаб ҳақида айтилган ягона оят эмас. Янги Аҳд мактубларида бошқа эслатмалар ҳам бор. Повул янада дангал ёзади: “Қалбингиздаги ҳар қандан аччиликдан, ғазаб, қаҳр, қичқириқ, ёмонлаш ва ҳар қанақа адоваратдан кутулинглар”(Эф. 4:31, янги ўзб. таржима). Ёкуб бизларга амр қилади: “Сизларнинг ҳаммангиз ғазабга секин бўлишингиз керак... Одамнинг ғазаби Худо истаган ҳақлиқни келтириб чиқармайди” (Ёкуб 1:19,20, NLT, инг. тилидан таржима). Колосаликларга мактубда Повул яна ёзади: “Ғазабдан, қаҳрдан, адоваратдан кутулиш вақти келди” (3:8, янги ўзб. таржима).

Келинг, яна ўзимизга савол берамиз: Ҳақиқатан ҳам бу тақиқларнинг ҳаммаси Худонинг инояти ҳақида ваҳий олган одамлар томонидан берилганми? Бизлар ҳеч нарсани ўтказиб юбормадикми?

### Ўғирламанглар

Ўғирлашни бас қилинг. Нақадар тез-тез бизлар кимдандир пул оламизу, уни қайтариб бермаймиз? Нақадар тез-тез бизлар чексиз қарзга тушиб қоламиз? Бизлар Худонинг баракалари бир куни бизларни қувиб етишига ишонамиз, шунинг учун доноликни рад қилишда давом этамиз ва қарзларда янада кўпроқ ўралашиб қоламиз. Ахийри, биз ўйлаймизки, ҳамма вақт ҳам ўзимизни банкрот деб эълон қилишимиз мумкин ва шу билан, қайтариб беришимиз керак бўлган қарзлардан ўзимизни озод қилишимиз мумкин.

Нақадар тез-тез бизлар компаниянинг манбаларидан шахсий фойдамиизда фойдаланамиз? Бу бегона пулларни ўзлаштириш дейилади.

Бизлар комил ишпонч билан: “Мен Худонинг инояти билан најжот топган масиҳийман”, – деб эълон қиласиз, лекин бизлар Исо Масиҳнинг Ўз ҳаворийлари орқали берган амрларига итоат қиласиз.

Мен ҳамма хизмат йиғинларига қатнайдиган бир чўпон билан ишлаган эдим, у содир бўлаётган мўъжизаларни кўрган ва менга узоқ вақт рўза тутаётганида ибодат қилиши нақадар осонлиги ҳақида мақтанган эди. Аммо бутун ўша давр ичида у ўзига жамоатдан минг доллар олар эди. Ахийри, у қўлга тушди. Бу масиҳийлар қандай қилиб ўғирлик қилишлари ва ўз хулқ-атворларини оқлашлари мумкинлиги ҳақидаги биргина ҳикоядир.

Қайси биримиз маълум даромадимизни яшириб солиқ тўлашдан қочамиз? Унда бизлар Повулнинг яна бир: “Ўз солиқларингизни тўланглар”, – деган насиҳатини менсимаган бўламиз (Рим. 13:6га қаранг, NLT, инг. тилидан таржима). Бизлар ўз ўғирлигимизни фуқаровий бошлиқларимизнинг “ёмон иши” деб оқлаймиз. Лекин қачон икки ёмонлик яхшиликка олиб келмаслигини тушуниб оламиз?

### Ёмон ва ҳақорат қилувчи сўзларни айтманглар

Мукаддас Ёзувнинг кенгайтирилган таржимаси мана бундай амрни таклиф киласди: “Оғзингиздан (ҳеч қачон) ҳеч қандай бефойда, ҳеч қандай чирик ёки номаъкул сўз, ҳеч қандай ёмон ёки жирканч сўз чиқмасин” (Эф. 4:29, инг. тилидан таржима). Кўпинча, мен бошқа имонлилар томонидан оғзаки ҳақорат курбонлари бўлган, нимталовчи, хафа қилувчи сўзлардан чукур яралар олган одамларга хизмат қиласман. Уларнинг қалблари яраланган, энди шифо топишлари учун вақт керак.

Кўпинча, мен имонлилар орасида бефойда сухбатларни, ҳатто хизматчиларнинг ишхоналарида номаъкул ҳикояларни ва ҳазилларни эшитаман. Баъзилари аллақачон минбар ортидан ҳам норматив бўлмаган лексикани қўллайдилар.

Якин орада, мен ажойиб жамоатда хизмат қиласиган ёш жуфтлик билан бир столда ўтириб қолдим. Уларни бир халқаро хизмат жуда руҳлантиради, улар унга тақлид қилиш учун намуна деб қарашади. Бир куни шу ташкилотнинг машҳур бошлиқларидан бири

билин тушлик қилиш имконияти уларда пайдо бўлибди. Тушлик вақтида шу хизматчи бир неча марта шу қадар беадаб сўзларни ишлатибдики, ҳатто ойлар ўтиб, бу жуфтлик унинг хулқ-авторидан шок холатида эди.

### **Бизлар иноятни паст баҳолаймиз**

Нима бўлди? Наҳотки бизлар шу қадар “катта одам” бўлиб қолдикки, ўзимизнинг художўй хулқ-авторимизни ташлаб юбордик. Наҳотки бизлар замонавийроқ бўлиш учун ўз гувоҳлигимизни қурбон қилдик? “Бизлар онгимизда замонавий, ривожланган, илгарилаб кетган бўлишимиз керак”, деган ғояни юз фоиз қўллаб-қувватлайман, лекин бу Худонинг Сўзини четлаб ўтиш хисобига бўлиши керак эмас.

Биз ўзимизга шундай савол беришимиз керак: бизларга художўй юриш-туришни ўргатадиган насиҳатлар муҳимлигини ҳаворийлар тушунар эдилар, нима учун бизлар булар ҳакида гапирмаймиз? Наҳотки бизлар ҳаворийлардан аққлироқмиз? Наҳотки бизлар Исо Масиҳдан ақллироқмиз?

Душман Ҳаввани аврагани каби бизларни ҳам авраган бўлиши мумкинми? Фақат бизларни бошқачароқ авради. Яхшилик ва ёмонлик дараҳтидан ейиш мумкин эмаслиги ҳакидағи амрни Ҳавва яхши билар эди. Душман Худонинг сўзини тўғридан-тўғри инкор этиб, ўзини очиш хавфига борди. У ўзига хавфли вазифани олди.

Бизлар эса унга йўлни енгиллаштиридик. Бизларнинг ўзимиз, ўзимизга кулай бўлишини ўйлаб, Худонинг баъзи сўзларини олиб ташладик. Ёдда тутинг, Худо амр берган эди: «Раббий Худо инсонга шундай амр берди: “Богнинг ҳар бир дараҳтидан бемалол еявергин. Фақат яхшилик ва ёмонликни билиш дараҳтидан емагин...”» (Ибит. 2:16,17). Баъзи одамлар ҳозирги кунларда гўёки аниқ қарама-қаршисини айтадилар: “Сен боғдаги ҳамма дараҳтдан ейишинг мумкин”. Нуқта. Ҳикоя тугади. Улар: “Ема”, –амрини амрини ташлаб юборадилар, “-ма” юкламаси билан диёнатсиз хулқ-автор ҳатти-харакатлари тақиқланади.

Аслида, бизлар Худонинг иноятини паст баҳолаймиз. “У нажот беради ва кечирим беради, у Худонинг севгисининг бепул инъоми”, деб тўғри айтамиз. Аммо у бизнинг табиатимизни ўзгартиришини ва

бизларга олдиндагидек эмас, балки бошқача яшашимиз учун күч беришини бизлар айтмаймиз. Бизлар одамларга, энди уларда худосизларча юриш-туришни қолдириш учун күч борлигини айтишга журъат қилмаймиз. Бундай сукут натижасида, имонлилар художўйликка менсимасдан қарайдилар ва Худонинг ҳузурини йўқотадилар.

### **Бизларнинг ҳатти-ҳарақатларимиз мұхим**

Яқин кунларда, мен одатдагидек эрталаб Муқаддас Ёзувни ўқиётган эдим. Режа бўйича, мен бир неча саноларни ва Ибронийларга мактубдан бир лавҳани ўқишим керак эди. Мен саноларни ўқиб бўлдим ва Ибронийларга ўтмоқчи эдимки, бирданига Муқаддас Рухнинг: “Йўқ, Ибронийларга мактубни ўқимагин. Ваҳийни ўқигин”, – деганини ҳис қилдим.

Шу кундан бир неча ҳафта олдин мен Ваҳий китобини ўқиши бошлаган эдим, ўшанда ҳам Муқаддас Рухнинг бошқаруви билан эди. Мен илк икки бобларни ўқиган эдим, лекин афсуски, тан олишим керак, ўқишини давом эттиришга қизиқишим йўқолган эди. Кейинги куни мен ўзимнинг олдинги Муқаддас Ёзувни ўқиш режамга қайтган эдим. Энди, икки ҳафта ўтгач, мен келиб қолган жойимга: учинчи бобга қайтмоқдаман. Унда Исо Масих Сардисдаги жамоатга мурожаат қилмоқда:

“Сенинг ишларингни биламан: сен «тирик» деган номга эгасан, аслида ўликсан” (Вах. 3:1).

Биринчидан, Исо Масих нима деганига эътибор беринг: “Сенинг ишларингни биламан”. У: “Мен сенинг имонингни биламан” ёки “сенинг ниятларингни биламан”, деяётган эмас. Бошқа таржимада, бу шундай жаранглайди: “Сен нималар қилаётганингнинг ҳаммасини биламан”. У жамоатнинг ҳақлиқ ҳолатини назарда тутмаётгани аниқ, лекин У жамоатнинг ташки мукаддаслиги ҳақида: унинг ишлари, хулқ-атвори, қарорлари ва бошқалар ҳақида сўзламоқда.

У бу жамоат ҳақида тирик жамоат деган номга эга бўлган жамоат сифатида гапирмоқда. Нима бундай тасаввур келтириб чиқариши мумкин? Балки, ўсиш ва машхурлик, ёки ажойиб йифинлар

ҳамда зўр муҳитдир? Ёдда тутинг, бизлар ўзимиз англамаган ҳолда муҳитни Худонинг ҳузури деб қабул қилишимиз мумкин. Қандайдир машхур ижрочининг концертига келиб, сиз қўплаб одамларни, юқумли кўтаришни кайфиятни ва ажойиб кеча бўлишига катта умидни кўришингиз мумкин, лекин бу томошаларнинг ҳаммаси Худонинг юрагига маъкулми?

Жамоат тирикми ёки ўлики, фарқлаш учун қўйидаги муҳим саволни бериш керак: бизлар Исо Масихнинг сўзларига итоаткормизми ёки бизлар Унинг амрларидан йироқ дўстона жамоат қураяпмизми? Бундан ташқари, бизлар яна бир савол беришимиз керак: бизнинг юрагимизнинг ҳолатини кўрсатадиган ва хулиқ-авторда ўзгариш келтириб чиқарадиган ҳақиқатни эълон қиласайпмизми ёки бизлар ҳиссиётни қўзғатадиган ҳамда ақлий қобилиятни фаоллаштирадиган воизликлар сўзлаяпмизми?

Мазкур тўғридан-тўғри мурожаатдан сўнг Исо Масих демоқда:

“Уйғонгин! Ҳали бор бўлган ва ўлимга яқин қолган нарсаларни мустаҳкамлагин, чунки сенинг ишларинг Худойимнинг олдида мукаммал эканини топмаяпман” (2-оят, янги ўзб. таржима).

Исо Масих яна уларнинг эътиқодларига эмас, балки ишларига мурожаат қилмоқда. Юқорида айтилганидек, Янги Аҳддаги бу “ҳа” ва “йўқ”, бу амрлар бизларнинг ҳатти-ҳаракатларимизни кўрсатади. Исо Масихнинг сўзлари бўйича, бу жамоат мұқаддас ҳаётга ҳаракат қиласайпти. Сўнгра Исо Масих давом эттиради:

“Бошида эшишган ва ишонган нарсаларингни ёдга олгин; уни маҳкам ушлагин. Тавба қилгин ва яна Менга қайттин. Агар уйғонмасанг, Мен сенинг олдингга ўғри каби кутилмаганда кела-ман” (Вах. 3:3, NLT, инг. тилидан таржима).

Ёдда тутинг, Исо Масих Сардис шаҳрига эмас, жамоатга мурожаат қилмоқда. Лекин агар Унинг сўзлари фақаттина ўша тарихий жамоатга тегишли бўлганида эди, улар Муқаддас Ёзувга кирмаган бўлар эди. Агар улар Муқаддас Ёзувда бор бўлса, демак, улар ҳозирги кунда башорат аҳамиятига эгадир. Улар бугунги кунларда ҳам имонлиларга илк бора айтилганидек тегишлидир. Бу сўзлар бизлар-

га қаратилған, чунки Худонинг Сўзи тириқдир. Шунинг учун Исо Масихнинг мурожаатини мазкур матнда бериб ўтмоқдаман.

Бошида ишонган нарсаларимизга қайтишимизни Раббий бизлардан сўрамоқда. Бошқача қилиб айтганда, бизлар муқаддас хаётдан узоклашдик. Бизлар жамиятимиздаги имонсизлардан ҳеч нимаси билан фарқ қилмайдиган ҳаёт билан яшаш учун иноят таълимотини яратдик. Балки бу ёмон таълимот эмасдир, лекин Худонинг Сўзи шундай демоқдами?

Исо Масих жамоатга тавба қилишни ва Унинг сўзларига қайтишни буюрмоқда. Баъзи замонавий ўқитувчилар: “Агар одам масиҳий бўлган бўлса, у бошқа тавба қилиши шарт эмас, чунки унинг ўтмишдаги, хозирги ва келажакдаги барча гуноҳлари бирданига кечирилади”, деб айтадилар. Агар шундай бўлса, нима учун Исо Масих бизларга, Ўз жамоатига тавба қилишни ва Унга қайтишни буюрмоқда?

Агар кўплаб одамларни ўзига жалб қилувчи меъёрлаштирилмаган иноят таълимотига қарасак, кўрамизки, уларнинг кўпчилигини муқаддаслик ҳақидаги қонунчилик асосида бузилган таълимотлар остида улгайган етакчилар таклиф киладилар. Ҳа, кўплаб давраларда муқаддасликни тўғри тушунмайдилар, лекин бу масиҳий учун пойдеворий аҳамиятга эга бўлмай қолди, дегани эмас. Жамоатнинг бутун тарихи давомида, муқаддас ҳаёт кечиришга даъват – жамоатнинг умумий даъватида ва ҳар бир кишининг шахсий даъватида катта аҳамиятга эга. Бизлар ўзимизнинг пойдеворимизга – “бошида эшитган ва ишонган нарсаларимизга” қайтишимиз керак.

Кейин Исо Масих давом эттиради:

“Бироқ Сардисда ўз кийимларини булгамаган сенинг бир неча одаминг бор. Улар Мен билан бирга оқ кийимларда юрадилар, чунки улар бунга лойиқдирлар” (Вах. 3:4).

“Ўз кийимларини булгамаган” деган сўзга эътибор беринг. Қандай қилиб Худонинг хузурига киришимиз мумкинлиги ҳақида Повул нима деганини ёдга олайлик: “Шундай қилиб, севганларим, шундай ваъдаларга эга бўлиб, ўзимизни тананинг ва рухнинг ҳар қандай нопоклигидан тозалаб, Худонинг кўркувида муқаддасли-

гимизни камолотта етказайлик” (2 Кор. 7:1). Исо Масих муқаддас ҳаётта қайтиш даъвати ёрдамида жамоатнинг йўналишини тўғирламоқда, бетавфиқ ҳаёт тарзи билан тана ва рух кийимларини булғамасликка даъват этмоқда. Бу бизларни Унинг ҳузурига ҳам, Унинг қайтиб келишига ҳам тайёр ҳолда тутади, чунки кейинроқ У айтмоқда: “...ўз кийимини асрарётган ва бедор бўлган баҳтлидир!” (Вах. 16:15). Хотимада Исо Масих демокда:

“Фолиб келадиган оқ кийимларга бурканади, унинг исмени ҳаёт китобидан ўчирилганини эшитиш – бу ришиналари олдида эътироф этаман. Рух жамоатларга нима деяётганини кулоғи бор эшиксин” (Вах. 3:5,6).

Сенинг исминг ҳаёт китобидан ўчирилганини эшитиш – бу жиддий нарса. Лекин бунга қарамасдан, бу сўзлар тўғридан-тўғри Нажоткорнинг оғзидан жаранглади. Худонинг Руҳи ёзма Худонинг Сўзи орқали нима деяётганига кулоқ солишимиз ва диққат билан эътибор беришимиз, баъзан бу таъкидлар бизлар бошидан ишонган нарсаларга ёки бизларга ўргатилган нарсаларга тўғри келмаса-да, бу таъкидларга менсимасдан қарамаслигимиз жуда муҳимdir.

Худо бизларни ҳақ қилди, бизлар Масихдаги муқаддаслик холатини сотиб олиш учун ҳеч қачон, ҳеч нима қила олган бўлмас эдик. Лекин ҳақлиkkка мос ҳаёт тарзи ва муқаддас хулқ-автор, кўриниб турибидики, Худонинг назаридаги жуда муҳимdir.

Повул ёзади: “Чунки ҳамма инсонларга нажот берадиган Худонинг инояти зоҳир бўлди. Бу иноят эса шуни ўргатадики, биз Худосиз ҳаётни ва дунёвий ҳирсларни рад қилиб, бу дунёда фаросатли, ҳақ ва художўй ҳаёт кечиришимиз керак” (Тит. 2:11,12, янги ўзб. таржима). Бу аниқ кўрсатма. Нима учун бу ҳақиқат ҳақида бизлар саҳнадан қичқирмаймиз?

Келинглар, Худонинг илтифотини, кечиримини ва нажотини сошиб ола олмаслигимиз ҳақида таълим беришдан тўхтамаймиз. Келинглар, бу хушхабар ҳақида қичқирамиз. Лекин Унинг иноятини паст баҳолашни бас қиласлил. Келинглар, ҳақиқатни бутунлигича эълон қиласмиз!

## ЯХШИ ЁКИ ФОЙДАЛИ?

Сизлар: “Ҳамма нарса рухсат этилган”, – дейсизлар.

Лекин ҳамма нарса ҳам фойдали эмас.

— 1 Коринфликларга 10:23 (янги ўзб.таржима)

...Буткул муқаддасланиш – бу нафақат  
самога кўтарилишнинг зарур шарти, лекин...

у шунингдек, ерда, масиҳийлик ҳаётида  
энг юксак натижаларга етиш учун ҳам зарурдир.

— ДУГАН КЛАРК

**Т**ез-тез воизлик қилиб турадиган ва “берувчи” хизматчини, Худонинг бошқа эркак ва аёл хизматчиларининг воизликлари кўпроқ тетиклаштиради. Яқин орада, мен шундай имкониятдан лаззатландим. Воизлик қилувчи чўпон бизнинг давлатимизда яхши таниш хизматчи эди, у катта жамоатни бошқаради ва маҳаллий жамоатни ривожлантириш ҳақида жуда кучли таълим беради. Унинг воизлиги қизиқ, рухлантирувчи ва уйғотувчи эди. Минглаб тингловчиilar унинг ҳар бир сўзини илиб олишга ҳаракат қиласа эди.

Қайсиидир лаҳзада, у яхши, доно ва итоатлидек туюладиган, лекин унчалик тўғри бўлмаган жумлани айтди. У деди: “Мен ҳозир айтадиган сўз бирор салбий туюлиши мумкин. Одатда, мен бундай демайман, чунки мен одамларни воизликларимда фош қилмайман. Барча фош қилишларни мен Муқаддас Рухга қолдираман”.

Мен руҳимда тинчланишга ҳаракат қилдим, лекин тинчлана олмадим. Бундай сўзларни мен илгари, бошқа воизлардан ҳам эшигтан эдим. Мантиқ тўғридек туюлади, мени нима ташвишлантираётган бўлса? Сўнгра мен ҳаворий Повулнинг ёш шогирд Тимотий-

га айтган сўзлари ҳақида ўйладим. Хизмат йигинидан сўнг мен бу оятни топдим ва яна бир бора ўқидим:

“Сўзни воизлик қилгин, бу ишда қулай фурсатми, фурсат эмасми, саботли бўлгин, фош қилгин, тақиқлагин, бутун сабр-тоқат билан таълим бериб насиҳат қилгин” (2 Тим. 4:2).

Биринчидан, сизларга бу оятнинг контекстини айтиб беришига ижозат беринг. Повул бу хатни ёзган пайтда, Тимотий Эфесдаги катта жамоатнинг чўпони эди. Бу бобда, Янги Аҳдда ёзилган ва нафақат унинг ёш шогирдига, балки бизларнинг барчамизга йўналтирилган ҳаворий Повулнинг сўнгги сўзлари жамлангандир. Мен ўйлайманки, у айтиб улгурадиган сўзлардан бу охиргиси эканини у хис қилган, шунинг учун мавзуу ва сўзларни дикқат билан танлаган.

Повул ўзининг “фош қилгин, тақиқлагин, насиҳат қилгин”, деган сўзларида нимани назарда тутганини чуқурроқ билишга қарор килдим, шунинг учун шахсий изланиш ишимни бошладим. Олдин аникроқ бўлиши учун мен “Муқаддас Ёзувнинг кенгайтирилган таржимаси”ни очдим, лекин унда мазкур оятни ўқишимдан олдин, мен олдинги оятга дикқатимни қаратдим.

“...тиригу ўликларни хукм қиласидиган Раббий Исо Масихнинг ва Худонинг хузурида мен сенга қаттиқ ТАЙИНЛАЙМАН” (2 Тим. 4:1).

Тайинлайман сўзи тўлиқ катта ҳарфлар билан ёзилган, мен атайин уни шундай ёздим. Катта ҳарфлар бу ерда тасодифан эмас. Мен бир неча йиллардан бўён юонон тили бўйича мутахассис бўлмиш ўзимнинг дўстим Рик Реннерга мурожаат қилдим ва ундан бу аниқ нимани билдиришини сўрадим. У жавоб берди:

“ТАЙИНЛАЙМАН” – юонон тилида *diamarturomai*. Бу сўз одам ижтимоий лавозимни эгаллаганида қасам ичганида қўлланган. Уни маросимга қабул қилган одам барча худоларни гувоҳликка чакирган(содир бўлаётган воқеанинг катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб) ва у ўз ишини масъулият билан амалга оширини ва худолар уни кузатиб турганини ёдда тутишини “тайинлаган”. Тимотийга мактубнинг контекстидаги айтади(парафраза): “Мен сенга айтмоқчи бўлган гапларни қабул қилганингда, мен Худони гувоҳликка чақираманки...” Бу Тимо-

тийни эшигтан нарсаларига жиддий қарашга огохлантирадиган гайритабиий тантанавор сўз эди, чунки Худонинг ўзи қараб турибди ва қулоқ солмокда, мана, нима учун бу оятнинг қолган қисми ҳукм ҳақида сўзлайди... Повул айтмоқчи бўлган гапининг жиддийлигини Тимотий тушунишини истаган эди. Юонча сўз “тайинлайман” эшигувчига салмоқли масъулият юклар эди.

Повул ёш чўпон Тимотийга ва бизларга нисбатан жуда жиддий эди, унинг амрини иккинчи даражали деб қабул қилмасликларига у ҳаракат қилар эди. Рик айтганидек, Повул ўзининг илтимосини Худо ва Исо Масихнинг хузурида тақдим қилди. Бошқача қилиб айтганда, Худо Тимотийни, шунингдек, бошқа ҳар бир хизматчини, агар улар қуидагича жаранглайдиган ушбу ваколатни бажармаса ҳукм қилади:

“Сўзни эълон қилгин ва воизлик қилгин! Бу ишда қулай фурсатми, фурсат эмасми, тезкорлик хиссини сақлагин(ёнида бўл, тайёр бўлгин). (Қулай бўлгандা ҳам, бўлмагандা ҳам, кутганларида ҳам, кутмаганларида ҳам, сен Сўзнинг воизи сифатида одамлар қайси соҳаларда нотўғри яшаётгандарини кўрсатишинг керак) (2 Тим. 4:2, инг. тилидан кенг. таржима).

Хушхабар хизматчиси “одамлар қайси соҳаларда нотўғри яшаётгандарини кўрсатиши керак” ва ундан чекинмаслиги керак!

Мен бирдан чўпоннинг сўzlари ҳақида ўйладим: “Бу сўзлар менга нотўғри туюлгани ҳайратланарли эмас”. Ҳаммаси яхшидек туюлар эди, лекин рост эмас эди.

Билиб ёки билмасдан у яхши нарсани Худодан устун қўйди. Бу чўпон масъулиятни Муқаддас Руҳга юклиди, лекин Повул аниқ айтмоқдаки, масъулият бизларда.

Яқин орада, бир жуда машҳур чўпон ўз хотини билан биргалиқда халқаро янгиликлар дастурида интервью берар эди. Мухбир жамиятдаги жинсий бузуқлик ҳақидаги савонни кўтарди ва улар: “Одамларга қандай яшашларини айтиш бизнинг ишимиз эмас”, – деб жавоб бердилар.

Бу жуфтлик одамларни яхши кўришини мен биламан. Улар гуноҳкорларнинг Хушхабарни эшитишларини ва Исо Масихга келаётгандарини кўришни истайдилар. Уларнинг буюк мақсадлари бор, агар ҳамма хизматчилар ўз даъватларига шундай иштиёқка эга бўлсалар

ажайиб бўлар эди. Барибир, бизлар Худонинг “одамлар қайси соҳаларда нотўғри яшаётганларини кўрсатиш”ни тайинлашини ўзгартира олмаймиз ва уни ўзимизнинг: “одамларга қандай яшашларини айтишимиз керак эмас”, деган яхши фалсафага алмаштира олмаймиз.

Ҳаворийлар шундай қилган эдиларми? Бир марта Повул нажот топмаган подшоҳга ўзининг стратегиясини кўрсатган эди:

“Шунинг учун, подшоҳ Агриппа, мен самовий ваҳийга итоат-сизлик қилмадим. Лекин аввал Дамашк ва Йерусалим аҳолисига, кейин бутун Яхудия юртига ва мажусийларга воизлик қилиб юрдим, токи улар тавба қилиб ва Худога ўтирилиб, тавбага лойик ишларни қилсанлар” (Ҳав. 26:19, 20).

Нажотга эришмаган одамга гуноҳларга тавба қилишини айтиш, қабул қилганидан сўнг эса тавбага лойик ишларни қилишини айтиш – мана шу уларга тўғридан-тўғри қандай яшаш кераклигини айтишдир. Афсуски, Повулнинг хушхабарга оид фалсафаси ва интервью берган ўша жуфтликнинг фалсафаси бир-бирига тўлиқ қарама-қаршидир. Бири Худодан, бошқаси – яхши.

Бошқа таникли етакчи ва унинг хотинига мурожаат қилиш имконияти туғилганида ҳам, Повул ўзининг ўша илохий стратегиясини қўллаш қарорини намойиш қилди.

У кўтарган масалаларда унинг тактикасига эътибор беринг:

“Бир неча кундан кейин, Феликс яхудий хотини Друсилья билан келиб, Повулни чақиритирди ва Исо Масихга имон ҳакида уни тинглади. Повул ҳақлик, ўзини тийиш ва келаётган ҳукм ҳакида сўзлагани учун Феликс кўркувга тушиб: “Энди боргин, вақт топганимда, сени яна чақирираман”, — деди” (Ҳав. 24:24,25).

Феликс Повулни чақиритирди, чунки у хотини билан бирга, Повулнинг абадий ҳаёт ҳакидаги хабари билан қизиқиб қолди. Бу нажотга келмаган жуфтлик билан сухбатда у тақалиб ўтган иккита муҳим мавзу — маънавий интизом ва келаётган ҳукм эди. Повулнинг сўзлари шу қадар кучли эдики, уларни ўзларини нокулай ҳис қилишга мажбур қилди. Қайси йўл билан бу бизнинг гуноҳкорларга замонавий хизмат қилиш тактикамизга тўғри келади? Жамоатнинг баъзи чўпонларининг асосий мақсади — кейинги якшанбада Худони

изловчиларни йўқотмаслик. Албатта, одамларни кейинги якшанба қуни жамоатга келишга ундаш керак, лекин бу асосий мақсад эмас. Повул одамларда кейинги йигинга келиш истагини уйғотишга ҳарарат қилас эди, у аввало ҳақиқатни гапиришга интилар эди.

Якин орада, мен бир ёш машхур чўпон воизлиқ қилган хизмат йигинида бўлдим. У Худонинг севгиси ҳақидаги воизлигини эълон қилиб, одамларга йўл солар эди. Қарийб минг киши шу воизни тинглаш учун катта бўлмаган зални тўлдиришди. Мухит ҳаяжонга тўла эди, одамлар зўр қизикиш билан бу ёш етакчининг воизлигини кутар эдилар. Унинг чиқиши олдидан, тингловчиларга икки марта, олдин мазкур етакчининг иш юритувчиси, сўнгра унинг ўзи барча тингловчилар фақат “Хушхабар”ни тинглашларини ва бу кеча бирорта “салбий” сўз айтилмаслигини эълон қилишди. “Хушхабар” барча “салбий” нарсаларга қарама-қарши нарса деб ифодаланилди. Аммо шундай ҳолатлар бўлади, Хушхабар энг бошидан салбийдек туюлади, айникса, бизнинг ҳаётимизга тўғирлашлар олиб кирса. Лекин бу тўғирлашлар ҳалокат йўлидан нажотга олиб келса, унга қандай қарамоқ лозим?

Сахнада мазкур чўпон тингловчилар билан нозик ҳазиллар ёрдамида алоқа ўрнатди, илк йигирма дақика давомида ҳазилларни сахийларча экди. Сўнгра Исо Масиҳнинг бизларга бўлган қайноқ севгиси ҳакида бўлишди. Бу юрақдан бўлган ва қўллаб-кувватлашга тўла воизлиқ эди. Сўнгра у нажот топиш имкониятини таклиф килди, лекин изловчиларга ўз ҳаётлари йўлини ўзгартиришлари, дунёга севгиларини ва Худога итоатсизликларини тарк этишлари кераклигини айтмади. У нажотни қабул қилиш учун мухим бўлган асосий шарт — гуноҳларга тавба қилиш ҳақида бирор оғиз сўз айтмади (Ибр. 6:1га қаранг). Ўша оқшом кўплар унинг нажот топишга чақирган даъватига ижобий жавоб бердилар.

Бу воизлининг Повулнинг подшоҳ Агриппага ёки Феликс билан Друсилага айтган воизлиги каби эдими? Улар Петъорнинг нажот топишни истайдиганларга кескин айтилган сўзларига тўғри келадими: “Шундай қилиб, гуноҳларингизга тавба қилинглар ва гуноҳларингиз ювилиши учун Худога мурожаат қилинглар” (Ҳав. 3:19, NLT, инг. тилидан таржима). Изловчилар ўша кечга ҳақиқатан нажот топиб кетдиларми?

## Чегарадан чиқышлар

Келинглар, яна бир бора савол бериб кўрамиз: нима учун бизлар буткул қарама-қарши томонга шу қадар осон эгилдик — нафратимизни қозонган қонунчиликдан шу қадар узоклашдикки, энди Хушхабарнинг асосий жойларини ташлаб ўтаяпмиз.

Бугунги кунлардаги етакчиларнинг кўпчилиги ҳозир жамоатнинг қаттиқўй отаси деб аталадиган одамлар томонидан тарбияланганнадир. Йигирманчи асрда бу оталар қарама –қаршиликка боришдан ва гуноҳни фош қилишдан кўркмас эдилар, улар бизларни муқаддас ҳаётга чорлар эдилар. У йилларда ҳозирдагидек жуда катта жамоатлар йўқ эди. Муқаддас Ёзувдан қаттиқ, фош қилувчи воизликлар кўпинча енгилтак изловчиларни жамоатдан кўнглини колдиради.

Бироз кейинроқ стратегик бурилиш содир бўлди ва баъзи етакчилар, агар факатгина ижобий, тетиклаштирувчи хабарларни воизлик қилинса, жамоатда анча кўпроқ одамларни йиғиш мумкин, деб қарор қилишди. Бизлар Муқаддас Ёзувдан фақат тетиклаштирувчи оятларни излаб топиб, фош қилиш ва тўғирлашни олиб ташладик. Бизлар одамларга уларнинг ҳаётида Худонинг Сўзига итоат йўқлигини айтишни бас қилдик. Бундай стратегияни бизлар йигирма биринчи асрда танладик. Шунга қарамасдан, Повул Тимотийга қандай насиҳат қилишни давом эттиришини ўқиб кўринг:

“(Сен сўзнинг воизи сифатида, одамларга қайси соҳаларда нотўғри яшаётганларини кўрсатгин). Уларни фош қилгин, тақиқлагин ва тўғирлагин, огохлантиргин, насиҳат қилгин ва рухлантиргин; чарчамасдан, хоримасдан, тўхтамасдан ва бардош билан таълим бергин (2 Тим. 4:2, инг. тилидан кенг. таржима).

Юон тилидаги учта муҳим сўзлар elegcho, epítímao ва parakaleo бу парчада куйидагиларни билдиради. Стронг луғати бўйича, elegcho — фош қилиш, камчиликлар ҳакида гапириш, таъна қилиш, тўғирлашни билдиради. Сўзларни ўрганиш тўлиқ луғатида(The Complete Word Study Dictionary) янада аниқроқ таъриф берилади: “Янги Аҳдда одамнинг ноҳақлигини фош қилиши ва исбот қилиш, шу билан уни уялтириш”. Зўр айтилган!

Иккинчи сўз eritimo — айблаш, таъна қилишни(тўғридан – тўғри) билдиради. Аниқ дангаллик! Учинчи сўз parakaleo — юпатиш, рухлантиришни билдиради. Одамнинг кайфиятини қўтариш ҳам муҳим.

Илк икки сўзларга диққатини қаратиб, Повул хизматчилардан фош қиласиган, таъна қиласиган, тўғирлайдиган, камчиликларини кўрсатадиган ва одамнинг ноҳақлигини исбот қиласиган номаларни воизлик қилишларини талаб қилган эди. Бу сўзларнинг маъносини аниқлаганимиздан кейин бизлар ғарбий жамоатларнинг хозирги бошлиқларининг дунёқарашидан шубҳаланишимиз керак. Ҳозирги кунлардаги стратегия — бу Худонинг донолигими ёки яхшилик донолигими? Конференциялардаги ва турли жамоатлардаги йигирма беш йиллик хизматим асносида, мен ростан айтишим мумкинки, бизлар яхшилик томонга оғдик.

Мен бу ҳақида сизларга бир талай ҳикоялар айтиб беришим мумкин, лекин биргинасини айтишимга ижозат беринг. Қўшма Штатларнинг шимолий-ғарбий томонидаги катта жамоатлардан бирида воизлик қилишимни мендан сўрашди. Мен бу жамоатнинг етакчиси ва унинг ишига тасанно айтаман, шунинг учун у билан, унинг хотини билан, унинг етакчилар гурухи билан ва жамоати билан учрашувни сабрсизлик билан кутдим.

Учрашувимизгача бир неча ҳафта олдин мен чўпондан электрон мактуб олдим. У ерда шундай дейилар эди: “Жон, бизлар сенинг келишингни ва бизнинг жамоатимизнинг ҳаётига айтиладиган сўзингни сабрсизлик билан кутаяпмиз. Ҳозир, сен воизликларни тайёрлаётганингда, мен ўйлайманки, бизнинг маданиятимиз ҳақида сенга бир жуфт сўз айтиш фойдали бўлади. Бизлар ижобий жамоатмиз, бизларнинг одамларимиз салбий воизликлар эшитишга ўрганмаган. Шунинг учун сен тингловчиларга мурожаат қилганингда, илтимос, шунга диққат қилгинки, сенинг воизликларинг қўтариинки кайфият бағишилаш руҳида бўлсин ва одамларнинг фикрини ижобий ўйлашга йўналтиrsин”.

Яна савол туғилади: Бу “донолик” Повул Тимотийдан талаб қилган нарсага нимаси билан тўғри келади? Солиштириш учун мен асл нусхада берилган “ижобий” феълларни ва ҳозирги кунларда “салбий” деб аташ қабул қилинган бошқа феълларни санаб ўтаман.

Ижобий: 1) parakaleo — юпатиш, рухлантириш;

Салбий: 1) elegcho — фош қилиш, камчиликлар ҳақида гапириш, таъна қилиш, тўғирлаш; одамнинг ноҳақлигини исботлаш;

2) epitimaо — айблаш, таъна қилишни(тўғридан – тўғри) билдиради.

Повул бизларга учта талабни кўймоқда. Улардан иккитаси “салбий” ҳисобланади ва фақат биттаси “ижобий”дир. Бошқача қилиб айтганда, 67фоиз “тўғирлашлар” ва 33фоиз “рухлантиришлар”. Мен бизларнинг воизликларимиз 67фоиз тўғирловчи бўлиши лозим, демоқчи эмасман. Лекин бизлар ҳақиқатан мувозанатни бузмаяпмизми, деган савонни ўзимизга беришимиз керак. Агар бизлар жамоатларимизда юз фоиз рухлантирувчи ва кўтаринкилик бағишлиловчи воизликларни воизлик қилмоқчи бўлсақ, натижада, бизларнинг олдимизга Худонинг иродасини бажаришларига ишончлари комил, аммо аслида, Худонинг хулиқ-авторидан ва Унинг хузуридан тобора йироқлашаётган одамлар келиши мумкин эмасми?

### Талабнинг маъноси

Ибронийларга мактубининг муаллифи шуни маълум қиласди:

“Ҳар қандай тарбия бизларга қувонч келтирувчидан кўра оғриқ етказувчи туюлади. Лекин жазолаш билан ўргатилгандар кейинчалик ҳақлик ва тинчлик ҳосилини ўрадилар” (Ибр. 12:11, янги ўзб. таржима).

Биз бу ерда иккита муҳим томонини кўрмоқдамиз. Биринчидан, жазо оғриқ келтиради! Рухлантириш оғриқ келтирмайди, таъна қилиш, тўғирлаш ва айблаш оғриқ келтиради. Иккинчидан, Ибронийларга мактубининг муаллифи ёзаётган жазо — бу мукаддас хаёт учун машғулотдир.

Бизлар ўзимизга савон беришимиз керак: Худо бизларни қандай қилиб машқ қилдиради? Повулнинг Тимотийга ёзган FFсўзларига қайтсак, бизлар ўқиймиз:

“Бутун Ёзув Худо томонидан рухлантирилган(Унинг рухлантириши остида берилган) ва ўргатиш, таъна қилиш ва гунохга фош қилиш учун, хатоларни тузатиш учун ва итоат қилишда

интизомга солиш учун, хақлика машигүлöt килиш(фикрларда, мақсадларда ва ҳатти-ҳаракатларда Худонинг иродаси билан муқаддас ҳаёт кечириш учун фойдалидир, токи Худонинг кишиси мукаммал ва тажрибали, шунингдек, ҳар қандай яхши иш учун тайёр ва пухталик билан таъминланган бўлсин. Худонинг ва тирик ҳамда ўликларни хукм қилиш учун келадиган Исо Масихнинг ҳузурида, Унинг келиши ва Унинг Шоҳлиги нурида мен сенга тайинлайман: Сўзни эълон қилгин ва воизлик қилгин!” (2 Тим. 3:16-4:2, инг. тилидан кенг. таржима).

Сиз бу сўзларни пайқадингизми: таъна қилиш, гуноҳда фош килиш, ҳатоларда тузатиш ва итоатда интизомга солиш? Ёзув бизларни муқаддас ҳаётга машқ қилдираётганига ва Повул Тимотийга ва бизларга сўзни воизлик қилишини тайинлаётганига эътибор қилдингизми? Буларнинг ҳаммасини бирлаштириб, биз унинг талабининг моҳиятини оламиз:

*Тимотий ва Хушхабарнинг ҳар бир бошқа хизматчиси, бу далил: илоҳий интизомга солиш оғрикли, лекин у бизларни муқаддас ҳаёт учун машқ қилдиради. Худо бу интизомга солишини(машқни) У томонидан руҳлантирилган Ёзув орқали ўтказади. Бу Ёзув шунингдек, Унинг номидан сўзлашга даъват қилинган эркаклар ва аёлларни керакли нарсалар билан таъминлайди. Шунинг учун Сўзни — Ёзувни воизлик қилгин. Чунки сен, Худонинг вакили сифатида, одамларга нима уларнинг ҳаётларида нотўғри эканини кўрсатишинг керак. Севги руҳи билан таъна қилиши учун, гуноҳни фош қилиши учун, насиҳат қилиши учун, тўғирилаши учун, итоат қилишига интизомга солиш учун ва руҳлантириши учун Ёзувни аниқ қўллаши шарофати билан бунга эришиши мумкин. Бу тингловчиларни муқаддас ҳаётга машқ қилдирши илоҳий жараёнидир (парафраз).*

Мен тушунаман, бу йигирма биринчи асрдаги жамоат маданиятига шу қадар қарама-қаршики, кўпларни шок ҳолатига солиб кўйиши мумкин. Лекин бизлар қанақа жамоатга эга бўлмоқчимиз: алданаётганми ёки кучлими? Қандай одамларни ривожлантирмокчимиз: алданганларними ёки соғломларними? Бу насиҳатлар бизларга, ўзимиз билмаган ҳолда Худонинг юрагидан узоқлашиб кет-маслигимиз учун берилган. Агар бизлар Исо Масих билан дадил юришни истасак, бизлар Ёзувда илдиз отишимиш керак. Замонавий маданиятни Янги Аҳднинг таълимоти билан яратшишнинг ило-

жи йўқ. Келинг, ўзгартириш киритамиз ва соғлом жамоат пайдо бўлишининг гувоҳи бўламиз!

### Исталганми ёки фойдалими?

Повул, Муқаддас Рухнинг ваҳийи орқали хизматчилар ва жамоат аъзолари бу насиҳатларни унтишиларини билди ва келажак қулашни башорат қилди:

“Чунки шундай вақт келадики, одамлар соғлом ва бутун таълимотни кўтара(чида) олмайдилар. Улар қулокларини(бирор ёқимли ва хушомад сўзлари билан) лаззатлантирадилар, улар фақат ўзлари эшитишни истайдиган сўзларнигина айтадиган ва уларнинг хатоларини аллалайдиган кўплаб ўқитувчиларни бирин-кетин таклиф қиласидилар” (2 Тим. 4:3, инг. тилидан кенг. таржима).

Шундай вақтларга хуш келибсиз! Келинг, ўзимизга савол берамиз: бизлар нимани кўпроқ истаймиз: руҳлантирувчи, кувончли, ижобий ва енгил воизликларними ёки огохлантиришлар, таъналар, тўғирлашлар, хатоларни тўғридан-тўғри кўрсатишлар ва фош қилишларними?

Ҳар бир одам, шу жумладан мен ҳам, унга енгил ва ёқимли сўзларни айтишини истар эди. Мен ижобий одамман, шунинг учун оптимиستик воизликлар томонидаман. Ҳар бир оддий одам менинг фикримга қўшилади.

Агар икки жамоат ёнма-ён жойлашган бўлса, улардан бирида, сиз аниқ биласиз, сиз доим гуноҳларингиз учун таъна эшиласиз, бошқасида эса, сизга доим қувончли, руҳлантирувчи сўз воизлик килишади, унда сиз, албатта, иккинчи жамоатга қатнай бошлайсиз. Айнан шуни Повул олдиндан айтган эди: одамлар Худонинг ўрнига яхши нарсани ташлашади. Лекин нима кўнгилга ёқади эмас, нима фойдали деб савол бериш тўғрироқ бўлар эди.

Келинг, росттўй бўламиз. Кўплаб одамлар бу икки турдаги воизликлар орасидаги муҳим танлов ҳақида эшитишни ҳам исташмайди. Лекин Стив исмли одамни тасаввур қиласиз, унга саратон касаллиги ташхиси қўйишиди. Ўсма илк ривожланиш босқичида ва уни жарроҳлик йўли билан олиб ташлашса бу хавфни тезда бартарапа этиши мумкин. Шифокор демоқда: “Бизлар ўсмани оддий жарроҳлик йўли орқали олиб ташлашимиз мумкин”.

Стив яна бир шифокорнинг фикрини эшитишни истайди. Бошқа шифокор тиббий текширувлар натижасига ва у тиббиёт факультети талабаси бўлганида олган йўрикномага эътибор бермайди. Унга шунчаки шифокор бўлиш ва одамларга ёрдам бериш ёқади. У Стивга: “Ҳаяжонланманг, ҳаммаси яхши бўлади, олдингиизда ажо-иб ҳаёт”, —дейди. Бу шифокор беморни қатъият билан ишонтиради: “Стив, сизнинг соғлиғингиз буткул яхши”.

Стив иккинчи шифокорнинг хонасини енгиллик билан тарк этади. У ўйлади: “Нақадар яхши шифокор. Мен ҳақимда шунчалик яхши гапирди. Мени шундай руҳлантириди”. Уни фақатгина соғлиғи ҳақида салбий гапларни айтган ва нокулайликлар, оғриқ туғдирадиган, моддий харажатларни талаб қиласидиган жарроҳликни таклиф қилган биринчи шифокорнинг сўзлари бироз хафа қиласиди. У Стивдан аҳволи жиддийлигини яширмади. У беморни руҳлантиришга ҳаракат қиласдан жуда аниқ сўзласди.

Иккинчи шифокорнинг фикрини эшитиб, Стив “хавотирга ўрин ўйқ”, деб ўйлади. Аммо икки йил ўтиб, Стив жиддий касал бўлиб қолди, унинг бир неча ҳафталик умри қолди, чунки кичкина ўсма унинг ҳаётига хавф соладиган даражада ўсиб кетган эди. У бир қанча ҳаёт учун муҳим аъзоларга тегиб қолди. Энди ҳеч қанақа муолажа Стивга ёрдам бера олмайди.

Икки йил олдин ижобий шифокорни тинглаш осонроқ эди. Лекин нима муҳимроқ эди: ҳақиқатми ёки хушомадми, тўғирловчи усулеми ёки ижобий сұхбатми? Гарчи бу ҳақиқат бўлмаса хам, Стивга: “Сен соғломсан”, — дейишди. Энди эса жуда кеч. У энди: “Қани эди, ўшанда ҳақиқатга кулоқ солсам эди”, — дейди.

Бизлар – ғарбий жамоатнинг етакчилари ва жамоат аъзолари айнан шундай руҳий ҳолатда бўлишимиз мумкинми?

Исройлнинг тарихида диний етакчилар фақатгина ижобий хизмат билан шугулланган вақтлар бўлган. Улар қарама-қаршиликлардан қочишиар ва фақатгина оптимистик сўзларни айтишиар эди. Худо қуидаги сўзларда ўз нуктаи-назарини очди: “Менинг ҳалқимнинг ярасини гўёки у оддий тирналиш каби даволайдилар. “Тинчлик, тинчлик”, – дейдилар, лекин тинчлик йўқ” (Йер. 8:11, янги ўзб. таржима).

Шуниси қизиқки, уларнинг сўзлари, аслида, Стивга иккинчи шифокор айтган сўзлардан ҳеч нимаси билан фарқ қиласди.

## “Менга унинг воизликлари ёқмайди!”

Ҳақиқатнинг тўғирлашини қабул қиласлик – дунёнинг ўзи каби эски муаммодир. Бир тарихий даврда, Исройлнинг подшохи бир ишни режалаштириди ва бу иш муваффақиятли бўладими, йўқми, сўраш учун юзлаб руҳий маслаҳатчиларни таклиф килди. Бу маслаҳатчиларга подшоҳга ҳақиқатни айтиш каби буюк имконият пайдо бўлди, лекин улар бирин-кетин: “Ҳа, сиз муваффақият қозонасиз”, – дейишди. Сўнгра унинг режасидан қанақа яхши натижага чиқишини унга айтиб беришди.

Яхудиянинг подшоҳи ҳам ўша жойда эди ва унинг юраги Худога талпинар эди. У ҳақиқатга ташна эди, шунинг учун уни фарқлай олар эди. Барча руҳий маслаҳатчилар бир гапни айтсалар ҳам, у Худонинг овозини эшитмади. Унинг сезгир юраги акс садо берадиган сўзни излашни давом эттиргди.

Ахийри, Яхудиянинг подшоҳи Исройлнинг бошлиғидан сўради: “Бу ерда аниқроқ айтадиган бошка маслаҳатчилар йўқми?” Исройлнинг подшоҳи жавоб берди: “Умуман олганда, яна бир одам бор. Лекин мен ундан нафртланаман. У ҳеч қачон менга яхши сўзларни воизлик қилмайди, фақатгина айбловлар”(1 Шоҳ. 22:8, The Message, инг. тилидан таржима). Шунга қарамасдан, ўзининг хукм суроётган дўстини тинчлантириш учун исройлнинг подшоҳи ўша “салбий” пайғамбарни подшоҳнинг маслаҳатхонасига олиб келишларини буорди.

Пайғамбарнинг исми Микаҳ эди. Уни топган подшоҳнинг вакили: “Қулоқ солгин, мана, барча пайғамбарларнинг сўзлари бир оғиздан подшоҳга муваффақиятни башорат қилмоқда. Илтимос, сенинг сўзинг ҳам уларнинг сўзи каби бўлсин, сен ҳам яхшиликни гапиргин”, – деди (1 Шоҳ. 22:13, янги ўзб. таржима).

Аммо Микаҳ деди: “Раббий тирик экани ҳақиқат бўлганидек, Раббий менга нима деса, шуни башорат қиласман”, – деди (1 Шоҳ. 22:14, янги ўзб. таржима). У тўғирловчи сўзни айтиб, айнан шундай қилди ва бу подшоҳни ғазаблантириди. Лекин натижада, иш поёнига етганида, подшоҳнинг ижобий маслаҳатчилари хато қилган ва фақат Микаҳ ҳақ бўлган бўлиб чиқди.

Хозирги кунларда Микаҳ, каби маслаҳатчилар ва хизматчилар борми? Нима учун бизларни ҳимоя қилишга қодир уларнинг фош килишларини ва огоҳлантиришларини бизлар кўпроқ эшитмаймиз? Нима учун бизларни муқаддасликка чорловчи уларнинг китоблари

оммабоп бўлмайди? Нима учун улар конференцияларда энг машхур нотиклар эмас? Нима учун YouTube да уларни кўпроқ кўрмайдилар?

Худо жамоатнинг бошлиqlарига ҳаворий Повул орқали аниқ кўрсатмалар берган, лекин бунга қарамасдан, бизлар умуман бошқа нарсаларни ўргатамиз. Бир куни, тушлик устида бир машхур чўпон менга деди: “Жон, агар бизнинг давлатимиздаги муваффақиятли жамоатларни бошқараётган чўпонларнинг кўпчилигига қарасанг, кўрасанки, улар умид, иноят ва руҳлантириш ҳақидаги но-маларни воизлик қиласидилар”. Унинг ёрдамчиларидан бири кўшиб қўйди: “Жон, балки сен иноят ҳақидаги таълимотинг йўналишини бошқатдан кўриб чиқиши истаб қоларсан”. Ўзгариш учун куч берадиган иноятни қабул қилиш унга қийин эди.

Бизларга ҳақиқатан умид ва руҳлантириш керак, лекин бундан ташқари, бизларга яна тўғирлаш, интизом ва фош қилиш ҳам керак. Повул Тимотийга айнан шуни тайинлаган эди. Нима учун ёки ҳаммаси, ёки хеч нарса бўлиши керак? Тебрангични қарама-қарши томонга итариш нима керак? Келинглар, Повул Тимотийга айтганларнинг ҳаммасини таклиф қиласиз.

### Асосий таркибий қисм

Сизларга яна бир мисол келтираман. Ишлатилган машиналарнинг айёр, эпчил сотувчиси сиз эшишишни истаган гапни сизга айтади. У жилмаяди, сиз билан ҳазиллашади, сиз нақадар ажойиб ва ақлли одам эканингизни, қобилиятлилигингиз учунгина кўрсатилган машиналардан энг яхшисини танлай олганингизни айтади.

Сиз ўйлайсиз: “А-ҳа. Мени ҳатто хотиним бу қадар мақтамайди!” Сизнинг хотинингиз сизга бундай сўзларни гапирмайди, чунки у сизни севади, бу сотувчи эса сизнинг пулларингизни олиш учун сизга тилёғламалик қилмоқда. Бу ерда бизлар бундай номаларда энг муҳим таркибий қисмни кўрамиз: севги. Масихнинг Танасидаги бизнинг воизликларимиз муҳаббатга шўнгиган бўлиши ва раҳмдил юрақдан чиқиши лозим.

Бир куни хизмат йиғинидан сўнг бир ёш киши менинг олдимга келди. У жилмайиб, деди: “Сиз каби мен ҳам башоратли сўзлашга ва жамоатга тўғирланиш олиб келишга даъват қилингандман”.

Унинг сўзининг оҳанги мени хижолатга солди. Мен хис қилдимки, у одамларнинг ҳаёти ҳақида астойдил ғамхўрлик қилишдан кўра кўпроқ одамларни койиш истаги билан бошқарилар эди.

Мен ундан: “Қандай қилиб, башоратли сўзлаш кераклигининг сирини билишни истайсизми?” – деб сўрадим. У муваффақиятли хизмат сирини кутиб юзи порлади. “Хар дафъа, сиз одамга тўғирлаш ёки чорлов сўзи айтмоқчи бўлганингизда, сиз бу одамни чек-сиз севишингиз керак”.

У менга ҳайрат билан қаради ва бироз сукутдан сўнг деди: “Ўйлайманки, Худо менинг ичимда ниманидир амалга ошириши керак”. Мен у учун, буни тан ола олгани учун ифтихорга тўлдим.

Менинг ўзим ҳам кўпинча қарама-қаршилик келтириб чиқарадиган воизликин айтишга қийинчлилик билан тайёр бўламан. Мен одамларни астойдил яхши кўраман, жамоатни яхши кўраман ва Худонинг етакчиларини яхши кўраман. Ҳозир, мен тўғирлаш зарурлигини ошкора айтиб бу китобни ёзаётганимда, менинг юрагим оғриқдан парчаланмоқда, чунки одамларни руҳлантиришни ва мустаҳкамлашни истайди. Лекин бошқа томондан, мен биламан, ҳақиқий севги тилёғламалик қилмайди, у тўғрисиз. У тингловчиларга шифо олиб бориш учун айтиши керак бўлган гапни айтади. Повул бизларга ҳакиқатни севгида айтишимиз кераклигини айтади ва шундай қилиб, бизлар тингловчиларимизни ўсишга ва Масихдаги етуклика олиб келамиз (Эф. 4:15).

Тўғирланиш ҳақида сўзлайдиган ва муқаддасликка ёвуз оҳанг билан урғу берадиган хизматчилар бор. Улар одамларга жуда кам ҳамдардликка эгалар ёки умуман эга эмаслар. Бу жуда фожеавий ва катта нархни талаб қиласди. Бизларнинг ҳаммамиз бизларни тинглаётган одамларга севги билан ҳаракатланадиган, ҳаттоқи, севги қамраб олган одамлар бўлишимиз лозим. Севги бизларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучимиз бўлиши лозим, акс ҳолда, жим туришимиз лозим. Ҳамма нарсадан кўра кўпроқ бизлар одамларга яхшилик исташимиз керак. Одамларга: “Мен сенга айтган эдим-ку!” ёки “Мен сендан кўпроқ биламан” ёки “Мен сендан яхшироқман” туридаги муносабатни намоён қилиш мумкин эмас. Бизлар одамларга энг яхши нарсаларни тилаб, илик сўзларни танлашимиз керак. Бизлар ўз тингловчиларимизни, улар ким бўлишидан қатъий назар севишишимиз керак ва бу одамларни ўзимиздан баланд кўйишишимиз керак. Худонинг, Исо Масихнинг ва Муқаддас Рухнинг юраги шунақадир.

## МУҚАДДАС ҲАЁТНИНГ НАҚШИ?

Душманнинг бир қанча бўсаларидан самимий  
дўст етказган яралар яхшироқdir.  
— Ҳикматлар 27:6 (NLT, инг. тилидан таржима)

Худонинг севгисига ёлғончи назар билан қараб  
Худонинг муқаддаслигини қадрсизлантирадиган  
ёки йўқотадиган ҳамма нарса – Исо Масих  
берган Худонинг ваҳийига  
тўғри келмайди.  
— ОСВАЛЬД ЧЕМБЕРС

**К**оучер – бу ўз мижозининг ҳаёти сифатини яхшилаш усти-  
дан ишлайдиган одамдир. Қайсиdir даражада, ҳаворий  
Повул бизларга руҳий коучерлар бўлишимизни насиҳат килмоқда.  
Худо тайнинлаган йўллардар юриб, бизлар нафақат ўз ҳаётимиз си-  
фатини, шунингдек, бизнинг қарамоғимизда бўлган одамларнинг  
ҳаётлари сифатини яхшилаймиз.

Худонинг йўлларини яхшироқ қилишининг иложи йўқ. Одам Ато  
ва Ҳавва ҳаракат қилдилар ва қайгули мағлубиятга дучор бўлдилар.  
Улар биринчи бўлиб бу зовурни татиб кўрдилар. Шунинг учун коу-  
черлар сифатида бизлар нафақат насиҳат қиласиз, балки шунингдек,  
огоҳлантирамиз ва тўғирлаймиз. Агар бизлар тўғирламасак, бизлар-  
га ишониб топширилган одамларнинг умидсизлик ва ўз-ўзини ҳалок  
қилиш йўлагидан пастга кулаб кетишларига йўл кўйган бўламиз.  
Айнан шу сабаб учун Повул Тимотийга: “Сен, Сўзнинг воизи сифа-  
тида, одамларга қайси соҳаларда нотўғри яшаётгандарини кўрсати-  
шинг керак”, – демоқда (2 Тим. 4:2, инг. тилидан кенг. таржима).

Ўзининг Эфесликларга ёзган мактубининг охирида, Повул иноят кучи таъсири остида бўлган одамнинг янги табиати ҳақида ёzáди. Шу икки фазилатнинг бирлашиши шарофати билан одам ўзгариш ва Масиҳга ўхшаш, шунингдек, ёмон йўллардан йироқроқ бўлиш имкониятига эга бўлади.

Сўнгра Повул бундай одамнинг ҳаётини белгилайдиган амрларнинг рўйхатини беради. Улар Эски Аҳднинг амрларидан фарқли равишда оғир эмас ва тўлиқ бажарса бўладиган амрлардир. Улар айнан бизлардан талаб қилинадиган хулқ-автор ҳақида сўзлайди, чунки бизда энди янги табиат бор.

Келинг, ўзимизга бу рўйхатни эслатамиз:

“Сизларнинг орангизда бузуқликка ёки бошқа нопокликка шама ҳам, ёки очкўзлик ҳам бўлмаслиги керак, бу Худонинг муқаддас ҳалқига муносиб эмас. Сизларнинг сўзларингизда ҳеч қандай беадаб гаплар, куруқ гап сотиши ёки бузук ҳазиллар бўлмаслиги керак, яхшиси Худога миннатдорчилик билдиринглар... Вино ичиб маст бўлманглар” (Эф. 5:3,4,18, янги ўзб. таржима).

Яна тақиқлар рўйхатига ўхшайди. Қайтариб айтаман, булар бажарганимизда бизларга нажот берадиган амрлар рўйхати эмас. Аниқроғи, бу бизларни дунё билан зинокорона муносабатлардан тутиб қолишга қодир рўйхатдир, токи бизлар Исо Масиҳнинг на-моён бўлган ҳузурида қола олайлик. Менга гуноҳкор хулқ-автор деб аталадиган нарсаларни санаб ўтишимга ижозат беринг.

Бизлар олдинги бобда аллақачон айтганимиздек:

- Ёлғон гапирмаслик.
- Фазабда гуноҳ қилмаслик.
- Ўғирлик қилмаслик.
- Ёмон гапларни гапирмаслик.
- Жинсий бузук бўлмаслик.

Қолган рўйхат қуйидагичадир:

- Нопок бўлмаслик.
- Очкўз бўлмаслик.

- Беадаб, уятли сўзларни айтмаслик.
- Ахмоқона ҳазилларни сўзламаслик.

Янги Аҳд – бу иноят мактубидир, лекин кўпларнинг сўзлари га кўра ҳеч қандай кўрсатма ва тақиқловчи сўзларга эга бўлмаган мактуб учун Янги Аҳднинг йигирма етти китобининг фақат биргинасидан чиққан рўйхат жуда улкан! Яна қарама-қарши томони шундаки, мазкур рўйхатни иноят ҳақида чуқур вахий олган одам тузган! Бизлар бу амрларга менсимасдан қараймизми ёки уларни жиддий қабул қиласмизми?

### **Жинсий бузук бўлмаслик**

Бизнинг рўйхатимиздаги биринчи пункт – бу жинсий бузук бўлмасликдир. Худонинг ўғиллари ва қизлари сифатида, бизлар зино қилмаслигимиз, гомосексуал алоқаларда бўлмаслигимиз ва оила қургунча жинсий алоқа қилмаслигимиз керак.

Мен ўзларини масиҳий деб атайдиган, лекин никоҳсиз яшаб юрган жуфтларни жуда кўп учратаман. Бу кам учрайдиган холат эмас, жамоатда бу одатий ҳол бўлиб бормоқда. Хушхабарчилик жамоатларига қатнайдиган бундан жуфтлардан кўпчилиги муқаддас имон ҳақида очиқ гапирадилар ва кўпинча “Худо уларнинг ҳаётларида килаётган ишлар” билан жўшиб ўртоқлашадилар. Уларда фош қилиниш, таъна қилиниш ва афсусланишга ҳаттоқи шама йўқ. Улар шунчаки никоҳгача бирга яшаш нотўғри эканига ишонмайдилар. Нима учун? Балки улар Повул, Петъор, Ёкуб, Юҳанно ва Яхудо томонидан эълон қилинган, художўй, бокира ҳаётга даъват килувчи мактубларни минбардан эшитмасдирлар. Уларнинг чўпонлари-нинг якшанба кунлик воизлклари уларнинг кайфиятини кўтаради, рухлантиради, лекин уларни фош қилмайди ва уларга ҳақиқатни айтмайди. Бу одамлар муқаддас ҳаёт интизомига эга эмаслар.

Бизнинг жамиятимизда никоҳсиз бирга яшаш, никоҳгача жинсий муносабатда бўлиш, гомосексуал бўлиш қабул қилинган, ҳатто тўғри ҳисобланади. Афсуски, бизлар, хушхабарчилик масиҳийлари, кўпинча Муқаддас Ёзувдан жуда юзаки билимга эгамиз. Худонинг Сўзини чуқур ўрганмасдан, кўпчилигимиз замонавий

маданият қадриятларини қабул қилдик. Бизлар жамият фикрига бўйсунаяпмиз: “Агар бизлар бир-биrimизни яхши қўрсак, нима учун бирга яшашимиз мумкин эмас?”

Гомосексуализм ҳакида нима деймиз? У ҳам кучга кирмоқда ва нафақат жамоатнинг остонасидан ҳатлаб ўтмаган одамлар орасида. Яқин орада, менга Facebook саҳифаларида қачонлардир бир масиҳийлар ташкилотида бўлим бошлиғи бўлган хонимнинг саҳифасини кўрсатишиди. Энди у бир аёлни севиб қолибди ва улар турмуш куриш режасини тузмоқдалар. Мен уларнинг унаштирилишларидағи ва бошқа шахсий суратларига чуқур қайғу билан қарадим.

Олдинги йилларда Худодан кетгандар У билан муносабатни йўқотгандарини билар эдилар. Аммо бу аёл Худонинг севгиси ва ўзининг Унга бағишланганлиги ҳакида завқ-шавқ билан сўзлар эди. Кандай қилиб у бошқа бир аёл билан никоҳдан ўтади, ахир Исо Масих аниқ айтмоқда: “Ахир сизлар ўқиганингиз йўқми, бошида Яратувчи эркак ва аёлни, эркак ва аёл жинсини бир бири учун яратди. Худо мазкур икки жинс органик иттифоқини яратган экан, инсон Унинг ноёб асарини булғамаслиги лозим” (Мт. 19:4,6, The Message, инг. тилидан таржима). Исо Масих “никоҳ эркак ва аёл – икки жинс учун яратилган”, демоқда. Нима учун бу аёл Раббийнинг оила институтини булғаётганини билмайди? Ахир минбардан унга бу ҳакида аниқ айтишган эмасми?

Мен тушунаман, жамият Худонинг никоҳ ҳақидаги асл ниятидан йироқлашмоқда. Нажот топмаган одамлар гуноҳкор табиатга эгадирлар. Йўқотилган эркаклар ва аёллар бу дунёда Худосиз яшамоқдалар ва аслида нима яхши ва нима ёмон эканлиги ҳакида чекланган билимга эгалар. Уларнинг юриш-туришлари бизларни хафа қилмаслиги керак, чунки уларнинг табиати уларга нимани буюрса улар шундай ўйлайдилар ва ҳаракат қиласидилар. Кулфат шундаки, имонлилар дунёда яхши деб тан олинган нарсалар Худога маъқул, деб ўйлайдилар. Статистика бўйича, тобора кўпроқ жамоатлар гомосексуал ҳаёт тарзи ва гомосексуал никоҳларни қўллаб-кувватламоқдалар. Аммо жамоатлар нафақат сўзлари билан, балки ишлари билан ҳам бундай ҳаёт тарзини қўллаб-кувватламоқдалар. Қуйидаги сўзларни дикқат билан ўқинг:

Агар ҳак одам ўзининг хақлигидан қайтса...у ўлади, чунки сен уни огоҳлантирмадинг, у ўз гунохи учун ўлади ва унинг қилган ҳақ ишлари ёдга олинмайди. Унинг қонини эса сендан талаб килеман (Йез. 3:20, инг. тилидан кенг. таржима).

Бу ерда имонлини – ҳақ одамни огоҳлантириш ҳақида гап бормоқда. Агар бизлар имонлиларни огоҳлантиришни ва уларнинг гуноҳларини кўрсатишни бошламасак, оқибати ёмон бўлади.

Сиз дейишингиз мумкин: “Лекин, Жон, Бу Эски Аҳд-ку. Янги Аҳд хизматчисидан қандай қилиб бироннинг қони учун жавоб талаб қилиш мумкин?”

Бир куни, етакчилар конференциясида воизлик чоғида, бир чўпон менинг олдимга келди ва шу масалада баҳслаша бошлади. У аччиқланган эди ва шундай сўзларни айтди: “Бошқаларнинг қонини бизларга юклашга қандай ҳаддингиз сифди? Бу сизга Эски Аҳд эмас”.

Мен унга жавоб бердим: “Марҳамат, Ҳаворийлар китобининг 20-бобини очиб, йигирма олтинчи ва йигирма еттинчи оятларни овоз чиқариб ўқинг”. Чўпон ўқиди: “Мен тозаман ва ҳеч кимнинг қонида айбдор эмасман. Чунки мен ҳеч қачон, ҳеч нимани қисқартирган эмасман ва яширган эмасман, сизларга Худонинг бор ниятини, режасини ва иродасини ўзлон қилдим” (инг. тилидан кенг. таржима).

Чўпон шок ҳолатига тушди, у менга қараб: “Жон, мен бу сўзларни олдин ўқиганман, лекин ҳеч қачон уларни бу маънода қабул қилган эмасман”, – деди. Суҳбатимиз охирида мен: “Сени бунда айблашга тўғри келгани учун афсусдаман”, – дедим. Мен унинг ростгўйлигидан хурсанд эдим.

Бу сатр бошида мен жамоат етакчиларига тўғридан-тўғри мурожаат қилмоқчиман. Бу сўзларни Повул эфесликларга айтди, лекин агар бизлар, ўқитувчилар ва воизлар, Худонинг Ўз ҳалқига айтган Сўзларининг ҳаммасини ўзлон қилмасак бизлар ҳам айбдор бўламиз. Агар бизлар фақат рухлантирувчи воизликларни олиб келсак, демак, бизлар Худонинг иродасининг катта қисмини яширган бўламиз. Шунинг учун бизнинг одамларимиз тобора дунё яхши деб хисоблайдиган нарсалар томонга оғадилар. Улар интизомга солинмаган эрка болалар каби бўладилар. Хулоса: уларнинг қони бизнинг қўлимизда.

Сизга бир мисол келтираман. Интернет тармоғида мен бир мегажамоатнинг хизмат йигинини қўрдим. Бу жамоатнинг чўпони барча жамоат аъзоларига ўзининг гомосексуалист эканини тан олди. У яширинишдан нақадар чарчаганини айтди ва худди шундай ҳаёт тарзи билан яшаётганлар фош қилинишдан (у буни “айблаш” деб атади) азобланишни давом эттиришларини истамаслиги ни айтди.

У ўзининг жинсий йўналишини оқлаш учун Худонинг гомосексуализмга нуқтаи-назарини ёритиб, Муқаддас Ёзувдан бирин-кетин барча оятларни санаб ўтди. Сўнгра у барча одамларга дадиллик билан эълон қилди: “Ҳаворий Повул бизларнинг “Масиҳда” ким эканимизни яхши билар эди, лекин у одамлар аро муносабатларни жуда ёмон тушунар эди”. Повулнинг жинсий муносабатлар ҳақидаги амрларини у шу тарзда парда билан қоплади. Сўнгра чўпон гапиришда давом этиб: “Римликларга биринчи бобда, агар бизлар Худога сажда қиласақ, бизлар гомосексуал бўлишимиз мумкинлигини тахмин қилиб, Повул ҳамма нарсани чалкаштириб юборган”, – деди (Рим. 1:21-27га қаранг). Бу чўпоннинг сўзлари га кўра, Повул хато қилган, чунки(унинг сўзларини олиб айтаман): “Американинг ҳамду-сано хизмати етакчиликарининг ярми – гомосексуалистлардир”(Мен: “Бу статистика каердан? – деб ўйладим). Бу одамнинг нутқини тинглаб, мен пайқадимки, залда бир неча марта сершовқин олқишлил эшитилди.

Мен бу бузукликларни эшитганимда, Худо менга мурожаат қилиб, деди: “Римликларга биринчи бобни ўқигин”.

“Шу сабабдан, Худо уларни уялти хирсларга топшириди: уларнинг аёллари табиий жинсий муносабатни гайритабиий жинсий муносабатга алмаштирилар. Шунингдек, эркаклар ҳам аёл билан табиий жинсий муносабатни қолдириб, бир-бирларига нисбатан ўз хирсларида ёниб, эркаклар билан эркаклар шарман-дагарчилик қилдилар ва ўзларининг адашганларига яраша ўзларида жазо олдилар... Улар Худонинг ҳақ ҳукмини, яъни бундай ишларни қилувчилар ўлимга лойиқ эканликларини биладилар-у, буларни нафакат қиладилар, балки бу ишларни қилувчиларни ҳам маъқуллайдилар” (26,27,32).

Қандай қилиб бу хизматчи гомосексуал юриш-туришни “шармандағарчылық” деб атайдыган Мұқаддас Ёзувни инкор қила олди? Гомосексуал юриш-туриш табиий эмаслигини билиш учун рухий шахс бўлиш шарт эмас. Бу ҳатто ҳайвонларга хос эмас. Нима учун бизлар, Худо бунга кўзини ёпади ва боз устига, қўллаб-кувватлайди ҳамда рағбатлантиради, деб ўйлаймиз?

Ўз ҳирсининг истагига қарши жангда мағлуб келган ва гунохга бўйсунишга тайёр бу чўпоннинг воизликларини эшитаётган, ўзларини масиҳий деб ҳисоблайдиган одамлар ҳакида ўйлаб кўринглар. Уларнинг вижданлари уларга: “Худонинг фарзандлари бундай қилиши нотўғри”, дейди. Лекин афсуски, бу чўпоннинг сўзлари кейинчалик уларнинг танловларига таъсир қиласиди. У нафақат ўзини айблашларига олиб келмоқда, балки ўзгаларни ҳам шунга итармоқда.

Жамоатдаги узоқ олқишилар борасида нима деймиз? Мұқаддас Ёзувнинг кенгайтирилган таржимасида, бундай ишларни қилувчиларни “қўллаб-кувватловчи ва уларга қарсак chaluvchilar” ҳукмга топширилиши айтилади.

Ҳаворий Повулнинг сўзларини бизлар нима қиласаймиз?

“Ахир сизлар ноҳақлар Худонинг Шоҳлигини мерос қилиб олмасликларини билмайсизларми? Қаранглар, алданиб қолманглар. Ҳеч қандай бузуклар, бутпарастлар, оиласига хиёнат киладиганлар, баччабозлар, гомосексуалистлар ва ўғрилар, очкўз одамлар, ичкиликбозлар, гийбатчилар ва фирибаглар Худонинг Шоҳлигини мерос қилиб олмайдилар” (1 Кор. 6:9,10, NLT, инг. тилидан таржима).

Аниқки, бошқа заарли гуноҳлар ҳам бор. Лекин бизлар бузук жинсий юриш-туриш ҳакида айтилган мазкур сўзларнинг маъносини инкор қилишимиз мумкин эмас.

Дунёнинг истаклари юкумлидир. Агар бизлар минбардан жинсий бузуклик ҳакидағи ҳақиқатни эълон қилмасақ, одамлар художўй юриш-туриш нима эканини билмасдан яшайдилар ва душманнинг ёлғонига бериладилар. Улар ҳатто Худо буни маъкуллаяпти, деб ўйлаб дунёнинг яхшилик ҳакидағи дунёқарашини қабул қиласидилар.

## Нопоклик

Рўйхат бўйича кейингиси – бу нопокликдир. Бизлар порнография, ифлос кинолар ва хирслли фикрларнинг барчасидан ўзимизни йироқ тутишимиз керак. Исо Масих дейди: “Аммо Мен сизларга айтаман, ким аёлга хирс билан қараса, аллақачон у билан юрагида зино қилган бўлади” (Мт. 5:28). Саночи ёзмоқда: “Қўзларим олдида ярамас нарсаларни қўймайман...” (Сан. 100:3).

Порнография қисқа вақтли қўзғалиш ва қониқиш ҳиссини таклиф қиласди, чунки у бизнинг танамизнинг истакларига жавоб беради, лекин у бизнинг турмуш ўртоғимиз билан ҳамда Худо билан яқинлигимизни бузади ва булғайди. Кейинчалик, у бизларни ҳам турмуш ўртоғимиздан, ҳам шахсан ўзимиздан қониқмаслик ҳисси билан қолдиради. Шунчаки туюладики, гўё порнография учкун ёндиради, аслида, у пилик ёндиради ва бу ахийри, хижолатлик, айбдорлик, уялиш ва ишончсизлик портглашига олиб келади.

Яқин орагача, порносайтлар Интернет тармоғидаги энг машҳур сайтлар эди, энди уларни ижтимоий тармоқлар сиқиб чиқарди. Мавжуд бўлган сайтлардан ҳар ўнинчисидан қўпроғи порнографик мазмундадир. Қирқ миллиондан ортиқ америкаликлар мунтазам равишда бу сайтларга кирадилар, ҳар лаҳзада Интернетнинг 28258нафар мижози порносуратлар қарайди.

Бу факат эркакларга тегишли эмас. Қарийб ҳар бешинчи аёл, ҳар ҳафта онлайн режимида порнография қўради ва қўплаб одамлар мастурбация соҳасида заиф эканликларини тан оладилар. Бундан ташқари, эркаклар ҳам, аёллар ҳам ўз тобеликларини эротик журналлар ва китоблар билан озиқлантирадилар, эротик китоблар, айникса, аёллар орасида жуда оммабопдир.

Жамоатда нима содир бўлмоқда? “Масиҳийлик бугунги кунларда”(Christianity Today) журнали чўпонлар орасида, улар шу йил ичидаги порносайтларга қараганимилар, шу ҳақида сўроқ-изланиш иши ўтказди. Қирқ тўрт фоиз чўпонлар ижобий жавоб берганлар. Булар бизларнинг жамоатларимизнинг етакчилари! Бошқа статистикада, хушхабарчилик жамоатидаги эркакларнинг 50% порнографияга тобе дейилади. CNN телетармоғи ўтказган, жамият фикрини

билиш сўроқномаси натижасига кўра, 70фоиз эркак масиҳийлар порнографияга ружу қўйғанлик билан курашмоқдалар.

Шундай қилиб, бизлар ўзимизга савол беришимиз керак: бугунги кунларда энг баланд даражага етишган мазкур эпидемияга, минбардаги кўпроқ рухлантириш йўналишидаги воизликлар жавоб бўла оляяптими?

Мен йигирма етти ёшимгача, шу билан бирга, хизматимнинг биринчи йилларида порнографияга ружу қўйғанлик билан курашган эдим. Менинг ишончим комил эдики, мен гўзал қизга уйланган заҳотим гуноҳ ўз-ўзидан йўқолиб кетади; лекин у нафақат йўқолди, балки кучайди. У мен ва Лиза орасида девор ясади. Мен фақат 1984йилда, бир Худонинг кишисига ўз тобелигимни айтиб берганимда, у: “Буни бас қил!” деганида бундан озод бўлдим. У менга жиддий таъна қилди. Мен ундан рухлантирувчи сўз эшитмадим! Мен хаётимга соғлом Худодан қўрқишни олиб келган жиддий насиҳат ва огоҳлантириш олдим.

Бу хизматчининг сўзлари озодлик олиш учун Худони излашни бошлашга мени мажбур қилди. Тўққиз ойдан сўнг мен буткул озод эдим ва ҳозирги кунларгача шу озодликда юрибман. Мен пайқадимки, Худонинг инояти жуда кучли! У ўн бир ёшлигидан порнографияга тобе одамни озод қила олади. Хизматчилар Худонинг иноятининг тўлиқ фойдаси ҳақида ўйламасликларидан нега хафа бўлишимнинг мана шу яна бир сабабидир. Агар мен иноятни нафақат бепул инъом, гуноҳлар кечирилиши ва нажот, балки одамнинг табиий қобилияtlаридан устун бўлган, хаёт учун Худонинг кучи эканини ўзим учун очмаганимда эди, мен шу кунгача тобеликда юрган бўлар эдим.

### Очкўз бўлмаслик

Очкўзлик – бирор нарса, асосан бойлик, ҳокимият ёки овқатга эга бўлишни қатъиятли ва худбинона исташни билдиради. Накадар кўп ҳолларда, имонлилар Худонинг бизларга ёрдам бериш, барака бериш, муваффақият ва гуллаб-яшнашни бериш ваъдаларини бузиб кўрсатадилар ва очкўзликка айлантирадилар. Улар бошқаларга хизмат қилиш ва беришга тайёрликдан кўра кўпроқ “ўзларига”

диккетларини қаратғанлар. Очкүзлик – бу очоғатлик, бу бутпараст-лиқдир (Кол.3:5га қаранг). Очкүзлик туфайли бизлар ўз истакларимизни, иштиёқларимизни, иштахаларимизни, шұхратимизни, нұ-фузимизни, машхурлигимизни ва моддий бойлигимизни Худодан ва одамлардан устун қўямиз.

Имонлининг ҳаётига кириб келган очкүзлик ҳақида жуда кўп ҳикоялар мавжуд. Балъам айнан шунинг учун Худо билан муносабатларини йўқотди, шунингдек, Каль, Корей ва бошқа қачонлардир Худонинг ҳузурида бўлган кўплаб одамлар шунинг учун Худо билан муносабатларини йўқотдилар. Кўплар уларни ҳеч ким огохлантиргани учун очкўз бўлдилар. Таълимотда ва воизлиқда огохлантириши – факат ижобий ва руҳлантирувчи номаларни воизлик қилишни бас қилиш демакдир. Лекин эркаклар ва аёлларга Масихда етук бўлишга ёрдам бериш учун бизлар уларга нафақат таълим беришимиз, балки уларни огохлантиришимиз ҳам керак (Кол. 1:28).

Болалигимда менга ота-онам ўргатган нарсалар жуда ёқар эди, лекин уларнинг огохлантиришлари унчалик ташвишлантирmas эди. Шунга қарамасдан, мен кейинроқ билиб олдимки, айнан огохлантирувлар менинг ҳаётимни сақлаб қолган экан. Агар менинг отам, мен отвёрткани олиб розеткага тиқсан бунинг оқибати нима бўлиши ҳақида мени огохлантирганида эди, мен балки қизиққонлиқдан буни қилиб кўрап эдим ва электр қувватидан шокка тушар эдим.

Повул ўзининг севимли жамоатларидан бирига деди: “Шунинг учун бедор бўлинглар. Мен уч йил давомида кеча ю кундуз тинмасдан, кўз ёшлар билан ҳар бирингизга таълим берганимни ёдда сақланглар” (Ҳав. 20:31). Уч йил давомида ҳар кун ва ҳар тун! Кўз ёшлар билан! Бизлар одамларни огохлантираяпмизми? Ҳар куни-ми? Ёки бизлар руҳлантирувчи воизликларимиз одамларни очкүзликдан асрайди, деб умид қилиб, фақатгина воизлик қиласиз ва таълим берамиزمи? Бизлар улар ҳақида ғамхўрлик қиласизми? Мен барча йиллар ичida бирор марта очкүзликдан сақланиш кераклиги ҳақидаги воизликни эшитмадим!

Повул иноят ҳақида воизлик қиласар эди, лекин шунга қарамасдан, айнан у Эфес жамоати ва бизларни жон-жаҳд билан чорлайди: “Очкүзликдан эхтиёт бўлинглар”.

Шунингдек, ҳаворий Ёкубнинг сўзларини ўқиб чиқинг:

“Ораларингда душманлик ва баҳслар қаердан? Сизларнинг ичларингда бир-бири билан курашаётган кучли истакларингдан эмасми? Эга бўлмаган нарсаларингни истайсизлар, шунинг учун олиш ҳақида ўйлайсизлар... Бошқаларда бўлган, сизлар эса ола олмайдиган нарсаларга ҳasad қиласизлар, шунинг учун улардан тортиб олиш учун жангга киришасизлар ва уруш қиласизлар. Лекин истаган нарсаларингта эга эмассизлар, чунки Худодан сўрамайсизлар. Сўраганларингда эса ола олмайсизлар, чунки сизларнинг ниятларинг нотўғри – сизлар факат ўзларингга лаззат келтирадиган нарсаларни истайсизлар. Сизлар зинонорлар!” (Ёкуб 4:1-4, NLT, инг. тилидан таржима).

Эй, кўйсанг-чи, Ёкуб, нима керак бу қадар салбий сўзлар! Ҳаворий очкўз, кескин ёки қўпол бўлгани учун шундай дедими? Ёки аслида, кимларга ёзаётган бўлса, ўша одамларни яхши кўрганми? Севгани учун нимадир оммабоп ва руҳлантирувчи гап ўрнига аччиқ ҳақиқатни айтган эмасмикин? Худо уни айнан шунинг учун Янги Аҳднинг муаллифларидан бири бўлишига рухсат берган бўлиши, ўша замоннинг кўпроқ илхомлантирувчи нотигини танламаган бўлиши мумкинми?

### Беадаб сўзларни айтмаслик

Рўйхат бўйича кейингиси: ахмоқона сұхбатларни олиб бормаслик, қўпол ва беадаб ҳазиллар ҳамда анекдотлар айтмаслик. Шу турдаги видеороликлар кўриш, мусиқа ва бошқа аудиофайллар эшитиш ҳам шунга киради.

Мендан хизматкорлар гурухидаги ёшларга ёрдам беришимни илтимос қилишди. Уларнинг бошликлари беадаб сўзларни қўллаши, бузук анекдотлар айтиб бериши ва ўз гапларида бу дунёнинг гуноҳкорларидан ҳеч нима билан фарқ қилмасликлари ёшларни хижолатта солар эди. Нима учун етакчилар бундай қилишади? Балки бунинг сабаби, бизлар Худонинг етакчиларига ва одамларга: “Худонинг Шоҳлиги фуқаросига бундай юриш-туриш муносиб эмас”, демаслигимиздадир?

Повул колосаликларга шундай ёзади: “...сўзингиз доимо... иноятга тўла бўлсин” (Кол. 4:6). Бизнинг гапимиз иноятга тўла бўлиши лозим.

## Маст бўлманглар

Кейингиси: мастер бўлманглар – пиводан ҳам, винодан ҳам, бошқа бирор бир спиртли ичимликлардан ҳам. (Айнан шу насиҳатни гиёхванд моддаларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин, қонун томонидан рухсат этилганларига ҳам, тақиқланганларига ҳам, ҳаттоқи, врач буюрган гиёхванд моддаларга ҳам). Бизлар яна “-ма” деган инкорни кўрамиз.

Спиртли ичимликлар – жозибали нарсадир (Ҳикматлар 23:31-33га қаранг). Унга қизикиб кетиб меъёрни унутиб қўйиш мумкин. Спиртли ичимлик соғлом фикрлаш қобилиятини пасайтиради, ҳаттоқи ўчириб ташлайди. Унинг таъсири остида бўлган одам ҳар қандай тўсиқларни менсимай қарайди, юракнинг ва онгнинг табиий ҳимоя фаолияти ишлашни бас қиласди. Бу кўзни олаётган куёш остида ҳимоя кўзойнагини ечиш деган гапдир. Бизлар йўналишни йўқотамиз ва ўзимизни ҳалокатли ўйлов жараёнинг дучор қиласмиз. Аслида, спиртли ичимлик бизнинг онгимизнинг хавфсизлик тизимини ўчириб қўяди. Ҳатто бизлар қачон тўхташ кераклигини билсак ва тўхтай олсак ҳам, ўзимиз ўйламаган ҳолда, бошқаларни спиртли ичимликларни сунистеъмол килишларига итарамиз. Сизга бир ҳикояни айтиб бераман.

Бир жамоатнинг катта чўпони ўз шахридаги ресторонда ароқ ичар эди. Унинг жамоати аъзоларидан бири, яқинда имонга келган одам ҳам шу ресторанда овқатланар эди. Бу бой тадбиркор бўлиб, нажотга келгунича спиртли ичимликларга тобелик билан курашган эди. Имонга келиб, у ичишни ташлаган ва айтиш мумкини, “ёлғонда яшаётган одамлардан эндиғина узоқлашаётган эди” (2 Пет. 2:18, янги ўзб. таржима).

Чўпони ресторонда ичиб ўтирганини кўрганидан сўнг, тез орада, тадбиркор уч кун тинимсиз ичди. Шу уч кун ичида у бизнесда бир неча нотўғри қарорлар қабул қилди ва қарийб барча активларини йўқотди. Энг қайгулиси, у ўз никоҳини барбод қилди. Кейинроқ, ундан нима учун уч кун тинимсиз ичганини сўраганларида, у шундай жавоб берди: “Мен чўпоним ичиб ўтирганини кўриб: “Агар у ича олса, демак мен ҳам ичишим мумкин”, – деб ўйладим”.

Албатта, ёмон ҳатти-ҳаракати учун бу одамнинг ўзи айбор, лекин наҳотки, унинг ҳаётидаги воқеаларнинг бундай бурилиши бизларни атрофимиздагиларга таъсиrimiz ҳақида ўйлашга мажбур килмайди?

Кейинги вақтларда, тобора кўпроқ хизматчилар ошкора ичишга ўзларига йўл қўймоқдалар. Муқаддас Ёзувда уларнинг бу хуқуқларини тасдиқлайдиган ояtlар бор. Тимотийга биринчи мактубда (3:3) Повул Тимотийга: “Жамоат етакчилари “пиёниста” бўлмасликлари керак”, дейди. Бу жойда юонон тилида paroīnou сўзи ишлатилган. “Сўзларни ўрганишнинг тўлиқ лугати” (The Complete Word Study Dictionary’s) таърифи бўйича – бу “винога ружу қўйган, ичадиган”ни билдиради. Бу сўз спиртли ичимликни маъсулляят билан, меъёри билан ичишни билдирамайди, аниқроғи, буни сунистъемол қилишни ёки доимо исъемол қилишни билдиради. Унинг тасвирий ифодаланиши – бу хонтахтасида доимо шиша бўлган(вино қопи) одам, шиша унинг тобелигини билдиради. Муқаддас Ёзувнинг “Янги жонли таржимасида” айтиладики, “жамоатнинг етакчи-си ётиб ичадиган бўлмаслиги керак” (1 Тим. 3:3, NLT, инг. тилидан таржима).

Бошқа жойда Повул Тимотийга шундай маслаҳат беради: “... ошқозонинг ва тез-тез бўлиб турадиган касалликларинг учун озгина шароб ҳам ичиб тургин” (1 Тим. 5:23). Тимотий мансабига кўра Эфес жамоатининг катта чўпонига тенг эди. Бутунги кунларда кўплаб хизматчилар шундай ўйладилар: “Назорийнинг ваъдаси каби, агар жамоатнинг етакчиси винога тегиши мумкин бўлмаганида эди, Повул чўпон Тимотийга уни ҳатто даволаш мақсадида истеъмол қилишини айтмаган бўлар эди”.

Кўпинча сухбат чоғида Муқаддас Ёзувдан Исо Масих сувни винога айлантиргани ҳақидаги лавҳани тилга олишади (Юх. 2:1-11га каранг). Буни: “Агар ичиш мумкин бўлмаганида эди, Исо Масих ҳамманинг кўз ўнгига сувни винога айлантирмас эди”, деб тушунтиришади.

Агар фақаттинга шу лавҳаларни ҳисобга олсак, ҳар бир киши баҳсласиб: “Ҳамманинг кўз ўнгига ичаётган чўпонни койимаслик керак”, деган бўлар эди. Аммо бизлар ичкиликбозлик катта муам-

мо бўлган жамиятда яшамоқдамиз. Кўшма Штатларда ҳар йили ичкиликбозлиқдан қарийб 88минг киши ўлади, ўлим чақирадиган сабаблар ичида ичкиликбозлик учинчи ўринда туради. 2007йилда, Washington Post рўзномаси мақола чоп эттириди, у ерда ҳар учинчи одам ичкиликбозликка тобе бўлгани ёки ҳозир тобе эканлиги айтилади. Америка “Спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш ва ичкиликбозлик муаммолари бўйича миллий институти” хабар бердики, 2012йилда ўн саккиз ёшда ва ундан катта бўлган 25фоиз одамлар, ўтган ойда тинимсиз ичиш ҳолатида бўлганларини тасдиқлашган. Ҳайратда қолдирадиган сонлар – бир ойда ҳар тўртинчи одам! Мен кўплаб статистик маълумотларни келтиришим мумкин, лекин шуниси мухимки, америкаликлар спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш мойиллигига эга.

Бу хасталик фақатгина Кўшма Штатларда кенг тарқалган эмас. 2012йилда, бутун дунёдаги броиз ўлим спиртли ичимликлар истеъмол қилингани туфайли содир бўлди(3,3миллион). Бутун дунёда, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш – ишга қобилиятсизликнинг ва вақтидан олдин ўлиш хавфининг бешинчи сабабидир. Ўн беш ёшдан кирқ тўккиз ёшгача бўлган одамлар орасида у биринчи ўринни эгаллайди!

Бу дунё миқёсидаги ҳалокат (эпидемия) қаршисида, бизлар масъулиятли имонлилар сифатида, бир қадам олдинда ўйлашимиз керак ва Повулнинг бутларга бағишланган гўшт ҳақида айтган сўзларини кенгроқ маънода қўллашни қўриб чиқишимиз лозим. Бошқача қилиб айтганда: “Шунинг учун агар мен ейдиган овқат биродаримни васвасага солса, унда ўз биродаримни васвасага солмаслик учун мутлақо гўшт емайман” (1 Кор. 8:13). Ҳаворий бутларга қурбонлик қилинган гўштни ейиш гуноҳ эмаслигини аниқ айтмоқда. Лекин у, агар заифроқ биродар бундан васвасага тушса ва қоқинса, у буни умуман емаслигини айтмоқда.

Масихийларнинг озрок спиртли ичимликлар ичиш ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш учун далиллар келтириш мумкин. Лекин бизлар, имонлилар сифатида, айниқса, жамоатнинг етакчилари сифатида, қоқиниш тоши бўлишни ва зўрға спиртли ичимликларга тобелик гуноҳидан қочиб чиқсанлар яна унга қулашларига имкон

туғдиришни истаймизми? Айниқса, бу суиистеъмол қилишни жуда юқтирган жамиятда яшаганимизда? Агар ресторанда ичиб ўтирган чўпон шундай донолик билан яшаганида эди, балки ўша тадбиркор уч қунлик бадбаҳт ётиб ичишни четлаб ўтган бўлармиди?

Бизлар ҳар қанақа мастилиқдан қочишимиз керак. Бундай юриш туриш Худонинг фарзандига муносиб эмас ва бу арзимас нарса эмас. Бизларга қатъий огоҳлантирув берилган: “Ёки нотўғри ҳаракат киладиганлар Худонинг Шоҳлигини мерос қилиб олмасликларини билмайсизларми? Алданманглар. Зинокорлар ҳам... ўғрилар ҳам, очкўз одамлар ҳам, ичклиқбозлар ҳам, ёмон сўзлар гапирадиганлар ҳам, фирибгарлар ҳам – Худонинг Шоҳлигини мерос қилиб олмайдилар (1 Кор. 6:9,10, NLT, инг. тилидан таржима).

Бу сұхбатда яна бир жуда муҳим омилни ҳисобга олиш лозим. Бизлар руҳий югуришдамиз ва бизнинг Тренеримиз бизларга “югаришимиз учун халақит бераётган ҳамма нарсани, шунингдек, бизларни осонлик билан ўз тўрига ўраётган гуноҳни” ўзимиздан улоқтириб ташлашимиз лозимлигини айтмоқда (Ибр. 12:1, янги ўзб.таржима). Баъзи гуноҳлар бизларни бошқаларидан кўра кўпроқ ўзига жалб қиласи. Юқорида келтирилган статистика кўрсатаётганидек, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш шундай гуноҳлардан биридир. Агар у аллақачон шу қадар кўп кулфатлар олиб келган бўлса, у билан ўйнашиш нима керак?

Хотимада, келинг, ўзимизга савол берамиз: нима учун бизлар, Муқаддас Рух билан тўлишишнинг ҳақиқий тажрибасига эга бўлган одамлар, тинчланиш ва бўшашиб учун сунъий воситаларни излаймиз? Ёки бизлар амалда эмас, фақат тилда Муқаддас Рух билан тўлишамиз ва шунинг учун ёрдамни ташқаридан излаймизми?

### **Алданманглар**

Бизлар Эфесликларга мактубдаги биргина бобга назар ташладик. Янги Аҳдда кўплаб бошқа амрлар бор. Яна ҳам, ёдларингда тутинглар, булар нажот топиш учун бажарилиши шарт бўлган ишларнинг рўйхати эмас, бу – Худонинг намоён бўлган хузурида яшовчиларга хос ҳаёт тарзидир.

Повул ўзининг тақиқланган нарсалар рўйхатини қандай якунлашига қулоқ солинг:

“Бу гуноҳларни оқлашни истайдиганлар сизларни алдамасинлар, чунки бу учун Худога каршилик қилувчиларга Худонинг газаби келмоқда. Бу одамлар килаётган ишларга иштирок этманлар... Раббийга нима ёқимли эканини билиб олишга ҳаракат қилинглар ва қоронғилик ҳамда зулматнинг ҳосилсиз ишларига иштирок этманлар, аксинча, бундай ишларни фош қилинглар. Бетавфиқ одамлар яширинча нималар билан шуғулланаётгани ҳакида ҳатто сўзлашга уяласан, киши... Шундай килиб, эҳтиёт бўлинглар, қандай яшаётганларингга қаранглар” (Эф. 5:6,7,10-12,15, NLT, инг. тилидан таржима).

Бу гуноҳларни оқлашни истайдиганлар сизларни алдамасинлар. Оқибатлари жуда ёмон. Бизлар ҳаётимизда нима Худога маъқул эканини юзаки эмас, балки чукур билиб олишимиз керак. Бизлардан кўпчилик ўзини, гўёки бизлар ўйин майдончасидагиdek тутишади, лекин бизлар жанг майдонидамиз. Бизлар урушдамиз, бизларнинг бошларимиз нишон остида, бизларни сафдан чиқариш учун душман ҳоримасдан меҳнат қилмоқда. Лекин бизлар нурда қолсак, у мағлубиятга учрайди, чунки Худонинг инояти бизнинг ҳаётимиз устидадир.

Мен сизларни даъват қиласман: баланд ҳаётга интилинг. Бизларнинг бузук ва ҳалокатга йўл тутган дунёйимиз орасида гуноҳсиз ва диёнатли яшаш учун иноятга тобе бўлинг. Сизда керакли нарсаларнинг ҳаммаси бор, чунки Худо сизга Ўзининг илохий табиатини қайтариб олмайдиган тарзда инъом килди. Худонинг буюк иноятини беҳуда сарф қилманг.

# БИЗНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИМИЗ

Шунинг учун мен сизларга буни эслатишдан ҳеч қачон тұхтамайман, гарчи сизлар буни билсангизлар ҳам ва сизлар ўргатилған ҳақиқий ҳақиқатда мустаҳкамланған бўлсангизлар ҳам. Мен ҳали тирик эканман, сизларга эслатиб туришим кераклиги тўғридир, чунки бизнинг Раббимиз Исо Масих менга, мен яқин орада ерлик ҳаётни тарқ этишим кераклигини кўрсатди, шунинг учун сизлар мен кеттанимдан кейин ҳам доимо буни ёдда тутишингиз учун мен ҳамма ишни қилишга ҳаракат қиласман.

— 2 Петъор 1:12-15 (NLT, инг. тилидан таржима)

Худо билан дўстликдан кетишини бизлар ягона энг ёмон иш деб ҳисоблаймиз, Худонинг дўсти бўлиш эса – эҳтиромга ва орзу қилишга муносиб ягона ишдир.

— Григорий Нисский

**М**уқаддас яшашга даъват – бу таклиф ёки тавсиянома эмас. Бизлар муқаддас ҳаётга кўл етмас нарсага интилгандек интилмаймиз. Бу буйруқ, бизлардан уни бажаришимизни кутишмоқда. Ҳаворий Петъор аниқ кўрсатдики, бизлар учун Раббий Исо Масих томонидан берилған мухим ҳақиқат ва амрларни тақорорлаб туриш ҳаётий мухимдир. Юқорида келтирилған тўртта оятда, одамларга қайта ва қайта эслатиб туриш лозимлиги уч марта айтилади. Петъор ўз мактубини ёзган одамлар, у нима ҳақида ёзганини аллақаочон билар эдилар, шунга қарамасдан, у ҳатто самога кетганидан сўнг

ўкувчилар бу мұхим ҳақиқатларни доимо күздан кечиришлари лозимлигини айтмоқда. Бизлар ҳам бу мактубнинг мұхимлигига күпроқ дикқат билан қарашимиз лозим, шундай эмасми?

Петъор ўзининг иккала мактубининг бошида ёзади: “Нимаики иш қылсанглар, ҳаммасида муқаддас бўлинглар” (1 Пет. 1:15, NLT, инг. тилидан таржима). Ёзувдаги амрлар кўпинча икки йўл билан берилади: ҳаракат қилинглар ва бўлинглар. Агар бизлар ҳаракат қилинглар, деган сўздан олдин ёзилганини бажарсак, бизлар дономиз. Агар бизлар бўлинглар дан олдин ёзилганини бажармасак, бизлар ахмокмиз! Петъорнинг даъвати “бўлинглар” сўзи билан яқунланади.

Ҳаворий бизларнинг ҳаёт тарзимиз ҳақида аниқ сўзлади. Бу бизларни ҳақорат қилиши, чўчитиши ёки паст уриши лозим эмас. Бизларда ваъда бор: “...Унинг амрлари эса оғир эмас” (1 Юх. 5:3). Бу шуни билдиради, уларни бажаришнинг иложи бор, улар воқе-ликка асосланган.

Петъор ўзининг биринчи мактубининг қолган қисмида, бу мавзуни ривожлантиришни давом эттиради ва кейинчалик, иккинчи мактубида, амалда муқаддас ҳаёт кечириш дегани нима эканини тушунтиради. У бизларга шундай амр берди: “Мен сизларни, бу дунёда вақтингча мусоифирлар ва келгиндилар сифатида яшовчиларни, сизларнинг жонларингта қарши курашаётган тубан истакларингдан узокроқ туринглар, деб огоҳлантираман”(1 Пет. 2:11, NLT, инг. тилидан таржима).

Жанг майдони – бу бизнинг онгимиздир. Бу бизларнинг фикрларимиз, ҳиссиётларимиз ва иродамиз, уларни жиловда ушлшимиз керак. Барча гуноҳлар шу ерда бошланади. Жанг бизлар энг кутмаган вақтда бошланади, агар бизлар имонсизлар ёки мустаҳкам бўлмаган имонлилар билан вақт ўтказсак, кўпинча жанг майдонига кириб қоламиз. Петъор бу хавфни аниқ белгилади: “Имонсиз қўшнилар орасида ҳақ яшаш учун эҳтиёт бўлинглар” (1 Пет. 2:12, NLT, инг. тилидан таржима).

Имонлиларнинг ҳокимият, иш, никоҳ ва бошқа соҳалардаги мұносабатларда муқаддас юриш-туриши нима эканини ҳаворий белгилаб берди. У айнан уларнинг ҳар бири ҳақида сўзлайди, лекин

урғу берадики, мұқаддас юриш-туриш бетавфиқ қүшнилар, ҳамкорлар, курсдошлар, айниқса, бизлар Масихга келгунимизча таниш бўлган одамлар орасида гувоҳлик бериш учун бизларда катта имконият беради:

“Албатта, сизнинг эски дўстларингиз, нима учун улар билан бирга бошқа уларнинг бузуқликларига иштирок этмаётганингизни тушунмайдилар. Лекин сиз уларга ҳисобот беришингиз шарт эмас. Аксинча, уларни Худонинг Ўзи қаршисида жавоб беришлари учун гиламга ўтқизадилар (1 Пет. 4:4,5, The Message, инг. тилидан таржима).

Иккинчи мактубининг бошида Петъор бизларга насиҳат қиласди: “Худонинг даъват қилингандарни ва танлангандарни сифатидаги ўрнингизда мустаҳкамланишга ҳаракат қилинглар. Шундай қилиб, ҳеч қачон қоқинмайсизлар” (2 Пет. 1:10, NLT, инг. тилидан таржима). Бизлар ўз ўрнимизни исботлаш учун амалиётда қўллашимиз лозим бўлган ишлардан баъзилари: маънавий устунлик, ўз-ўзини назорат қилиш, сабрлилик, барқарорлик, художўйлик, эзгулик ва севгирид. Булар бизлар имон билан ривожлантирадиган иноятнинг ҳосилларидир. Агар бизлар буларнинг ҳаммасини бажарсак, бизларга “бизнинг Раббимиз ва Нажоткоримиз Исо Масихнинг абадий Шохлигига эшик кенг очилади” (11-оят, NLT, инг. тилидан таржима).

Кейин Петъор “...ҳалокатга олиб борувчи бидъатларни киритувчи” сохта ўқитувчилар пайдо бўлиши ҳақида огоҳлантиради (2 Пет. 2:1, янги ўзб.таржима). Улар кўп тингловчиларни ўзларига жалб қиласдилар: “Кўплар уларнинг бузуқ таълимотларига ва шармандаларча бузуқлигига эргашадилар” (2-оят, NLT, инг. тилидан таржима). The Message таржимасида, сохта ўқитувчилар ҳақида шундай дейилган: “Улар ўзларини ҳалокатнинг сирпанчиқ йўлига қўйдилар, лекин қулагунларича, улар яхшини ёмондан фарқлай олмайдиган кўплаб хижолатда бўлган издошларни ортларидан эргаштириб кетадилар. Улар ҳақиқат йўлини ёмон атайдилар” (1,2-оятлар, инг.тилидан таржима).

Бу ўқитувчилар бизларнинг орамизда: бизларнинг конференцияларимизда, жамоатларимизда ва ўй гурухларимизда пайдо бўлишади. Бизларга огоҳлантирув берилган: “Бундай одамлар Раббий-

нинг севгисини эслаб, сизларнинг байрамларингизда сизлар билан бирга овқатланмоқдалар” (Яхудо 12, NLT, инг. тилидан таржима; шунингдек, 2 Пет. 2:13га қаранг).

Үз таълимотларида, улар етарлича ҳакиқатни тиқишиади, шунинг учун бизлар иккита натижани кўрамиз.

Биринчидан, одамлар яхшини ёмондан фарқламай қўйишади. Бизларни Худонинг юрагидан йироқлаштирадиган юриш-туришни, қабул қиласа бўладиган, баъзи ҳолларда эса, ҳатто яхши деб ҳисоблайдилар. Худонинг Сўзини эълон қилишни ва аниқ бажаришни қонунчилик ва айблаш деб ҳисоблайдилар.

“Масиҳийча” яшаш тарзини барбод қилиш билан биргаликда, сохта таълимотлар фарқлаш қобилиятини ўчиради. Одамларни адашишга бошқарадиган ўқитувчилар ва хизматчилар қобилиятли нотиклар бўладилар, улар кўпларга таъсир қиладилар ва кўпларни асир киладилар. Худонинг Сўзининг ҳамма насиҳатларини энг юқори мезон деб қабул қилмай қўйғанлари учун, кўп сонли имонлилар сохта таълимотлар ортидан кетади ва итоатсизликка тушади.

Иккинчи оқибати шундай бўладики, Хушхабар ёмон номга эга бўлиб қолади. Бу фақатгина, ўша ўқитувчилар ҳакиқатга тўғри келадиган сўзларни ишлатсалар содир бўлади:

“Улар тўғри йўлни қолдириб,...Беорнинг ўғли Балъамнинг йўлидан бориб адашганлар” (2 Пет. 2:15).

Бу етакчилар ўзларининг йўлларини Масиҳнинг диёнатли издошлари сифатида бошлаганлар, лекин унда тура олмадилар, мана, нима учун улар масиҳийлик тилини биладилар, лекин ўз ор-номусларини сотадилар.

Петьор, агар бизлар муқаддас яшашга ҳаракат қилсак, ҳеч қачон йиқилмаслигимиз, ҳеч қачон бу сохта таълимотлар таъсирига тушмаслигимизни кўрсатмоқда. Бизларнинг хавфсизлигимиз муқаддас ҳаётимиздадир. Сўнгра у бузук таълимотга ва бу таъсири кучли одамларнинг ҳаёт тарзига берилган курбонлар ҳақида тўғридан-тўғри ёзмоқда:

“Агар улар Раббий ва Нажоткор Исо Масиҳни билиб олганлари шарофати билан бу дунёнинг бузуқлигидан озод бўлган бўлса-

лар, сўнгра эса яна шу ёвузлик тўрига тушиб, унга мағлуб бўлган бўлсалар, уларнинг кейинги аҳволи олдингидан бадтардир. Улар учун ҳақлик йўлини билиш ва уларга топширилган муқаддас амрдан юз ўгиришдан кўра, ҳақлик йўлини умуман билмаганлари яхшироқ бўлар эди” (2 Пет. 2:20,21, янги ўзб. таржима).

Бу шокка туширувчи хабар ақлга сигиши қийин, ва албатта, уни қайта ва қайта такрорлашларига арзиди. Буюк ҳаворий, Исо Масихни ўз ҳаётларига қабул қилиб, гуноҳнинг чангалидан кутулган одамлар ҳақида сўзламоқда. Лекин улар носоғлом таълимотни тинглашлари, нотўғри ишонишлари ва фарқлаш қобилиятини йўқотишлари учун ортга, боши берк кўчага қайтадилар. У ҳаттоқи демоқдаки, уларнинг ҳозирги аҳволлари Масихни қабул қилишларидан олдингидан бадтарроқ ва улар муқаддас ҳаёт ҳақидаги амрни рад этганларидан ҳақиқат йўлини ҳеч қачон билмаган бўлишлари улар учун яхшироқ эди. Бу нақадар қайгули!

Бизлар яна муқаддас ҳаёт ҳақидаги амрни кўрамиз – муҳим амрни!

### **Иккита енгилмас куч**

Раббийнинг амрлари оғир эмас, чунки бизнинг янги табиатимиз иноятнинг кучи билан биргаликда, уларни бажариш қобилиятини беради. Лекин келинг, реалистик бўламиз. Бизлар бу қобилиятга эга бўлишимиз мумкин, лекин жанг аро муқаддас ҳаёт кечириш амрини бажаришимизга нима бизларни ундейди? Жавоб: иккита енгилмас куч.

Биринчи куч нимада эканини бир ҳикоя мисолида тушунтишимга ижозат беринг. 1980йилларда, мен хали ёшлар чўпони бўлганимда, мен ҳар ҳафталик хизматимизга воизлилка тайёрланаётган эдим ва ҳис қилдимки, Худо мен билан суҳбатлашмоқчи, шунинг учун мен ўз фикрларимни тинчлантиридим ва юрагимда эшитдим (Юҳанно 14:15ни ўқи).

Мен Юҳанно 14:15да нима ёзилганини билмас эдим, шунинг учун тезда шу жойни очдим ва эътибор бердимки, менинг Муқаддас Ёзувимда бу оят янги параграф билан бошланар экан. Мен унда

Исо Масиҳнинг: “Агар Мени севсанглар, Менинг амрларимга риоя қилинглар”, деган сўзларини ўқидим.

Сўнгра мен ўн бешинчи оятдан йигирма тўртингчигача ўқидим. Бу ўн оятнинг ҳаммаси ўн бешинчига тегишли эди. Мазкур лавханинг мавзуси – Исо Масиҳнинг сўзларига риоя қилиш эди. Бу оятлардан мен оддий маънони тушундим: “Менинг амрларимга риоя қилиб, сизлар Менга бўлган севгиларингни исботлайсизлар”. Мен сўнгти оятни ўқиб бўлганимдан сўнг, Раббий менга: “Сен тушунмадинг. Яна бир бора ўқи”, –деди.

Мен ўн оятнинг барчасини яна бир бора ўқидим. Мен яна ўша маънони илиб олдим: “Менинг амрларимга риоя қилиб, сизлар Менга бўлган севгиларингни исботлайсизлар”. Мен яна Худонинг овозини эшитдим: “Сен тушунмадинг. Яна бир бора ўқигин”. Менинг қизиққонлигим ўси. Мен фақатгина Раббийнинг ўша сўзларини: “Яна бир бора ўқи”, дейишини яна эшитиш учун ўнта оятнинг ҳаммасини яна бир бора ўқиб чиқдим. Ахийри, лавҳани етти ёки саккиз марта ўқиб, мен қариб умидсизликка тушдим.

Мен секинроқ ўқишига қарор қилдим ва навбатдаги бора бу ўн оятни шиллиқ курт юриши тезлигига ўқидим. Мен “агар” сўзини ўқидим, тўхтадим, уни баланд овозда талаффуз қилдим ва ўйлаб кўрдим. Сўнгра кейинги сўз “сизлар”га ўтдим ва ўша жараённи такрорладим. Шундай қилиб, кўп вакт сарфлаб мен бор мактубни ўқиб чиқдим. Ахийри, ўн беш дақиқалардан сўнг, мен ўқишини тутатдим ва шу лахзада, Муқаддас Рух менга: “Сен тушунмадинг. Яна бир бора ўқи”, деганини эшитдим.

Мен умидсизликдан қичқирдим: “Раббий, илтимос, менинг билимсизлигимни кечиргин! Мен ахмоқ бўлсам керак. Сен нима деяётганингни кўра олиш учун кўзларимни очгин!”

Мен яна 15-оятни ўқидим. “Агар Мени севсанглар, Менинг амрларимга риоя қилинглар”. Шу пайт, “риоя қилинглар” сўзи олдида юлдузчани пайқадим. Мен китобнинг четидаги кўрсатмага қарадим ва аниқроқ таржимасида “сизлар риоя қиласизлар”, деб ёзилган, деб ўқидим.

Асосий гапга янгича маъно бериб, мен ўқидим: “Агар Мени севсанглар, Менинг амрларимга риоя қиласизлар”. Мен бу сўзлар-

ни ўқиганимда, менинг ичимда нимадир портлади. Ахийри мен тушундим.

Шунда Худо менга деди: “Жон, Мен агар Менинг амрларимга риоя қилсанг, шу билан Мени севишингни исбот қиласан, деган эмасман. Сен Мени севасанми, йўқми, мен аллақачон биламан! Мен, агар сен мени ақлсизларча севсанг, Менинг амрларимни бажариши истайсан, демоқчиман!” Бошида мен қонунчилик нуқтаи назаридан ўйлаган эдим. Янгича назар менга, асосийси – бу ҳаракатлантирувчи кучга калит бўлмиш севги муносабатлари эканини кўрсатди.

### Эҳтиросли севги

Сизга мисол келтиришимга ижозат беринг. Сиз қачонлардир севиб қолганмисиз? Мен ўз хотиним Лиза билан унаштирилган пайтларимда, унга бор вужудим билан ошиқ бўлиб қолган эдим. Мен фақат у ҳакида ўйлар эдим. Мен фақатгина у билан бирга бўлиш учун ҳар нимага тайёр эдим. Ёдимда бор, бир марта бизлар бир неча соат вақтни бирга ўтказдик. Ахийри, бизлар хайрлашдик, лекин тезда Лиза менга қўнғироқ қилиб: “Жон, сиз менинида курткангизни қолдирибсиз”, – деди. Мен уницида курткамни қолдириб кетганимга шу қадар қувондимки, чунки уни яна кўриш имкониятини қўлга киритган эдим.

Мен: “Менимча, уни олиб келиш учун мен ҳозироқ боришим керак”, –деб жавоб бердим. Бизлар иккаламиз ҳам кулиб юбордик. Бу яна бир неча соатни бирга ўтказиш учун баҳона бўлди.

Агар Лизага бирор нарса керак бўлса, бу нақадар қийин бўлишидан қатъий назар, нима бўлишидин қатъий назар, у учун топиб келишга тайёр эдим. Агар у тунда менга: “Азизим, мен музқаймоқ истайман”, –деб қўнғироқ қилса, мен унга: “Қанақа музқаймоқ? Мен беш дақиқадан сўнг сенинг уйингда бўламан!” –деб жавоб берган бўлар эдим. Мен ҳамма нарсага тайёр эдим, фақатгина унинг ҳар бир истаги ёки илтимосини бажарсам бас эди. Гап шундаки, унинг истаги мен учун энг ширин амр эди.

Менинг Лизага бўлган жиловсиз севгимнинг шарофати билан мен унинг истакларини бажариш имкониятидан қувонар эдим. У

нимани сўрашидан қатъий назар, бу мен учун юк бўлмас эди. Мен унинг илтимосларига ўз севгимни исботлаш учун эмас, уни севганим учун жавоб берар эдим!

Бу Исо Масих бизларга айтаётган гапнинг яхши мисолидир. Бизнинг Унга бўлган мустаҳкам севгимиз туфайли бизлар Унинг истакларини бажариб, қувонамиз. Унинг сўзи бизларни чекламайди ва бизларга юк бўлмайди, аксинча, у бизлар учун борлиғимизни камраб оладиган иштиёқка айланади!

Келинг, менинг никоҳим бир неча йил ўтиб нима бўлганига назар ташлаймиз. Мен жамоатда кўп хизмат қиласиди ва менинг Лизага бўлган муҳаббатим қандай заифлаша бошлаганини ҳатто сезмай ҳам қолдим. Унинг истаги мен учун қонун бўлмай қолди ва кўпинчча, бу қандайдир нокулайлик ва баъзан мен учун юк бўладиган бўлди. Мен унга тамомила бошқа муносабат билан хизмат қила бошладим. Мен унинг истакларини, унаштирилган пайтимиздаги-дек қувонч билан амалга оширишни бас қилдим. Мен энди: “Сен қанақа музқаймоқни истайсан? Мен аллақачон бир оёғим билан сеникдаман”, – демас эдим, мен энди: “Сен жиддий айтаяпсанми? Азизам, бошқа ишларим тиқилиб ётибди!” – дер эдим. Мен у билан бирга вакт ўтказиш имкониятини излашни бас қилдим. Мен факат эҳтиёж юзасидан у билан бирга вакт ўтказар эдим. Менинг янги иштиёқим бу менинг ишим бўлиб қолди.

Исо Масих жамоатга нима деяётганига кулоқ солинг:

“Сенинг ишларинг, меҳнатинг, бардошингни... биламан. Лекин сенга қарши бир даъвойим борки – сен илк муҳаббатингни тарк этдинг. Энди, қаердан қулаганингни ёдга ол! Тавба қил ва илгариги ишларингни қилиб юргин...” (Вах. 2:2,4,5).

Исо Масихнинг сўзларига яна назар ташланг: “Сенинг ишларингни... биламан. Сен қуладинг ва тавба қилгин ҳамда олдинги ишларингни қилгин”. Икки турдаги ишлар бор, бу ерда шулар ҳақида гап бормоқда. Биринчи ишларнинг ҳаракатлантирувчи кучи жамоатнинг Исо Масихга бўлган эҳтиросли севгисидир. Бу менинг: “Сен қанақа музқаймоқни истайсан? Мен беш дақиқадан сўнг сенинг уйингда бўламан”, – деган муносабатимдан фарқ қилмайди. Лекин энди

жамоат мажбуриятлардан меҳнат қиласи эди, уларнинг ҳаракатлантирувчи кучи менинг: “Сен жиддий айтаяпсанми? Азизам, бошқа ишларим тиқилиб ётибди!” – деган муносабатимдан фарқ қилмас эди. Исо Масихга нисбатан бу қуидагича жаранглайди: бизлар се-шиб қолганимизда, У учун ҳамма нарсани қилишга тайёрмиз. Сўнгра эҳтирос сусайди, итоат мажбуриятга айланади.

Бу камчиликни қандай тўғирлашимиз мумкин? У билан Сўз устида, ибодатда, ҳамду-санода кўпроқ вақт ўтказиш лозим. Нафақат жамоатда ёки эрталабки ибодат ёки Ёзувни ўқиши вақтида, балки бутун кун давомида, доимий равишда Унинг ҳузурини хис килиш учун Унга диққатимизни қаратишимиш лозим. Биз шунингдек, Муқаддас Рух, бизнинг доимий Шеригимиздан ҳар куни юракларимизни Худонинг севгиси билан тўлдиришини сўрашимиз лозим (Рим. 5:5га қаранг).

Худони жуда кучли севишнинг иложи йўқ, севги билан бирга Унга нисбатан эҳтирос ҳам ўсиб боради. Унутманг: “...севги ҳеч қа-чон тугамайди” (1 Кор. 13:8).

### Муқаддас қўрқув

Яна битта ҳаракатлантирувчи куч – бу диёнатли қўрқувдир. Биз-ларни муқаддаслик йўлида тутиб туриш учун бу эзгулик ҳақида Повул аниқ сўзламоқда:

“...ўзимизни тананинг ва рухнинг ҳар қандай нопоклигидан то-залаф, Худонинг қўрқувида муқаддаслигимизни камолотга етка-зайлик” (2 Кор. 7:1).

Муқаддаслик Худонинг қўрқувида ўсиб боради. Мазкур ягона хақиқат бутун Янги Аҳд бўйлаб қўриниб туради.

Повул бошқа жамоатга шундай ёзмоқда: “...қўрқув ва титроқ билан ўз нажотингизни амалга оширинглар” (Флп. 2:12). Худонинг амрларини итоат билан бажариш учун ҳурмат, титроқ ва муқаддас қўрқув талаб қилинади. Муқаддас яшаш амрини бажариш ҳақида Петъор шундай ёзади: “...бу заминда мусоифирлар бўлган ҳолда, ўз ҳаётингизни Унинг қаршисида эҳтиромли қўрқувда ўтказинглар” (1 Пет. 1:17, янги ўзб. таржима).

Ибронийларга мактубнинг муаллифи бизларни шундай сўзлар билан муқаддас яшашга интилишга чорлайди: “Шунинг учун биз ларзага солинмайдиган шоҳликни қабул қилиб, иноятни маҳкам тутайлик, токи шу иноят билан эҳтиром ва қўрқувда Худога маъқул хизмат қиласайлик” (Ибр. 12:28). Худонинг қўрқуви – Унга хизмат қилишнинг маъқул йўлидир.

Худонинг қўрқвига эга бўлиш кераклиги кўпларни хижолатга солади. Ахир бизлар қўрқувдан озод бўлмадикми? Энди бу сўз бизнинг сўз бойлигимизда нечанчи ўринни эгаллади?

Худо севгидир. У бизнинг Отамиз. Лекин барибир қўрқув ҳақида сўзлаш керак, чунки у ҳақида Янги Аҳдда кўп бора айтилади.

Баъзи одамлар: “Бу фақатгина Худога сажда қилишни билдиради”, – деб, унинг аҳамиятини камайтирдилар. Бутун дунёга машҳур бир ўқитувчи бир куни бу гапни менга яшил хонада, мен Жанубий Африкада миллий конференцияда воизлик қилишга тайёрланётганимда айтди. У Худонинг қўрқувини шундай тушунтиришига жавобан, мен ундан: “Агар гап сажда қилиш ҳақида бораётган бўлса, нима учун унда Повул Янги Аҳдда тўрт марта қўрқув ва титроқ ҳақида сўзламоқда?” – деб сўрадим. Титроқ саждадан анча кўпроқдир.

Стронг лугати бўйича, юонча *tromos*(титроқ) сўзининг ягона таърифи – “қўрқувдан титраш”дир. Шундай қилиб, ёзилганки, бизлар қўрқувдан титраб ўз нажотимизни амалга оширишимиз керак. Бу сўзда шунингдек, чукур ҳурмат ва соғлом даҳшат оҳангига ҳам бўлиб, бу – бизнинг сажда ҳақидаги одатий тасаввуримиздан анча кўпроқдир.

Бу сўзниг маъносига келганда, сиз айтишингиз мумкин: “Бу Эски Аҳддаги таълимот. Бизлар Худодан қўрқишимиз керак эмас, чунки Худо бизларга қўрқув эмас, балки севги рухини берди”. Бундай сўзларни айтадиган одамлар қўрқув рухи билан Худонинг қўрқувини адаштирадилар.

Мусо Истроилни Синай тоғига олиб келганида ва Худо Ўзининг хузурини намоён қилганида, Истроил халқи ортига қочиб кетди ва Худо уларга Ўзининг улуғворлигини кўрсатмаслигини ўтинишини сўраб Мусога қичқирди. Қаранглар, Мусо халққа нима деб жавоб бермоқда:

“Мусо эса халкка: – Кўркманглар! Худо сизларни синаш учун ва сизлар гуноҳ қилмасликларинг учун Ундан кўркиш сизларнинг юзларингиз қаршисида бўлиши учун келди, – деди” (Чик. 20:20).

Худди Мусо ўзига ўзи қарши гапираётгандек эшитилади: “Кўркманглар!...Худо...Ундан кўркиш сизларнинг юзларингиз қаршисида бўлиши учун келди”. У шунчаки Худодан кўркиш ва Раббийнинг кўркувини фарқлай олар эди. Уларнинг орасида улкан фарқ бор. Бизлар Худодан шунчаки кўркишимизни исташ Унга нима керак? Ўзинг кўрқадиган одам билан яқин муносабатларда бўла олмайсан, киши, лекин Худо бизлар билан яқин муносабатларда бўлишни жуда истайди.

Худодан кўрқадиган одамнинг яширадиган нарсаси бор, шунинг учун у Худодан кўрқади. Худога қарши гуноҳ қилганларидан сўнг, Одам Ато ва Ҳавванинг биринчи қилган ишлари – Унинг хузуридан яшириндилар (Ибт. 3:8га қаранг). Бошқа томондан, Худонинг кўркувига эга одамнинг яширадиган нарсаси йўқ, у аксинча, Худодан ажралишдан кўрқади!

Шунинг учун Раббийнинг кўркувининг биринчи даражадаги таърифи – бу Худодан ажралишдан кўркишdir. Худодан кўркиш – Уни Худо деб билмоқдир. Бизлар Худони ҳаммадан кўра кўпроқ ва ҳар нарсадан кўра кўпроқ, беҳад ҳурмат қиласиз, эҳтиром қиласиз, қадрлаймиз ва иззат қиласиз.

Мукаддас кўркув Худога У арзидиган шуҳрат ўрнини беради, бизлар чуқур эҳтиромда Унинг қаршисида титраймиз ва қалтираймиз. Бизлар бошқа ҳамма ишлардан, шу жумладан, ўз ишларимиздан олдин Унинг истакларини бажариб, Унинг юрагига қаттиқ боғланамиз. У севган нарсаларни бизлар севамиз, У нафратланган нарсалардан бизлар нафратланамиз. У учун мухим нарса бизлар учун мухимга айланади. Мана, нима учун ёзилган: “Раббийдан кўрқадиганларнинг ҳаммаси ёвузлиқдан нафратланадилар” (Ҳик. 8:13, NLT, инг. тилидан таржима).

Чикиш (20:20)да айтилганки, диёнатли кўркув бизларни гуноҳдан тутиб туради. Шу сўзларга жўр оҳангда, Ҳикматлар китобида шундай ёзилган: “...Раббийдан кўркиш эса ёвузлиқдан йироқлашти-

ради” (Хик. 16:6). Повул яна ёзадики, Худонинг кўркуви – бу бизларга гуноҳдан қошишга ёрдам берадиган кучдир (2 Кор. 7:1).

Мен бир машхур телевизион хушхабарчини қамоқхонада йўқлаб борганимда, бу библиявий оятлар мен учун воқеликка айланди. 1980йилларда бу одам дунёдаги энг машхур одам эди. Унинг айби шундан иборат эдики, у бизнинг ҳукуматимизга қарши жиноят қилган эди, бундан ташқари, у зино қилган эди.

Бу одам қарийб беш йил умрини қамоқхонада ўтказди, лекин ўзининг қамоқ муддатининг бошланишида, қамоқхона камерасида Исо Масих билан учрашди ва бу унинг бор ҳаётини ағдар-тўнтар килиб юборди. Менинг китобларимдан бири унга чукур таъсир қилган эди ва мендан унга ташриф буюришимни сўраган эди.

Бизнинг қамоқхонадаги учрашувимизни ҳеч қачон унутмайман. У кўзларида ёш билан бир дақиқалар чамаси мени кучоғида тутиб турди. Сўнгра, у мени елкамдан чангллади ва оташин овоз билан сўради: “Бу китобни сенинг ўзинг ёздингми ёки у фақатгина сенинг номинг билан чиққанми?”

“Йўқ, жаноб, менинг ўзим ёзганман. Ҳар бир сўзини”.

У ҳаяжон билан: “Бизлар шу қадар кўп нарсалар ҳақида сухбатлашибимиз керак, бизларда эса бор-йўғи тўқсон дақиқа бор”, –деди. У тезда ўтириб, менга ўз тарихини айтиб берди.

Унинг ҳикоясида шундай жумла жаранглади: “Жон, мен қамоққа Худонинг ҳукми туфайли тушган эмасман. Мен Унинг шафқати туфайли бу ердаман, агар мен илгари яшаганимдек яшашни давом эттирганимда эди, мен абадий дўзахга тушган бўлар эдим”. Унинг сўзлари мени шок ҳолатига солди ва унинг софдилларча тўғрилиги ҳамда бўйсунувчанлиги лол қолдирди.

Унинг ҳикояси бошланганидан қарийб йигирма дақиқалардан сўнг, менинг ичимни тирнаётган саволни мен унга бердим. У ўзининг хизматининг бошида Исо Масихни қайноқ севганини ва Худо учун ёнганини мен билар эдим. У қандай килиб бу эҳтиросни йўқотганини мен ундан сўрамоқчи эдим.

Ахийри, мен у кишидан: “Сиз қачон Исо Масихга севгингизни йўқотдингиз? Қайси лаҳзада?” – деб сўрадим. Мен Раббийга сев-

гининг совуши ва йўқолиши белгиларини, айниқса, хизматчиларда қандай бўлишини излаётган эдим.

“Мен уни йўқотганим йўқ”, –қатъий жевоб берди у.

Мен у кишининг жавобидан яна шок бўлиб қолдим ва бироз бошим қотди. У киши қандай қилиб бундай дейиши мумкин?

Мен у кишига жавобан тўрсиллаб дедим: “Сиз нимани назарда тутаяпсиз? Сиз зино ва фирибгарлик қилдингиз, сиз қамоққа тушдингиз. Қандай қилиб сиз “хеч қачон Исо Масихни севишни тўхтатган эмасман”, дейсиз?”

Яна тўғри менинг қўзларимга қараб, у заррача иккиланишсиз: “Жон, бутун шу давр мобайнида мен Исо Масихни севар эдим”, – деди.

Мен жим турар эдим. Менинг юзим кучли саросимани акс эттираётганига менинг ишончим комил эди. Сўнгра у: “Жон, мен Исо Масихни севар эдим, лекин мен Ундан кўркмас эдим”, –деди.

Бир неча лаҳза жимлик ҳукм сурди. Унинг сўзлари сингиши учун у бироз сукут саклади. Мени ҳиссиётлар тўлдиради. Сўнгра у сукутни бузди ва қайфу билан қўшиб кўйди: “Жон, миллионлаб америкаликлар худди мен каби яшамоқдалар. Улар Исо Масихни севишади, лекин Худодан кўркишмайди”.

### **Ўйлаб топилган Исо Масих**

Мен учун хаётий муҳим лаҳза бошланди, чунки бу учрашув менда янада кўпроқ жавоблар олишга очлик қўзғатди. Қандай қилиб, Худони яхши кўрадиган одам доимий ва ҳаттоқи, оғир гуноҳга тушиши мумкин? Қандай қилиб, Худони яхши кўрадиган миллионлаб одамлар худосиз яшашлари мумкин? Улар Худони шарафлайдилар, жамоатнинг ҳаётида фаол иштирок этадилар, Худога оид нарсаларни иштиёқ билан истайдилар, лекин шу билан бирга, бузук ҳаёт кечирадилар, порнография томоша қиласадилар, доим ёлғон гапирадилар, кўп ичадилар, Ёзув рухсат берган сабаблардан ташқари ҳолатларда ажраладилар – ва бу ҳали тўлиқ рўйхат эмас. Бу хизматчи севгани каби улар ҳам Исо Масихни севадилар, нима учун улар Унинг сўзларига риоя қиласадилар? Исо Масих айтаяптики,

агар бизлар Уни севганимизда эди, бизлар Унга итоат қилиш учун кучга эга бўлган бўлар эдик. Бу ерда нима етишмаяпти?

Улар ўзлари билмаган шахсни севаман, деб ўйлаган бўлишила-ри мумкинми? Бу хушхабарчи ва у воизлик қилган омма, аслида, воқеиликдаги Исо Масих бўлмаган, ўз шахсий Исо Масиҳларининг тимсолини яратган бўлишилари мумкинми? Бу ўйлаб топилган Исо Масих, уларнинг танавий табиатларига улар чанқоқ бўлган нарса-ларини бериши мумкинми?

Тасаввур килинг: бизнинг давлатимизда, машхур спортчилар-нинг ва Голливуд юлдузларининг ҳаётларини диққат билан кузата-ётган кўплаб одамлар бор. Уларнинг исмлари ҳамманинг қулоғида жаранглайди. ОАВ уларнинг шахсий ҳаётларини кўп сонли телевизион интервьюлар, рўзнома ва ойномалардаги мақолалар орқали ҳар томонлама очиб беради. Мен уларнинг муҳлислари бу юлдузлар ҳакида, гўёки улар уларнинг яқин дўстлариdek гапиришларини эшитаман. Мен уларнинг оиласидаги муаммоларини одамлар юракла-рига нақадар яқин олишларини ва гўёки уларнинг оила аъзолари каби уларнинг кулфатларида қайғургандарини кўраман.

Шунга қарамасдан, агар бу муҳлислар ўзларининг юлдуз “дўст”ларини қачонлардир кўчада учраттганларида эди, у уларга саломлашиб маъносида ҳатто бош иргамаган бўлар эди. Агар улар “дўст”ларини тўхтатишга журъат килсалар, эҳтимол, у уларнинг тасаввурларидан анча фарқ қилишини билиб қолган бўлар эдилар. Хулоша шуки: бу ўйлаб топилган муносабатлардир.

Исроил Мисрдан чиққанидан сўнг шундай йўл тутди. Мусо тоққа чиққанида, у кирқ қун ва кирқ тун ёлгиз бўлганида, Худо сукут саклади, Мусо учун эмас, ҳалқ учун. Бу сукут даврида, Худонинг хузуридан йироқда бўлган Аҳарон ва етакчилар, уларнинг та-наларининг ҳирсига ҳамда уларнинг истакларига тўғри келадиган “худо”ни ясашга киришишди.

Ўтган йиллар мобайнида, мен бу ҳикояда бирор жуда муҳим нарсани кўрган эмас эдим, чунки ивритда ўқишини билмайман. Аҳарон ўзи ясаган буқани Йхвх ёки Йеховаҳ деб атади, яъни Худонинг исми билан атади(Чиқ.32:5га қаранг). Муқаддас Ёзувда, бошқа бирор жой-да бу исм соҳта худо ёки бутга нисбатан ўзлаштириб айтилмайди. Бу

исм шу қадар мұқаддаски, яхудий мұаллифлар уни фақат унсиз харфларини ёзадилар(Бизлар Йеховаҳ деб ёзамиз ва талаффуз қиласыз).

Фақатгина Ахарон әмас. Халқ: “Мана, сени Мисрдан олиб чиқкан Элохим!” – деб, бу бүкани тан олди(Чик. 32:4,8га қаранг). Бу яхудийча сүз Ибтидо китобининг фақат биринчи бобидагина ўттиз икки марта ишлатилади. Мұқаддас Ёзувнинг биринчи оятида дейилгандан: “Бошида Элохим осмон ва ерни яратди”.

Йеховаҳдан фарқли равища, 90фоиз ҳолларда, бу сүз Қодир Худо маъносида ишлатилган. Қолган 10фоиз ҳолларда, сохта худони таърифлаш учун ишлатилган. Ахарон бүкани Йеховаҳ деб атагани учун, бизлар дадил тахмин қилишимиз мүмкінки, одамлар иккита воқеани бўлмаган ҳолда, бир нарса ҳақида сўзлаётган эдилар.

Гап ана шунда: бутун ҳалқ Йеховаҳ уларни кутқарганини, уларни қулликдан озод қилганини ва уларни таъминлаганини тан олди. Аммо улар Мусо билан сўзлашган ҳақиқий Йеховаҳдан кучли фарқ қиласидиган, ўзлари ўйлаб топган Йеховаҳни яратдилар.

Ёзилган: “Билимнинг боши – Раббийдан қўркишдир” (Ҳик. 1:7, янги ўзб. таржима). Бу ерда савол бериш ўринлидир: Қанака билимнинг? Ёзувни билишнинг әмас, чунки уламолар ва фарзийлар Мұқаддас Ёзувнинг билимдони эдилар, лекин улар Худонинг хузуридан йирок эдилар, улар Худога ёқишига ҳаракат қиласыз эдилар. Бизларга қанака билим керак? Жавобни Ҳикматлар китобидан топамиз (2:5): “...шунда Раббийдан қўрқишни англайсан ва Худо ҳақида билим топасан”.

Куйидагини айтишимга ижозат беринг: тўғри қўрқув орқали сиз Худони яқиндан билиб оласиз. Сиз ҳақиқий Худони билиб оласиз – ўйлаб топилган Исо Масихни әмас, ҳақиқий Исо Масихни. Повул Коринфликларга таъна килиб, деган:

“Сизлар олдингизга келган ҳар қандай одамларга, ҳаттони, улар бизлар воизлик қиласаётган Исо Масихдан бошқа Исо Масихни воизлик қиласалар ҳам яхши бардош берасизлар” (2 Кор. 11:4, NLT, инг. тилидан таржима).

Мен юқорида айтиб ўтган машхур телевизион хушхабарчи ва у айтган қўплаб одамлар айнан Отамизнинг ўнг қўлида ўтирган Исо

Масихни севмайдилар. Улар ўйлаб топилган Исо Масихни, уларнинг кўнгиллари ёқтирган ҳаёт тарзига эътибор қиласидиган ва ҳатто, бунга йўл қўядиган Исо Масихни яхши кўрадилар. Улар ёки хеч қачон Уни билмаганлар, ёки У билан шахсий муносабатлардан чекинганлар. Сўнгти ҳолатда, буни турлича ҳаёт йўлини танлайдиган икки дўстга нима бўлиши билан тақослаш мумкин. Бир неча йиллардан сўнг улар умуман бошқа бўлиб кетганларини, олдинингга умуман ўхшамасликларини пайқаб қоладилар. Ўйлаб топилган Исо Масихга севги ҳақиқий Исо Масих айтган сўзларни бажаримиз учун бизларга куч бермайди. Аслида, яхши билмаган кишингни севиш кийин.

Худонинг муқаддас қўрқувисиз бизлар ҳақиқий Худони била олмаймиз. Мусо Уни яқиндан билар эди. У Худонинг овозини аниқ эшиштар эди ва Унинг йўлларини тушунар эди. Истроил Худони фақатгина қилган ишларига кўра – уларнинг ибодатларига жавоб беришига кўра билар эдилар. Истроил учун Худонинг овози момакалдироқ эди. Мусога эса, якин келиш, Унинг ҳузурига кириш рухсат берилган эди. Истроилга орқага, ўз чодирларига қайтиш ва жамоат ўйнаш айтилган эди (Кон. так. 5:29,30).

### **Бизлар қандай қилиб муқаддас қўрқувга тўлишимиз мумкин?**

Бу ерда энг муҳим савол тугилади: қандай қилиб Худонинг муқаддас қўрқувига тўлишимиз мумкин? Шунчаки Ундан сўрашимиз керак, фақат сидқидилдан сўрашимиз керак.

Исо Масих демоқда: “Шундай қилиб, агар сизлар ёвуз бўла туриб, болаларингизга яхши ҳадялар беришни билсангизлар, боз устига, осмондаги Ота Ундан сўраганларга Муқаддас Рухни беради” (Лк. 11:13). Сиз: “Ахир Исо Масих Муқаддас Рух ҳақида айтаетган эмасми, Худонинг қўрқуви ҳақидами?” –дерсиз. Ишаъё Исо Масих ва Муқаддас Рух ҳақида нима деганига қулоқ солинг:

“Шунда Йешай илдизидан новда чиқади ва унинг томиридан бир ниҳол ўсади. Унинг устида Раббийнинг Рухи – донолик ва англаш рухи, маслаҳат ва қувват рухи, билим ва Раббийдан

кўркиш руҳи бўлади. Раббийдан кўркиш У учун қувонч бўла-ди...” (Иш. 11:1-3, янги ўзб. таржима).

Бу рўйхатда Худонинг Рухининг сўнгти чизгиси – “Раббийнинг кўркуви Рухи”дир. Шахсан мен ишонаман, бу бизлар сўрашимиз керак бўлган энг муҳим томонидир. Мен икки сабабдан бунга ишонаман: Биринчидан, бизларга айтилганки, Раббийнинг кўркуви – бу донолик, ақл, маслаҳат ва кучнинг бошидир (Сан. 110:10, Ҳик. 1:7, Ҳик. 8 ва 9га қаранг). Иккинчидан ва энг ишонтираслиси, Раббийнинг кўркувига эга бўлиш Исо Масихни қувонтиради. Уни қувонтирадиган нарса бизларни ҳам қувонтириши керак эмасми? Аслида ёзилганки, Исо Масихни диёнатли кўркувга эга бўлгани учун Худо эшитган эди (Ибр. 5:7). Ибодат қилиш бир нарса, ибодат эшитилган бўлиши бошқа нарса.

Лекин Раббийнинг кўркуви ва Худонинг севгиси – булар Унинг Рухи билан тўлишишнинг маҳсулидир, чунки Повул ёзмоқда: “Умид эса уялтирмайди, чунки бизга берилган Муқаддас Рух оркали Худонинг севгиси бизнинг юракларимизга қуйилди” (Рим. 5:5). Мен сизларни муқаддас кўркув руҳи ва Худога қайноқ севги олови билан тўлишни астойдил сўрашга даъват қиласман.

### **Кир идишлар**

Энди бизлар кенг тарқалган инқирозга яқинлашдик. Йигирма биринчи аср жамоатининг жиддий камчилиги бор. Унга идишлар, шунчаки идишлар эмас, Худо Ўзининг Рухини қуиши мумкин бўлган тоза идишлар етишмайди. Келинглар, Повул ердалигига ёзган сўнгти сўзларига қайтамиз. У дадил айтмоқда:

Аммо Худо томонидан ўрнатилган мустаҳкам пойдевор тебран-масдир. Унда: “Раббий Ўзиникиларни билади” ва “Раббийнинг номини эълон қиласиган ҳар бир киши ёвузиликдан қайтсин”, деган ёзув билан муҳр турибди (2 Тим. 2:19, янги ўзб. таржима).

Повул бизларни жамоат сифатида ва алоҳида шахслар сифатида нима тебранмас қилишини айтмоқда. У бизнинг пойдеворимизда ёзилган иккита фикрни ажратиб кўрсатмоқда. Муқаддас Ёзувнинг

инглизча таржимаси King James Versionда муҳр сўзи ишлатилган, The Message таржимасида эса “ўйиб ёзилган” ишлатилган.

Биринчидан, Раббий Унга тегишиларни билади. Бу юпатади. Бизлар ўзимизни Унга тўлиқ бағишлаганимиздан, У бизларни унутмайди. Биз Унинг кўзининг қорачигига айланамиз.

Пойдеворда ўйиб ёзилган иккинчи ёзув: “Раббийнинг номини эълон қиласиган ҳар бир киши ёвузиқдан қайтсин”. Бизлар бу ерда “қайтсин”, сўзини кўрмоқдамиз, “кайтиши мумкин” эмас, “қайтсин”. Бу жуда кучли сўз, у бетавфиқ ҳаётдан қайтиш нақадар муҳимлигини билдиради. Нима учун? Бунга жавобни кейинги икки оятдан топамиз:

“Катта бир уйда нафақат олтин ва кумуш идишлар, балки ёғоч ва сопол идишлар ҳам бор; қиммат идиш ҳам бор, оддий тувак ҳам бор. Ким ўзини ҳамма ёмон нарсалардан покласа, у шарафли идиши бўлади: у муқаддасланган, Эгаси ундан фойдаланади, у ҳар бир яхши иш учун тайёр туради (2 Тим. 2:20,21, янги ўзб. таржима).

“Идиш” сўзида ишлатилган юононча сўз оддий идишларни ёки контейнерларни билдиради. Агар бизлар идиш сифатида тоза бўлсак, демак бизлар Эгамизнинг ишига яроқлимиз. Бизлар Унинг кучли хузурига тўлишга яроқлимиз.

Ҳар эрталаб, мен дунёнинг қайси шаҳрида бўлишимдан қатъий назар бир хил нонушта қиласман. Олдин мен лимон солинган бир стакан илиқ сув ичаман, сўнгра бир чашка ясминли оқ чой ичаман. Ўн беш дақиқадан сўнг бир ликопча бодом сути ва тоза заранг қиёми билан аралаштирилган чия дони ва зигир қўшилган сули ёрмасини тановул қиласман. Нонушта учун менга идиш керак: чой учун чашка, сув учун стакан ва чукӯр ликопча. Мен ҳеч қачон кир чашка, кир стакан ёки кир ликопчадан фойдаланмайман. Мен доимо тоза идиш оламан. Агар идиш кир бўлса, у чашками, ликопчами ёки стаканми, бу кир бизлар идишга соладиган идишдаги энг яхши нарсани ҳам бузади. Нима учун Худо Муқаддас Рухини кир идишларга солиши керак?

Повулнинг сўзларига қараганда, ўзимизни тозалаш учун масъулият ўзимизнинг гарданимиздадир. У: “Исо Масихнинг қони биз-

ларни ўтмишдаги, ҳозирги ва келажакдаги барча гуноҳлардан поклайди, шунинг учун сизларни тепаётган, сизлар амрида яшаётган гуноҳ учун хавотир олманглар, чунки сизлар ҳимоя остидасизлар”, деган эмас. Йўқ, у деди: “Шунинг учун ўзини поклайдиган хар бир киши( ўзини хар бир жирканч ва нопок нарсадан поклайдиган, ўзини юқумли ва бузғунчи таъсирдан ажратадиган), ажратилган ва фойдали идиш бўлади” (21-оят, инг. тилидан кенг. таржима).

Бизлар ўзимизни поклашимиз керак. Нуқта. Повул бу дафъя, Исо Масихнинг шарофати билан бизлар кўлга киритган ҳолатимиз ҳақида гапираётган эмас. У бизнинг юриш-туришимиз ҳақида сўзламоқда. Бу сўзларни яна бир бора ўқиб чиқинг: “Ўзини барча ёмон нарсалардан поклаган одам, иззатли идиш бўлади”.

Бизлар яна бир бора кўрмоқдамизки, Худонинг хузури, Унинг Рухи кир эмас, балки тоза идишга қуйилади.

### Оқибатлар

Бизга айтилганки, қонунбузарлик(Худога итоатсизлик) –бу сир бўлиб, у бизнинг жамиятимизда ҳаракат қилмоқда. Лекин хушхабар шундан иборатки, уни жиловлаш мумкин:

“Қонунбузарликнинг сирли кучи аллақачон ҳаракатда, лекин олдин Уни тутиб Турган йўлдан қочиши керак” (2 Сал. 2:7, инг. тилидан таржима).

Бизлар қонунбузарликни тутиб турган Ким эканини билиб олишимиз лозим. Жавоб битта: ёки Муқаддас Рух ёки Масихнинг танаси. Аниқки, таржимонлар бу Муқаддас Рух деб ўйлашган, чунки уни катта ҳарф билан ёзишган. Улар ҳақ деб тахмин қиласиз.

Ҳозир, мен бу китобни ёзаётганимда, менинг ёш им эллиқдан ўтган ва бутун ҳаётим давомида, бизнинг давлатимизда қонунбузарликнинг кўпайишининг бундай даражасини кўрмаганман. Мен ҳеч қачон ҳукумат, ОАВ ва жамият бузук юриш-туришни яхши деб атаганларини кўрган эмасман. Бунинг сабаби бор. Тутиб турувчи куч – Муқаддас Рух ҳозир жамиятда устунлик қилмаяпти. Йигирма биринчи асрнинг биринчи ярмида Фарбда Худонинг хузури тезлик билан камаймоқда.

Нима учун бундай бўлмокда? Агар бизлар ўзгаришга ургу берадиган Хушхабарни воизлик қиласак, бизлар тоза идишлар танқислигига учраймиз, кейинчалик бу Худонинг намоён бўлган хузурининг ерда етишмовчилигига олиб келади. Ёдда тутинг, Исо Масих хочда ўлганида, маъбаддаги парда тепадан пастга қараб йиртилиб кетди. Худонинг хузури бирданига қўл билан ясалган идишдан кўчди ва қўл билан ясалмаган идишларга – эркак ва аёлларнинг юракларига қуилиши керак эди.

Худонинг Рухи маъбаддан қуёшнинг ботишига, дарахтга, чирили манзарага, қўшикка, кинога ёки бирор бошқа ахборот етказиш воситасига кўчган эмас. У тана ва қондан иборат идишларга кўчди. Агар бу идишлар кир бўлса, жамиятда Худонинг хузури камаяди ва кейинчалик қонунбузарлик камроқ тутиб турилади.

Бизлар бу шиддатли ёмонлашишни парламентта яхши номзодларга овоз бериш йўли билан эмас, хукуматимизга қарши эътиroz билан чиқишимиз билан эмас, медиа корпорацияси ходимларини ишдан бўшатиш орқали эмас, аборт қилувчи бинолар қаршисида протест қилиш ёки бошқа турлича йўллар билан ўзгартира олмаймиз. Қонунбузарлик билан ҳақиқий курашишимизнинг ягона йўли – Худонинг инояти кучига бўйсуниш ва диёнатли хаёт кечиришидир. Шунда Муқаддас Рухнинг овози ва таъсири бизнинг жамияти мизда кучлироқ бўлади.

Ҳақиқий муқаддаслик ҳақидаги воизликларнинг етишмаслиги бизларга шахс даражасида ҳам, умуман жамиятга ва давлатга қимматга тушди. Бизлар буни ўзгартира олами! Чўпонлар, етакчилар ва бутун Худонинг халқи! Келинглар, Муқаддас Ёзувдаги бор Худонинг Сўзини эълон қилиб, биргаликда мустаҳкам турамиз. Келинглар, бизлар таъсир қиласиган одамларнинг ҳаётида кучли пойдевор ва чегаралар қурамиз. Келинглар, Муқаддас Рухнинг тутиб турувчи кучи шарофати билан бизнинг жамиятимизда қонунбузарликка йўл ёпилганини кўрамиз ва Худонинг Рухининг кучи Худонинг Шоҳлиги учун жонларнинг хирмонини келтиради.

## БИЗНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИМИЗ

Уларга берилганини яхши құллаганларга, янада күпроқ берилади ва уларда түкислик бўлади.  
— Матто 25:29 (NLT, инг. тилидан таржима)

Асосийси – менинг қобилиятим эмас, балки Худонинг қобилиятига менинг жавобимдир.  
— Кори Тен Бум

**К**елинг, уй қурилиши мисолига қайтамиз. Бошида бизлар пойdevор қуриш – яъни ҳаётимиизда Исо Масихнинг хукмдорлигини мустаҳкамлаш муҳимлигини муҳокама қилдик. Кейинги қадам деб, каркас ёки уйнинг тузилиши, яъни бизнинг муқаддасланишимизни белгиладик. Энди қурилишнинг охирги босқичига ўтамиз. Мазкур босқич бизларнинг ишимиз ўзига хос, дурдоалигини белгилайди. У ўз ичига хосилдорлик, орзулар, режалар, стратегиялар ва ҳаётий қарорларни олади.

Повул ёзади:

“Зеро биз Худо азалданоқ бизлар қилишимизни белгилаган яхши ишларни бажаришимиз учун Исо Масихда яратилган Худонинг янги ижодларимиз” (Эф. 2:10, янги ўзб. таржима).

Бизлар Исо Масихда фақатгина Худонинг болалари бўлиш учун эмас, балки шунга тенг равища Шоҳликнинг маҳсулдор фуқаролари бўлиш учун яратилганимиз.

Уй қурилишининг мазкур жараёнида эшикларни, жавонларни ўрнатиш, паркет тўшаш, плиткаларни, мармар столларни ўрнатиш,

бўяш ва ахийри, қандилларни ўрнатиш қурилишни тугаллади. Лекин бу босқичнинг натижаси чиройли кўринади ва узоқ хизмат қиласди, фақатгина биринчи икки босқич сифатли қилинган бўлса.

Бизлар хаётимизда кўпинча бизларга яхши туюладиган, лекин кўпинча, Худо бизлар учун тайёрлаб қўйган нарсалар орасида энг яхшиси бўлмаган нарсаларни танлаймиз. Кўпинча бизлар танловимиз чекланган деб хис қиласмиз. Иброҳим ва Сора, улар учун фарзанд кўришнинг Иброҳим Ҳожар, Соранинг чўриси билан ётишидан бошқа йўли йўқ, деб қарор қилдилар. Бу қарор натижасида Исмоил туғилди. Шунга қарамасдан, Худонинг Сўзи аниқ айтмоқда: "...чунки чўрининг ўғли, озоднинг ўғли билан бирга меросхўр бўлмайди" (Гал. 4:30). Бу вазиятда, Худо Иброҳим ва Соранинг танловини кечирди, лекин бу У доим шундай қиласди, дегани эмас. Кўпинча бундай нотўғри қарорлар ва йўллар бизларни максимал имкониятдан маҳрум қиласди.

Бунинг тасдиғи сифатида Эски Аҳдда етарлича мисоллар бор, булардан бири Шоул. У босим остида қолганида, Шомуил келгучиша қурбонлик келтиришга қарор қилди. Бу холда, унинг танлови кечирилмади, Шоул шоҳликни йўқотди (1 Шом. 13-бобни қаранг).

Мухим қарорларни қандай қабул қилишларини мисолда кўриб чиқамиз. Айтайлик, сиз сафарга чиқдингиз ва кўплаб туристлар кетаётган йўлакни кўрдингиз, беихтиёр сиз ҳам шу йўлга тушасиз. Аммо сиз билан бирга тажрибали йўлбошловчи борса, эҳтимол, унга бошқа йўлак: чиройлироқ манзаралар очиладиган ва сизни борадиган манзилингизга тезроқ олиб келадиган йўлак таниш бўлар. Шунда йўлбошловчи сизга муваффақиятлироқ йўлни танлашингизга ёрдам беради.

Муқаддас Ёзувда ёзилган: "Сенинг сўзинг – менинг оёғимга чироқdir, менинг қадамимга нурdir!" (Сан. 118:105). Агар сиз Худонинг Сўзига яхши илдиз отган бўлсангиз, у сизнинг йўлингизни ёритади ва бу доно қарорлар чиқариш учун ҳаётий мухимдир.

Иброҳим ва Сора ўша вазиятда Худони чекладилар, бизлар ҳам ўз йўлимиз билан бормоқчи бўлганимизда, кўпинча шундай бўлади. Келинг, Худонинг Сўзини ўрганамиз, токи бизлар қарор қилишимиз керак бўлган вақтда у бизларни йўналтирсинг.

## “Сизнинг уйингиз учун бўнинг иложи йўқ”

Оила қурганимизнинг илк йилларида, бизлар Лиза билан икки шахарда: Даллас ва Орландода яшар эдик. Бизлар ўзимизнинг илк икки уйимизга зўрға пул йиққан эдик. Унгача бир неча йил бизлар ижарада яшаган эдик, чунки шахсий уйимиз учун пулимиз етмаган эди. Бизлар доимо уйларнинг моделларини кўргани борар эдик, лекин фақатгина орзу қилиш учун.

Бизларда уй сотиб олиш учун пул пайдо бўлгани заҳоти, уй танлашда, бизлар биринчи навбатда унинг нархига қарап эдик. Сотувга кўйилган уйларнинг кўпчилиги бизларга тўғри келмас эди, чунки менинг маошим Далласда бор-йўғи 18минг доллар ва Орландода йилида 27минг доллар эди. Бизлар бошқа ижарада яшай олмас эдик, чунки бу вақтда бизларнинг икки нафар боламиз бор эди ва улар ўйнаши учун ҳовлимиз бўлишини истар эдик. Иккала шаҳардан бир неча ҳафта мобайнида бизларга тўғри келадиган, машинада жамоатга ва ишга қатнаса бўладиган масофада бўлган уй қидирдик. Иккала шаҳарда ҳам бизлар энг арzonи: эконом туридаги оддий уй топдик. Иккала курувчи ҳам бизга танловимизга қараб пол учун қоплама таклиф қилишди ва ҳар дафъя, бизлар энг арzonидан бирида тўхтадик.

Уйнинг ички жиҳозини танлайдиган кун келганида бизлар баҳтли эдик. Бизнинг савдо бўйича иш юритувчимиз бизларни намуналар хонасига олиб келди, у ерда кўплаб чиройли материаллар қўйилган эди. У ерда мармардан ва ҳар хил оҳактошдан безатиш учун плиткалар, пол учун турлича қопламалар, чиройли курма жавонлар, турли хил замонавий гиламлар, шифтларнинг нафис шакллари ва ноёб каминлар бор эди.

Бизнинг иш юритувчимиз, бу залда, бизлар ўзимизга қурилиш материаллари сотиб олишимиз мумкин бўлган бўлнимни кўрсатди. Бу жойда мармар ва оҳактошдан ҳеч қанақа вариантлар йўқ эди, у ерда умуман ҳеч қанақа плита йўқ эди. Заранг, эман, қарағай дарахтидан килинган жавонлар ҳам у ерда йўқ эди. Нафис шифт, камин ва танловингизга кўра тахта поллар йўқ эди. Бизлар учун ягона вариант – арzon гилам, линолеум ва пресслланган ёғочдан қилинган жавонлар эди.

Бизлар уйимиз учун яхшиrok материаллар тақлиф қилишини сүрадик ва қайта, қайта жавобига: “Сизнинг уйингиз учун бунинг иложи ийўк” ёки “Сифатини яхшилаш учун кўшимча ҳақ тўлаш керак бўлади”, деган жавобни олар эдик. Бизлар: “Қанча тўлаш керак”, – деб сўраганимизда, у катта нархни айтди ва биз уни албатта, тўлай олмас эдик. Бизлар Лиза билан бир-биримизни тетиклаштиришга харакат килсак-да, хафа бўлиб ва маъюсланиб чиқдик.

### Қилишга қодир

Бизлар қурилиш фирмасининг кўрсатма залидаги мана шу воқеани акс эттирадиган дунёда яшаяпмиз. Одамларга кўпинча дейишади: “Сен буни қила олмайсан”, “Бунчалик умид қилмагин”, “Жуда кўп нарсаларни истаяпсан”, “Эл қатори бўлган, ажralиб чиқишига харакат қилмагин” ёки “Ҳаммом туюни орзу қилибди”. Бу қадар шархлар чексиздир. Кўпинча мантиқ ақлли, маслаҳат фойдали туюлади, лекин нима тўғри?

“Кучи бизларда харакат қилиб, бизлар сўрай оладиган ёки ўйлай оладиган нарсаларданда ўлчовсиз даражада кўпини қилишга қодир бўлган Шахсга шараф” (Эф. 3:20).

Бу оят бизлар намуналар залида бошимиздан кечирган хисларга ўхшамайдиган, умуман бошқа нарсани хабар қиласди. Худо чекланган параметрлар бермайди. Унинг чегаралари бизлар кўрадигандан, орзу қиладигандан, тасаввур қиладигандан, умид қиладигандан ва сўраганимиздан анча йирокдир.

Асосий сўз – бу қодир. Сизга мисол келтираман.

Мультимилиардер уч нафар ёш тадбиркорнинг ёнига келиб, уларга тақлиф қиласди: “Мен сизларнинг орзуйингиздаги бизнесни моддий таъминламоқчиман. Менга ҳеч нимани қайтариб бериш керак эмас, мен шунчаки сизларнинг ҳаётда муваффақиятли бўлингизни истайман. Сизлар бошлишингиз учун қанча маблағ керак бўлса, шунча беришга қодирман”.

Биринчи бўлиб, қандолатхона очишга қарор қилган аёл ёрдам олади. Унга витрина, бир жуфт ўчоқ, товалар, идишлар, касса аппарати, пишириш учун масалликлар ва бир неча бошқа предметлар керак. У

миллиардерга ўз режасини олиб келади ва 100минг доллар сўрайди. Миллиардер иккиланишсиз унинг ҳисобига пулни ўтказади.

Кейинги бўлиб ёш йигит келади. У бир неча уйлар қуришга қарор қилган. У бир қанча ер майдони, қурилиш материаллари, юқ ташиш машинаси сотиб олиши ваофис учун кичикроқ бинони изярага олиши керак. У ўзининг бизнес режаси билан келади ва 250минг доллар сўрайди. Миллиардер яна пулларни унинг ҳисобига ўтказади.

Учинчи тадбиркор – ёш аёл, у бизнес-центр ва унга кўшиб қурилган савдо маркази ва истироҳат боғи қуришни истайди. У шахар худудида савдога қўйилган, майдони ўртача 400 гектар бўлган ер майдони топади. Бу сотувга қўйилган энг яхши ер, у сотувга қўйилганига анчагина бўлган, чунки кўп одам ҳам бу ерни сотиб ола олмайди. У бу ер билан қизиқади ва розилик олади.

У ўзининг орзусидаги лойиҳани яратиш учун меъморлар гурухини таклиф қилади. У ички майдонга эга, бир-бирига жипслаштириб қурилган иккита маҳсус офис бинолари қандай қўриниши кераклигини таърифлайди. Бошқа ярмида у, замонавий бутиклар ва яхши ресторонлари бўлган чиройли савдо марказини режалаштиради. Магазинлар устида ҳашаматли квартиralар бўлади. Майдон марказида у ажойиб беш юлдузли меҳмонхона қурмоқчи. Ернинг қолган майдонида, у классик истироҳат боғини режалаштироқда. Кўчалар бўйида, у ажойиб дараҳтлар экишни, велосипед учун йўлаклар солишини, охирида эса, савдо маркази олдида гуллар қуршовида ажойиб истироҳат боғи қуришни истайди.

У муваффакиятли тадбиркорлар, квартиralарнинг эгалари ва меҳмонхонанинг меҳмонлари унинг истироҳат боғига ташриф бу юришларини режалаштироқда. У уларга энг зўр бутикларда савдо қилишни, сокин жой, истироҳат боғига ташриф бу юришдан унтилимас таассуротлар ва аъло даражадаги ресторанлар таклиф қилади. Меҳмонхонада бизнес эгаларининг меҳмонлари учун дид билан безатилган хоналар бўлади. У шунингдек, унинг комплекси туристларни ўзига тортадиган бўлишини истайди. У бутун давлатдан, улар келиб дам олишлари, савдо қилишлари, истироҳат боғида сайр қилишлари ва унинг ўзига хос ажойиб меҳмонхонасида ўрнашишлари учун одамларни жалб қилишга умид қилади.

У меморлар билан бирга режа устидан ишлайди, уни бенуксон даражага етказишиди, у ҳақиқатан дурдона асар бўлиб қолади. Сўнгра у миллиардерга мурожаат қиласди, унга режасини кўрсатади ва 245миллион доллар сўрайди. Бошқа тадбиркорлар билан бўлгани каби, у тезда бу пулни унинг ҳисоб рақамига ўтказади.

Уч йилдан сўнг, миллиардер бу уччала ёшларни ўзи билан учрашувга таклиф қиласди. Улар нақадар муваффақият қозонгандарини у билишни истайди. Улар биринма кетин унга ҳисобот беришади. Қандолатчилик цехи ойда икки минг доллар соф фойда келтирмоқда. Уй қурувчи тўртта уй қурибди ва уч йил давомида уларни сотишдан икки юз минг доллардан ортиқ пул қилибди.

Учинчи тадбиркор ўз комплекси бўйича ҳисобот берини бошлади. Ҳозир унинг меҳмонхонаси 90фоизга, офис хоналари 87фоизга тўлган. Ҳамма квартиralар сотилган. Савдо маркази замонавий бутиклар ва ресторонлар билан 98фоизга тўлган. Унинг соф фойдаси ойда миллионлаб долларни ташкил қиласди. У дейдик, унинг комплексини бир неча соҳаларда: эстетик кўриниши, иш ўринлари, туристлар учун оммабоп жойлиги ва соликлар тушуми бўйича шаҳар ривожланишига қўшган ҳиссаси учун фахрий ёрлик билан мукофотлаш учун шаҳар ҳокимияти кун белгилаганини айтди. Фойдадан маълум фоизини у шаҳарнинг қашшоқ кварталларида бепул овқат тарқатадиган ошхоналарни очилиши ва моддий таъминланишига сарфлабди.

Лекин бу ҳаммаси эмас. Бу қиз хабар қиласдики, кўпмиллионли фойданинг катта фоизи бошқа уч шаҳарда худди шундай комплекслар қурилишига ажратилган, улар кейинги бир ярим йил мобайнида ҳар олти ойда бири очилиши лозим. У уч гурух иш бошқарувчилар гурухини яратди ва уларни ўқитди, улар янги комплекслар устидан бошқарувни ўзларига оладилар. Кейинги беш ойда, у бошқа беш асосий шаҳарда комплекслар қуриш учун етарли бўлган фойдани кутмоқда.

Унинг презентациясини эшитиб, икки нафар бошқа тадбиркорлар бошларини хам қиласдилар. Миллиардер буни пайқаб, нима учун жим бўлиб қолганларини сўради.

Қандолатхонанинг эгаси бўлган қиз биринчи бўлиб сўз бошлайди: “Албатта, жаноб, унинг ишлари бизларнидан яхшироқ бор-

мокда, чунки у сиздан, бизларга қараганда күпроқ пул сўради. Сиз унга кўпроқ берганингиз учун у кўпроғига қодир”.

Миллиардер ёш қурувчига қараб, ундан: “Сиз унинг фикрига кўшиласизми?” – деб сўрайди.

Ёш йигит жавоб беради: “Тўғрисини айтганда, ха, жаноб, кўшиламан. Унда имкониятлар кўпроқ эди”.

Миллиардернинг, уларнинг илк учрашувларини ёзиб олган ёрдамчиси бор эди. Бир неча дақиқадан сўнг, у уларнинг сухбатлари матни ёзилган қофоз билан келади. Ҳомий ўз ёрдамчисига: “Илтимос, уч йил олдин бу тадбиркорлардан ҳар бирига айтилган менинг сўзларимни ўқинг”, – дейди.

Қиз ўқиди: “Мен сизларнинг орзуйингиздаги бизнесни моддий таъминламоқчиман. Сиз бошлишингиз учун қанча керак бўлса, мен сизга шунча маблағ беришга қодирман”.

Миллиардер юзи осилган икки кишига қараб, улардан сўради: “Нима учун сизлар унинг олганига ҳасад қиласизлар? Нима учун унда устунлик бор, деб ўйлайсизлар? Мен сизларнинг ҳар бирингизга мақсадингизни амалга ошириш учун қанча керак бўлса, шунча маблағ беришга қодирман, дедим. Мен сизларни маблағ соҳасида чекламадим ва ҳақиқатан, қанча сўраган бўлсанглар, шунча бердим. Нима учун сизлар улканроқ орзу қилмадинглар ва режалаштирумадинглар?”

Сўнгра миллиардер қандолатхона эгаси бўлган аёлга савол билан мурожаат қилади: “Нима учун сиз каттароқ қандолатхонани режалаштирумадингиз? Мен сизга маблағ берган бўлар эдим. Нима учун сиз маҳсулдорроқ маркетинг учун таъминот сўрамадингиз? Одамларга сизнинг маҳсулотингиз ёқади, сиз муваффақият қозонган бўлар эдингиз. Ва энг катта савол: Нима учун сиз ўз режангизда бутун шаҳар бўйлаб қандолатхоналар тармоғини очишни, кейинчалик эса, ўз бизнесингизни кенгайтириш учун бутун давлат бўйлаб франшиза очишни режалаштирумадингиз?”

Сўнгра у ёш йигитга мурожаат қилади ва унга худди шу саволни беради: “Нима учун сиз йилида бир уй куриб сотиш ўрнига, йилида йигирмата уй куриш учун бир қанча усталарни ўргатмадингиз ва ишчиларни ёлламадингиз? Сиз анча кўпроқ ишчи жойлар ярат-

ган бўлар эдингиз. Нима учун кўпроқ ер сотиб олмадингиз? Нима учун бошқа штатларда чиройли уйлар қуриш учун штатда янги офислар ташкиллаштирмадингиз? Мен сизнинг мақсадингизни моддий таъминлаган бўлар эдим, чунки унинг ёрдамида сиз шахардаги ва бутун штатдаги оиласаларга ёрдам берган бўлар эдингиз. Сизнинг маблағингиз сизнинг мақсадингиз билан чеклангани учун сизнинг ютуқларингиз чекланиб қолди”.

## Тўқислик

Масихийлар сифатида, бизлар кўпинча ўзимиз пайқамаган ҳолда бизлар жуда кўп нарсаларга эга бўлишимиз керак, деб хисоблаймиз. Лекин бундай дунёкараш Худонинг Сўзида ўз аксини топадими? Исо Масих дейди:

“Уларга берилган нарсаларни яхши ишлатганларга янада кўпроқ берилади ва уларда тўқислик бўлади” (Мт. 25:29, NLT, инг. тилидан таржима)

Худода тўқислик билан муаммо йўқ. У тўқислик бизларга эгалик килишигагина қарши. Фарқи нимада? Тўқислик ҳукми остида бўлган одам фақат ўзининг ҳирси фойдасига барака, мулк, маблағ, қобилият ва кучни излайди. Ёки у қўрқувдан манбалар йиға бошлайди.

Йигирманчи йилларнинг охирларида, гуллаб-яшинаш ҳақидаги таълимотни эшитганларнинг кўпчилиги айнан шундай истак билан бойликни қўлга киритишга ташна эдилар. Ташналик туфайли кўплаб етакчилар ва имонлилар Худонинг тўқислик ҳақидаги ҳақиқатини айтмай кўйдилар. Кўплаб одамлар гуллаб-яшинаш сўзидан нафраталиб қолди. Лекин ҳақиқат шундаки, одамларнинг ҳаётини Шохликда барпо қилиб, кенг қарамали ва маҳсулдор меҳнат қилишимиз учун бизларга тўқислик зарур. Балки айнан шунинг учун Худо шундай деяётгандир: “Севиклигим, сенинг жонинг муваффақият қозонаётгани каби, сен –барча нарсада муваффақият қозонишинг ва соғ саломат бўлишинг учун ибодат қилмоқдаман” (3 Юх. 2).

Бизнинг мисолимизда мультимилиардер ҳар бир тадбиркорга охирги аёлга бергани каби 245миллион доллар бергани йўқ. У

уларнинг ҳар бирига уларнинг мақсадига қараб берди. Исо Масих тўқислик ҳақида сўзлайдиган масални тахлил қиласак, биз қўрамизки, олдин ҳамма қулда кучига teng миқдорда маблағ бор эди: “У кулларнинг ҳар бирининг кучига яраша бирига беш, бирига икки, яна бирига бир талант бериб, шу заҳотиёқ жўнаб кетди” (Мт. 25:15). Уларнинг қобилияtlари улар нақадар узокни кўра олишларига боғлиқ эди.

Менинг мисолимда биринчи қиз фақат қандолат цехини кўра олар эди. Ёш йигит фақатгина йилида бир неча уйларни кўра олди. Учинчى қизда эса кўпроқ маблағни талаб қиласидиган(узоқни кўра оладиган) қобилияят бор эди.

Кучдан яхши фойдалана олиш – ундан уйлар қуриш, Худонинг Шоҳлигини қуриш учун фойдаланишdir. Агар бу масалга яқинроқдан қарасак, биз қизил далилни кўрамиз. Икки нафар хизматкор хўжайинларига содик эдилар. Уларга берилганини улар кўпайтиридилар. (Бизнинг уч нафар ёш тадбиркор ҳақидаги ҳикоямизда фақат бир нафари кўпайтириди). Исо Масихнинг масалидаги хўжайин кўпайтиришни яхши деб атади (Мт. 25:21,23га қаранг).

Унга берилганини сақлаб кўйган хизматкор ялков деб аталди. Хўжайин унга берган кумушини қайтариб олди ва уни тўқисликка эга одамга берди. Хўжайин бу одамнинг ўн қоп олтинини ўн бир қоп қилди. Бу социалистик йўлдан йирок, тўғри тан олинса, бу капиталистик йўлдир.

Биз яхши масиҳий “химоя деворини сақлаб туради”, деб ўйлаймиз. Бошқача қилиб айтганда, унда бор бўлган камга қониқади, гарчи бу воқеликда ялковликни билдиrsa ҳам. Одамга берилган Худонинг биринчи амида: “Серпушт бўлинглар ва кўпайинглар”, дейилган (Иbt. 1:22га қаранг). Худо бу оятда фақат болалар ҳақида сўзлаган эмас. У эълон қилди: “Мен сизларга берадиган ҳамма нарсани сизлар кўпайтириб, Менга қайтаришингизни кутаман”.

Худо менга ўқитиш қобилиятини берган. Унинг инояти(бизнинг гурухимиз ичida, шерикларимиз, хотиним ва менда ҳаракат қилаётган куч) билан бу инъом кўпаймоқда ва бутун дунё бўйлаб таълимот, китоблар, тармоқдаги таълимотлар, бутун дунё бўйлаб чўпонлар ҳамда етакчилар орасида миллионлаб материаллар тарқа-

тилиши, блоглар, бошқа ўқитувчиларга ёрдам, – ва бу ҳали түлиқ рўйхат эмас, – орқали Унга қайтмоқда. Бугунги кунларда У мен ёшлигимда тасаввур қила олганимдан анча кўп қилди. Лекин буларнинг барчасига менда иккита жавоб бор.

Биринчидан, мен Худони бирор нарсада чеклаб қўймадимми? Иккинчидан, Унинг қобилияти нима қилганини кўрганимда мен қувонаман! Бу иккала фикр бир вақтнинг ўзида менда бўйсуниш ва эҳтиросни туғдиради.

### **Бизнинг идишимиз**

Ҳар биримиз орқали У янада кўпроқ қилиши мумкин эди. Сиз буни англайсизми, ёки йўқми, бизларнинг ўзимиз ўзимизга чекловлар қўямиз. Эфесликларга мактубда(3:20) айтилганки, бу чекловлар бизлар бошқа одамларга ёрдам беришни истаб нима ҳақида “сўрашимиз ва ўйлашимиз” билан белгиланади. Бизларга Худонинг аниқ хабари: Менинг сендаги иноятим сен кўяётган кўплаб чегалардан йирокроқ бориши мумкин”. Исо Масиҳ шундай дейди: “Имонлига ҳамма нарсанинг иложи бор” (Мк. 9:23).

Бизнинг чексиз маnbага нақадар уланишимизни бизнинг чегараларимиз белгилайди. Менинг миллиардер ва тадбиркорлар ҳакидағи ҳикоямда биринчи одамнинг идиши 100минг доллар пул талаб килинадиган мақсад эди. Иккинчисига 250минг доллар, учинчисига 245миллион доллар талаб қилинар эди.

Тўғрисини тан оламан, Худони бизнинг идишимизнинг ҳажми чеклайди. Худо бизлардан куйидагича сўраётган бўлиши мумкинми: “Нима учун сизлар фақатгина қўл учиди кун кўриш учун керакли бўлган нарсалар ҳақида ўйлайсиз? Нима учун сизлар фақатгина ўзингиз ва ойлангиз ҳақида ўйлайсиз? Нима учун сизлар Мен берган имкониятларни ишлатмайсизлар? Менинг тасаввуримда, бу яхши фикрлаш эмас. Бу ялқовлик.

Мана нима учун Повул бизлар билишимиз ва тушунишимиз учун қайноқ ибодат қилишимизни сўрайапти:

“...Унинг кучи бизларда ва бизлар, имонлилар учун нақадар ўлчовсиз, чексиз ва юксакдир” (Эф. 1:19, ингтилидан таржима).

Мен бу оядта ажратиб күрсатган сўзларга дикқат билан қаранглар. Тўхтанг ва ҳар бир сўз устидан фикр юритинг. Ўлчовсиз – ўлчови йўқ, демақдир. Чексиз – чегараси йўқ, демақдир. Юксак – бутун борлиқда ундан кучлироқ куч йўқдир.

Дикқат қилинг, бор куч бизнинг ичимизда. Бу бизлар вақти - вақти билан тахт залидан оладиган куч эмас. Бу аллақачон бизларда бўлган Унинг кучидир.

У бизларга очиқдир. У бизларга кўпайишимизга ижозат беради. У бизларга маҳсулдор бўлишишимизга ёрдам беради. Унинг шарофати билан бизлар ёрқин чироқлар каби порлаймиз.

### Ҳаётда ҳукм суриш

Худонинг иноятининг чегараси йўқдир. Бу диёнатли ҳаёт учун нажотнинг, кечирилишнинг, янги табиатнинг ва кучнинг бепул инъомидир. У шунингдек, бизларга кўпайишимизга, серхосил бўлишишимизга ва ҳаётимизда ҳукм суришнимизга ёрдам беради. Иноят ҳақиқатан ажойиб! Повулнинг сўзларини дикқат билан ўқинг:

“Иноят бойлигини ва ҳақлик инъомини қабул қиласиганлар Исо Масих оркали ҳаётда ҳукм сурадилар” (Рим. 5:17, янги ўзб. таржима).

Бу таърифнинг улуғворлиги ҳақиқатга тўғри келмайдигандек туюлади, чунки унинг қўлланиши ларзага солади. Балки айнан шунинг учун қўплаб одамлар унга эътибор бермасалар керак. Худонинг инояти билан бизлар ҳаётда ҳукмронлик қилишишимиз керак. Дунё бизларга қандай вазиятларни отмасин, бизларга уларни енгиб ўтиш кучи берилган. Ҳаёт бу заминда бизлардан ҳамма яхши нарсаларни сиқиб чиқариб олмаслиги керак, бизлар ҳукмронлик қилиш учун бу ердамиз. Бизларга таъсир доираларимизда жиддий ўзгаришлар киритиш берилган. Бу бизнинг ваколатимиздир.

Бу амалда қандай кўринади? Бизлар нормани енгиб ўтишишимиз учун бу статус-кводан ёриб ўтишишимиз керак. Бизлар таъсир қилишга, дум эмас, бош бўлишга, остида эмас, устида бўлишга даъват этилганимиз (Қон. так. 28:13). Бизлар нафақат ўз ҳаётимизнинг ёмон вазиятларидан кўтарилишишимиз керак, балки Худо билан аҳд-

га эга бўлмаганларни ёритишимиз керак. Бизлар ёритилмаган дунё ичида етакчилар бўлишимиз лозим. Бош йўналиш, курс, йўлни кўрсатади, дум эса унинг ортидан эргашади. Бизлар жамиятнинг хамма соҳаларида издошлар эмас, балки етакчилар бўлишимиз лозим. Воқелик ҳозир шунақами? Ёки бизлар Худо нимани яхши деб аташини тушунмаймизми?

Аникроқ сўзлашимга ижозат беринг. Агар сиз тиббиёт соҳасида ишласангиз, унда Худонинг инояти билан сизда касалликларни даволашнинг янги йўлларини очиш қобилияти бор. Сизнинг имкониятларингиз ўлчовсиз ва чегарасиз. Сизнинг ҳамкорларингиз сизнинг ихтиrolарингиздан ҳайратланишлари, сизнинг ишингиз эса уларни илҳомлантириши лозим. Сизнинг ихтиrolарингиз ва донолигингизга қараб, улар бошларини қашиб: “У бу ғояларни қаердан олади?” – дейишади. Сиз нафақат порлайсиз, сиз бу даладаги маҳсулдорлигингизни кўпайтирасиз. Бошқалар руҳланадилар ва сизнинг орtingиздан эргашадилар, улар сизнинг қобилияtlарингизнинг манбанини билишга интиладилар.

Агар сиз интернет-сайтларнинг дизайнери бўлсангиз, сизнинг ижодингиз шу қадар янги ва пешқадам бўлиши лозимки, бошқалар сизга тақлид қиласин. Сиз ва сизнинг соҳангиздаги бошқа имонлилар трендлар ўрнатиши лозим, жамият эса унинг ортидан бориши лозим. Сиз ўзингизнинг янгиликлар киритишингиз билан керакли ва таниқли бўласиз. Сиз бир қадам олдинда борадиган бўласиз, сизнинг фаолият соҳангиздаги бошқа одамлар ҳайрон қолиб: “Қаердан унда бу қадар ижод?” – дейишади. Сиз ўз билимингизни бошқаларга ўтказиб, ўз соҳангизда ўсиб кўпаясиз ва Худонинг Шоҳлигини бойитасиз.

Агар сиз умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлсангиз, сизнинг ичингизда амал қилаётган Худонинг инояти кучи шарофати билан, ўқувчиларингизга билимларни ўтказишнинг, тушунишнинг, доноликнинг янги, ижодий, илгари қўлланмаган йўлларини ривожлантирингки, бу хақида сизнинг мактабингиздаги бирор ўқитувчи ҳали ўйлаб кўрмаган бўлсин. Сиз планкани шу қадар кўтаришингиз ва шогирдларингизни шу қадар руҳлантиришингиз мумкинки, бошқалар “воҳ” деб қоладилар. Сиз билан ҳамкор

ўқитувчилар ўзаро: “У бу гояларни қаердан олаяпти?” – дейдилар. Сиз ўз қобилятларингизни ўкувчиларингизга ўтказишингиз ва бошқа ўқитувчиларни ривожлантириш орқали кўпаясиз.

Агар сиз тадбиркор бўлсангиз, бошқаларнидан ўзадиган маҳсулотлар ва савдо техникасини ўйлаб топишингиз мумкин. Сиз бошқаларга кўра яхшироқ маркетинг стратегияларини қўллай бошлайсиз. Нима фойдали ва нима фойдали эмаслигини сиз осон тушунадиган бўласиз. Сиз қачон сотиб олиш керак, қачон сотиш керак, қачон кириш ва қачон чиқиш кераклигини билиб оласиз. Сизнинг муваффакиятингиз манбаини тушунишга ҳаракат килиб, бошқа тадбиркорлар бошларини қашиб қоладилар. Сиз ёш тадбиркорларни ривожлантириб ва Худонинг Шоҳлигининг қурилишига сахийлик билан қурбонликлар қилиб кўпая бошлайсиз.

Агар сиз мусиқачи, илмий изланувчи, спортчи, олим, полициячи, стюардесса, уй бекаси, медиа соҳаси ходими, ҳарбий хизматчи ёки бошқа бирор соҳанинг ишчиси бўлсангиз ҳам айнан шу негизни кўллаш мумкин. Бу мисолларнинг барчаси, улар нақадар тўғри келадиган бўлмасин, бизнинг ваколатимиз намунасини кўрсатади.

Бизларнинг хар биримиз жамиятнинг турли соҳаларига даъват этилганмиз. Бизлар қаерда бўлишимиздан қатъий назар, ҳукм суришимиз ва етакчи бўлишимиз лозим.

Бошқалар қийинчиликларни ҳис қилаётган вақтда ҳам бизнинг тижоратимиз гуллаб-яшнаши лозим. Бизнинг районларимиз хавфсиз, ёқимли ва гуллаб-яшновчи бўлиши лозим. Бизнинг иш ўринларимиз кўпайиши лозим. Бизнинг мусиқамиз шу қадар янги ва оригинал бўлиши лозимки, дунёвий мусиқачилар бизларга тақлид қилиши лозим. Бизнинг графика, видео ва архитектура дизайнларимиз ҳам шундай бўлиши лозим. Бизнинг ижодимиз рухлантиришга қодир ва ҳар даражада талабгир бўлиши лозим.

Бизнинг муваффакиятларимиз, спорт соҳасида бўладими, кўнгил очиш саноатида бўладими, санъатда бўлади, ОАВ ва бошқа ҳар бир соҳада ажralиб туриши лозим. Ҳақлар ҳукм сурганида шахарлар, вилоятлар ва давлатлар гуллаб-яшнайди. Бизлар дарс берганимизда ва бошқарганимизда мактабларимиз яхшироқ бўлиб бориши лозим. Имонлилар ишга киришганларида, ижод, инновациялар,

маҳсулдорлик, тинчлик, раҳмдиллик ва тўғрилик тўқис бўлади. Бизлар, Исо Масиҳнинг шогирдлари сифатида, зулмат дунёда нур бўлишимиз лозим. Шунинг учун аслида, Худонинг инояти ёрдами билан зулмат жамиятидан ажralиб туришимиз лозим.

### **Норма чегараларидан ташқарида**

Дониэл ҳақидаги мазкур гувоҳликни ўқинг:

Дониэл эса ҳамма вазирлар ва хокимлар орасида ўзига хос фазилатлари билан шундай ажralиб турар эдики, подшоҳ уни бутун шоҳлик устидан кўйишни ўйлар эди (Дан. 6:3, NIV, инг. тилидан таржима).

Бу ажабланарли. Биринчидан, эътибор беринг: Дониэл ажralиб турар эди. Бу ерда Худо Дониэлни ажратди, дейилган эмас. Муқаддас Ёзувнинг барча таржималарида Дониэл ажralиб турар эди, дейилган. The Message таржимасида у “ҳамма бошқа вазирлардан тўлиқ ўзиб кетди”, дейилган.

Буни Дониэл қандай амалга оширди? У ўзигагина хос фазилатларга эга киши эди, чунки Худо билан муносабатларга эга киши эди. Ичларида Муқаддас Рух яшайдиган кишилар билан ҳам шундай бўлиши лозим.

Янги Америка стандарт Муқаддас Ёзуви таржимасида дейилган: “Дониэл ажralиб тура бошлади... чунки унда мислсиз Рух бор эди”. Мислсиз сўзи – “нормадан баланд, статус-квони бузадиган, умумий ўлчовдан устун”ни билдиради. Баъзан сўзнинг қарама-қарши маъносини, яъни антонимини таҳлил қилсак, сўз тушунарлироқ бўлади. Мислсиз сўзининг ҳолатида бу – оддий, кўримсиз, нормалдир. Оддий ҳаётнинг қарама-каршиси – мислсиз, экстраординар рух бўлган ҳаётдир.

Дониэлда экстраординар рух бор эди. Агар бизда экстраординар рух бўлса, тана ҳам, жон ҳам унга бўйсуниши керак. Агар бизнинг руҳимиз бизларни бошқарса, унда ижод, гениаллик, донолик, билим ва ҳаётнинг бошқа соҳалари бизлар ўз кучимиз билан яшаганимиздагидек эмас, бошқача шаклланади. Агар бизлар ҳақиқатан бизлар учун ва бизларда иноят борлигини билсак, биз биламизки – чегаралар йўқдир.

Келинг, бизнинг ичимиздаги Худонинг кучини таърифлайдиган сўзларни унутмаймиз: ўлчовсиз, чексиз ва юксак. Дониэл у учун очик бўлган Худо билан муносабатларга киришди. У Қодир Худо билан аҳдини, у дум эмас, бош бўлиши кераклигини билар эди. Бизнинг Худо билан аҳдимиз, Дониэлнинг У билан аҳдидан кучлироқdir.

Келинглар, бу вазиятни диккат билан қўриб чиқамиз. У ўзининг уч дўсти билан жажжи давлат Истроилдан асирилкка олиб кетилган эди ва дунёдаги энг қудратли давлатга келтирилган эди. Агар сиз америкалик бўлсангиз ва бизнинг давлатимиз ўтган асрда буюк бўлган деб ўйласангиз, у ҳатто қудрат жиҳатидан Бобилга озгина ҳам яқин келмаган. Бобилликлар дунёни – бутун дунёни бошқарар эдилар! Улар иқтисодда, сиёсатда, ҳарбий санъатда, ижтимоий, илмий, таълимот ва бадиий соҳаларда биринчилар эдилар.

Бобил ҳалқи ер сайёрасида ҳамма соҳада энг пешқадам эди. Шунга қарамасдан, Дониэл ва унинг дўстлари ҳакида шундай дейилган: “Подшоҳ улардан нималар ҳақида сўраса, ҳар қандай донолик ва билимда ўзининг шохлигига бўлган ҳамма фолбинлар ва мунажжимлардан кўра уларнинг ўн баробар юкори туришларини кўрар эди” (Дон. 1:20). Бошқа таржималарда ёзилганки, улар ўн баробар яхши, ўн баробар донороқ ва ўн баробар яхшироқ тушунар эдилар. Улар шундай ғоялар ўйлаб топар эдиларки, бу пешқадам давлатнинг доноларининг ҳатто ўйларига келмас эди ва бу ғоялар иш берар эди. Аслида, уларнинг ижодлари, киритган янгиликлари ва тушунчалари Худонинг Рухига эга бўлмаган бошқа бошлиқлардан ўн баробар кучлироқ эди.

### **Дониэлдан улуғроқ**

Энди буларнинг ҳаммасини тушунган ҳолда, Исо Масихнинг сўзларини ўқиймиз: “...аёллардан туғилганлар орасида Яхё Чўмдирувчидан улуғроқ бирор пайғамбар йўқ” (Лк. 7:28). Бу шуни билдирадики, Яхё Чўмдирувчи Дониэлдан улуғроқ эди. Уларнинг иккаловларини ишлари билан солиштиришга уринманг. Яхё Чўмдирувчи руҳий хизматда эди, Дониэл эса фуқаровий ҳокимиятда хизмат қиласар эди. Аммо Исо Масих аниқ айтмоқдаки, Яхё ундан улуғроқdir. Аммо кейин кўшиб кўймоқда:

“...Лекин Худонинг Шоҳлигига энг кичик бўлгани ҳам ундан улуғроқдир” (Лк. 7:28).

Нима учун Шоҳлиқдаги энг кичиги Яхёдан улуғ? Исо Масих хали одамзодни озод қилиш учун хочга чиққан эмас эди, шунинг учун Яхё Чўмдирувчи юқоридан туғилган руҳга эга эмас эди. Яхё хақида: “Исо Масих қандай бўлса, Яхё Чўмдирувчи ҳам бу дунёда шундай”, деб айтишнинг иложи йўқ эди (1 Юх. 4:17). Лекин бизлар ҳақимизда шундай дейилган! Яхё биргаликда тирилган ва Масих билан бирга самода ўтқизилган эмас (Эф. 2:6га қаранг), гарчи буларнинг ҳаммаси бугунги кунларда бизларга тааллуклидир! Мана нима учун Шоҳлиқдаги энг кичиги энди Яхёдан улуғроқдир. Бизлар буни тушунамиزمи?

Баъзи олимлар, ерда Исо Масих тирилганидан сўнг бугунги кунларгача икки миллиардга яқин масиҳилар яшаган, деб хисоблайдилар. Сиз икки миллиарддан энг кичкинаси эканингизнинг эҳтимоли кам, лекин агар шундай бўлса ҳам, сиз барибир Яхё Чўмдирувчидан улуғроқсиз. Бу шуни билдирадики, сиз Дониэлдан улуғроқсиз.

Энди савол туғилади: “Ҳақиқатан ҳам сиз ўзингизнинг кимлигингизни биласизми? Ажralиб турасизми? Сиз ўн баробар ақллироқ, донороқ ва яхшироқмисиз? Исо Масих орқали Худо билан аҳд муносабатларида бўлмаган ҳамкорларингиздан ўн баробар зийракроқ, ўзгача, топқирмисиз? Агар шундай бўлмаса, нега? Бизлар Худонинг иноятининг катта миқдорига ишонмаётган бўлишимиз мумкинми?

Келинг, яна бироз фикр юритамиз. Исо Масих бизлар “дунёга нур” эканимизни айтади (Мт.5:14га қаранг). Бизларга, Унинг фарзандларига зулмат аро нур сифатида мурожаат қилиши Янги Аҳдда бир неча бора учрайди (Мт. 5:14-16; Юх. 8:12; Ҳав. 13:47; Рим. 13:12; Эф. 5:8,14; Кол. 1:12; Флп. 2:15; 1 Сал. 5:5; 1 Юх. 1:7, 2:9,10га қаранг). Зулмат дунёда нур бўлиш – бу бизнинг Масих билан ҳаётимизнинг асосий мавзусидир.

Дунёга нур бўлиш дегани, нима дегани? Кўплаб одамлар, гап фақат юриш-туриш ҳақида: тўғри ҳатти-ҳаракатлар қилиш, меҳри-

бон, яхши бўлиш ва Юҳанно 3:16ни айтиб бера олиш кераклиги хақида бормоқда, деб ўйлайдилар. Дониэл ҳам дунёга нур бўлиш амрига шундай қараган бўлса нима бўлар эди? Агар у ҳар куни Бобил хокимиятийи йўлакларида туриб, одамларга меҳрибонларча муносабатда бўлиш ва ўз ҳамкорларига: “Эй, сизлар, Бобилнинг до-нишмандлари, 22-санода ёзилган: “Раббий – менинг Чўпонимдир, мен ҳеч нимага муҳтож бўлмайман...”, дейиш мақсадини ўз олдида қўйса?

Агар Дониэл кундуз вақти ибодат қилиб олиш учун оғисдан чиқиб кетса, бу вазирлар ва сарой хизматкорлари ҳар дафъя нима деган бўлар эдилар? (У ҳар куни ибодат килар эди). Менинг ишончим комил, улар шундай деган бўлар эдилар: “Бу мутаассиб одам кетгани қанчалар яхши бўлди. Умид қиласманки, у кун бўйи ибодат килади. У қанақадир ғалати!”

Нима учун улар Дониэл ибодат қила олмаслиги учун қонун ўйлаб топдилар? (Дон. 6:6-8га қаранг). Дониэл улардан ўн баробар ақллироқ ва донороқ бўлгани, унинг қарорлар қабул қилишда билими, ихтирочилиги ва яратувчилиги уларга нисбатан ўн баробар ортикроқ бўлгани учун эмасми? Уни доим қўтариладар эди, уни ҳаммаларининг устидан бошлиқ қилиб ҳам қўйдилар, балки улар унга бироз ҳасад ҳам килар эдилар.

Бу бошлиқлар ҳеч нимани тушуна олмас эдилар, улар балки бир-бирларига шипшиб шундай дейишган: “Ҳеч нимани тушун-маяпмиз! Бизларни дунёдаги энг зўр ва энг доно ўқитувчилар, олимлар ва хукмдорлар ўқитишган. Бу йигит қандайdir оч-нахор, кичкина давлатчадан келган. У ўзининг ғояларини қаердан олади? Қандай қилиб у бизлардан аълороқ бўлмоқда? Балки бунинг ҳаммаси унинг кунида уч марта ибодат қилишидан бўлса керак. Келинглар, унинг ибодатларига қарши қонун ўйлаб топамиз, токи у ажралиб турмасин ва бизлардан устун бўлмасин!” (Албатта, улар бошқа мақсадларига ҳам эришдилар – Дониэл ҳибсга олинди).

Дониэл ёрқин нур каби порлар эди, чунки буюк инсон эди. Ўзига хос фазилатлари шарофати билан у ўзининг замондошлари нигоҳида ёрқин порлар эди. Уларга унинг муваффақияти ёқмас

эди, чунки улар унга ҳасад қилар эдилар. Лекин тахмин қиласанки, кўплаб бошқа одамлар, шу билан бирга, подшоҳнинг ўзи Дониэлнинг қобилиятларида тирик Худонинг мавжудлигининг исботини кўрар эдилар. Унинг устунлиги уларни ўзига жалб қилар эди ва Дониэлнинг Худосини эхтиром қилишга ундар эди. Бошқа одамлар унга Муқаддас Ёзувни яхши билгани ва кунида уч маротаба ибодат қилгани учун эмас, балки ўз ишини бошқаларга қараганда анча яхши қилгани ва диёнатли хулк-атворга эга бўлгани учун эътибор берар эдилар. Унинг шахсий пойдевори, тузилиши ва пардоз материаллари буюк эди.

### **Менинг ҳаётимдаги исбот**

Менинг ўзим ҳаётимда Худонинг инояти кучининг гувоҳи бўлганман. Мен учун мактаб дастуридаги энг қийин фанлардан бაъзилари инглиз тили ва иншо бўлган. Бизларга уч варақ иншо ёзиш вазифа қилиб берилганида, бу мен учун даҳшат бўлар эди. Мен бир неча соат ўтирар эдим ва ўзимдан ҳатто ярим бет сўз ҳам сиқиб чиқара олмас эдим. Мен матн ёзилган қофоз варакларини бирин -кетин мижиглаб ташлаб юборар эдим, чунки улар менга ёмон ёзилган туюлар эди. Битириш имтиҳонида мен оғзаки инглиз тилидан 800баллдан бор-йўғи 370балл олдим. Бу нақадар паст натижа эканини сиз яхшироқ тасаввур қилишингиз учун, тан оламан, барча сафарларим мобайнида мендан паст балл тўплаган биргина одамни учратганман.

1991йилда, ибодат вактида Худо менга китоб ёзишимни исташини айтганида, У мени ким биландир чалкаштирди, деб ўйладим. Эски Аҳддаги Сора каби сидқидилдан кулиб олдим. Бутун бир китоб нари турсин, мен бир боб ҳам ёза олмас эдим. Менда Худонинг ўлчовсиз, чексиз ва буюк инояти борлигини ўшандада мен эътиборга олмадим.

Худодан “китоб ёзиш” ҳақида топшириқ олганимдан сўнг, ўн ой мобайнида, турли штатлардан бўлган икки аёл икки ҳафта оралиғи билан менинг олдимга келдилар ва шундай сўзларни айтдилар: “Жон, Худо сенинг ёзишингни истаяпти. Агар сен буни қилмасанг,

У бу топшириқларни бошқа бирорға беради". Шундан сүнг, мен Худо билан шартнома тұздым ва ўзимнинг Унинг иноятига тұлық тобе эканлигимни тан олдым. Кейинги бобларда, мен бу воқеанинг давомини айтиб бераман, лекин бу ерда мен фақатгина, аллақачон ўн түккізта китоб ёзганимни, улар бутун дунё бўйлаб ўн түккиз тилдан ошикроқ тилларда миллионлаб нусхада чоп этилгани айтиб ўтаман.

Иноят менга нафақат ёзишимга, балки сўзлашимга ҳам имкон берди. Лиза бизнинг тўйимиздан сўнг ilk бора менинг воизлигими ни эшитганида, биринчи қаторнинг ўзида ухлаб қолди. Мен шу қадар ёмон воизлик қиласр эдим. Унинг энг яқин дугоналаридан бири унинг ёнида ўтирас эди ва у шу қадар чукур уйкуга кетдики, мен унинг кенг очилган оғзидан сўлак оқиб ётганини кўрган эдим. Шу қадар кучли қўллаб-кувватлаш! Энди одамлар менинг воизлигим вактида ухлаб қолмайдилар. Илгари мен ўз кучим билан воизлик қиласр эдим, энди Унинг иноятига ишонишни, иноятга тобе бўлишини ва унга бўйсунишни ўргандим.

Бу иккала соҳада мен ўз кучим билан ҳеч нима қила олмас эдим. Аммо улар орқали Худо менга миллионлаб одамларга хизмат қилиш имтиёзини бермоқда.

### **Ҳақиқатан яхши ҳаёт**

Келинг, диёнатли ҳаёт учун ўзимизнинг параметрларимизга хулоса чиқарамамиз. Агар сиз ишона олсангиз, сиз учун имконисиз нарса йўқ. Чунки Худо сиз орқали сиз сўраганингиздан ва ўйлаганингиздан мўъжизавий равишда, ўлчовсиз даражада кўп қилишга кодир. Сизга берилган ички куч – ўлчовсиз, чексиз ва бошқа ҳамма нарсадан устундир. Худо шу куч орқали сизнинг ҳаётингизнинг ишини амалга оширади. Сизнинг ҳаётингиз бизлар Лиза билан на-муналар залида ўзимизнинг янги уйимиз учун таъмир материалла-ри танлаётган вақтимизда бошимиздан кечирган хиссиётларга ўх-шамаслиги лозим. Сизда чеклов йўқдир, чунки сизнинг ким экан-лигингиз ва нима қила олишингиз – буларнинг ҳаммаси Худонинг иноядидир! Муқаддас Рух сизнинг мақсадингизни кенгайтиришига

имкон беринг. Улканроқ орзу қилинг, ишонинг ва олга ҳаракат қилинг.

Бу бобда ёзилгани амалга ошиши учун муҳим омил бор. Бу чизгини тушунмасақ, бизларда умидсизликка тушиш, ҳатто маҳсулдорлик ва кўпайиш йўлида ўзини йўқотиб қўйиш эҳтимоли мавжуд. Кейинги бобда, бизлар фарқлаш номи билан шу чизгини муҳокама қиласиз.

## ФАРҚЛАШ

Қаттиқ озиқ эса ҳис-туйғулари одат  
орқали яхши ва ёмонни фарқлашга ўргатилган  
баркамолларга хосдир.  
— Ибронийларга 5:14

Муқаддаслик – бу танланганлар учун дабдаба эмас,  
Бу сен ва мен учун мажбуриятдир.  
— Тереза она

**К**амолот ёшига етган одамлар – булар жисмоний ва рухий  
етук одамлардир. Жисмоний бизлар гүдак бўлиб туғи-  
ламиз, сўнгра эса ўсиб катта бўламиз. Худди шунингдек, бизлар  
рухий ҳам гүдак бўлиб туғиламиз ва тўлиқ ёшга, Масихнинг меъ-  
ёрига ўсишимиз лозим. Мазкур иккита ёш орасида катта фарқ бор.  
Жисмоний етуклик вакт билан намоён бўлади. Сиз қачондир икки  
ёшли боланинг олти фут бўлганини кўрганмисиз? Бу узунликка  
үн беш, йигирма ёшга тўлғанларида етишадилар. Лекин рухий ёш  
вақтга қараб намоён бўлмайди, яъни ёшга боғлиқ эмас. Сиз қачон-  
дир Масихда бир йил бўлиб, йигирма йил олдин нажотта келган-  
лардан етукроқ бўлган масиҳийларни учратганмисиз?

Ибронийларга мактубда ёзилганидек, етуклик аломати – бу  
ички ҳисларнинг нима ҳақиқатан яхши ва нима ёмон эканини  
фарқлаш қобилиятидир (Ибр. 5:14).

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, сизнинг танангизда бўлгани  
каби, юрагингизда ҳам бешта сезги аъзоси мавжуд. Бу бутун Ёзув  
давомидаги оятлар орқали маълум ва равшандир. “Татиб кўринглар  
ва Раббийнинг нақадар эзгу эканлигини кўринглар...” (Сан. 33:9).  
Бир оятда бирданига иккита ҳис ҳақида айтилмоқда.

Исо Масих бир куни күплаб одамларга деди: “Кимнинг эши-тишга қулоги бўлса, эшиитсин!” (Мт. 11:15). Унга қулоқ солган одамларнинг қарийб ҳаммаларининг жисмоний соғлом қулоқлари бор эди, лекин У ички қулоқлар ҳақида сўзлаган эди.

Повул Худонинг Исройилга мурожаатини тилга олган эди: “... нопокка қўл тегизманглар, шунда Мен сизларни қабул қиласман” (2 Кор. 6:17). Шу ҳаворийнинг ўзи ёзганки, Худо “ҳар жойда Ўзи ҳақидаги билимнинг хушбўй хидини биз орқали тарқатмоқда” (2 Кор. 2:14).

Фақатгина шу тўрт оятларда барча сезги аъзолари санаб ўтилган!

### Фарқлаш

Бизлар ўзимизни яхшилик ва ёмонликни чалкаштирмаслиқдан қандай асрашимиз мумкин, айниқса, ёлғон кучаяётган ҳозирги замонда? Ҳавва ёмонлик яхши, ёқимли ва доно бўлиши мумкин деб ишониб тушган тузокқа қандай тушмаслигимиз мумкин? Жавоб – фарқлаш орқали. Қандай қилиб бизлар ўзимизда фарқлашни ривожлантиришимиз мумкин? Ҳакконий диёнатли кўркув орқали.

Пайғамбар Малахи охирги замонларда икки тоифа имонлилар бўлиши: Худодан кўрқадиганлар ва қўрқмайдиганлар бўлишини башорат қилган. Оғир замонларда Худонинг қўрқувига эга бўлмаган одамлар шикоят қиласдилар, жаврайдилар ва ўзларини бошқалар билан солиштирадилар. Уларга Худо билан муносабатларга эга бўлмаган бетавфиқлар гуллаб-яшнайдиган бир пайтда, Худога хизмат қилиш кераклиги ва шу билан бирга, кувғинлардан, кулфат ва оғатлардан азоб тортиш кераклиги ёқмайди.

Худодан кўрқадиганлар худди шу қийинчиликлардан ўтадилар, лекин бошқача ўтадилар. Улар Худонинг эзгулиги ҳақида гапирадилар. Худо уларнинг қийин вазиятлари ҳақида сўзлаётганига ишонган ҳолда, улар кулфатларга қарши руҳий жанг қиласдилар. Улар ўзларининг вақтинчалик нокулайликларидан кўра Худонинг истаклари, репжалари ва Худонинг Шохлигига диққатларини кўпроқ қаратадилар. Улар Унинг содиклигини биладилар, улар унда мустаҳкамланганлар. Уларнинг муносабатлари мана бунақа бўлади:

“Олчалар гулламаган бўлса ҳам, қулуниай пишмаган бўлса ҳам, олмаларни қурт еб кетган бўлса ҳам, буғдой ҳам қўкариб чиқмаган бўлса ҳам, ўтарларда қўйлар қолмаган бўлса ҳам ва қўтонларда шохли қорамол қолмаган бўлса ҳам, шунда ҳам мен Раббийга қувончли ҳамду-сано куйлайман. Мен најотимнинг Худоси туфайли қувонганимдан ўмбалоқ ошаман. Худонинг Шоҳлиги голиб келишини кутиб жасорат ва дадилликта тўламан. Мен буғу каби югурман. Мен ўзимни тоғнинг қироли каби ҳис қилмоқдаман!” (Ҳаб. 3:17-19, The Message, инг. тилидан таржима).

Худо Истроилга пайғамбар Малахи орқали уни Ўзининг маҳсус хазинаси қилишини айтди. (Повул 2 Тимотий 2:21да “маҳсус идишлар” ҳақида қандай сўзлаганини ёдга олинг). Малахи Худодан қўрқувчиларнинг энг ажойиб устунликларидан бири нима бўлиши ҳақида огоҳлантириди: “Ўшанда ҳақ одам билан бетавфиқ орасида ҳамда Худога хизмат қиласидиган ва Үнга хизмат қиласидиган одам орасидаги фарқни яна қўрасизлар” (Мал. 3:18). Бошқача қилиб айтганда, бу имонлилар яхши эмасни яхши билан чалкаштирмайдилар.

Ўтган бобда, бизлар Худонинг эзгуликларининг параметрларини – бизлар сўрай оладиган ва ўйлай оладиганимиздан кўпроқ тўкинлик эканини аниқладик. Бир киши учун тўкинлик қулаш сабаби бўлиши мумкин, бошқа киши учун буюк имконият бўлиши мумкин. Агар тўкинликнинг ўзи сизнинг мақсадингиз бўлса, унда сиз шубҳасиз Ҳавва, Каън, Бальом, Корей, Гиезий, Яхудо, Александр-мисгар, Лаодикия жамоати ва кўплаб бошқалар тушган тузоққа тушасиз. Аммо сизнинг асосий мақсадингиз Худога маъқул бўлиш бўлса, сизда яхшилик ва ёмонликни фарқлаш қобилияти, ўз тўкинлигингизга тўғри муносабатда бўлиш қобилияти бўлади.

Фарқлашда сир яшириндир. Бизларнинг фарқлаш даражамиз – биздаги Худонинг қўрқувига пропорционалдир. Мен бунга урғу бермоқчиман: бизларда Худонинг қўрқуви нақадар кўп бўлса, бизлар шу қадар доно фарқлашга кодирмиз. Ўзининг подшоҳлигининг бошида Сулаймон илтико қилди: “...нима ёмон, нима яхши эканлигини фарқлай олиш учун Ўз қулингтга доно юрак ато қилгин...” (1 Шоҳ. 3:9).

Сулаймон ажойиб донолик билан подшоҳлик қилган эди. У Раббийнинг ортидан юрган йилларда, у ёзган эди: “...агар билимни

чорласанг ва ақлни чакирсанг, агар уни кумушдек изласанг ва хазинадек қидирсанг, шунда Раббийдан күркышни англайсан ва Худо ҳақида билим топасан” (Ҳик. 2:3-5).

Лекин Сулаймон Худонинг күркүванин йўқотган заҳоти у бузилди ва яхшилик билан ёмонликни фарқламай қўйди. Ҳамма нарса у учун “бехудалик” ва “рухнинг ўрганиши” бўлиб қолди. Воизнинг бор китоби – бу хижолатда қолган, Худонинг күркүванин йўқотиб, йўлини йўқотган, кейинчалик эса ўзининг фарқлаш қобилиятини ҳам йўқотган одамнинг суратидир. У онгнинг қайғули ҳолатида яшар эди. Ўз хизмат йилларим мобайнида, фарқлаш қобилиятини йўқотишлари туфайли алдовга берилиб, Худонинг күркүванини менинг кўз ўнгимда йўқотган етакчилар ва имонлилар учун менинг юрагим кўплаб маротаба қайғурди.

Юкорида айтиб ўтилганидек, диёнатли кўркув ўзимизни кирпичардан тозалашимиз учун бизларни Худонинг инояти билан ҳамкорлик қилишга руҳлантиради. Шуниси қизиқки, бизнинг фарқлашимиш диенатли ҳаёт тарзимига боғлиқ. Шунга қарамасдан, бизлар муқаддасликни – иш соҳасида, муносабатларда, маблағда, ижтимоий имкониятлар ва бошқа турли соҳаларда ҳаётимиздаги қарорларни кўллаб турувчи тизим сифатида кўрамиз.

Бизлар аввало Худонинг кўркүвига эга бўлишга интилишимиз даркор. Агар у бизнинг устунлигимизга айланса, тўкинлик бизларни аврай олмайди. Ёзилганки: “Ўз бойлигига таянадиган одам қулайди...” (Ҳик. 11:28). Ўша китобнинг ўзида ёзилган: “...мен ақлман... – бойлик ва шуҳрат... мендадир (Ҳик. 8:14,18). Яна ёзилган: “...Раббийдан кўркиш – бойлик, шуҳрат ва ҳаёт келтиради” (Ҳик. 22:4). Ҳақиқий бойлик – бу Худо сизни нима ишга қўйган бўлса шуни амалга оширишингизга имконият берадиган манбалардир. У албатта, ўзга одамларга таъсир қилишни ўз ичига олади, бошқача килиб айтганда, бу Худонинг Шоҳлигини қуришдир.

Ҳар эрталаб ўзимизга шундай савол беришимиз муҳим: Бугун мен Худонинг кўркүви билан ҳаракат қиласайманми ёки тўкинликка интилиш биланми? Агар сизнинг мақсадингиз – бу диёнатли кўркув бўлса, у сизни ҳимоя қиласди ва нимадир яхши нарсани кўлга киритиш учун ёмонликка алданиб қолишга йўл қўймайди.

Мен аниклаштирмоқчиман: манбалар, бойлик, фаровонлик ва тўкинлик – буларнинг барчаси яхши. Лекин буларнинг ўзи мақсадга айланса, бу воситалар яхшиликни қўлга киритиш учун ёвузлик эмасми, буни кўриш учун сизга фарқлаш етишмайди. Бу қандай характерат қилишини тушунтиришда бир библиявий хикоя ёрдам беради.

### **Олиш вақти келдими?**

Исроилда пайғамбарга қурбонлик ёки инъом келтириш одати кабул қилинган эди. Ҳали ёш йигит бўлганида, бўлғуси подшоҳ Шоул ва унинг хизматкори отасининг йўқолган эшакларини излаб юрар эдилар. Ҳоритадиган изланишлардан сўнг хизматкор Шоулга қўшни шаҳарга, Шомуил исмли пайғамбарнинг олдига боришини тавсия қилди. Шомуил ўша жойда яшар эди ва уларга эшакларни топишга ёрдам бера олар эди. Шоул шу лаҳзада жавоб берди: "... Агар борсак, унга нима олиб борамиз? Тўрваларимиздаги нон туғади. Худонинг одамига олиб борадиган бирор совгамиз ҳам йўқ. Бизда нима бор?" (1 Шом. 9:7). Одатда, пайғамбарнинг олдига бораёттганларида шундай фикрлар эдилар.

Келинг, Исроилнинг тарихидаги бошқа даврга назар ташлаймиз. Сурия қўшинининг қўмондони, Нехеман исмли киши пайғамбар Элишанинг уйига келди. Унга нима қилиши кераклигини айтишиб ва у итоат қилиб, бажарганида мохов касаллигидан тўлиқ покланди. У миннатдорчилик билдириш ва совғалар инъом қилиш учун Элишанинг олдига қайтиб келди. Пайғамбар жавоб берди: "Мен қарписида турган Раббий тирик! Мен ҳеч нарса олмайман..." (2 Шоҳ. 5:16). Нехеман совғаларни олишга кистади, лекин Элиша рад этди.

Пайғамбарнинг шахсий ёрдамчиси Геҳази содир бўлаётган воқеаларнинг гувоҳи эди. Нехеман пайғамбар учун тайёрлаб келган совғаларни олиб кетаётганини у шок ҳолатида кузатиб турар эди. Элиша кетганидан, Геҳази Нехеманнинг ортидан югурди. Қўмондон уни қўрди, карвонни тўхтатиб: "Бирор нима содир бўлдими", – деб сўради.

Хизматкор: "Ҳаммаси яхши", – деб уни ишонтирди, лекин кейин: "Элишанинг бирдан эҳтиёжи пайдо бўлди", – деб алдади. У шундай сўзларни айтди: "Мана, ҳозиргина менинг олдимга пайғамбарлар-

нинг ўғилларидан икки ёш киши Эфрайим тогидан келдилар; уларга бир талант кумуш ва икки жуфт кийим-бош бергин” (2 Шоҳ. 5:22).

Бунга жавобан Нехеман у сўраганидан икки баробар қўпроқ берди. Шу билан улар хайрлашдилар ва Геҳази ортига қайтиб, совғаларни ўзиникида яшириди.

Хизматкор Элишанинг олдига келганида ва пайғамбар унинг қаерда бўлганини сўраганида, у: “Ҳеч қаерга борганим йўқ”, – деб ёлғон гапириди. Шунда Элиша деди:

“...Нехеман ўз аравасидан сенга пешвуз чиқиш учун ўгирилганида, мен рухда ўша ерда эдим, тушунасанми? Ҳозир кумуш олиш, кийим-бош олиш, зайдун дараҳтларию узумзорлар, ки-чик ёки катта корамоллар, қул ёки чўри олиш вақтими? Сен шу ишни қилганинг учун сен ва сенинг авлодинг абадий мохов бўласизлар” (2 Шоҳ. 5:26,27, NLT, инг. тилидан таржима).

Геҳазига диёнатли қўркув (бунинг натижасида фарқлаш) етишмас эди, шунинг учун у алданди. Ҳали вақти келмаган бўлса-да, у бирор нарса олиш вақти деб ўйлади. У совғани олса арзийди, деб ўйлади ва бошлиғи олишни рад этгани учун унинг ўрнига у, Геҳази совғани олиши мумкин, деб ўйлади. Ахир у ҳам, Элиша каби курбонликлар қилас ва Худонинг ишига ўз ҳаётини аямас эди. Ахир Худо уларнинг гуллаб-яшнашини истамайдими? Ва мана, бой элчи, бутпараст келади. Ахир бетавфиқларнинг бойлиги ҳақлар учун тўпламайдими? У ўз хизматининг одил тақдирланишидан возкечиб, Элишай доно иш килмади, деб қарор қилди.

Геҳазийнинг соғлом фикри, у адолат бўйича ўзига тегишли деб ўйлаган нарсани қўлга киритиши учун мурожаат қилган восита, яъни усулни оқлади. Унга фарқлаш етишмас эди, у ёмонликни яхшилик деб ўйлади ва ўзининг итоатсизлиги учун оғир жазоланди.

### **Мақсад воситани оқлайди**

Мен сизларга ерлик бойлика интилиш Худонинг қўркувини соя қилиши ва хизматчилар ҳамда жамоат аъзоларини йўлдан уришини кўрсатадиган кўплаб ҳикоялар айтиб беришим мумкин. Хизмат йилларим мобайнида, улардан кўпчилиги нақадар қиммат нарҳ тўлашла-

рига түғри келганини мен күрганман. Бошида қўлга киритиш имконияти жозибали, ҳис қиласа бўладиган ва яхши туюлади. Бошланғич поғоналарда шундай туюладики, барча меҳнатлар устида барака осилиб турибди ва шундайгина бурим ортида муваффакият кутмоқда. Сўнгра ҳаммаси ёмон томонга ўзгара бошлайди ва йиғлатгувчи натижалар ўзини узоқ куттирмайди. Мен оилаларнинг барбод бўлишини, хизматлар тўхташини, тадбиркорлиқда банкрот ва моддий синиш келганини, соғликқа путур етганини, муносабатлар барбод бўлганини кўрганман. Бундан ташқари, одамлар ростгўй бўлишни бас қилишар ва қариндошлари ҳамда яқинларининг ишончини йўқотар эдилар.

Тадбиркорлар ишда биродар-масихийларнинг қандай нуқсонларига дуч келишларига түғри келгани ҳақида кўплаб ёқимсиз ҳикоялар айтиб берар эдилар. Худбинлик, ёлғон, ўғирлик, ҳасад, фирибгарлик, порахўрлик. Буларнинг ҳаммаси қаердан келади? Жавоби жуда оддий: яхши туюладиган мақсад, уни қўлга киритишнинг обрўсиз воситаларини оқлайди. Одамлар: “Худо менинг жуда муваффакиятли бўлишимни, кўп пулга эга бўлишимни ва нуфузлиликдан лаззатланишимни истайди”, деб ўйлаб, ўзларини оқлайдилар. Лекин улар ўзларининг ҳаёт йўлларини Худонинг Сўзи филтри орқали текширмайдилар. Кўпинча, вижданни сотиш исталган нарсага ягона йўл туюлади. “Агар бизлар куч ишлатмасак, бизнинг қайиғимиз шунчаки оқимга қараб сузади. Бизлар улкан имкониятни ва баракаларни қўлдан бой берамиз”. Худонинг таъминотини кутиш учун етук хулқ-автор талаб қилинади.

Шайтон Исо Масихга хизматининг бошида шартнома таклиф килди. У Исо Масихни оғриқсиз, қисқа йўл билан дунёнинг шоҳлигини тиклаш(айнан шунинг учун Исо Масих ерга келган эди) билан вассваса қиласа эди, бу учун фақатгина Исо Масих унга сажда қилиши лозим эди. Балки бу Исо Масихга жозибадор жаранглагандир. Агар У шайтоннинг таклифини қабул қилганида эди, У тезда Ўзининг хизматини амалга оширган ва ҳаддан зиёд қийинчиликлар ҳамда азобларни четлаб ўтган бўлар эди. У қилиши лозим бўлган биргина иш – бу шайтонга сажда қилиш эди.

Нақадар тез-тез шайтон бизларга Худо юрагимизга солган ишни осон йўл билан қилишни таклиф қиласи, лекин бу учун бизлар тўғрилигимиздан, хулқ-авторимиздан ва итоаткорлигимиздан воз

кечишимиз керак бўлади. Сажда – бу барпо қилувчи сўзларга эга бўлган сокин қўшиқ эмас. Сажда – сажда қилаётган объектишимизга бўйсунишимизда намоён бўлади. Жамоатда дилтортар қўшиклар куйлашимиз, лекин шу билан бирга, қўшиклардан кўра баланд кичкирадиган ҳаётимиз билан зулматга сажда қилишимиз мумкин.

Юкорида мен аллақачон айтиб ўтдимки, кўплаб муаллифлар нотаниш сўзнинг асосий маъносини китобда бу сўз илк бора пайдо бўлганида очиб беришади. Агар сиз Муқаддас Ёзувда “сажда қилиш” сўзининг илк қўлланишига қарасангиз, сиз ҳақиқатан у нимани билдиришини билиб оласиз. У матнда илк бора, Худо Иброхимга яқин кишисини қурбонликка келтиришни сўраганида пайдо бўлади, Худо нима учун бундан қилишни сўраётганининг сабабини айтган эмас.

Уч кунлик йўлнинг охирида, Иброхим ўзининг ўғли Исҳоқ билан Мория тоги этагига келдилар. Иброҳим ўзининг хизматкорларига: “Сизлар шу ерда эшак билан қолинглар, мен ўғлим билан бирга у ерга бориб сажда қиласмиз...” – деди (Ибт. 22:5). У тоқقا Худога хушоҳанг қўшиқ айтиш учун борган эмас. У Яратганга бўйсунгани туфайли, ўзининг энг қимматбаҳо “мулки”ни ўлимга топшириш учун борган эди. У учун сажда – бу бўйсуниш эди.

Балки Худо айнан шунинг учун бир куни Ўзининг халқига деди: “Мендан қўшикларингнинг шовқинини узоқлаштиринглар, зоро Мен небелларингнинг овозига қулоқ солмайман. Одил ҳукм дарё каби ва ҳақлик – қуриб қолмайдиган оқим каби оксин! (Ам. 5:23,24, янги ўзб. таржима). Мен “ҳақлик – қуриб қолмайдиган оқим каби!” деган иборани жуда ҳам яхши кўраман. Мен буни ўзгармас бўйсуниш деб атайман.

Пайғамбар Амоснинг даврида, одамларнинг ҳаётлари Худонинг Сўзига тўғри келмас эди, лекин улар ёзишни, тўпланишни ва янги сажда қўшиклари куйлашни давом эттирап эдилар. Ҳақиқий сажда – бизнинг қўшикларимиз объектида эмас, балки бизнинг бўйсунишимиз объектида очилади.

### **Яхши ва эзгу нарсаларни Худодан устун қўриб**

Мен сизларга, бир куни ўз бўйсунишим билан ўйнашиб, қандай чангали қаттиқ тузокка тушиб қолганимни айтиб бераман. Бизнинг хизматимиз бошлангич поғонада эди, у бошланганига ҳали икки

йил ҳам бўлмаган эди. Бу хизмат шундан иборат эдики, мен юзлаб одамлар ва ҳатто бундан ҳам кам одамлар йигиладиган кичик жамоатларга воизлика борар эдим. Кўпинча бизнинг транспорт воситамиз “Хонда-цивик” машинаси бўлар эди, бизнинг икки фарзандимиз орқа ўриндиқда бизлар билан бирга борар эдилар. Жой фақатгина бағажга ва бизлар йигинларда тарқатадиган видеокассеталар солинган иккита қутига етар эди.

Мен айтиб ўтганимдек, бир куни эрталаб, Худо менинг юрагимга сўзлаб, китоб ёзишни бошлишимни айтди. Мен икки сабабга кўра Худога қулоқ солмасдан бу ишни пайсалга солар эдим. Биринчидан, мен мактабда иншо ёзишга қийналар эдим, одатда мен иншолар учун энг паст баҳо олар эдим. Иккинчидан, ким номаълум муаллифнинг китобини нашр этишни истайди? Лекин ахийри, мен бўйсундим ва китоб ёза бошладим.

Китоб устидан ишлашни тугатишими учун менга бир йил керак бўлди ва кўплаб соат кунт билан ишлашга тўғри келди. Сўнгра мен иккита нашриётга “Саҳрода ғалаба” номи билан чиқсан кўллёмамни кўриб чиқиши таклифи билан мурожаат қилдим. Бири уни “жуда ҳам воизлика ўхшайди”, деди. Бошқаси умуман жавоб бермади. Мен эзилиб қолдим. Бизлар Лиза билан ягона имконият – ўз хисобимиздан чоп этишга қарор қилдик. Бизлар бир неча минг нусха нашр этиш учун пул йиғдик ва уларни мен воизлик қилган кичик жамоатларда сота бошладик. Одамларга китоб ёқди ва кейинги иили мен яна бир китоб ёздим. Бу дафъа ҳам ўзимиз чоп эттиришимиздан бошқа имконимиз йўқ эди.

Иккинчи китоб чиққанидан бир неча ой ўтганидан сўнг, менга Американинг энг катта нашриётларидан бирининг масъул муҳаррири қўнғироқ қилди. У ўзини таништириди ва қўнғироқ қилишининг сабабини тушунтира бошлади: “Жон, менга сизнинг “Саҳрода ғалаба” китобингизни кўриб чиқишим учун беришди. Бизнинг нашриётимиз бу номага ишонади ва уни кўпроқ одамларга тақдим қилишингиз учун бизлар сизга ёрдам бермоқчи эдик”. Бизлар бир неча дақиқа сухбатлашдик. У китобнинг тарқатилишининг турли усуслари билан жонли ўртоқлашди, ўзининг маркетинг режаси ва реклама бўлими билан мақтанди. Ҳаммаси шу қадар яхши жаранглар эдики, ҳақиқатга учна ўхшамас эди, ахийри, китоб бутун Кўшма Штатларига тарқалади.

Аммо мухаррир билан сұхбатдан сүңг гүшакни қўйиб, мен қандайдир хавотир ҳис қилдим. Бу сұхбат руҳимда акс-садо бермас эди. Кейинги куни эрталаб мен ибодат қилдим ва Худонинг: “Рози бўлмагин”, деганини аниқ ҳис қилдим.

Мен бу ҳақида Лиза билан сұхбатлашдим. Таклиф устидан ўйлаб кўриб, у менинг фикримга қўшилди, бу таклиф жозибали бўлишига қарамасдан у ҳам шубҳаланаётганини айтди.

Ўша куни кечроқ, Лиза: “Азизим, мен бу ҳақида ибодат қилганимда рози бўлиш керак эмаслигини ҳис қиласяпман”, – деди. Шунда мен бу таклифни қабул қилиш керак эмаслигига қатъий ишонч ҳосил қилдим.

Кейинги куни мухаррир менга яна қўнғироқ қилди. Мен бу масалада аллақачон Худонинг иродасини билар эдим, лекин барибир унинг нима дейишини эшитишни истар эдим. Ўша вақтда, сұхбатни давом эттириш истагим муаммо ҳақида белги берәётганини мен ҳали тушунмас эдим. Нима учун менга шунчаки бўйсуниш етарли бўлмади? Нима учун унинг нашриёти ёрдамида менинг китобим чоп этишилиши фойдасига унинг далилларини эшитишни бошладим? Балки улар менинг юрагимнинг нотўғри истагини озиқлантиргандир? Балки бу менинг худбинлигимга ёккандир?

Мухаррир менга бутун нашриёт менинг китобимни чоп этишига нақадар ташна эканини руҳланиб айтиб берди. У менинг китобим давлатимизга нақадар кераклиги, Бу ҳамма учун Худодан сўз эканлиги, уларнинг ташкилотлари энг зўр дистрибуторлар билан ишлаши ва эҳтимолки, менинг китобимни давлатдаги барча масихий китоб дўконлари ҳамда дунёвий китоб дўконлари бўйлаб тарқата олиши ҳақида мени қатъият билан ишонтирас эди. У китобларини нашр этган ва китоблари бутун Америка бўйлаб тарқалган бошқа нотаниш муаллифлар ҳақида сўзлади. Кейин бу муаллифлар конференцияларда оммабоп нотиқлар бўлишган экан. У буларнинг ҳаммаси унинг нишириёти шарофати билан бўлганини айтди.

Кейинги бир неча ҳафта давомида, бу одам менга ҳоримасдан кунора қўнғироқ қилиб турди, чунки мен “йўқ” демаган эдим. Мен уни нақадар кўп тингласам, шу қадар кўп китобни уларда нашр этиш керакдек туюлар эди. Шундай лаҳза келдики, менинг юрагимда хавф ҳисси буткул тарқалиб кетди. Муқаддас Руҳнинг ички

гувоҳлиги жим бўлди. Мен тилёғламалик ва инсоний далилларнинг Худонинг кўрсатмасини ўчиришига рухсат бердим. Бошқача қилиб айтганда, менинг фарқлашим жим бўлишга мажбур эди.

Чиқиши китобида ёзилган: “Пора олманглар: у кўрадиганларни кўр қиласди” (23:8, янги ўзб. таржима). Хушомад – бу поранинг бир туридир ва у мени кўр қилди. Мен Худонинг қўрқуви ўрнига имконият ва тўкинликни танладим.

Менинг хотинимнинг қатъий огоҳлантиришларига қарамасдан, бизлар шартнома туздик ва шу лаҳзадан ҳар хил муаммолар бошланди.

Ўша вақтда бизлар Лиза билан турмуш қурганимизга 11йил бўлған эди. Вақти - вақти билан у менга: “Сен қариб умуман қасал бўлмайсан!” – дер эди. Ҳақиқатан шундай эди, мен камдан кам ҳолатда касалга йўлиқар эдим, ҳатто бирор нарса менга ёпишиб олса ҳам, бир сутка давомида ўтиб кетар эди. Лекин бизлар шартномага имзо қўйган вақтдан бошлаб, мен касаллик билан кураша бошладим ва ҳеч ундан кутула олмас эдим.

Ҳаммаси шамоллашдан бошланди. Бу менинг катта ёшлигимдаги иккинчи шамоллашим эди. Шамоллаш ўтиши билан мен вирус юқтиридим. Бизлар оила қурганимизни нишонлаш учун Лиза билан шаҳардан ташқарига чиқдик ва нуқул менинг ҳароратим баланд ҳолида турар эди. Таътилдан кейин яна бир ҳафта мен иситмалаб юрдим. Жамоатда воизлик қилгандан сўнг, ёпинчиқ остида бироз исиниш учун меҳмонхонага югуришимга тўғри келар эди.

Бизни ҳайратга солиб, учинчи ҳафтада ҳам ҳарорат тушмас эди. Мен ҳеч қачон бундай жиддий касалланган эмас эдим. Ахийри кучли антибиотиклар ўз ишини қилди, лекин мен дорилар қабул қилишни тўхтатганимдан бир ҳафта ўтиб яна шамоллаб қолдим. Мен ўзимни жуда ёмон хис қилас эдим, томоғим оғрир эди, бошим тошдан оғирдек эди ва бошқа турли касаллик белгилари ҳам кўриниб турар эди. Касаллик мени ҳеч ҳам қўйиб юбормас эди.

Мен шамоллашдан тузалганимдан сўнг, икки ҳафта ҳам ўтмасдан, тиззамни шикастладим. Шикаст шу қадар жиддий эдики, тиззабанд тақишимга ва бир неча ҳафта қўлтиқтаёқ билан судраглиб юришимга тўғри келди. Лекин гўёки бу ҳам камдек – шикастланишдан сўнг тезда мен яна вирусга йўлиқдим. Касалликлар ва

шикастланишлар навбати уч ой давомида тўхтамас эди. Бутун бу давр мобайнида Лиза буткул соғлом юрар эди.

Менинг касалликларим билан бирга нашриёт билан музокаралар ҳам қийин кечар эди. Бизлар ҳеч нарсада келишолмайдигандек туюлар эди. Муносабатлар оғир кечар эди ва лойиха қарийб ўрнидан жилмас эди.

Лекин бу ҳам ҳаммаси эмас эди. Бизнинг ҳаётимизда бирин-кетин муаммолар юз берар, уларни ечишнинг иложи йўқдек туюлар эди. Ўша уч ой мобайнида бирданига ҳаёт жуда қийин бўлиб қолди. Балки шунинг учун Довуд ёзгандир: “Мен азоб тортганимдан олдин адашар эдим, энди эса сўзингга риоя қиляпман” (Сан. 118:67).

Худо мазкур вазиятда шафқат қилди, У менга хатойимни кўришга имкон берди. Мен хизматимнинг муваффақиятини Унга бўйсунишдан устун қўйдим. Мен ўз хатойимни Худонинг олдида ва хотинимнинг олдида тан олдим. Мен кечирилдим ва покландим. Унинг шафқати нақадар буюк!

Лекин мен ҳануз тузоқда эдим. Ўша нашриёт билан шартномадан кутулиш учун бизларга мўъжиза керак эди. Бизлар Лиза билан қўл ушлашиб, Худодан аралашишини ўтиниб сўрай бошладик.

Икки ҳафтадан сўнг бизларга нашриётдан бизлар билан шартномани бекор қилганлари ҳақида хабарнома келди. Мен бу учун қимматга тушган бўлсан ҳам, –шартномани бекор қилиш менга 4000долларга тушган эди, – мен енгиллашиб чукур нафас олдим. Бошланувчи хизмат учун бу катта пул: ўша вактдаги ойлик бюджетнинг ярми эди.

### **Худодан имконият**

Бир неча ой ўтганидан сўнг, менинг Скотт исмли бир дўстим, мени тушликка таклиф қилди. У менга: “Мен сени бир ўртоғим билан танишириб қўймоқчиман”, –деди. Мен рози бўлдим.

Ресторанда Скотт мени ўзининг дўстига танишириди, унинг ҳам исми Жон эди. Шундай бўлиб чиқдик, у бир машҳур нашриётнинг бошлифи экан. Тушлик устида одатий сухбатдан сўнг, Жон мендан қандай мавзуда нотиқлик қилаётганимни сўради. Менимча, шу саволдан сўнг мен ҳеч нима емадим.

Мен у билан ўз муаммоли ўртоқлаша бошладим. Чамаси ўн беш дақиқалар мобайнида мен Скотт ва Жонга ҳаммасини оташин сўзлаб бердим.

Қайсидир лаҳзада, Жон менинг сўзимни бўлиб деди: “Мен фақатгина шуни билишингни истар эдимки, биз сенинг китобингни чоп эта олмаймиз, чунки йилида бор-йўғи йигирма тўрт китоб ва фақатгина яхши таниқли муаллифлар ҳамда чўпонларнинг китобларини чоп этамиз”.

“Мен сендан менинг китобимни чоп этишингни сўрамаяпман, – жавоб бердим мен. –Мен шунчаки ҳозир нима билан шуғуланаётганим ҳақидаги саволингга жавоб бераяпман”.

“Албатта, –деди у, –давом этгин”.

Мен яна беш ёки ўн дақиқа мана шу қайгули тузоқ ҳақида сўзладим.

Мен сўзлаб бўлганимдан сўнг, Жон мендан: “Кўлёзмани кўрсам бўладими?” –деб сўради.

Шошилиб қолиб мен жавоб бердим: “ Мен ўйладимки, сен уни чоп эта олмайман, деб айтдинг”.

“Бу китобни чоп этмаса бўлмайди ва мен уни нашриёт эгасига бермоқчиман”.

Бошқарма бу китобни қабул қилди ва “Шайтоннинг хўраги” номи билан китобни чоп этди. Вақти келиб, у халқаро оммабоп китобга айланди. Ҳозир, мен бу китобни ёзаётган бир пайтда, “Шайтоннинг хўраги” китобининг миллиондан ортиқ нусхаси сотилган, у дунёнинг олтмишдан ортиқ тилига таржима қилинган.

Менга иккинчи нашриётчи қўнғироқ қилиб, улар китобни албатта чоп этишни исташларини ва ҳозирнинг ўзида мен билан шартнома тувишга тайёр эканини билдирган кунни мен ҳеч қачон унутмайман. Мен дастакни қўйдим, ибодат қилгани бордим ва Худо менинг юрагимга аниқ қилиб: “Биринчи нашриёт сенинг ғоянг эди. Бу нашриёт Менинг ғоям”, деганини эшилдим.

Бу воқеа менга яхши ва Худо орасидаги фаркни аниқ кўрсатди. Кўпинча яхши имконият биринчи бўлиб келади. Сўнгра эса Худодан имконият келади. Иброҳим ва Соранинг ҳаётида ҳам шундай бўлди: олдин Исмоил туғилди, кейин эса Исҳоқ туғилди.

### Худонинг қўрқувининг исботи

Нима мени ёмон қарор қилишга ва биринчи нашриётчини танлашга мажбур қилди? Ростдан тан олсан, менинг Худонинг қўрқувига эмас, тўкинликка дикқатимни қаратганим(мен китобларим

күпчилик оммага етиб боришини ўйлаган эдим). Бу мени мантикий ва аниқ муваффакият ҳақидаги сўзларга авранишга ва Худо менинг юрагимга аниқ айтган сўзларни бўғишига мажбур килди.

Бўйсунувчанлик – бу Раббийнинг ҳақиқий қўрқувининг ташки исботидир. Бизлар Худодан қўрққанимизда...

- Унга бир лаҳзада бўйсунамиз.
- Ҳатто бунда маъно қўрмаганда ҳам Унга бўйсунамиз.
- Ҳатто оғрикли бўлганда ҳам Унга бўйсунамиз.
- Ҳатто бизлар бундан фойда кўрмасак ҳам Унга бўйсунамиз.
- Унга охиригача бўйсунамиз.

Иброҳим ўтган синов у бу пунктларнинг ҳаммасини бажарганини кўрсатади. Келинг, мазкур буюк синовни хотирамизда жонлантирамиз.

Бир куни тунда, Худо ундан ўғли Исҳоқни қурбон қилишини сўради. У тўғри эшитаяптими? Балки бу тунги даҳшатдир? У шундай ўйламадимикин: “Йўқ! Қандай бундай қилиш мумкин? Мен ўз ўғлимни севаман. Мен Исҳоқни ўлдира олмайман. Ундан подшоҳлар ва халқлар келиб чиқиши ҳақида менга ваъда берилган. Агар мен уни ўлдирсан, бу ваъда қандай амалга ошади?”

Иброҳим ҳайкиради: “Нима? Қандай қилиб Сен мендан буни сўрай оласан? Ундан халқлар келиб чиқишини Сен менга ваъда бергансан!” Жавобига ҳеч қандай илоҳий жавоб йўқ, факат жимлик.

Иброҳим хиссиётлар бўронини ҳис қилмоқда. Менинг ишончим комил, ўша тунда у ухлай олмаган. Бизлардан қайси биримиз бундай илтимос устидан бир неча ҳафта, ой ёки ҳатто йил ўйланиб, ахийри бу ақлга тўғри келмайдиган фикр деб ўзини ишонтирган бўлмас эди?

Лекин Иброҳим бошқача йўл тутди. Ёзилган: “Шунда Иброҳим эрталаб барвақт туриб, эшагини эгарлади...” (Ибт. 22:3). У шу лаҳзада бўйсунди.

Сиз қачон бўлса-да, сизнинг танишларингиздан бирори енгилтаклиқ билан: “Худо бир неча ойдан бўён менга шундай демоқда”, дейишини ва буни ҳазилга йўйганини эшитганмисиз? Нақадар фожеа, чунки одамлар Худодан қўрқув уларда йўқлиги билан мақтандомоқдалар.

Худо Иброҳимдан, у йигирма тўрт йил кутган ҳаётидаги энг катта ваъдани унга қурбон қилишини сўраяпти ва ўзининг илтимосини тушунтирмаюпти. Иброҳим Исҳоқни қурбон қилишдан маъно қўрмаяпти, лекин барибир бўйсунмоқда.

Ёш ўғлингни курбон қилиш – бу жуда оғрикли. Бутун уч кунлик йўл давомида оғриқ Иброҳимни ичидан емоқда. Бошида, у эндиғина Худонинг овозини эшитганида, осондек туюлган эди, лекин ке-йинчалик илоҳий сукунтнинг ҳар бир куни оша оғриқ кучаяр эди. Энг қийини, Иброҳим севимли ўғли билан бирга қурбонгоҳ куришлари эди. Лекин барибир Иброҳим бўйсунувчанликда қолди.

Қодир Худо унга, агар у итоаткор қолса, унга ўғли ўрнига ўринбосар қурбонлик берилади, деб айтаётган эмас. Бизлардан фарқли равишда, Иброҳимда бу сафар нима билан якун топгани ёзилган Ибтидо китоби йўқ эди. У ҳали бу буйруқдан ҳеч қандай фойда кўрмаяпти, лекин барибир бўйсунмоқда.

Ҳозирги қунларда ҳаммаси бошқача. Кўплаб одамлар олдин Худога бўйсунишдан фойдани кўришни исташади ва шундан кейингина бўйсунишни исташади. Бизлар ўқитувчилар кўпинча ўз воизликларимизни, агар бизларнинг тингловчиларимиз Худонинг ортидан борсалар оладиган фойдали устунликлар ва ваъдалар билан тўйинтирамиз. Бизлар, муаллифлар, агар китобнинг номида, ёки номининг остида бу китоб ўқувчига нимаси билан фойдали эканини ёзмасақ, у сотилмай қолади, деб ўйлаймиз.

Ахийри, Иброҳим керакли масофани босиб ўтади, тоққа кўтарилади, қурбонгоҳ қуради, Исҳоқни боғлайди ва пичоқни Исҳоқнинг юрагига санчишга тайёрланиб, уни ўғлининг устидан кўтаради. У охиригача бўйсунди.

Пичоқ Исҳоқнинг устидан ёй ҳосил қилганида, бирданига фаришта пайдо бўлади ва дейди:

“Болага кўл теккизма, унга ҳеч нима қилма. Чунки Мен энди сенинг Худодан қўркишингни билдим...” (Ибт. 22:12).

Иброҳим Худодан қўркишини фаришта қаердан билди? Чунки У Иброҳимнинг ҳатто бу қурбонликдан маъно кўрмаганида ҳам, қалби оғриганида ҳам, ўрнига нима олишини билмаганида ҳам шулаҳзада бўйсунганини ва бу йўлни охиригача босиб ўтганини кўрди. У жуда бой одам эди ва унинг энг катта хазинаси ўғли эди. Лекин бойлик Иброҳим учун ҳаётнинг маъноси эмас эди. Унинг хаётидаги асосий устунлик Худога бўйсуниш эди.

Бизлар тўкинлик, сахий манбалар ва бойлик билан васваса қилинишни соғлом енга олишимиз учун диёнатли қўрқув бизларни керак бўлган ҳамма нарса билан таъминлайди. Мана, Ёзув нима дейди: “Раббийнинг дуойи-баракати – бойитади ва бойликка қайғу кўшмайди” (Хик. 10:22).

### **Беақұл мұносабат**

Исо Масихнинг шогирди Яхудо билан Иброҳимнинг орасида бизлар улкан фарқни кўряпмиз. Яхудога керак бўлгандা, у ҳақиқатни осонлик билан унугтар эди. У хизмат учун тайинланган қутичадан пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатар эди, у алдар эди, ўз Етакчисини сотиб берди, қашшоқлар ҳақида ғамхўрлик қилмас эди, у иккюзламачи эди (Мт. 26:25,49 ва Юх. 12:6; 13:2га қаранг). У ҳукм қилинишга маҳкум эди, чунки унга Худонинг қўрқуви етишмас эди, яхши ва ёмонни, нима эзгулик ва нима ёвузик эканини фарқлай олмас эди.

Бир куни бир бой аёл бир шиша қимматбаҳо атирни Исо Масихнинг устидан тўқди. Яхудо норизолик ва аччиқланиш билан аёлнинг “ахмоқона” ҳаракатига ўз фикрини айтди. “Бу хушбўйлик ўртacha бир йиллик маошга teng. Уни сотиб, пулинни қашшоқларга бўлиб бериш яхшироқ бўлар эди”, –деди у (Юх. 12:5, NLT, инг. тилидан таржима). Шундай тумоладики, унинг танбеҳи мантиққа тўғри келади ва ишонтирарли, у шогирларда яхши таассурот қолдирди. Аёлнинг ҳаракатини ҳукм қилиб, улар ҳам сухбатга қўшилдилар.

Исо Масих Яхудони тўғирлаб деди: “Уни тинч қўйинглар. Нима учун У Мен учун шундай яхши иш қилгани учун сизлар уни ҳукм қиласяпсизлар? Бу аёлнинг ҳаракатини ёдда саклайдилар ва муҳокама қиладилар” (Юх. 12:5, NLT, инг. тилидан таржима). Исо Масих унинг ҳаракатини яхши ва узок яшайдиган деб атади. Яхудо унинг ҳаракатини ёмон ва ўткинчи деб ҳукм қилди. Унинг фарқлаш қобилияти тундлашган эди. У Худонинг юрак уришидан йироқда эди.

Кейинги оятларни ўқинг:

“Ўн икки шогирлардан бири бўлган Яхудо Искариот эса олий руҳонийларга Исони сотиб, тутиб бериш учун уларнинг олдига келди” (Мк. 14:10).

Сабр косасини тўлдирган сўнгти томчи. Яхудо чарчади, Исо Масихнинг етакчилик стратегиялари унинг жонига тегди. У Галилеялик одамнинг ортидан, у яна Довуднинг тахтига ўтиради, деган умид билан эргашган эди. Ишаъё пайғамбарнинг сўзларига кўра, Масих абадий шоҳлик келтиради. Уч йил ўтди, Исо Масих нимани кутмоқда? Агар у шоҳликни мустаҳкамлаганида эди, унда Яхудо, Унинг яқин етакчисии ва хазинабони сифатида, фахрли ўринга эга бўлиши, бойлик ва ҳокимият олиши мумкин эди.

Яхудо ўйлади: “Мен жараённи тезлаштираман. Кутиш менинг жонимга тегди. Мен ҳокимият, нуфуз ва бойликни истайман. Мен етакчилар томонидан масхара ва қувгин нишони бўлишдан чарчадим. Менга бошқа ойпарастнинг дўстидек қарашларини истамайман. Агар мен уни олийруҳонийларга сотиб берсам, ўшанда У ахийри Ўз ҳокимиятини кўрсатади ва Ўз Шоҳлигини ўрнатади ва мен машхур бўламан”.

Балки Яхудонинг ниятларини шундай таҳлил қилишимдан, у шундай ўйлаганидан шубҳаланарсиз, аммо мен айнан шундай бўлган деб ўйлайман. Яхудо доим Исо Масихнинг кучини кўтар эди, У беморларни шифолашини, бўронни тинчтишини, ўликларни тирилтиришини, анжир дарахтини лаънатлаганини, кўр кўзларни ва кар қулоқларни очганини ҳамда кўплаб мўъжизалар яратишини кўтар эди. Исо Масих тез-тез Шоҳлик ҳақида гапиришини Яхудо эшитар эди. У Петъорнинг ва бошқаларнинг Исо Раббийни Масих сифатида эътироф этишганини ҳамда олқишлишганини эшитган эди. У ҳар куни ўз кўзи билан Исо Масихнинг улуғворлигини кўтар эди.

Аммо Исо Масих ўлимга маҳкум қилингач, Яхудо нақадар янглишганини тушунди, килган ишига пушаймон бўлди ва ўзини дарахтга осди. Ўз ҳаракатлари режаси билан у истаган нарсасига эришмади.

Бу икки нафар эркак: Иброҳим ва Яхудонинг мисоли, ким Худодан кўрккан ва ким Худодан қўркмаганини яққол кўрсатади. Бири фарқлаш қобилиятига эга эди, бошқаси алдовда яшар эди. Уларнинг шахсий танловлари факат юракларида акс этар эди. Бу икки нафар эркакнинг ҳаётининг нихояси жуда фарқлидир. Уларнинг иккаловларини ҳам эслайдилар, факатгина турли сабабларга кўра эслайдилар.

Бизларнинг ҳаммамизни эслаб қолишади, бунга шубҳа йўқ, чунки бизлар абадий мавжудотлармиз. Бизлар ўзимизга беришнимиз керак

бўлган савол: бизлар одамларнинг хотирасида қандай бўлиб қолишни истаймиз? Бу саволга жавобни сиздаги Худодан кўркув белгилайди.

### **Ҳамма нарса шундадир**

Бизларнинг фикрларимиз коронфиласхган эмас, балки соғлом бўлишини истасак, юракларимиз тоза бўлиши керак. Агар шундай бўлса, у ёки бу ғоя Худодан келдими, ёки у шунчаки нимадир яхши ва боқийнинг кўринишига эгами, билишимиз муҳим бўлган лаҳзада бизлар адашмаймиз. Шунда бизлар турмуш ўртоғимиз, ҳамкорларимиз, якин дўстларимиз, ишда кўтарилишимиз, имкониятларимиз, инвестицияларимиз, болалар тарбияси борасида, бизлар хизмат қилаётган жамоатларда, бизлар олмоқчи бўлган маълумот ҳақида ва бизлар ҳаётда танлов қаршисида бўладиган кўплаб бошқа соҳаларда доно қарорлар қабул қиласиз.

Ўзининг ерлик йўли хотимасида, Сулаймон буюк шухратни ва янада буюкроқ қулашни бошдан кечириб, хайқирди: “Ҳамма нарсанинг хulosасини тинглайлик: Худодан кўрққин ва унинг амрларига амал қилгин. Чунки инсон учун ҳамма нарса мана шундадир. Зоро Худо ҳамма ишни ва ҳамма сирли нарсани – яхшими у, ёки ёмонми, судга олиб келади” (Воиз 12:13,14).

Сулаймон ахмоқ бўлди, у фарқлай олиш қобилиятини йўқотди, нима ҳақиқатан яхши ва нима ёмон эканини аниқлай олмай қолди. Унинг эси оғиб қолганини Воиз китоби орқали кўришимизга Худо бизларга имкон беради. Лекин шу қувонтирадики, Сулаймон соғлом фикрлиликка қайтди. Ҳаётда диёнатли кўркувни асрашдан муҳимроқ нарса йўқлигини у англади. Унинг сўзларига кўра “ҳамма нарса шундадир”.

Шундай қилиб, менинг дўстим, агар сен дунёга Худонинг кўзлари билан қарашни истасанг, доноликни энг юқори поғонасида қабул қилишни ва билишни истасанг, Раббийнинг кўркувини танлагин. Шунда сен ҳеч қачон ўз қарорингдан пушаймон бўлмайсан.

## КАТТА МАНЗАРА

Сен Мени дунёга юборганинг каби,

Мен ҳам уларни дунёга юбордим.

— Юҳанно 17:18

Одам учун олдиндан тайинланган хотима –  
бу баҳт эмас, соғлиқ эмас, балки мұқаддаслықдир.

— Освальд Чемберс

**К**елинг, бир қадам ортга қайтамиз ва бутун манзарага бутун-  
лай назар ташлаймиз. Худо бизни чуқур ва қаттиқ севади.  
У бизлар учун энг айло нарсаларни истайди. Худодан келадиган  
ҳамма нарса яхши, лекин ҳамма нарса Худодан эмас. Шунинг учун  
бизларни энг айлосидан олиб кета оладиган яхши нарсалар бор.  
Бизларнинг ҳаммамиз энг айлосини истаймиз, лекин унга олиб  
борувчи йўл ҳамма вақт ҳам яққол маълум эмас, уни топиш учун  
фарқлаш қобилияти керак бўлади.

Бизнинг ерлик йўлимизда, Худодан ташқари шайтон ҳам бор,  
бизлар у билан ҳам иш кўришимизга тўғри келади. У бизларни ҳа-  
лол қилишни истайди, унинг асосий мақсади – бизларни севадиган  
Яратганинг юрагини парчалашдир. Ёзув айтадики, душман “нур  
фариштаси қиёфаси”ни олади. Сўнгра кейинги оятда ёзилган: “...  
унинг хизматкорлари ҳам ҳақлиқ хизматкорларининг қиёфасини  
олсалар, ажабланарли эмас” (2 Кор. 11:14,15).

Ахийри, яхши туюладиган кўплаб қарорлар ва йўллар бор, ле-  
кин уларнинг хотимаси – баҳтсизлик, қулфатлар, йўқотиш ва ҳа-  
лолкатдир (Ҳик. 14:12га қаранг). Қуйидаги нарса ҳақида ўйланг:  
бизнинг душманимиз, унинг хизматкорлари ва унинг йўллари – бу-

ларнинг ҳаммаси бизларни ҳалок қилишга ташна ва улар нимадир яхши нарса ниқоби остида келади. Ёзув, “улар қиёфасини олиши мумкин”, деяётган эмас, балки “улар қиёфасини олади”, демокда. Шунинг учун бедор бўлинг: одатда бизлар учун хавф соладиган нарса нимадир ёвуз нарсага ўхшамайди. Аникрофи, аксинча, у нимадир яхши нарсага ўхшайди.

Масихийликнинг биринчи йилларида, бизнинг душманимиз шайтон жамоатни йўқ қилишни ўзига мақсад қилиб қўйди. Имон-лилар қувғинда эдилар, уларни азоблар ва ўлдирап эдилар. Лекин душман Худонинг ҳалқини нақадар ўлдиришга интилса, жамоат шу қадар кучли бўлиб борар эди. Шайтон ахмоқ бўлмагани ва ҳатто, етарлича ақлли бўлгани туфайли, у Худонинг ҳалқига Худонинг донолигидан айро яхши ҳаётни таклиф қилиб уларни йўқ қилиб юборишга қарор қилди. Аслида, Адан боғида ҳам шу стратегияни қўллаган эди.

Энди кўп асрлик нозик тактик ҳаракатлардан сўнг, шайтоннинг ҳаракатлари нақадар маҳсулдор эканини балки бизлар яхшироқ тушунармиз, чунки яхши ва қулай туюладиган, лекин ҳақиқий ҳақиқатнинг ўрнини оладиган ҳақиқатнинг тусини қабул қиласиз ва унга кўнамиз. Бизлар Исо Масихнинг эзгулиги, Унинг нажоткорлик иши ҳақида қичқирамиз(бу мутлақ ҳақиқатдир), аммо Унинг ҳукмронлиги қийматини, кучини ва кенглигини ҳамда бизнинг ҳаётимизга таъсирини камситамиз. Бизлар Худонинг суверенлигини ва Унинг қаршисида бизнинг ҳақлигимизни қабул қиласиз, аммо бизларнинг муқаддасликка интилишиздаги Унинг қўрсатмаларига ишониш ва бўйсуниш маствулиятини менсимаймиз. Бизлар тузган “таълимот”лар шарофати билан бизнинг юриш-туришимизнинг ва ҳаёт тарзимизнинг тоза бўлиши қарийб аҳамиятсиз бўлиб қолди.

Ўз масихийлик йўлларида, кўплаб масихийлар кўпайишга интилишдан кўра сақлаб қолиш ғоясига сотилдилар, “фақатгина қандай қилиб бўлса-да, кун кўрсан бас”, деган ғояга тўкинликни алмаштирилар. Аслида, самолар сиз учун эга бўлган ҳамма нарсани тасдиқлайдиган Худонинг Сўзининг бутун тўлиқлигини асосий нуфузли сўз деб қабул қилиш ўрнига, бизлар ўзимизнинг мантикий

хулосаларимизга асосланган ва Ёзувдан алоҳида оятлар билан тасдиқланган таълимотни яратдик.

Бундай мойилликни тўхтатиш мумкин ва зарур. Ёзувга яна чуқур шўнғиши ва ҳақиқатни англашда Муқаддас Рухнинг бошқарувини астойдил сўраш вақти келди. Бизлар кўпдан буён ишонадиган нарсани Ёзувдан излаш етар, унга сидқидилдан, очик юрак ва қалб билан мурожаат қилишининг ва у ерда ёзилганига ишонишнинг вақти келди. Муқаддас Рухдан уни бизга очишини ва барча бидъатларни ва янгилишишларни олиб ташлашини сўраш вақти келди.

Жамоатнинг етакчиси. Мен сизни Худонинг Сўзини тўлиқлигича таълим беришга даъват этаман. Сизнинг асосий мақсадингиз – катта йигин ташкиллаштириш эмас, балки гуноҳкорларга нажот ҳақидаги тўлиқ библиявий хабар билан астойдил эришиш ва қўйларни ҳақиқат билан боқиши эканига ишончингизни комил қилинг. Агар сизнинг асосий мақсадингиз – одамларни тўплаб, улар келаси ҳафта жамоатга қайтишларига эришишгина бўлса, Муқаддас Рухдан сизни кечиришини ва сизнинг асосий стратегиянгизни ўзгартиришини сўранг, токи сиз Худонинг подасини ҳақиқатда боқинг. Услубларда замонавий, янгиликлар киритувчи, тароватли бўлинг, лекин ёзувларда қадимий бўлинг.

Имонли. Сизнинг таъсир соҳангиз қанақа бўлишидан қатъий назар, у мактаб синфонаси бўладими, лабораториями, ишхонами, далами, уйми, бозор бўлимими – муҳаббатга тўла юракка эга бўлинг, яшанг ва барча одамлар билан муносабатларингизда ҳақиқатни сўзланг. Улар ҳайрон қолсинлар ва сизга қараб Исо Масихни кўришларини эълон қилсинлар. Унинг хузурини ўз ҳаётларида хис қилсинлар. Агар сиз ҳақиқий муқаддасликка интилсангиз, сиз унинг улуғворлиги билан порлай бошлайсиз.

Агар бизлар Масихнинг амрлари билан яшашни рад қисак, бизлар ўзимизни Унинг хузуридан маҳрум қиласиз ва Унинг жамоати Масихни дунёга кўрсата олмайди. Ростини айтганда, бизларнинг ўзимиз зарар топамиз. Биздан ташқари, атрофимиздаги одамлар зарар топадилар. Биринчидан, Исо Масих ҳақидаги ваҳий тутиб турилганлиги туфайли, гуноҳкорлар, уларнинг очликларини қондиришга қодир бўлган ягона Шахснинг хузурини хис қила

олмайдилар. Иккинчидан, бизнинг Масиҳдаги биродарларимиз ва опа-сингилларимиз “виждонини ютиш” деб аталаған, уларни Худонинг юраги ва ҳузуридан олиб кетиш учун етарлича кучли бўлган қасалликка доимий равишда йўлиқиб қоладилар.

Исо Масиҳ деди: “Мен Ўзимни улар учун бағишилайман...” (Юх. 17:19). У билан сұхбатга киришган одамларни дәб, У ўзини Отага бўйсуниш учун ажратди. Мазкур оятнинг иккинчи қисмида, Исо Масиҳ Ўзининг бўйсунишидан асосий мақсадини очган: “...токи улар ҳам ҳақиқат билан муқаддаслансинлар”.

Исо Масиҳ қайтиб келгунича, сиз ва мен – дунё кўра оладиган ягона Исо Масиҳдир. Келинглар, дунёга ўйлаб топилган ва кучсиз Исо Масиҳни эмас, балки ҳақиқий Исо Масиҳни кўрсатайлик. Келинглар, шунчаки яхши билан қониқмаймиз, лекин фақат энг аълосини оламиз. Келинглар, ҳақиқатни қабул қиласиз ва ҳақиқий яхши ҳосилларни ҳамда севигига тўла, иккиланишсиз бўйсунишнинг натижаларини кўрамиз.

Узок яшанг, муқаддасликни изланг ва ўз ишларингизда муваффақиятли бўлинг. Шундай килиб, сиз атрофингиздаги одамларнинг хаётини ўзgartирасиз.

“Сизларни йиқилишдан сақлаб қолишга,  
Ўзининг шухратининг ҳузурида  
бенуқсон ва шод-хуррам килиб  
қўйишга кодир бўлган яккаю ягона,  
доно Нажоткоримиз Худога  
Исо Масиҳ орқали азалдан, ҳозир ва абадулабад  
шон-шухрат, улуғворлик, салтанат  
ва хокимият бўлсин! Омин” (Яхудо 24,25).

Азиз дўстим!

“Яхшилик ёки Худо?” – бу шунчаки китоб эмас. Бу одамларни муқаддаслик ҳаракатига қўшилишга руҳлантиришга қодир мактубдир. Энди сиз тўкинлиқдаги ҳаёт Раббийнинг хукмронлигига ва Унинг иноятидаги ҳаётга қандай бўйсундирилган бўлиши мумкинлигини биласиз. Сиз ўзингизнинг таъсир доирангизга бу ваҳийни олиб боришингиз учун мен сизни у билан таъминламоқчиман.

Сиз нималарни билиб олганингиз ҳақида айтib бериб, бу ҳаракатга ўз дўстларингизни, оилангизни ва қўшниларингизни жалб қилишингиз мумкин. Повулнинг бир ўзи кичкина мактабда бир нечагина одамга таълим берди, улар кейинчалик икки йил мобайнида Асиянинг бутун аҳолисига эришдилар! Улар Худонинг хузури идишларига айланишди (Ҳав. 19:1-10). Агар бизлар Унга ўзимизнинг умумий интилишимизда бирлашсак, Худо бизлар орқали нелар қилишга қодир?

Бизларда бу мактуб билан кундалик ҳаётимизда ўртоқлашиш имконияти бор. Сиз ундан қўйидагича фойдаланишингиз мумкин:

- Уй гурухларида;
- Жамоат хизмат йигинларида;
- Ўз ишхонангиздаги кутубхонада;
- Хизмат дарсларида;
- Ва кўплаб бошқа жойларда!


Сиз бу ғоялардан фойдаланасизми ёки ўзингизнинг ғояларингизданми, бунга қарамасдан, менинг гурухим сизни қўллаб-кувватлаш учун меҳнат қилимоқда. Биз сизга тўғри келадиган қарорни қабул қиласиз, сизга манбалар, бепул материаллар ва бошқа кўп нарсаларни тақдим этамиз. Бу китобдан ташқари, бизлар “Яхшилик ёки Худо?” китоби бўйича аудио ва видео дарслар сериясини яратдик. Буларнинг ҳаммаси мазкур нома сизнинг атрофингиздаги одамларнинг юраклари ва ҳаётларига кириб бориши учун қилинмоқда. Марҳамат, бизлар билан уланинг ва бизлар сизларга кўпроқ тўғри келадиган материаллар ва усувларни танлашга ёрдам берамиз.

Бизлар билан бирга хизмат қилаётганингиз ва ҳамма жойда Худонинг Сўзини тарқатаётганингиз учун сизга раҳмат!

Чин юракдан

сизнинг Жон Бивер





ЎҚИШ ВА  
МУҲОКАМА  
ҚИЛИШ УЧУН  
САВОЛЛАР



## 1-ҲАФТА

1-3-бобларни ўқинг

Бу ҳафтада 1-видеодарсни кўринг

### МУХОКАМА ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ҳавва тақиқланган дараҳт мевасидан еди, чунки у унга яхши, ёқимли ва ардоқли кўринди. Бу чизгиларни тушунтириб беринг. Нимадир яхши туюлиши нимани билдиради? Ёқимли туюлиши нима? Ардоқли туюлиши нима? Бу уч нарсадан ҳар бири қандай қилиб бизларни Худога бўйсунишдан олиб кетади?
2. Адан боғининг бор ҳикояси Худонинг ҳокимиияти билан тақиқланган бир нарса билан боғлик. Бу ҳикоя ишонч ва одамнинг табиати ҳақида бизларга нима дейди? Худо бизларни чеклаган нарсани излашга мойилликни бизлар қандай қилиб тўхтатишмиз мумкин?
3. Бизларга Худо ҳақида таълим берадиган китоблар, подкастлар, блоглар ва бошқа воситалар – булар қимматбаҳо манбалардир. Сиз очилган билим ва бирор орқали етказилган билим орасидағи фарқни тушунганингизда, улар ҳақида тасаввурингиз ўзгарадими? Агар шундай бўлса, қандай тарзда?
4. Ёш бой йигит ҳақидағи ҳикоядан биз билиб оламизки, Худонинг яхшилик билан боғлиқлигини билиш ва Унинг яхшиликнинг манбаси эканини тан олиш орасида фарқ бор. Худо бизлар учун яхшиликлар манбаси эканига қандай қилиб ишонч ҳосил қилиш мумкин?
5. Муқаддас Ёзувнинг аниқлиги ва асллиги борасида қандай фикрдасиз? 2 Тимотий 3:16ни яна бир бора ўқиб чиқинг. Бу оят айтиётган гап ва сиз ишонадиган фикр орасида фарқ борми? Сиз бу ҳафтада билиб олган нарсалар нурида буларни муҳокама қилинг.

## ЎҚИШ

Раббий ҳаммага эзгудир...

— Санолар 144:9

Шайтон Ҳаввани Адан боғида қандай маккорлик билан алдагани ҳикояси фожеавийдир. Ҳавва бирор қимматбаҳо нарсасини йўқотиб, у учун аза тутаётган бўлмаса ҳам ёки золимларча муносадат оқибатини бошидан кечираётган бўлмаса ҳам, Худо ундан нимадир яхши нарсани тутиб турибди, деган ёлғонга ишонди. У тўлиқ фаровонликдан ва ҳар қуни Худо билан сұхбатлашишдан лаззатланиб мукаммал шароитда яшар эди.

Худони ҳамма эзгу ва яхши нарсаларнинг манбаи деб қабул қилиш учун, аввало Худонинг Ўзи яхши ва эзгу эканига қатъий ишониш керак. Адан боғида бу у қадар осон эмас эди. Бугунги кунларда Худонинг эзгулигига ишончни тебратишига қодир омиллар янада кўпроқдир.

Ҳаввадан фарқли равища, сиз ўз ҳаётингизда, албатта, умидсизликни ҳис қилгансиз, яқинларни йўқотишни, таҳқирланишини, ожизликни, етишмовчиликни ва оғрикни бошдан кечиргансиз. Уларнинг оқибатлари қандайдир вакт давомида: бизлар нимани исташимиз ва Худо бизлардан нима қилишимизни сўрайпти, шулар орасида келишмовчилик юзага келгунича сезилмай туриши мумкин. Васвасалар келиши билан бизлар ҳал қилмаган ҳар қандай шубҳалар бизнинг қулогимизга шипшишни бошлайди. Агар бизлар, “Худо бизлардан ниманидир бермасдан тутиб турибди”, деб ўйласак, бизлар “У айтганидек қилсак, ҳеч нима ола олмаймиз”, деб шубҳа қилишни бошлаймиз. Лекин Ҳикматлар китобида ёзилганини ёдда туting: “Инсонга тўғри туюладиган йўл бор, аммо унинг охири ўлим томон йўлдир” (Ҳик. 14:12). Нақадар яхши туюлмасин, Худонинг иродасилан ташқари бўлган ҳеч нима бизларни абадий ҳаётга, кувончга, қониқишига ва баракага олиб кела олмайди.

Кейинги ҳафта мобайнида, мен сизни Худонинг эзгулигига ишончинингизни рўйирост баҳолашга руҳлантираман. Муқаддас Рухдан сўранг, сизнинг ичингизда Ходога ишонишингизга ва Үнга

бўйсунишингизга халақит берадиган шубҳа ёки гумонсираш яшириниб олган эмасми? Сўнгра сизнинг аниқ вазиятингиз учун Худонинг ҳақиқатини очиб берадиган библиявий оятларни топинг ва уларни эълон қилинг. Онгингизни Худонинг Сўзи билан янгилаш учун бўйсунувчанлик билан Муқаддас Рухни таклиф қилинг. Унинг ҳақиқати сизга озодлик келтиради!

### Фикрлаши

“Раббийга миннатдорчилик билдиринглар, зеро У яхшидир! Унинг содиқ севгиси абадий туради!” (NLT, инг. тилидан таржима).

### Кўллаши

Йешуа Нун ўғли ва Истроил халқи ваъда қилинган ерга кираётганларида, улар Йордан дарёсини кечиб ўтишларига тўғри келди. Ўшанда ҳосил териб олиш фасли эди ва тўлиб-тошган дарёнинг суви кирғоқларидан чиқиб оқарди. Лекин Худо аралашди ва сув оқимини тўхтатди, токи бутун Истроил сув тубидаги қуруқлиқдан ўта олсин. Шундан сўнг Худо Йешуа Нун ўғлига, улар Йордандан ўтган жойнинг яқинида Худога тошлардан хайкал қўйишини айтди, токи Худо улар учун нима қилганини улар доимо ёдда тутишсин.

Кўпинча Худо қилган яхшиликни ёдга олишдан, ёмонликни ёдда саклаш осонроқдир. Шу ҳафтада ҳаётингиздаги Худонинг эзгулигининг ҳайкалларини қуришни бошланг. Кундалик дафтар сотиб олинг, телефонда ёзib олишни бошланг, овозли ёзувлар юритинг ёки Худонинг садоқатини кўрган катта ва кичик лаҳзаларни акс эттиришнинг бошқа йўлини ўйлаб топинг. Қийинчилликлар ва шубҳалар сизни Худонинг эзгу эканлигига ишончингиздан маҳрум қилишга ҳаракат қилганида, бу эсадалик лаҳзалар сизни қўллаб-қувватловчи, имонингизни илитувчи гувоҳликлар бўлади.

## 2-ҲАФТА

4-5-бобларни ўқинг

Бу ҳафтада 2-видеодарсни кўринг

### МУҲОКАМА ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Исо Масихнинг Раббий сифатидаги ўрни ва Нажоткор сифатидаги иши орасидаги фарқни муҳокама қилинг. Бу сиз илгари эшитган ёки ишонган таълимотга нақадар мос келади? Масихнинг ҳукмронлиги ҳақидаги библияйий таълимотга ихтилоф бўлмаслиги учун сизнинг фикрингизда ва юриш-туришингизда ниманидир ўзгартириш керакми?
2. Агар бизларнинг ҳаммамиз хозир бошқа давлатга, унинг ерида яшаш учун кўчиб ўтишимизга тўғри келганида эди, унинг конунлари ва стандартларига бўйсунишнимиз керак бўлган бўлар эди. Худо билан муносабатга шундай қарайсизми? Агар шундай бўлса, нима учун? Агар бундай бўлмаса, нима учун?
3. Тасаввур қилинг, сиз масихий бўлмоқчи бўлган одам билан сухбатлашайпсиз. Бугун олган билимларингиз асосида сиз унга нима деган бўлар эдингиз?
4. Марк хушхабари (8:34,35)ни ўқинг. Бизларга маълум бўлдики, ўзидан кечиши истаги, ўзини рад қилишни билдирамайди. Тушунтириб беринг, нима одамни Исо Масих сўзига биноан ҳаракат қилишнинг ўрнига ўзи истаган нарсага ёпишиб олишга мажбур қилиши мумкин?
5. Келинг, Матто (7:21)ни яна ўқиб чиқамиз. Исо Масих, ҳатто Унинг ортидан бормайдиганлар ҳам эга бўлиши мумкин бўлган тўртта яхши чизгиларнинг номини айтади: Унинг таълимотига ишониш, ҳиссий қўшилиб қолиш, Хушхабар воизлиги ва хизматга иштирок этиш. Бизлар биламизки, Худо бизларни кўркув ёки айблов ҳисси туфайли ҳаракат қилишга даръват этмайди. Нима деб ўйлайсиз, бу ваҳийга қандай жавоб муносиб жавоб бўлади?

## ҮҚИШ

Лекин бизлар Раббий Исо Масих  
яшайдиган осмоннинг фуқароларимиз.  
— Филиппиликларга 3:20 (NLT, инг. тилидан таржима)

Янги Аҳднинг тўлиқ баёнотига кўра, “Исо Раббий” сўзларида бутун масиҳийликнинг маъноси акс этади. Римликларга мактуб бўйича, одам Исо Масихни Раббим деб тан олган лаҳзадан масиҳийлик ҳаёти бошланади. Лекин бизларнинг кўпчилигимиз учун “Исо Раббий” деган сўз катта аҳамиятга эга эмас. Бу фақатгина бизлар куйладиган, ибодат киладиган жумла бўлиши мумкин. Лекин бизлар Исо Масихни Раббим деб аташ, Уни ўз ҳаётимизнинг энг улуғ Эгаси деб тан олишни билдиришини унутишга мойилмиз.

Бизлар имон билан яшаш ҳаётига киришимиздан олдин дунёнинг фуқаролари эдик. Бизлар ўзимиз учун Худонинг иродасини билмас ва изламас эдик, бунга сабаб ҳам йўқ эди. Лекин энди бизлар бу дунёнинг фуқароси эмасмиз. Бизлар Худо Шоҳлигининг – Осмон Шоҳлигининг фуқароларимиз. Бизларнинг ҳаётимиздаги ҳамма нарса шу Шоҳликнинг стандартларига бўйсундирилиши лозим ва унинг суверени –Раббий Исо Масихнинг табиатини акс эттириши керак.

Унинг табиати қанақа? Буни билиб олиш учун, келинг, Марк баён этган Хушхабарда берилган Исо Масихнинг Гетсемания боғидаги хикоясини кўриб чиқамиз (14:32-43). Бу воқеа Исо Масих со-тилиши ва римликларга хочга михлаш учун тутиб берилишидан олдин содир бўлган. 36-оятнинг охирига дикқат қилинг, у ерда, Исо Масих Ўзининг Отасига демоқда: “Лекин Мен истаганимдек эмас, Сен истаганингдек бўлсин”.

Хочдаги ўлим – бу қийин бўйсуниш ҳаракатидир, лекин ҳақиқат шундаки, осон бўйсуниш ҳаракатлари бўлмайди. Бизлар Исо Масихни Раббий сифатида эҳтиром қилишни бошлаганимизда, итоат-сизлик ҳатто арзимас туюлса ҳам ва бўйсуниш нокулай ва машхур қилмайдиган бўлса ҳам, бизлар Унинг иродасига бўйсунамиз. Бизлар ҳамма нарсада “Мен Сенинг иродангни истайман”, деймиз.

Сиз Исо Масиҳни шу шартлар билан қабул қилдингизми? Ёки сизнинг ҳаётингизда олдингидек нимадир борми? Балки бу сиз доимо содир этадиган ўша бир гуноҳдир ёки бу сиз доимо Худонинг насиҳатларидан устун қўядиган худбинона истакларингиздир? Айблов ёки уялишни ҳис қилиш шарт эмас. Лекин яшашнинг янги йўлини излаш пайти келди. Худога ибодатда мурожаат этинг ва Исо Масиҳни Раббий сифатида сидквиддан эҳтиром қилиш учун Муқаддас Рухдан ёрдам сўранг. Сиз Унинг хузурида ва Унинг Сўзида вакт ўтказганингизда, У сизга осмоннинг фуқароси сифатида яшашни ўргатади.

### **Фикрлаш**

“Ўзингизни тўлиқ ва чин юракдан... Худонинг ҳаёт йўллари учун тақдим этинг” (Рим. 6:13, The Message, инг. тилидан таржима).

### **Кўллаш**

Бизлар конунчилик ва уялишга берилмасдан, бўйсунишда яшашимиз учун Худо қандай куч беришини кейинроқ муҳокама қиласиз. Лекин бу ҳафтада мен сизларни ўзингизга астойдил қуидаги саволни беришингизга руҳлантираман: “Мен Исо Масиҳнинг ҳукмронлигига тўлиқ бўйсундимми?”

Бизларнинг ҳаммамиз нималардадир хато қиласиз. Мен сизга сиз яхши кўрадиган ва сиз ишонадиган, сизга ишонадиган ва сизга энг зўр эзгуликларни истайдиган кишини – хотинингиз (эрингиз), яқин дўстингиз ёки етакчингизни топишни маслаҳат бераман. Сиз бу ҳафтада ҳукмронлик принциплари ҳақида нималарни билиб олганингизни айтиб беринг ва улардан нима деб ўйлашлари ҳақида сўранг. Улар сизнинг ҳаётингизда сиз пайқамган тўлиқ бўйсунмаган соҳаларни кўраяптиларми?

Агар улар фикрлари билан ўртоқлашмоқчи бўлишса, кенг очиқ қулоқлар ва юрак билан диққат қилиб тингланг. Сўнгра Худога ибодатда ўз жавобингизни келтиринг. Сиз эшитган нарсаларда ҳақиқатни очишини Ундан сўранг. Бўйсуниш – бу ёлғонга қарши кучли куролдир, мазкур оддий машғулот сизни улкан ўзгаришга олиб келиши мумкин!

## З-ҲАФТА

6-7-бобларни ўқинг

Бу ҳафтада З-видеодарсни кўринг

### МУХОКАМА ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ҳар қанақа яхши мақсад, агар у бизнинг Худони билиш ва эҳтиром қилиш истагимизни сиқиб чиқарса, хавфли бўлиб қолади. Кейинги мақсадларни муҳокама қилинг. Улар нимаси билан яхши? Ва аксинча, агар бизлар уларни ҳаётимизнинг асосий мақсади қилсак, улар қандай қилиб бизни ҳақиқий йўлдан олиб кетиши мумкин?
  - Моддий ҳимояланганлик.
  - Машхурлик.
  - Нуфузлилик.
  - Сахийлик.
  - Инсонпарварликдаги муваффақиятлар.
  - Маҳсулдор хизмат
2. Тасавур қилинг, Худо Иероилни ваъда қилинган ерга Ўзининг хузурисиз юборишни таклиф қилганида, сиз Мусо билан бирга эдингиз. Нима деб ўйлайсиз, Мусо қабул қилган қарорни сиз қабул қилишингиз учун ўша лаҳзада нима сизга ёрдам бера олиши мумкин эди?
3. Одамнинг Худо билан муносабатлари Худонинг Ўзи қандайлигидан, Худо нима бера олишига кўпроқ йўналганининг белгилари қанақа? Агар бу белгилар сизнинг Худо билан муносабатларингизда намоён бўлаётган бўлса, буни қандай тўғирлаш мумкин?
4. Дунёнинг дўсти бўлиб қолмаган холда дунёга эришишда маҳсулдор бўлиш дегани нима дегани эканлиги ҳақида ўз дунёқарашингиз билан ўртоқлашинг.
5. Қонунчилик – бу дунёвий ҳаёт тарзининг бир шаклидан бошқа нарса эмас. Нима деб ўйлайсиз, диндорликка берилмасдан Худо билан дўстлигимизни сақлаб қолиш мумкинми?

## ЎҚИШ

...Сенинг ҳузурингда қувончлар тўлиқлиги...

— Санолар 15:11 (ESV, инг. тилидан таржима)

Имоннинг улкан синовларидан бири – бу мутлақ оддий иш туяладиган нарса: осон йўлдир.

Мусо сахрода бўлганида, унда енгил йўлни танлаш имконияти бор эди. У Мисрдан Синай тоғига доимо шикоят ва исён қиласидан халқ билан борар эди, ваъда қилинган ерга кириш имконияти у учун жуда мафтункор туюлиши керак эди. Лекин Мусо бу ваъдага Худонинг ҳузурини йўқотиш шарти билан кира олармиди?

Минглаб йиллар ўтгач, Исо Масих ҳам енгил йўлни танлаш имкониятига дуч келди. У ўзининг халқ олдидаги хизматини бошлиши керак бўлганида, шайтон Унга васвасаларни четлаб ўтиш, қийинчиликларни сакраб ўтиш ва халқлар устидан ҳокимиятни бирданига қўлга киритиш имкониятини берди. Исо Масих фақатгина унга сажда қилиши керак эди. Худо азоблар билан тайёрлаб қўйган нарсани Исо Масих осонлик билан олишни истаган бўлармиди?

Шайтон бу усулни Худонинг Ўғлида қўллаб кўргани шуни билдирадики, бу нақадар маҳсулдор бўлиши мумкинлигини у билади.

Биз бу воқеага кейинроқ яна бир бор назар ташлаймиз. Асосийси, Исо Масих шайтоннинг аврашларига муваффакият билан қарши турган ягона шахс эмас эди. Мусо иккала вариантни тарозига солиб кўрди: Худо билан сахрода қолиши ёки Худосиз ваъда қилинган ерга киришми? Сўнг сахрони танлади. Нима учун? Агар Худосиз борса, нимани қўлдан чиқаришини у билар эди.

Мен истайманки, сиз қуидаги саволга бор юрагингиз билан “ха” деб жавоб бера олинг: “Худонинг ҳузури сиз учун энг улуғ мақсадми?” Аммо сизнинг жавобингиз шунчаки ақлий машқ бўл маслиги учун, сиз олдин бошқа саволга жавоб бера олишингиз керак: “Худонинг ҳузурида бўлиш нима дегани эканини биласизми?”

Менинг дўстим, мен истайманки, сиз Худонинг ҳузурини Мусо каби севиб қолинг. Мен истайманки, сиз у билан шу қадар яқинликка ташна бўлингки, сизнинг ҳеч қанақа осон йўллар ҳақида ўй-

лагингиз хам келмасин. Бундай эҳтирос фақаттана сиз Худонинг хузурини ўзингизда ҳис қилганингиздагина келади.

Ёкуб дейди: “Худога яқинлашинглар ва У сизларга яқинлашади” (4:8). Яқинлашиш – ибодат учун, сажда қилиш учун ва Худонинг Сўзини ўқиш учун вакт ажратишидир. Фақаттана булар бажарилиши керак бўлган вазифалар сифатида эмас, балки Шахс билан муносабатларга ташалик боисидан қилиниши лозим. Ҳозир Худони излашингиз сизга келажакдаги барча чорраҳаларда тўғри қарор қилишингизга ёрдам беради.

### Фикрлаш

“Агар Мени чин юракдан изласанглар, Мени топасизлар” (Йер. 29:13, NLT, инг. тилидан таржима).

### Кўллаш

Ҳар қанақа муносабатларда, иккала томоннинг бир-бирларига таклиф қиласидиган нарсалари бор, масалан: далда бериш, маслаҳат бериш ва амалий қўллаб-кувватлаш. Лекин соғлом муносабатлар – бизлар факт олишни истаган жой эмас, соғлом муносабатлар – одам кадри ҳамма нарсадан устун бўлган жойдир. Баъзан бизлар Худо билан муносабатларда буни унутиб қўямиз. Худо бизларга керак бўлган ҳамма нарсанинг манбаи бўлганинги туфайли, бизлар Ундан сўраш ибодатларига шу қадар берилиб кетишимиз мумкин, Унинг Ўзини чуқур билишни унутиб қўйишимиз мумкин.

Худо Унинг олдига илтимосларимиз билан келишимизни истайди! Лекин сиз Унинг хузурини хаётингиздаги энг муҳим мақсад қилишга жиддий қарор қилган бўлсангиз, шу ҳафта Худо билан ўтказадиган вақтингизда диққатингизни факт Унинг Ўзига қаратишга ҳаракат қилинг. Унинг хулқ-автори ҳақида фикр юритинг. Унга нима қувонч бағишлишини билиб олинг. Ёзувдаги бирор ҳикояни топинг ва унда Худо ҳақида сизга нима очилаётганини ўйланг. Мен ибодат қиламанки, бу вақтда сиз ўз Яратувчингизни янада қаттикроқ севишга сизни ундашга қодир бўлган ниманидир қўлга киритинг.

## 4-ҲАФТА

8-9-бобларни ўқинг

Бу ҳафтада 4-видеодарсни кўринг

### МУҲОКАМА ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Баъзи одамлар уларнинг онглари Худони чуқурроқ билишга интилоқда, деб ўйлайдилар, лекин вақти келиб, нимадир бошқа нарсага чалғиганларини улар билиб қоладилар. Одамнинг онги айнан нимага йўналганини одам қандай фарқласа бўлади?
2. Кўплаб замонавий маданиятларда одамлар ташки қиёфалари билан ва юриш-туришлари билан юлдузларга ва машхур одамларга ўхшашга ҳаракат қилиб ёки ҳатто уларни билмасалар ҳам, уларга якин бўлишга ҳаракат қилиб чегарадан чиқиб кетадилар. Аксинча, Худо Уни изловчилар Уни топишларини ваъда қилган. Нима деб ўйлайсиз, нима учун одамлар, Худони яхшироқ билишларига ёрдам беришга қодир бўлган ҳаёт тарзларидағи ўзгаришларга кўпинча қаршилик қиласидилар, шу билан бирга, улар бошқа одамни яқиндан билиш учун жиддий ўзгаришларга боришга тайёрлар?
3. Сиз шунчаки яхши мухит яратишга ҳаракат қилмаёттанингиз, балки Худонинг хузурини излаёттанингизга ишонч хосил қилиш учун, буни қайси усуслар билан текшириб кўриш мумкин? Шахсий ибодат учун ҳам, умумий йиғинлардаги ибодат учун ҳам ғоя таклиф қилинг.
4. Муқаддасликни муносабатлар контекстида муҳокама қилиш муҳимдир, чунки муқаддасликнинг асосий маъноси – Худони чукур билишдир. Машқ сифатида Чиқиш китобида берилган ўнта амрни муносабатлар нуқтаи назаридан кўриб чиқишига ҳаракат қилинг (20:1-7). Бу амрларнинг ҳар бири Худо ҳақида нима дейди?
5. Балки муқаддаслик ҳақида Худонинг нуқтаи назаридан ўйлашга ҳаракат қилиш осон бўлмас, лекин шунга қарамасдан, ўз томонингиздан кўлингиздан келган ҳамма ишни қилинг! Энди, Худонинг қандайлигини ва У бизлар учун нималарни исташини билганимиздан сўнг, нима деб ўйлайсиз, нима учун Унинг болалари ўз ҳолатларида ва юриш-туришларида муқаддас бўлишлари шу қадар муҳим?

## ҮҚИШ

...энди сизлар мұқаддасликка олиб  
боруучи ишларни қилмоқдасизлар...  
— Римликларга 6:22 (NLT, инг. тилидан таржима).

Мұқаддаслик мавзуини таҳлил қилиш учун бизнинг ўкув курсимизда мен шу лаҳзани күтган әдим, чунки мен сизларнинг назорат қилиш, айбдорлик ҳисси ёки одамлар ўйлаб чиқарған стандартларга алоқадорлик ҳақида гап бормаётганини тушунганингизга ишонч ҳосил құлмоқчиман. Асосийси – муносабатлардир.

Тасаввур қилайлық, сизнинг ойлангизда сиз қаттық севадиган одам бор. Лекин у доимо сизга ҳұрматсизлик, күпоплық қиласы ва сиз унга ишона олмайсиз. Сиз бу одамни яхши күришингизга қарамасдан, мен пайқаяпманки, уннинг құзуридан лаззатланиш сизге қийин. Агар у ўзгаришта тайёр бўлмаса, унда муносабатларингизга соғлом чегара қўйишингизга тўғри келади. Балки сиз ўзингизни уни ҳар куни кўриш мажбуриятидан кутқаришга қарор қилган бўлар эдингиз.

Бизлар ўтган ҳафта муҳокама килганимиздек, Худо – бу бизлар құзуруни излаётган Шахсадир. Лекин Худо яна мутлақ мұқаддасдир. Балки ўзини ёмон тутадиган одамнинг ёнида туриш бизларга қийин ва оғрикли бўлар, лекин мұқаддас бўлмаган ҳолда Худонинг құзурида туришнинг умуман иложи йўқ. Мана нима учун мұқаддаслик шу қадар катта аҳамиятга эга!

Ибронийларга мактубни яна бир бора ўқиб чиқинг (12:14): "... мұқаддасликнинг пайида бўлинглар, чунки мұқаддасликсиз ҳеч ким Раббийни қўра олмайди". "Пайида бўлинглар" деб таржима қилинган сўз асл матнда: "ниманидир ҳар томонлама тиришиш ва маълум мақсад ёки вазифа билан қилиш" деган маънени билдиради. Бу маънининг икки томонига эътибор беринг: ҳар томонлама тиришиш ва маълум мақсад. Бизнинг мақсадимиз, аллақачон айтиб ўтилганидек, Худонинг құзурида бўлишидир. Шунинг учун келинг, мұқаддас ҳаёт кечиришга интилиш ҳаракатларига диққатимизни қаратамиз.

Муқаддасликнинг қонунчилик ва ўлиқ диний қоидаларга ҳеч қанақа алоқаси йўқ. Шунинг учун муқаддасликка интилиш бизларнинг ҳар биримиздан икки нарсани талааб қиласди:

- 1. Худонинг Сўзининг шогирди бўлиш.** Одам онги ва жамият яхши деб атайдиган, лекин Худо яхши демайдиган жуда кўп нарсалар бор. Худди шу тарзда, рухий қўринадиган баъзи чеклашлар Муқаддас Ёзувда йўқдир, улар маданият ва жамият томонидан киритилган. Муқаддас Ёзув – мана бизнинг стандартимиз. Муқаддас ҳаётни Худо қандай таърифлашини тушунишимиз учун бизлар унга шўнғишимиз керак.
- 2. Худонинг Рухига диққатли бўлиш.** Худо ҳеч қачон сизни Унинг сўзига қарши чиқадиган ишларни қилишга йўналтирамайди. Лекин У сизни барча одамлардан кўра яхшироқ билади. Сиз айникса васвасага мойил бўлган соҳаларни У билади ва У сиздан нимани истайди ҳамда нимани истамайди, шу́лар ҳакида У сизга аниқ йўналиш бериши мумкин.

Сиз бу икки манбадан оладиган насиҳатлар сизни йўлда асрайди!

### Фикрлари

“Келинглар, бизларга югуришимизга ҳалакит берадиган хамма нарсани, айникса, бизларни ўз тўрига осон ўрайдиган гуноҳни ўзимиздан улоктириб ташлайлик ва бардош билан бизларга Худо белгилаган масофани босиб ўтайлик...” (Ибр. 12:1, NLT, инг. тилидан таржима).

### Қўллари

Повул Коринф жамоатига: “Мен Масихга тақлид қилганимдай, сизлар ҳам менга тақлид қилинглар”, –деди. Сизнинг ҳаётингизда аниқ Худонинг Сўзини биладиган ва Унинг Рухига қулоқ тутадиган одам борми? Уни шу ҳафта сиз билан сұхбатлашишга тақлиф қилинг. Ундан Худо билан шахсий муносабатлари ҳакида, Худонинг Сўзини тушунишда ва Унинг овозини танишда қандай ўсаётгани ҳакида сўзлаб беришини сўранг. Бу ваҳийларни у кўплаб йиллар давомида ийққан бўлиши керак, шунинг учун унга диққат билан қулоқ тутинг!

## 5-ҲАФТА

10-12-бобларни ўқинг

*Бу ҳафтада 5-видеодарсни кўринг*

### МУХОКАМА ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Муқаддас Ёзувга кўра, Худонинг жамоатининг асосий чизгиси – муқаддасликдир. Сиз бу саволларга етиб келгунча, Худонинг асосий фазилати нима деб ўйлар эдингиз? Жамоатнинг-чи? Сиз бу ҳафтада олган билимлар сизнинг эътиқодингизни барбод қиласяптими ёки сизни янги ваҳийларга руҳлантирайптими?
2. Иноят хабарининг қисман тури иноятни, бизларнинг хатоларимизни шунчаки копловчи даражагача тушириб қўяди. Янги Аҳдга биноан иноят гуноҳларимизни ҳам кечиради, бизлар муқаддасликда юришимиз учун бизларга куч ҳам беради. Баъзиларга биринчи хабар енгилроқдек туюлиши мумкин. Янги Аҳднинг иноят ҳақидаги хабари нима учун яхшироқ эканини тушунтириб беринг.
3. Ҳикматлар 27:бни ўқинг. Бу оятни, бизлар учун ҳеч нимани салбий натижага олиб келадиган маънода воизлик қилмаслик ва ўргатмаслик маъқул деган ғояси асосида мухокама қилинг.
4. Агар хабар мафтункор жарангласа, у бизлар учун исталган дегани эмас. Аслида, ҳақиқат билан учрашиш кўпинча оғриқ ва нокулайлик туғдиради, лекин улар узоқ вақтли озодлик ва ўзгариш олиб келади. Ўз тажрибангиздан сиз учун фойдали бўлган, лекин сиз истамаган нарса ҳақида мисол келтириб, айтиб беринг. Бизлар Худонинг Сўзига шўнғишимиз кераклиги нурида сизнинг мисолингиз нимани кўрсатади?
5. Одамлар дунёни ўзгартериш лозимлиги ҳақида гапиргандарида, улар кўпинча қонунлар соҳасида ва ижтимоий соҳада ўзгаришларни тасаввур қилишади. Жамиятда ўзгаришлар бўлишига руҳлантириш учун нима шахсий муқаддасликни қудратли кучга айлантиради?

## ЎҚИШ

Худо сенга Исо Масихда бераётган  
иноятда кучли бўлгин.  
— 2 Тимотийга 2:1 (NLT, инг. тилидан таржима)

Бизлар бугунги кунларда эшитайтган иноят ҳақидаги хабар орасида катта фарқ бор. Уни оддий савол воситасида кўрсатиш мумкин: сиз ўзингизни яхши ҳис қилишни истайсизми ёки яхши бўлишни истайсизми? (Яхши бўлиш деганда, мен Худонинг кишиси бўлишни назардада тутаяпман).

Бу бизлар иноятнинг Янги Аҳдаги хабарини қабул қилганимизда бечораларча ҳаётни танлаган бўламиз, дегани эмас. Аксинча, Исо Масих одамлар орасидаги Ўз вазифасини шундай таърифлаган: Мен бой ва тўкинликка тўла ҳаёт бергани келдим” (Юх. 10:10, NLT, инг. тилидан таржима). Исо Масихда бизлар доимо абадий қувончни тоғамиз. Фақатгина бу учун бизнинг устунликларимиз(бизлар учун муҳим бўлган нарсалар) самодаги устунликларни аниқ тақрорлаши керак. Худо ҳеч қаҷон бизнинг қулагилгимизни бизнинг яхшилигимиздан устун қўймайди. Бизлар ҳам шундай қиласизми?

Ахир иноятнинг қайси хабарига ишонишга бизлар ўзимиз қарор қиласиз. Ёзувни ўқиши ва фақатгина бизларнинг дунёқарашимизга тўғри келадиган нарсаларни қабул қилиш мумкин. Бизларга нокулай бўлган воизликларни рад қилиб, фақатгина қулагимизга ёқадиган гапларни гапирадиган воизларни тинглашимиз мумкин. Икки нафар шифокорни эшитган одам каби, бизлар ҳам баъзан ўзимизга ёқкан ташхис билан яшашни маъқул қўрамиз.

Агар бизлар бу йўлни танласак, биз ўзимизни яхши ҳис қиласиз! Лекин келинг, Исо Масихнинг таниқли сўзларини қайтарамиз: “Зоро агар одам бутун дунёни қўлга киритса-ю, аммо ўзининг жонини йўқотса, бундан унга нима фойда?” (Мк. 8:36). Шундай қилиб, ўз саволимизга қайтамиз: сиз ўзингизни яхши ҳис қилишни истайсизми ёки яхши бўлишни истайсизми?

Мен умид қиласманки, иноятнинг куч эканлиги ҳақидаги хабар, бу мўъжизавий ажойиб хабар эканини тушуна бошлайпсиз. Агар

бизлар иноят фақатгина хатоларимизни қоплайди, деб ишонсак, биз ўз ҳаётимизда түхтаб қоламиз, бизларни тепаётган гунохга асир бўламиз ва ёлғон ҳамда кўркув исканжасида бўламиз. Лекин бизларга куч берувчи иноятни кўлга киритиб, бизлар қўпроқ Исо Масиҳ каби эркин, дадил, эҳтиросли, кучли ва баракали яшашга кодирмиз. Худонинг инояти – бу бизларни пастга тортадиган юк эмас. Ҳаворий Юҳанно айтганидек:

“Худони севиши – Унинг амрларига риоя қилиш демакдир. Унинг амрлари эса оғир эмас, чунки Худодан туғилган ҳар кимса дунёни енгади. Дунёни енгадиган ғалаба эса бизнинг имонимиздир (1 Юх. 5:3,4).

Агар Худо хақиқатан ҳам эзгу бўлса ва ҳақиқатан ҳам бизларга энг аъло нарсаларни истаса, бизлар ҳайрон қолишимиз керак эмас, Унинг амрлари – бизлар учун энг аъло йўлдир! Бизларнинг ичимида ҳаракат килаётган Унинг инояти кучи шарофати билан Унинг амрлари оғир эмаслигини кўрамиз. Бу ажойиб!

### **Фикрлаши**

“...Менинг иноятим сен учун етарлидир, чунки Менинг қудратим заифликда камолга етади” (2 Кор. 12:9).

### **Кўллаши**

Худонинг йўлини танлаш учун осон ва қулайроқ туюладиган йўлни қолдиришга тайёрмисиз? Агар шундай бўлса, Худога ибодатда айтинг:

*Ота, куч берадиган иноятинг учун Сендан миннатдорман. Мен уни нафақат гуноҳларнинг кечирилиши сифатида, балки мен ўз кучим билан ҳеч қачон қила олмайдиган ишларни у орқали қила оладиган куч сифатида қабул қиласман. Мен Сенинг яхши эканингга ишонаман. Шунинг учун мен биламан, Сенинг ҳар бир амринг менга яхшиликка хизмат қиласди. Худо, мен Сенга шараф келтирмоқчиман! Мени ўзгартирип, мени Ўзиннга қўпроқ ўхшаши қиласин. Исо Масиҳ номи билан. Омин.*

## 6-ҲАФТА

13-16-бобларни ўқинг

*Бу ҳафтада 6-видеодарсни кўринг*

### МУҲОКАМА ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Нима одамларни Худодан У қила оладиганидан камроғини кутишга мажбур қиласди? Агар сиз шундай нарсани бошингиздан кечирган бўлсангиз, бу ҳолатни қандай енгансиз?
2. Миллиардер ва уч тадбиркор ҳақидаги ҳикоя устидан фикр юритинг. Нима деб ўйлайсиз, нима учун учинчи қизнинг мақсади бошқа иштирокчиларнинг мақсадидан қўра каттароқ эди? Унинг ўтмишга ва келажакка муносабати қанақа бўлганини тасаввур қилинг. Унинг ҳомий билан учрашувга қандай тайёрланганининг манзарасини хаёлан чизинг. Сизнинг ҳаётингиздаги Худонинг режаларидан баракаларни кутиш даражангизни кўтариш учун нима қила оласиз?
3. Мазкур курсдан олган маълумотларингиз асосида тушунтириб беринг, ерлик фикр юритадиган одамнинг ва Худонинг етук фарзандининг яхши ва ёмонни фарқлашга муносабати накадар ҳар хил бўлади? Масихий яхши фарқлай олишига қандай маҳсус воситалар ва чизмалар ёрдам беради?
4. Худонинг қўркуви бизларнинг қийинчиликларни енгиш йўлимизни қандай ўзгариради? Босим ошганида, Худонинг қўркувига эга одамлар нима қиласдилар ва дейдилар? Улар нима қилмайдилар?
5. Бу курснинг хотимасида, ҳар бир киши учун алоҳида ва бутун гурух учун умумий хуносалар чиқаринг. Бундан бўён кундалик ҳаётингизда қандай принциплар, дарслар ва қадриятларни қўллайсиз? Бу қандай кўринади? Сизнинг қадамларингиз амалий ва аниқ бўлсин, токи сиз дадиллик билан олға интила олинг!

## ҮҚИШ

Бўйсуниш ва Худонинг қўрқуви ортидан бойлик,  
шухрат ва тўкинлиқдаги ҳаёт келади.

— Ҳикматлар 22:4 (The Message, инг. тилидан таржима)

Мазкур курс давомида, бизлар бир неча жиддий соҳаларни қўриб чиқдик. Ҳукмронлик, муқаддаслик ва иноятнинг ҳақиқий табиати – булар ўшаларнинг баъзиларирид. Сиз ўз дунёкарашингиз ва хаётингиз борасида қийин саволларга жавоб бердингиз. Энди мен сизнинг диккатингизни сиз қандай яшашингиз мумкинлигига қаратмоқчиман.

The Message таржимасида Эфесликларга мактубда нима деб ёзилганига ёътибор беринг:

“Сизлар биласизки, Худо сизлар тасаввур қила олганингиздан, ўйлаганингиздан ёки энг дадил орзуларингда истаган нарсаларингиздан анча кўпроқ қила олади! У сизни турли томонларрга итармасдан, балки Муқаддас Рухи билан бизнинг ичимиизда чукур ва юмшоқ ишлаб буни амалга оширади” (3:20).

Худо бизларни Ўзига қайтариш учун ҳеч нимани аямади. У бизлар учун Ўғлининг ҳаёти билан нарх тўлаб, бизларни энг қиммат-баҳо нарҳда сотиб олди. Энди У бирдан хасис бўлиб қолади, деб ўйлашга бизларда ҳеч қанақа асос йўқ.

Бизлар Худода бор бўлган энг яхши нарсаларга эга бўлиши-миз учун керакли бўлган ҳамма нарсани: Унинг Сўзи ҳақиқатини, Унинг Рухи бошқарувини ҳамда Унинг инояти кучини У бизларга берди. Шунга қарамасдан, Ёзувнинг юқорида келтирилган лавҳасида ёзилганидек, Худо Унинг режасига киришга бизларни мажбур қилмайди. Энг дадил орзуларимиздан ҳам буюк бўлган ҳаётни бизлар ўзимизга очишимиз учун У бизларни имон, фарқлаш ва бўйсунишни кўллашга таклиф қилмоқда.

Нима сизни тутиб турибди? Сизнинг тасаввурингизни нима чекламоқда? Сизга чексиз манбалар сўраш рухсат берилганида, нима сизни кичик миқдордагини сўрашга мажбур қилмоқда?

Худо билан бирга орзу қилиш вақти келди. Нима соҳада сиз жуда кам кутасиз ва жуда тор ишонасиз? Қайси ваъдалар сизни чў-

читади? Нима учун? Худонинг эзгулиги сизни руҳлантирсин. Сиз зўрға ишонишга қодир бўлган нарсаларни сўрашни бошланг. У бизларга янада аълосини беришни ваъда қилган!

### **Фикрлаши**

Лекин ёзилганидек бўлди: “Худо Уни севганларга кўз кўрмаган, кулоқ эшитмаган, инсон юрагига ҳам келмаган нарсаларни тайёрлаб кўйган” (1 Кор. 2:9).


### **Кўллаши**

Бизлар орзулар ва чекланишлар ҳақида сухбатлашдик, энди келинг, аниқ ишга ўтайлик. Ҳар ҳафтада маълум вақтни чуқур орзуларга бағишиланг. Бошида, дафтар варагини ёки электрон мосламани олинг ва ҳаёtingизнинг асосий соҳаларини қайд этинг. Балки сизнинг рўйхатингизга қуидаги рўйхатдагидек соҳалар кирап:

- Худо билан муносабатлар;
- Одамлар билан муносабатлар;
- Никоҳ ва оила(ҳозирги ёки бўлғуси);
- Маблағ;
- Иш соҳасида мувваффакият ва кўтарилиш;
- Маҳаллий жамоат ва хизмат;
- Аниқ инъомлар ва эҳтирос.


Ҳар бирининг остида мазкур соҳадаги орзуларингизни ёзинг. Сизнинг юрагингиз ва онгингиз тубидаги ҳаёт ҳақида ўйлаш тарзингиз шунақа бўлиши лозим. Сиз Худо билан муносабатларингиздан аслида нимани кутасиз? Ўзингизнинг маблағ соҳангизда қанақа яхши келажакни кўрмоқдасиз? Оилангиз учун-чи?

Энди ибодатда рўйхатга қайting. Муқаддас Руҳдан Унинг назарни ва ваъдаларини очишини сўранг. Кўркув қайси соҳада сизнинг кўзингизни тўсмоқда? Ўтмиш яралар ва умидсизликлар сизнинг тасаввурингизни нақадар чеклаганлар? Сизнинг назарингизда Худо учун аҳамияти йўқ бўлган нарсаларда Худо нима демоқда? Ёнда тутинг, сизнинг мақсадингиз сизнинг қобилиятингизни белгилайди. Худо сизнинг ҳаёtingиздан чеклашларни олиб ташламоқда. Сиз ҳам шундай қилишингиз вақти келди!



## Никоҳ тарихи

Биз бу буюк севгининг тарихи билан алоқани кандай қилиб йўқотиб қўйдик? "Никоҳ тарихи" китобида Жон ва Лиза Бивер сизни Худонинг илк режасини ўзингиз учун яна қашф этишга таклиф қиласидилар. Сиз турмушга чиққанмисиз ёки уйланганмисиз, турмушга чиқмаганмисиз ёки уйланмаганмисиз, сизнинг тарихингиз – Унинг тарихининг бир қисмидир.



## Муқаддас Рух

Афсуски, Муқаддас Рухни кўпинча нотўғри тушунишади ва шу билан, кўплаб одамларни Унинг Кимлиги ва У бизга Ўзини кандай намоён қилиши ҳақидаги билимларсиз қолдирадилар. Муқаддас Рух, кўпинча, нимадир "ғалати" нарса сифатида тасвирланади. Бирок Муқаддас Китоб аниқ қилиб айтмоқдаки, Муқаддас Рух – бу нимадир эмас. У Кимдир, У Шахс ва бизни ҳеч қачон тарк этмасликни ваъда берган. Мазкур интерактив китобда Жон Бивер Сизни жамоатдаги энг эътиборсиз қолдириладиган ва тушунарсиз Шахс – Муқаддас Рухни шахсан қашф қилишга таклиф қиласиди.

Мазкур ажойиб муқаддимани ўтказиб юборманг.

Интерактив китоб қуидагиларни ўз ичига олади:

- кундалик ўқиш;
- гурух бўлиб мухокама қилиш учун саволлар;
- Муқаддас Рух ҳақидаги баъзи бир кийин саволларга жавобларни ўз ичига олган бонус боб.

Жон ва Лиза Бивернинг шу ва бошқа манбаларини ўзбек тилида  
қуидаги сайтдан юклаб олишингиз мумкин:

[www.CloudLibrary.org](http://www.CloudLibrary.org)



Кўпроқ истайсизми?  
Сканер қилинг

## АГАР БУ ЯХШИ БҮЛСА У ХУДОДАН БҮЛИШИ КЕРАК, ШУНДАЙМИ?

Бизларнинг кунимизда «яхши» ва «Худо» сўзи синоним ҳисобланади. Бизлар агар бирор нарса умуман яхши ҳисобланса, бу Худонинг иродасига тўғри келади, деб ўйлаймиз. Сахийлик, бўйсунувчанлик, адолат – бу яхши. Худбинник, манманлик, шафқатсизлик – бу ёмон. Уларни фарқлаш осондек туюлади.

Лекин наҳотки ҳаммаси шу қадар осон? Агар яхшилик шу қадар аниқ бўлса, нима учун Муқаддас Ёзув уни ажрата олишимиз учун фарқлаш кераклигини айтади?

“Яхшилик ёки Худо?” – бу ўз муаммоларини қандай ҳал қилиш мумкинлиги хақидаги навбатдаги китоб эмас. Бу китоб сиздан феълатворингизни ўзгартиришни сўрашдан кўра кўпроқ иш қиласи. У сизнинг ҳаётингизнинг ҳар бир соҳасини ўзгартирадиган даражада Худо билан бирга юриш учун сизга куч беради.

## ҲАФТАЛИК ЎҚИШ ВА ОЛТИ ҲАФТАГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН

ЖОН БИВЕР ва унинг хотини Лиза – Messenger International хизматининг асосчилари. Хизматчи ва оммабоп китоблар муаллифи Жон ўзгармас ҳақиқат ҳақида дадиллик ва иштиёқ билан воизлиқ қиласи. Унинг юраги маҳаллий жамоатни қўллаб-кувватлаш ва туриш жойлари, тиллари, моддий ҳолатларидан қатъий назар етакчиларга манбалар совға қилиш истаги билан ёнади.Хозирги вақтда унинг китоблари дунёнинг 90дан ортиқ тилигатаржима қилинган ва дунё бўйлаб чўпонлар ва етакчилар орасига миллионлаб нусхалари тарқатилган. Жон уйида Лизани биргалиқда бир партия голф ўйнашга илҳомлантиришга ҳаракат қиласи ва ўзининг тўрт нафар ўғиллари, келини ва набиралари билан вақт ўтказади.

Мана шу ва бошқа манбаларни қўйидаги  
сайтдан юклаб олишингиз мумкин:  
[www.CloudLibrary.org](http://www.CloudLibrary.org)

Бу китоб – муаллифдан совғадир.  
Сотиш мумкин эмас.



**MESSENGER**  
INTERNATIONAL  
[MessengerInternational.org](http://MessengerInternational.org)



Купористикозим?  
Сканер үзунинг